

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси

**И.С. Тухлиев, Р.Ҳайитбоев,
Н.Э.Ибодуллаев, Р.С.Амриддинова**

***«ТУРИЗМ АСОСЛАРИ»
фанидан ўқув қўлланма***

**Ўқув қўлланма Давлат гранти ОТ-7Ф-130 «Туризм хизматлар бозорининг
ижтимоий-иқтисодий механизмини модернизациялаш» номли
фундаментал лойиҳанинг иш режаси асосида қайта ишланган ва
тўлдирилган, учинчи нашри.**

САМАРҚАНД – 2010

И.С. Тухлиев, Р.Ҳайитбоев, Н.Э.Ибодуллаев, Р.С.Амриддинова

Туризм асослари: Ўқув қўлланма – С.: СамИСИ, 2010- 247 б.

Ўқув қўлланмада туризмга оид фанларни ўқитишда ва амалиётда зарур бўлган тушунча ва атамалар ҳамда туризмнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ижтимоий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек ўқув қўлланмада туризм хизматларининг таснифланиши, турлари, туризм индустрияси ва ресурслари, туризм хизматлари ва маҳсулотлари ҳамда Ўзбекистонда туризм тўғрисидаги Давлат сиёсати, халқаро туризмнинг ривожланиши ва туризм соҳасини режалаштириш каби мураккаб мавзулар равоқ тилда ифодааланган.

Ўқув қўлланма Институт ўқув-услугий кенгашда тасдиқланган бўлиб, олий ўқув юртларининг туризм операторлик хизматини ташкиллаштириш, туризм менежменти, маркетинги, ва туризм сервис соҳаси йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга ва магистр, аспирантларга мўлжалланган. Ундан туризм касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ва туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ҳам фойдаланиши мумкин.

Тақризчилар: и.ф.д., профессор М.Қ. Пардаев
и.ф.н., доцент О.Х. Хамидов

Компьютерда саҳифаловчи Абдуназарова Н.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2010 йил.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	7
I. БОБ. «Туризм асослари» курсининг мақсад ва вазифалари.....	8
1.1. «Туризм асослари» курсининг мақсад ва вазифалари....	8
1.2. Ўзбекистонда туризмнинг моҳияти.....	9
1.3. Курснинг бошқа билимлар тизимида тутган ўрни.....	16
II. БОБ Саёҳат ва саёҳатчи, турист ҳақидаги тушунчалар.....	22
2.1. Илк саёҳатчилар ва саёҳатлар тарихи.....	22
2.2. Марказий Осиё минтақаси саёҳатчилари	24
2.3. Туризм тушунчаси ва унинг шаклланиш тарихи.....	26
2.4. Саёҳатларнинг моддий таъминлаш жиҳатлари.....	28
III. БОБ Туризм хизматларининг таснифланиши ва хусусиятлари	32
3.1. Туризм соҳасининг таснифланиши.....	32
3.2. Туристлик хизматларнинг хусусиятлари.....	38
3.3. Туристлик хизматларнинг «Тўртта С» билан ифода- ланиши.....	39
IV. БОБ Туризм индустрияси.....	42
4.1. Туризмни индустриясини ташкил қилиш	42
4.2. Туроператор ва турагентликлар.....	43
4.3. Транспорт ва меҳмонхона хўжалиги.....	44
4.4. Овқатланиш хўжалиги.....	48
V. БОБ Туризм турлари ва асосий кўринишлари.....	54
5.1. Актив ва пассив туризм турларининг хусусиятлари.....	54
5.2. Ҳаракатларнинг турларига нисбатан туризм маршрут- ларнинг таснифи.....	55
5.3. Туризм турларининг кўринишлари.....	57
5.4. Қишлоқ туризмнинг ривожланиши.....	60
5.5. Клубли дам олишни эгаллаш тизими ва унинг турлари.....	63
VI. БОБ Туризмни ривожлантиришда турларни шакллантириш технологияси	67
6.1. Туристлик хизматларни лойиҳалаштириш.....	67
6.2. Хизмат кўрсатиш дастурини яратиш.....	69
6.3. Турмаҳсулотни ҳисоблаш жараёни.....	70
6.4. Туристлик маршрутини ишлаб чиқиш босқичлари.....	73
6.5. Туристлик саёҳатнинг йўлланмаси ва технологик хари- тасини тузиш.....	75

6.6. Туристлик корхонанинг юклама графиги ва маршру- тини тузиш.....	77
VII. БОБ Туризм ресурслари.....	80
7.1. Туризм ресурслари тушунчаси.....	80
7.2. Табиий туристлик ресурслар.....	81
7.3. Маданий – тарихий ресурслар.....	82
7.4. Ижтимоий – иқтисодий ресурслар.....	83
7.5. Туристлик ахборот ресурслари.....	85
7.6. Туристлик ҳудудлар ва туристлик акватория.....	86
VIII. БОБ Туризм хизматлари ва маҳсулотлари.....	91
8.1. Туристлик хизматлар ҳақида тушунча.....	91
8.2. Туристлик маҳсулотлар ҳақида тушунча.....	94
8.3. Жозибадор туристлик маҳсулот яратиш.....	95
8.4. Хизмат кўрсатиш класслари ва пакети.....	98
IX. БОБ Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги Давлат сиёсати.....	106
9.1. Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати.....	106
9.2. Давлатнинг туризм сиёсатини амалга ошириш механизми.....	107
9.3. Туризм фаоллиятининг давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари.....	109
9.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасига оид фармон ва қарорлари.....	112
X БОБ Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари туристлик объектлар сифатидаги хусусиятлари	128
10.1. Ўзбекистон туризмини ривожлатиришда тарихий шаҳарларнинг ўрни.....	128
10.2. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари «Шарқнинг қадимий обидалари»	130
10.3. Шаҳрисабз, Термез, Фарғона ва бошқа шаҳарларнинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари.....	135
XI. БОБ Ўзбекистонда халқаро туризмнинг ривожланиши.....	139
11.1. Халқаро туризм ривожланишининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири.....	139
11.2. Ўзбекистонда халқаро туризмнинг ривожланиш динамикаси.....	141
11.3. Халқаро туризм хизмат бозорида ўтказилаётган ислохотлар.....	143

XII.БОБ	Экология ва туризм.....	148
	12.1. Экологик туризм.....	148
	12.2. Хорижий экотуризм бозори.....	149
	12.3. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш.....	150
	12.4. Ўзбекистон географиясининг туристлик жозибадорлиги.....	151
	12.5. Ўзбекистоннинг туристлар эътиборига молик асосий табиий бойликлари.....	156
XIII.БОБ	Туризм соҳасини режалаштиришнинг ташкилий механизмлари.....	162
	13.1. Туризмни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш босқичлари.....	162
	13.2. Туризмни ривожлантириш режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш...	164
	13.3. Туризм индустриясининг ривожланишини режалаштириш механизмлари.....	166
	13.4. Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва хусусиятлари.....	170
XIV.БОБ	Туризм хизматини лицензиялаштириш.....	175
	14.1. Туристлик фаолиятни лицензиялаштириш расмийчилиги.....	175
	14.2. Лицензия олиш учун давлат томонидан ўрнатилган талаблар.....	177
	14.3. Туристлик фаолиятга лицензия бериш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаш.....	178
	14.4. Ўзбектуризм Миллий компаниясининг лицензияларни текшириш жараёнидаги ҳуқуқлари.....	182
XV.БОБ	Туристларни суғурталаш.....	185
	15.1. Суғурталаш туризм фаолиятидаги зарурий элемент сифатида.....	185
	15.2. Туризмда суғурталашнинг турлари.....	186
	15.3. Туризмда суғурталашни расмийлаштириш.....	187
XVI.БОБ	Туризм инфратузилмаси.....	191
	16.1. Туризм инфратузилмаси ҳақида тушунча.....	191
	16.2. Туризм инфратузилмасида транспорт тузилмасининг ҳиссаси.....	193
	16.3. Туризм инфратузилмасидаги меҳмонхоналар таснифи.....	195
	16.4. Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари	197

XVIII. БОБ Туризм хизматларини сертификатлаштириш ва стандартлаштириш.....	200
17.1. Туризмда сертификатлаштиришнинг турлари.....	200
17.2. Туризм ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаш бўйича ишларнинг калкуляцияси.....	202
17.3. Сертификатлаштиришда Давлат стандартларидан фойдаланиш.....	204
17.4. Туризмда стандартлаштириш жараёнининг мазмуни ва моҳияти	206
17.5. Туризмни стандартлаштириш жараёнидаги расмий-чиликлар.....	207
XVIII. БОБ Туристлик хизмат бозорининг хусусиятлари.....	214
18.1. Туристлик хизмат бозорнинг функциялари ва таркиби.....	214
18.2. Туристлик хизмат бозорни сегментлаштириш.....	219
18.3. Туризм хизмат бозорига таъсир қилувчи асосий омиллар.....	225
XIX.БОБ Туристлик ташкилотларда маркетинг стратегия-сини аниқлаш.....	230
19.1. Маркетинг стратегияси режасининг босқичлари.....	230
19.2. Корхона мақсадини режалаштириш.....	230
19.3. Муқобил стратегиялар ишлаб чиқиш.....	231
19.4. Бостон консалтинг гуруҳининг матрицаси (БКГ).....	232
19.5. Маркетинг дастурини ишлаб чиқиш.....	233
XX БОБ Туризмга оид расмийтчилик ва ҳужжатлар.....	235
20.1. Туризмга оид расмийтчилик тушунчаси ва унинг мазмуни.....	235
20.2. Божхонага оид туризм расмийтчиликлари.....	238
20.3. Ўзбекистон божхонаси қоидалари.....	241
20.4. Туризмга оид ҳужжатлар.....	242
20.5. Турист учун тиббий расмийтчиликлар тартиби.....	246
XXI БОБ Туризм соҳасида хавфсизлиكنинг ҳуқуқий асослари.....	249
21.1. Туризмда хавфсизлик тушунчаси.....	249
21.2. Халқаро туризмда туристларининг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари.....	253
21.3. Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қарорларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигининг таъминланганлиги.....	257
21.4. Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигига таъсир қилувчи омиллар ва туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари.....	258
ИЛОВАЛАР.....	264
АДАБИЁТЛАР.....	269

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳаси жаҳон туристлик жараёнининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, экспертларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда мамлакат туризм соҳаси давлат инвестицияларисиз ва дотацияларисиз маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб бораётган иқтисодиёт тармоқларидан бирига айланмоқда.

Шуларни ҳисобга олиб, туризм соҳаси мамлакатлар ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этишини ва у ХХІ аср жаҳон ҳўжалигининг устувор тармоқларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон замонавий туризм индустриясини ривожлантириш учун барча зарур манбаларга эга. Буюк Ипак йўли устида жойлашган Ватанимиз қулай табиий-иқлим шароитларига, бой тарихий, маданий меросга ва айни пайтда ҳам ички, ҳам халқаро туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳиятга эга.

Замонавий туристлик ташкилот ва корхоналар бугунги кунда янги ахборот тизимлари, компьютер технологияларидан фойдаланувчи техника билан таъминланган юқори технологияли ишлаб чиқаришга эга.

Ҳозирги даврда мамлакатни иқтисодий модернизациялаш босқичида туризм ва меҳмондўстлик индустрияси соҳасидаги ечимини кутиб турган масалалар қаторида, туризм индустрияси меҳнат бозорида ишловчи ходимларга қўйиладиган малакавий талабларга жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш долзарб масала бўлиб турибди.

Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида» ги қарорига асосан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида туризмнинг устувор йўналишлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш белгиланди. Ҳозирги пайтда ушбу ўқув даргоҳда «Туризм маркетинги», «Туризм менежменти», «Туризм операторлик хизматини ташкиллаштириш», «Сервис (туризм ва меҳмонхона ҳўжалиги)» таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Халқаро туризм» факультети ва қатор туризм касб-ҳунар коллежлари бу ишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бу ўқув масканларнинг намунавий ўқув режаларига мувофиқ умумкасбий фанлар блокидан ташқари, ихтисослик фанлар блокида ўқитиладиган фанлар қаторида турган «Туризм асослари» фани ҳам аҳамияти жиҳатидан ихтисослик фанларининг алифбоси бўлиб ҳисобланади.

Ушбу курснинг янгилигини назарда тутиб ва ҳозирда давлат тилида дарслик ва услубий қўлланмаларнинг етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда, муаллиф тамонидан тайёрланган ушбу ўқув қўлланма туризм асосларини ўқитишда олий ўқув юртлари талабаларига ва туризм коллежларига ёрдам беради деган фикрдамиз.

1. «ТУРИЗМ АСОСЛАРИ» КУРСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1.1.«Туризм асослари» курсининг мақсад ва вазифалари.

1.2.Ўзбекистонда туризмнинг моҳияти.

1.3.Курснинг бошқа билимлар тизимида тутган ўрни.

1.1. «Туризм асослари» курсининг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиётига асосланган жамият куришни ўзининг асосий мақсади қилиб белгилаб олди. Бу ишда туризм соҳаси ҳам етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Туризм нафақат ўтмишни ўрганиш, ўзга халқлар ва элатлар билан танишиш, уларнинг маданий ёдгорликларидан баҳраманд бўлиш, шунингдек, у катта бизнес ҳамдир. Мазкур фаолиятни йўлга қўйиш эса мутахассисларга боғлиқ. Бунинг учун малакали кадрларни тайёрлаш ҳозирги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг Халқаро туризм факультети ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, қолаверса, қатор Туризм касб-хунар коллежлари бу ишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Бу ўқув масканларида қатор фанлар, жумладан, мутахассислик фанлари ўқитилиб, уларда касб илмига таълуқли муаммолар ўз ечимини топмоқда. Шундай фанлар қаторида «Туризм асослари» фани ҳам ўз ўрнига эга. У янги ўқув курсларидан бири бўлиб, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг Халқаро туризм факультетида 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб таълим бериб келинмоқда.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, туризм тарихи, унинг асосий йўналишлари, турлари, категориялари, туристлик хизматлар, умуман туризм илми билан боғлиқ барча масалалар ҳақида билим бериш, туризмга оид тушунча ва атамаларнинг ҳар бирини таснифлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу алоҳида предмет даражасидаги масала ҳисобланади. Шуларни эътиборга олган ҳолда, туризмга оид барча мутахассислик фанларининг алифбоси сифатидаги «Туризм асослари» фани айнан шундай вазифани бажаради, уни мукамал эгалламай туриб, мутахассисликка оид бошқа курсларни ўзлаштириб олиш жуда қийин кечади.

«Туризм асослари» курсининг мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- туризмнинг асл моҳиятини очиб бериш;
- туризмнинг тараққиёт йўли, тажрибаси, ҳозирги кундаги муаммоларини аниқлаб олиш;
- туризмнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ижтимоий аҳамиятини ёритиб бериш;
- Ўзбекистон ва жаҳон туризм бизнесининг илдизларини ўрганиш.

«Туризм асослари» курсининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- туризм ва турист тушунчаларини таърифлаш, уларнинг илк кўринишлари, тараққиёти, шаклланиши ҳақида илмий ва далилий манбалар келтириш;
- Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги Давлат сиёсати ҳақида

(меъёрий ҳужжатлар асосида) маълумот бериш;

- жаҳон туризм тажрибасининг илғор намуналари билан таништириш;
- туризм ва туристнинг мақсадларини аниқлаб олиш;
- туризмнинг ташкилий тузилиши ва асосий категорияларини аниқлаш;
- туристлик индустрия ва унга бўлган талабларни ўрганиш;
- туризм инфратузилмаси ҳақида маълумот бериш;
- туризм турлари ва унинг асосий кўринишларини белгилаб олиш;
- туристлик ресурсларни тушунтириб бериш;
- туристлик товарлар ва маҳсулотлар ҳақидаги билимларни эгаллаш;
- туризм маршрутлари, махсус туризм маршрутлар ҳақидаги билимларни эгаллаш;
- туризмда лицензия, суғурта ва молиявий масалалар ҳақидаги тушунчалар бериш.

Мазкур курс «Туризмни режалаштириш», «Халқаро туризм», «Туристлик маршрутларни ташкил этиш», «Туризм иқтисодиёти», «Экскурсияларни ташкил этиш» каби фанлар билан узвий алоқада ҳисобланади.

Курсни ўзлаштириш жараёнида – ўқитишда туристлик экскурсия, экспедиция ва махсус турлар ташкил этиш; туризм хизмат бозори (Халқаро Тошкент туризм ярмаркаси)да иштирок этиш; меҳмонхоналар фаолияти, туристлик фирмалар иши, экологик, тарихий-маданий ёдгорликларни намойиш этувчи мультимедиа слайдлардан, буклет, маршрутлар хариталарини ишлаб чиқиш, интернет алоқа тизимидан турли маълумотлар олиш муҳим аҳамиятга эга.

«Туризм асослари» курси «Туризм менежменти», «Туризм маркетинги», «Туризм операторлик хизматини ташкиллаштириш» ва «Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги)» таълим йўналишларининг 2- босқич бакалаврлари учун мўлжалланган. Ўқув машғулоти 1-семестрда, 62 соат маъруза ва 64 соат амалий машғулоти ҳажмида олиб борилади. Унда хорижий давлатлар ва республикаларда нашр этилган туризм соҳасига оид илмий, ўқув, услубий қўлланмалардан ҳамда журнал ва газеталардаги мақолалардан, интернет сайтларидан, туристлик фирмаларнинг намунавий маршрутлари, буклетлар ва йўл кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

1.2. Ўзбекистонда туризмнинг моҳияти

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланишига қадар туризмнинг барқарор тараққий этаётганлиги ва унинг истиқболи, ушбу соҳани “келажак индустрияси” сифатида эътироф этишга асос бўлган эди. Мамлакатимизда туризм фаолияти мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида талқин қилиниб, унга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Соҳа ривожига учун зарурий ташкилий-ҳуқуқий механизмлар вужудга келтирилиб, ҳукумат томонидан тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу борадаги ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Ҳозирги пайтда туризм соҳасининг умумий ривожланиши ва рақобатбардош туристлик маҳсулот яратиш мақсадида, тармоқда зарурий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги ислохотларни шартли равишда тўрт босқичга ажратсак бўлади.

Биринчи босқичда тармоқда янги бошқарув тизимини шакллантириш, туристлик бизнесни юритишга ёрдамлашадиган қўшимча бизнес турларини яратиш, соҳага хизмат қиладиган банк, аудит, маслаҳат хизматларини ташкил этиш, вилоятларда туризм тармоғининг минтакавий бўлинмаларини тузиш, халқаро миқёсда туризм маҳсулотини реклама қилиш, хусусийлаштирилган туристлик корхоналарни лицензиялаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор берилди. 1992 йилда республикада «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ташкил этилди ва туризм соҳасида барча ташкилий, бошқарув ҳамда мувофиқлаштириш функцияларини амалга ошира бошлади. 1993 йилда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси Бутунжаҳон туристлик ташкилотга (БТТ) ҳақиқий аъзо бўлиб кирди ва бу ўз навбатида халқаро туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. 1994 йилда БМТ нинг ЮНЕСКО ташкилотининг ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида Буюк Ипак йўлидаги шаҳарларда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

Бу босқич мобайнида, яъни 1994 йилда ишлаб чиқилган «Туристлик корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастури» чуқур тизимли - институционал ўзгаришларни амалга оширишда жуда катта аҳамият касб этди. 1994-1995 йиллар мобайнида «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг 87,8% туристлик объектлари хусусийлаштирилди ва давлат тасарруфидан чиқарилди.

Амалга оширилган ўзгаришлар туристларни қабул қилиш шаклини жадаллик билан ривожлантирди. 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ва халқаро туризмни ривожлантириш» тўғрисидаги Фармони¹ Буюк Ипак йўлида туристлик маҳсулотни тиклаш борасида стратегик ҳарактерга эга бўлди. Бу ўз навбатида Ўзбекистон туризми соҳасидаги ислохотларнинг **иккинчи босқичини** бошлаб берди. Натижада Буюк Ипак йўлидаги шаҳарлар ва туристлик манзиллар рўйхатга олинди, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Мотрудий, Маҳмуди Аъзам, Ҳаким ат-Термизий, Ҳазрати имом, Шайх Шамсиддин Кулол, Бурхониддин Марғуноний, Бухородаги Чор Бакрлари каби алломаларимизнинг мақбаралари таъмирланди ва зиёратгоҳ мажмуаларга айлантирилди, Тошкент шаҳрида мунтазам равишда халқаро туристлик ярмарка ташкил этила бошланди, меҳмонхоналардаги халқаро талабларга жавоб берувчи ўринлар сони 4,8 баробарга кўпайтирилди.

Ўзбекистонда 2005 йил 1 январ ҳолати маълумотларига кўра, жами туристлик фаолият билан шуғулланадиган ташкилотларнинг сони 351 тани ташкил этган. Шундан, 290 таси хусусий туристлик фирмалар бўлиб (83 %),

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 3 июн

уларнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги улуши 90% ни ташкил этган. Қуйидаги 1.1. жадвалда туризм соҳасидаги давлат ва нодавлат туристлик корхоналарнинг динамикаси ва даромад ҳажмининг таққосланиши берилган.

Жадвал 1.1.

Туризм соҳасидаги давлат ва нодавлат туристлик корхоналарнинг ривожланиш динамикаси ва даромад ҳажмининг таққосланиши

Йиллар Кўрсаткичлар	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Туристлик – экскурсия хизматларида										
Давлат корхоналари	42,0	30,1	11,6	11,6	13,2	5,6	8,7	21,1	3,7	4,7
Нодавлат корхоналар	58,0	69,9	88,4	88,4	86,8	94,4	91,3	78,9	96,3	95,3
Шундан, тўғридан-тўғри йўналтирилган хорижий инвестициялар	0,5	0,5	0,2	3,2	5,2	2,6	6,6	4,4	11,5	8,5
Меҳмонхона ҳўжалигида										
Давлат корхоналари	56,6	32,1	28,3	37,3	55,5	66,3	73,7	67,5	62,5	48,5
Нодавлат корхоналар	43,4	67,9	71,7	62,7	44,5	33,7	26,3	32,5	37,5	51,5
Шундан, тўғридан-тўғри йўналтирилган хорижий инвестициялар	28,0	20,1	50,0	16,8	19,8	15,3	9,8	14,5	14,7	34,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси


Туризм соҳасидаги ислохотларнинг **учинчи босқичида**, яъни, 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон туризмини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бунинг асосида туризм соҳасидаги бозор муносабатлари узил-кесил йўлга қўйилди ҳамда дунё бозори бўйича рақобатбардош туристлик маҳсулот яратила бошланди, туризм тизимини бошқаришнинг марказлаштирилишига чек қўйилди. Кўпчилик туристлик объектлар ўзларини ўзлари бошқара бошлашди, хизмат бозорида рақобатлаша олмайдиган корхоналар ёпилиб, самарали ишловчи янги корхоналарга ўрин очиб берилди.

2000 йилдан бошлаб, Республикамиз туризми юқори суръатлар билан ривожлана бошлади. Туризмдан олинаётган даромадлар йилига 30 ва ундан ортиқ фоизларда ўсди. 2001 йил охирида Афғонистондаги толибонларга қарши ҳаракатларининг бошланиши ўлкамизга келаётган туристлар оқимини икки йил давомида анча камайтириб юборганидан сўнг, 2003 йилнинг 2-ярмига келиб ўлкамиз туризми яна ўзини ўнглаб олди. Шарқий Осиёда ўтган йилларда тарқалган одатдан ташқари Пневмания (Сарс) ва Парранда гриппи каби касалликлар Ўзбекистон туризмига 2001 йил 11 сентябр воқеаларидек кучли таъсир кўрсата олмади.

Ўзбекистонга 2004 йилда туристлар оқимининг минтақага ташриф буюриши диаграммада кўрсатилган, унга кўра туристлар оқими Шарқий Осиё, Тинч Океани минтақа аҳолиси ва Европадан келишган. Бутунжаҳон Туристлик Ташкилоти (БТТ) томонидан ўрнатилган тасниф бўйича, барча собиқ иттифоқ ҳамдўстлик мамлакатлари Европа минтақасига киради. Шунинг учун Ўзбекистонга кўшни ҳамдўстлик мамлакатларидан келувчи туристлар ҳам Европа мамлакатларидан келган ҳисобланади.

Диаграмма 1.1.


Ўзбекистонга дунё қитъаларидан келувчи туристларнинг умумий сонидagi улуши.



Манба: «Ўзбектуризм» МК маълумоти

Хорижий туристларнинг туристлик товар ва хизматларга бўлган талаб таркибини ва ҳажмини таҳлил қилишда келувчиларнинг мақсадлари бўйича структураси муҳим аҳамиятга эга. Унинг 2000-2004 йиллардаги ўзгариш динамикаси диаграммада кўрсатилган.

Келувчи туристларнинг мақсадлари бўйича таркиби



Жами келувчи туристларнинг сонига нисбатан 2004 йилда дам олиш ва соғломлаштириш мақсадида келганлар 13,1 % ни, тадбиркорлик ва касбий мақсадларда келганлар 21,9 % ни, бошқа ва шахсий мақсадларда келувчилар сони 65% ни ташкил этди.


Ҳозирги пайтда туризм соҳасидаги ислохотларнинг **тўртинчи босқичи** бошланган бўлиб, унда хусусий туристлик ташкилотлар ассоциациясига ва ташкил этиладиган бошқа туристлик ассоциацияларга (масалан, Гид—таржимонлар ассоциацияси, Меҳмонхона эгалари ассоциацияси, Транспортчилар ассоциацияси) «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг бир қатор ваколатларини ўтказиш устида изланишлар олиб борилмоқда. Бу ўлкамиз туризм бозорида фаолият юритувчи корхоналаримизнинг янада тезроқ суръатларда ривожланишларига ёрдам беради.

«Ўзбектуризм» МК экспертларининг башорати бўйича Ўзбекистонда 2010 йилгача жами 1007 меҳмонга мўлжалланган 56 та меҳмонхона курилади. Ички ва ташқи туризмнинг ривожланиши 626 мингдан 2010 йилда 2.2 млн.га етади, яни 3.5 мартага ошади. Бизга келувчи туризмнинг ҳажми 1,0 млн. нафар кишига етади. Туризм фаолиятидан олинadиган фойда 9 мартага ошиши, шундан хизматлар экспорти 4-3 мартага кўпайиши кутилмоқда. Шулар эвазига республикамизда 1000 дан ортиқ янги ишчи жойлари ташкил қилинади ва 2000 зиёд соҳа мутахассислари тайёрланади, шулардан 45 % олий маълумотли бўлади.

Ўзбекистондаги туризм соҳасининг 2000-2008 йиллар давомидаги ривожланиш динамикасини «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг статистик маълумотлари кўрсатмоқда (Диаграмма 1.3. ва Жадвал 1.2.).

Диаграмма 1.3.

**Ўзбекистон Республикасида туристларга кўрсатилган
хизматлар динамикаси (минг киши)**



2000-2008 йиллар давомида Ўзбекистан Республикаси бўйича туризтик хизматлар асосий курсатгичларининг ўзгариш динамикаси

№	Кўрсаткичлар	Жами	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
1	Хизматлар ҳажми – жами млн.сўм	210931,3	6882,1	10118,9	15778,3	17528,1	17926,3	40013,9	45850,3	56833,4	74400,3
2	Даромад - жами млн.сўм	4578,01	443	1111,8	-166,5	150,61	-258,7	758,4	1036,4	1503	2419,7
3	Туристларга хизмат кўрсатиш–минг киши	5621,73	770,2	712,8	709,1	719,9	720,2	608,9	656,7	723,93	791,4
	Шу жумладан										
	қабул	4049,63	552,8	529,9	445,5	471,43	504,2	475,5	493,6	576,7	649,0
	улардан хорижий	2057,62	278	231,43	198,15	230,44	261,6	241,9	272,6	343,5	370,1
	жўнатиш	1571,87	217,4	182,9	263,6	248,47	215,8	133,4	163,1	147,2	142,3
	хорижга	283,68	49,04	36,79	39,27	52,98	32,9	23,5	23,8	25,4	30,4
	МДХ давлатларига	116,76	14,3	8,38	21,44	16,34	22,4	22,8	3,7	7,4	73,6
	Ўзбекистон Республикаси	1170,83	154,06	137,73	202,29	179,15	160,5	87,1	135,6	114,4	104,5
4	Кишилиқ – кунлик	12482,4	1741,3	1590,6	1399,6	1396	1375,7	1399,4	1850,7	1729,1	1896,5
5	Хизматлар экспорти, минг АҚШ долларида	244669,1	27295	22215,3	21546	23581	28020	28132,5	42745,9	51133,4	62812,7

1.3. Курснинг бошқа билимлар тизимида тутган ўрни

Туризм инсон ҳаёти ва фаолиятининг кўп соҳаларини қамраб олади. Шунинг учун туризмни ўрганиш психология, антропология, социология, иқтисодиёт, география, информатика, ҳуқуқ фанларини таълимни ўрганиш билан узвий равишда боғлиқ. Туристлик ресурслар ер шарининг деярли барча бурчакларида, қитъаларида ва мамлакатларида мавжуд. Туризм йўналиши ва тўрини эркин танлаш шароитида туризм ташкилотчилари туристлик оқимларни билиши, истиқболлаши ва хатто уларни бошқариши керак.

Психология

Саёҳат қилиш учун турист қайси маршрутни танлайди, ушбу мавсумда қайси мамлакат афзалликка эга бўлади, туризмнинг қайси турлари машҳур бўлади? Туристлик бозорда нимани таклиф қилиш фойдали, ўз туристлик маҳсулотини ҳаракатини қаерга йўналтириш керак? Мижоз хоҳишларини яхши қондирувчи тўрни қандай қилиб тузиш керак? Бу саволларнинг кўпчилигига инсон психологияси, унинг ҳаракатлари ва қарор қабул қилиш мотивацияси (сабаблари) асосларини ўрганмасдан жавоб бериш мумкин эмас. Мижоз хоҳиши мотивациясини ўрганмасдан ва тушунмасдан туриб, тўрни тўғри тузиш ва уни бозорда истеъмолчига таклиф қилиш, асосийси мижоз хоҳишини туристлик таассурот ва эмоцияларнинг ижобий гаммасини таъминлаб қондириши мумкин эмас. Кичкинагина узилиш ҳам пухта тайёрланган ва таҳлил қилинган саёҳатдаги ижобий таъсуротни йўқотишга етарли бўлади.

Инсоннинг турли ҳолатларда ўзини тутиш моделини, қарор қабул қилиш сабабларини, дам олиш тўрини танлаш, асосий ва турдош мақсадлари, саёҳат йўналишлари, ҳамкорлар ва туристлик фирмани танлашни яхшилаб ўрганиш керак. Саёҳатни амалга ошириш сабаблари турлича бўлиб, у турист ёши, интеллект даражаси, молиявий ҳолати, жамиятнинг у ёки бу ҳолатига тегишлилиги ва кўпгина бошқа омилларга боғлиқ. Турист бўлишга турли сабаблар таъсир қилади: дам олиш, бўш вақт, дунёқарашни кенгайтириш, нотаниш нарсаларни билиш, кўнгил очиш, диний, даволаниш, қариндошлар ва дўстларни кўриш ва бошқа мақсадлар. Ушбу соҳадаги кенг қамровли билимлар билан шугулланувчи фан психография дейилади ва унинг услублари туризм маркетингида ҳам кулланилади.

Саёҳатни танлашда сабабларнинг ўзгариши истеъмолчи бозорида туристлик маҳсулотни таклиф қилувчи туристлик фирма учун салбий оқибатларга олиб келади. Кайфият, мода, умумий сиёсий-иқтисодий ҳолат ва кўпгина бошқа омилларга эътиборсизлик пайдо бўлиши мижозларни йўқотиш ва туристлик фаолиятда иқтисодий қийинчиликларга олиб келади, чунки бу омиллар туристлик оқим йўналишини аниқловчи ва мотивация натижасига катта таъсир кўрсатади.

Социология

Социология - жамиятшунослик ҳақидаги фанлардан бири бўлиб, туризм

соҳасида эса у - инсонни бошқа жойга боришга ёрдам берувчи социал шароитларни ўрганувчи фан бўлиб гавдаланади. Инсон ҳаётида туризмни амалга ошириш учун камида иккита муҳим шарт бажарилиши керак: бўш вақт ва туристлик саёҳатни амалга ошириш учун маблағ. Бунинг барчаси мамлакатда тинч сиёсий ҳолат мавжуд бўлган пайтда амалга ошиши мумкин.

Туризм иқтисодий муносабатларда ҳосил бўладиган ҳар қандай номутаносибликлардан таъсирланади. Жаҳон ижтимоий ҳаётида катта воқеа ёки иқтисодий тизимда ўзгаришлар содир бўлиши дарҳол туризм ривожланишининг ҳолатига ва динамикасида акс этади. 1998-йил Россия молиявий инқирози жамиятни ларзага келтирди. Осиё кризиси ушбу ҳудуд туристлик бозорига ёмон таъсир қилди ва бундан туризмнинг динамикаси 10% га қисқарди. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли жаҳон туризмнинг оқими 8% камайди.

Доимий тараққиётда туризм социал ҳодиса сифатида қаралади. Инсонларнинг ҳулқи уларнинг ёши, миллати, ижтимоий ҳолати, маълумоти, яшаш жойи, маданий қарашларга боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Ҳозирги кунда социологик тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. Деярли ҳар бир катта тадбир, кўргазмада туристлар ва ташриф буюрувчилардан турли маълумотларни тўплаш мақсадида анкеталаш ўтказилмоқда. Бу анкеталар ҳозирги ва келажакдаги саёҳатлар даражасини баҳолаш учун муҳим маълумотлар олиш имконини беради. Социологик тадқиқотлар маълумотлари маълум бир истеъмолчи бозорида туристлик маҳсулотнинг ҳаракат қилиш сиёсати шаклланишида, башорат ва кўрсатмалар ишлаб чиқишда ҳамда божхона ва миграцион муносабатлар ва қоидалар соҳасида муҳим сиёсий-иқтисодий қарорлар қабул қилишда асос бўлиш учун дастлабки база ҳисобланади.

Иқтисодиёт

Туризм – бу иқтисодиётнинг махсус соҳаси ва инсон фаолиятининг ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Шу сабабли туризм соҳасида иқтисодий тараққиётнинг умумий қонуниятлари ўзининг махсус қирраларида намоён бўлади, умумий қонуниятлар ўзини хусусийлиги орқали намоён қилса, хусусийлик эса мазкур туристлик ташкилотнинг аниқ фаолияти орқали акс эттирилади.

Туризм иқтисодиёти аҳолининг каттагина қисмини туристлик хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида мазкур хўжалик соҳасини барча даражаларида туристлик маҳсулотни ишлаб чиқарадиган, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қиладиган кишиларнинг ҳулқ-атворини ўрганади.

Ҳар бир туристлик ҳудуд, ҳар бир мамлакат, ҳар бир шаҳар ва жой иқтисодий фойда ва даромад олиш учун мавжуд туристлик ресурсларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қиладди. Ҳар бир мамлакатда ўзининг сиёсий қарашлари, иқтисодиёти ривожланишининг йўналишлари, жамият анъаналарининг кўп қирралари мавжуд. Туристларни жалб қилиш учун хатто жуда қизиқарли бўлган объектлар ва ходисалар учун ҳам хизмат кўрсатишнинг мос даражасини, хавфсизликни таъминловчи туристлик қизиқиш ва эҳтиёжни

уйғунлаштириб турувчи туристлик индустрия ва инфратузилма зарур.

Туризм соҳасини ривожлантиришни баъзан **«тилла тухум қуювчи товук»**қа ўхшатилади. Аммо, ушбу товук боқилмаса, товук тухум қўйишни тухтатиши мумкин ёки тухумлар ҳажми ва сифати бузилиши мумкин ёки товукнинг ўзи ўлиб қолиши мумкин. Шунга кўра, туристлик марказлар ва ҳудудлар нафақат туризмдан пул ишлаб қолишади, балки туризм индустриясини барқарор ривожлантиришга, туристлик маҳсулотни ички ва ташқи бозорларда ҳаракат қилдиришга жуда катта миқдорда маблағлар ажратишади.

Барча давлатларда ҳам туризмга бўлган сиёсат бир хил тузилмаган. Масалан, Япония оролидаги давлат, тарихий ёпиқ жамиятни кўрган ва узоқ давр мобайнида келувчи туристларга эътибор бермаган, ҳудуди чегараланганлиги натижасида ўз фуқароларини дунё бўйича саёҳат қилишга фаол ундади. Хатто, меҳмонхона хўжалиги ҳам хориж туристларини қабул қилишга йўналтирилмаган, отеллар паст табақали аҳоли жойлашишига мўлжалланган ва иншоот габарити ва шип баландлиги бўйича Европа стандартларига жавоб бермайдиган нормалар бўйича қурилган. Лекин, узоқ давр мобайнида туризмсиз ҳам ривожланаётган мамлакат иқтисодиёти ҳаётий куч оқимининг янги манбасини талаб қилди. Япон ҳукумати мамлакатга кирувчи туризм концепцияларини қайтадан кўриб чиқди ва бошқа ҳудудлардан мамлакатга туристлик оқимларни жалб этиш мақсадида жаҳон туристлик бозорига миллий туристлик маҳсулотни чиқариш фаолиятига 2 млрд. долларини ажратди.

Юқорида ифода этилган фаолият Хитойда ўзгача амалга оширилади. Чикувчи туристлик оқим бу мамлакатда жуда паст, чунки давлатда таътилни ҳар йили тўлаш учун ҳукукий институт шаклланмаган ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг кўп қисми хорижда саёҳат қилиш учун маблағга эга эмас. Ташқарига чикувчи туризм йилига 5 млн. кишидан ортмайди. Бу кўрсаткич умумий аҳолиси 1 млрд. 200 мингга тенг бўлган мамлакат учун жуда паст даражада. Лекин, келувчи туризм тез суръатлар билан ривожланмоқда. Жаҳон туризм иқтисодиётида Хитой ҳозирги кунда туризмнинг энг жозибадор ҳудуди ҳисобланади. Бу ерда туристлик қизиқиш объектлари мавжудлиги, туризм индустрияси ривожланганлиги ва давлат сиёсатининг туризмга ижобий муносабатдалиги сабаб бўлмоқда. Хитой туризм ташкилоти экспертлари баҳоларига кўра, кейинги йилларда Хитой жаҳондаги энг кўп туристлар қабул қилувчи мамлакатга айланади. 1998-йилда Хитойга 65 млн. туристлар келиб кетишган бўлса, 2010-йилда Хитойга 125 млн. хориж туристлари келиши режалаштирилмоқда. Бу эса халқаро миқёсда жуда катта кўрсаткич ҳисобланади.

География

Ҳудуд ресурсларининг туристлик салоҳиятини баҳолаш географик омилларга боғлиқ. География фани - табиий-иқлимий, демографик маълумотлар, уларнинг ўзгариш тенденциялари ва истиқболлари, туризмнинг ҳудудлараро ва ҳудуд ичида ривожланишини батафсил режалаштириш,

объектлар, туристлик индустрия, туризм соҳасини инвестициялашни ривожлантиришни режалаштириш, туристлик оқимларни, аҳоли бандлигини ва туризмдан тушувчи даромадни режалаштириш учун жуда зарур ҳисобланади.

Ахборот технологиялари

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида ҳўжаликнинг ҳар қандай тармоғи кучли ахборот кўмагисиз ишлай олмайди. Турли фан соҳалари бўйича маълумотлардан туризм мақсадларида ҳам фойдаланилади. Бугунги кунда туристлик хизматларни бронлашда турли автоматлаштирилган ахборот тизимлари муҳим рол ўйнайди. Туристлик ресурслар, туристлик маҳсулотлар маълумотларининг ахборотлари турли хил ҳисоб-китоблар, маълумотномалар, каталоглар, проспектлар, йўл кўрсаткичлар, жадваллар, **time-table** кўринишларида аск этади. Кўпчилик туристлик компаниялар ўз таркибида нафақат хусусий туристлик агентлиги, балки қувватли ахборот марказлари ва наشريётларига ҳам эгадирлар. Масалан, Буюк Британиянинг Реед Травел Гроуп туристлик агентлиги бунга мисолдир. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, йўл кўрсатувчи китоблар туризмнинг ўзи ривожланишидан анча олдин ишлаб чиқилган. Томас Кук биринчи бўлиб туристлик саёҳатни ташкил қилган пайтда, Лондондан Парижга саёҳат қилишни амалга ошириш учун йўл кўрсатувчи китоблар бор эди. Кўпчилик йўл кўрсаткичлар 100 йиллик тарихга эга.

Бугунги кунда кўпгина ахборот оқимлари CD - дискларда жамланган. 1990-йиллардаги компьютер билан таъминлашдаги техник инқилоб туризм мақсадлари учун кучли автоматлаштирилган туризмни вужудга келтирди.

Жаҳон Глобал компьютер тизимлари – Amadeus (Европа), Sabre (АҚШ), Galileo (Буюк Британия), Gabriel, “Самотурагент”, “Мастертурагент”, “1С-Рарус: Турагентство”, “InTour Office”, “Мастер-Тур”, “Само-Тур”, “ТурВин”, “Турбо-тур”, “Аист-2.5” ва бошқалар яратилган ва улар мувафакқиятли даражада хизмат кўрсатмоқда. Бу тизимлар ахборот ташувларини биринчи навбатда ҳаво транспортида ҳамда меҳмонхона ва бошқа хизматларни бронлашни ташкил қилишда кенг тарқалган.

Туристлик ахборотни ривожлантиришда яна бир жуда катта туртки интернет глобал тармоғи бўлди. Бугунги кунда деярли барча туристлик фирмалар ўз сайтларига ва E-mail электрон почта орқали ушбу тармоққа чиқиш имкониятига эга. Тармоқдан фойдаланувчиларнинг барчаси туристлик хизматлар ҳақида кенг ахборот олиш имкониятига эгадирлар.

Туризмга жавоб берувчи давлат ташкилотлари, хусусий компаниялар, туристлик фирмалар, отеллар, туристлик ассоциациялар, ташувчилар, аттракцион хизматини таклиф этувчи фирмаларда катта ахборот вараклари мавжуд. Ахборотни интернет тармоғига жойлаштириш умумий ҳолда китоб ёки буклет чиқаришдан арзон, ахборот осон ва тез кўринишини ўзгартиради, юқори сифатли рангли иллюстрацион маълумотни ҳам узатиш мумкин. Ахборот ривожланган мамлакатлардаги фойдаланувчиларнинг кенг доирасига етиб боради.

Халқаро туризм ҳуқуқи

Туризм кўпчилик мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим қисми сифатида, халқаро алоқаларнинг таркиби сифатида алоҳида ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилади. Шунинг учун ўзига хос тармоқ - туристлик ҳуқуқ таркиб топган. Кўпчилик мамлакатларда резидент ва норезидент компаниялар учун туристлик фаолият нормалари ва ривожланиш тамойилларининг асосий концепциялари туризм ҳақида миллий қонунлар билан мустаҳкамланган.

Норезидентлар фаолияти учун одатда маълум чеклашлар мавжуд. Туризм ташкилотчилари ва турист-мижозлар муносабатлари тартибга солинган.

Халқаро туризм кўпгина конвенциялар, халқаро шартномалар ва битимлар билан тартибга солинади. Дастлаб туризм ривожланишига асос бўлган, дам олиш ва бўш вақтнинг асосий ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисидаги битимга эришилди. 1948 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 24-моддасида шундай дейилади: «Ҳар бир инсон иш вақтини оқилона чегараланиши ва ҳар йилга пуллик таътил олиши, дам олиши ва бўш вақт ҳуқуқига эгадир». 1966-йил БМТ Бош Ассамблеяси бу шиорни тасдиқлади ва кенгайтирди. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакетга имзо чеккан давлатлар ҳар бир инсоннинг «дам олиш, бўш вақт, иш вақтини оқилона чеклаш, даврий пуллик таътил ҳамда байрам кунлари учун тўлов» ҳуқуқини таъминлаш мажбуриятини бўйнига олганлар.

Бу низомлар туризм ривожланишига, хусусан, халқаро туризм ривожланишига туртки берибди. Халқаро туризмнинг жадал ривожланиши туристлик фаолиятни тартибга солувчи меъёрлар ўрнатиш заруриятини келтириб чиқаради. Халқаро туристлик ҳуқуқ ташкил топишининг энг асосий йўналишларидан бири терминология ва таърифлар тўғрисидаги битим тузиш эди.

Бугунги кунда халқаро туризм ўз фаолиятини асосий халқаро келишувларга биноан олиб боради: Гаага (1989-йил, Гаага, Нидерландия) ва Манила (1980-йил, Манила, Филиппин) битимлари, туризм вазирликларининг Осака конференциялари йўриқномалари (1994-йил, Осака, Япония).

Ҳудудий қонунлар ва меъёрий актларни ҳам таъкидлаб ўтиш муҳим. Европа иқтисодий ҳамжамияти ушбу иттифокқа кирувчи мамлакатлар туристлик фаолиятини тартибга солиш бўйича бир қатор қонунлар ва меъёрий актлар қабул қилган. Масалан, ягона визали ҳудуд, туристлик хизматлар шартномаси тўғрисидаги Шенген шартномаси (ЕЭС Директиваси №90/134 13-май 1995-йил. «Туристлик агентлик ва мижоз ўртасида имзоланиши керак бўлган намунавий шартнома», «Саёҳат қилиш шартномаси бўйича Халқаро Конвенция», 1970-йил 22-октябрда ФУААВ нинг Бош Ассамблеясида қабул қилинган «Меҳмонхона эгалари ва туристлик агентликлар ўртасида битимлар тузишга тегишли Халқаро меҳмонхона Конвенцияси», Йўловчилар ва уларнинг юқларини халқаро ҳаво, автомобил ва денгиз транспортида ташиш алоҳида тартибга солинган. Ҳаво транспорти Варшава Конвенцияси билан (1929-йил Варшавада қабул қилинган), Автомобилда пассажирлар ва юқларни ташиш

Берлин Конвенцияси билан (1975-йил, Берлин), денгиз транспортида пассажирларни ташиш эса Афина Конвенцияси билан бошқарилади.

Таянч иборалар: Туризм соҳасидаги ислохотлар, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, конвенциялар, халқаро пакт, социология, психология, иқтисодиёт, халқаро туризм ҳукуқи, турист, туристлик фаолият, экскурсия фаолияти, Ўзбекистонда туризмнинг моҳияти.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. «Туризм асослари» курси нимани ўргатади?
2. Курснинг мақсади нималардан иборат?
3. Курснинг вазифасини таърифлаб беринг?
4. Курснинг бошқа билимлар тизимида тутган ўрни қандай?
5. Нима учун мазкур курс туризмга оид фанларнинг алифбоси дейилади?
6. Ўзбекистонда туризмнинг моҳияти нимадан иборат?
7. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш босқичлари нималарни ифодалайди?
8. Туризм соҳасининг иқтисодий фанлар билан алоқаси нимадан иборат?

2. САЁҲАТЧИ ВА САЁҲАТ, ТУРИСТ ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧАЛАР

Режа:

- 2.1. Илк саёҳатчилар ва саёҳатлар тарихи.
- 2.2. Марказий Осиё саёҳатчилари
- 2.3. Туризм тушунчаси ва унинг шаклланиш тарихи.
- 2.4. Саёҳатларнинг моддий таъминлаш жиҳатлари

2.1. Илк саёҳатчилар ва саёҳатлар тарихи

Саёҳат ва туризм (*travel and tourism*) - бир-бири билан боғлиқ тушунча бўлиб, улар инсон ҳаёт фаолиятининг маълум бир тарзини ифодалайди. Бу дам олиш, фаол ёки пассив кўнгил очиш, спорт, атроф-муҳитни англаш, савдо, фан, даъволаниш ва бошқа кўплаб жиҳатларни камраб олади. Бирок, бунда ҳар сафар саёҳатни бошқа фаолият турларидан ажратиб турувчи ўзига хос ҳаракат - инсоннинг вақтинчалик бошқа жойга, мамлакатга, қитъага бориши, унинг доимий яшаш жойидан узоқлашиши мавжуд бўлади.

Саёҳатлар айрим шахслар томонидан алоҳида, ягона мақсад ва қизиқишга эга бўлган шахслар томонидан экспедициялар, жумладан, ҳарбий экспедициялар тузган ҳолда амалга оширилиб, улар таркибига юзлаб ва хаттоки минглаб мутахассислар, дипломатлар, мигрантлар ва кўчиб юрувчилар ҳам киради. Денгиз, ҳаво ва бошқа транспорт воситалари экипажлари ойлаб ўз уйларида булмайдилар, шу тариқа, улар учун саёҳат турмуш тарзи, кунлик иш фаолияти бўлиб ҳисобланади.

Саёҳат тушунчаси, одамларнинг мақсадларидан қатъий назар замон ва маконда кўчиб юришни англатади ҳамда сайёҳатчиларнинг турмуш тарзи бўлиб хизмат қилади.

Кўп асрлик тарихдан маълумки, инсонга савдони ривожлантириш, янги ерларни очиш ва ўзлаштириш, ресурслар ва янги транспорт йўлларини излаб топиш мақсадида жаҳон бўйлаб саёҳат қилиш хос бўлган. Цивилизациямизнинг ривожланишига ажратилган вақт унчалик катта бўлмай, беш минг йилга яқин давр билан белгиланади, бироқ бизгача фақат яқин ўтмишдаги саёҳатлар ҳақидаги ҳикоя ва тасвирларгина сақланиб қолган. Ўтмишдан бизга янги қитъа ва ерларни, халқлар ва табиий ҳодисаларни очган, ўзига хос географик тизимларни асослаб берган буюк саёҳатчиларнинг номлари маълум.

Қадимги саёҳатлар ва зиёратчилик

Энг қадимги саёҳатчилар қаторига аввало савдогарлар ва зиёратчиларни – (*piligrim*) киритишимиз аниқ. Янги ер ва ресурсларга эгалик қилиш ва савдо қилиш истаги инсониятни бошқа жойлар, ҳудудлар, мамлакатлар ва хаттоки қитъалар томон ундаган. Машҳур грек тарихчиси Геродот эрамиздан аввалги V-асрда барча маълум ва машҳур саёҳат ва ихтироларни тасвирлаб берган. Француз тадқиқотчиси ва географ олим Пифей (келиб чиқиши Массаллик - ҳозирги Марсел, Франция), эрамиздан аввалги 320 йилда уша вақтларда ақл

бoвар килмаган тарзда бутун Европа бўйлаб саёхат қилган, Британия ороллари айланиб ўтиб, Норвегия ва Исландияга етиб боргани тахмин қилинади. У «Океан ҳақида» (*On the Ocean*) деб номланган ажойиб асарни ёзиб қолдирган бўлиб, унда кўплаб географик янгиликлар ва ихтиролар тасвирлаб берилган.

Қадимги Рим тарихига ва одатларига мурожаат қиладиган бўлсак, бадавлат аристократлар императорнинг рухсати билан дам олиш мақсадида бошқа мамлакатларга, масалан Мисрга саёхат қилганини билиб олишимиз мумкин.

Америка қитъасининг бир неча марта очилиши ва ўзлаштирилиши, 900-1100 йилларда Исландия ва Гренландиянинг ўзлаштирилишини алоҳида қайд этиш жоиз. Колумбдан ҳам аввал жасур викинглар Гренландияга ва хаттоки Америка қитъасига етиб борганлар ва у ерда колонияларга асос солганлар. Уларнинг яшаган маконлари ҳозирда топилган бўлиб, хаттоки баъзи колонистларнинг исмлари ҳам аниқланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган. Ушбу экспедицияларга 982 йилда ирландиялик Эрик Рижий бошчилик қилган. «Буюк Ипак йўли» каби бошқа машҳур йўналишлар ҳам қадимги саёхатларнинг айнан савдо мақсадларига асосланишидан дарак беради.

Саёхатларнинг ривожланишига зиёратчилар ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. Турли дин вакиллари бўлган зиёратчилар ўз динларини кенгайтириш ва муқаддас жойларга бориб зиёрат қилиш мақсадида узундан-узоқ ва машаққатли саёхатларни амалга оширганлар. Салб юришлари ўрта асрларнинг машҳур ходисалари сифатида қайд этилади. Ҳозирги пайтда зиёратчилик диний туризмнинг асосини ташкил қилиб, ўз фаолиятига кўра, кенг миқёсга эга ҳисобланади. Бунга мисол тариқасида ислом дини вакилларининг муқаддас Маккаю Мукаррама шаҳрига ҳажга бориши ёки христианларнинг Куддус шаҳрига зиёрат қилишларини келтириб ўтиш кифоя.

Кашфиётлар

Саёхатларнинг асосий қисми янги савдо йўлларини, янги ер ва мамлакатларни очиш мақсадида амалга оширилган.

Буюк араб олими ва саёхатчи **Ибн Баттута** (Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Абдуллох ал Лавати ат-Танжи) *Ibn Battutah* (1304-1368) 21 ёшидан саёхат қилишни бошлаган ва шарқнинг барча мамлакатларини (70 минг чакиримдан ортиқ) пиёда босиб ўтган, Шимолий Африка мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистонда бўлган. У ўзининг машҳур «Рихле» деб номланган асарида кўплаб мамлакат ва савдо йўлларнинг географик номларини, халқларнинг урф-одатларини батафсил тасвирлаб берган. Италиялик савдогар **Марко Поло** (1254-1324) 1271-1295 йилларда Хитойга сафар уюштириб, у ерда 17 йил истиқомат қилган ва бу мамлакат ҳақидаги камёб маълумотларни туплаб, ўзининг китобида акс эттирган.

Янги ерларнинг очилиши узоқ ўтмишда денгиз орқали машаққатли саёхатлар уюштиришни талаб қилган. Ҳозирги кунда барчага маълумки, Америка Колумбдан анча аввал кашф этилган, Гренландияда эса (унинг номи «яшил ер» деб номланиб, ҳозирги кунда калин музлик билан копланган)

Европадан келиб чикканлар истиқомат қилган. Агар ушбу улкан оролнинг музлаш тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, биринчи кўчиб келганларнинг эрамиздан аввалги 600-700 йилларда келганлиги маълум бўлади. Жанубий Америкадан Полинезияга оммавий равишда солларда бир неча ойда сузиб ўтишга ақл бовар қилмасада, буни амалга ошириш мумкинлигини **Тур Хейердал** Тинч океанини оддий бир солда кечиб ўтган ҳолда исботлаб берган.

Кўплаб саёҳатлар янги ҳудудларни эгаллаб олиш ёки бўлиб олиш мақсадида ҳарбий юришлар билан амалга оширилган. Кўп сонли кушинлари билан ҳарбий юриш қилган Александр Македонский (эрамиздан аввалги 356-233 йиллар) 32 минг чакирим йўлни босиб ўтиб, ўз вақти учун ажойиб кўрсаткичга эга бўлган. Ўрта асрларда христианлар обидаларини химоя қилишга йўналтирилган салб юришлари минглаб чакирим масофадан Мукаддас Ер ва Византияга етиб келган юз минглаб диндорларни ўз сафларига бирлаштирган.

Буюк саёҳатчи ва кашфиётчилар, олимлар қаторига мисол қилиб **Фернан Магеллан** (1480-1521), **Васко да Гама** (1469-1524), **Христофор Колумбни** (1451-1506) кўрсатиш мумкин, улардан охиригиси 1492-1493 йилларда учта каравеллада Атлантика океанини босиб ўтган ва Америка қитъасини очган.

2.2. Марказий Осиё минтақаси саёҳатчилари

Саёҳлик Ўрта Осиё ўлкасида қадим замонлардан ривожланган бўлиб, ўлкамиздаги илк сайёҳлик кўринишлари «Буюк Ипак йўли» га бориб тақалади. Милоддан аввалги II-асрда очилган Буюк Ипак йўлини аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бу йўл фақат савдо йўли бўлмай, айти пайтда дунё халқлари ўртасида маданий ҳамда давлатлараро алоқалар йўли бўлган.

Ўрта Осиёлик сайёҳатчиларнинг маълум бир қисмини зиёратчилардан иборат бўлиб, мукаддас жойларга бориб зиёрат қилиш мақсадида узоқ ва машаққатли саёҳатларни амалга оширганлар.

VII-VIII асрларда Араблар Мовароуннахрни забт этиш йўли билан маҳаллий халқнинг урф-одати, дини ва эътиқоди, қадимдан ривожланиб келаётган маданиятга ўз таъсирини ўтказиб, аста-секинлик билан ислом дини кириб кела бошлади. Маҳаллий халқнинг ислом динига ўтиши билан Марказий Осиёни Араб мамлакатлари Маккаю Мадина билан боғлади. Ислом дини фарзларидан бири ҳажга бориш ҳисобланиб, Мовароуннахрликлар ўз юртларидан чиқиб Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия орқали ўтиб, Саудия Арабистондаги Макка ва Мадинада ҳаж амалини бажарганлар. Бу йўл машаққатли, оғир, бир неча ой ва йилларни ўз ичига олган бўлсада, йилдан-йилга ҳажга борувчиларнинг сони ортиб борган.

Зиёратчи-олимларнинг энг машҳури деб буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийни киритишимиз мумкин. **Имом Исмоил ал-Бухорий** ўз онаси билан 17 ёшда ҳажга бориб, бир неча йил Арабистонда яшайди. У фикҳ ҳадисларни йиғиш мақсадида Боғдод, Дамашқ, Балх, Нишопур, Миср ва бошқа кўпгина араб шаҳарларида 40 йил саёҳат қилиб, ҳадисларни тўплайди. Бунга Имом ал-

Бухорийнинг замондоши **Абу Исо Муҳаммад ат –Термизийни** ҳам мисол қилиш мумкин. Шу даврда унинг Боғдодда кўпгина шогирдлари ҳам бор эди.

Араб ҳалифалигига кирган Мовароуннахрда, Хуросонда, Хоразмда маҳаллий тилларда ёзилган асарлари йўқ қилиниб, ерли билимдонлар, толиби илмлар ҳалифаликнинг марказий шаҳарлари Дамашқ, Қоҳира, Боғдод, Куфа ва Басрага бориб билим олишга ва араб тилида ижод қилишга мажбур бўладилар. Бу шаҳар Шарқнинг йирик илм ва маданият маркази бўлиб, улар орасида Боғдод шаҳри энг машҳури эди. IX асрда бу шаҳарда «Байт-ул ҳикма» – «Донишмандлар уйи» Шарқнинг ўз давридаги Фанлар Академияси ташкил этилган эди.

«Байт-ул ҳикма» да катта кутубхона ҳамда Боғдодда ва Дамашқда астраномик кузатишлар олиб бориладиган расадхоналар мавжуд эди. Бу ердаги толиблар тадқиқотлар билан бир қаторда қадимги юнон ва ҳинд олимларининг илмий меросини ўрганиш ва асарларини араб тилига таржима қилиш билан шуғулланадилар. Бу ерда ўрта асар илму-фанига катта ҳисса қўшган кўпгина Мовароуннахр ва Хуросонлик олимлар ижод қилишган.

Шулар жумласидан, 20 дан ортиқ асарлар муаллифи, қомусий олим Муҳаммад Мусо ал Хоразмий ўз билимини ошириш мақсадида Хуросон, Эрон, Ироқ ва Сурия мамлакатларига бориб, математика, география, астраномия фанларига улкан ҳисса қўшган.

«Байт-ул ҳикма» да фаолият кўрсатган олимларнинг яна бири буюк астраном, математик, географ **Аҳмад ал-Фарғонийдир**. У Фарғоналик бўлиб, аввал Марв, сўнгра Боғдод, Дамашқ ва Қоҳира шаҳарларига бориб, астраномия, математика, география фанлари билан шуғулланади. У Қоҳира шаҳри яқинида жойлашган Равзо оролида Нил дарёси соҳилига қадимги гидрометр – дарё оқими сатҳини ўлчагич «Микёс ан – Нил» иншооти қурилишига раҳбарлик қилди.

Ватандошларимиздан яна **Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Берунийлар** каби буюк алломалар фан тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиши билан бирга эл кезган олимлардир. Ал – Берунийнинг «Ўтмиш авлодларидан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон» асарларида Марказий Осиё географияси, халқлар маданияти ҳақида ёзган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483 йил 14 март Андижон ш. – 1530 йил 26-декабр Ҳиндистоннинг Агра ш.) – ўзбек классик адабиётининг йирик вакили, тарихчи, сайёҳ-олим, темурийлар сулоласи вакили. «Буюк мўғуллар империяси» деб номланган Ҳинд давлатининг, аслида Бобурийлар давлатининг асосчиси бўлган. Бобур ўзининг машҳур «Бобирнома» энциклопедик асарида 15 асрнинг иккинчи ярми ва 16 асрнинг биринчи ярмида Мовароуннахр, Ўрта Осиё, Афғонистон ҳамда Ҳиндистон тарихи, маданияти ва табиати ҳақида жуда бой илмий маълумотлар келтиради, бу албатта ушбу юртларни бевосита Бобур томонидан кезиб чиқанидан далолат беради. (Ўзбек Совет энциклопедияси, 2-том)

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўрта Осиёда қадимги сайёҳлик Буюк Ипак йўлининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, IX-XI асрларда сайёҳлик

туфайли, кишилар билимини оширадиган туризмнинг илмий турига асос солинган ва зиёратчилик кенг ривожланган эди.

Россия давлати ҳам машҳур саёҳатчиларга бой. Хужжатлар билан тасдиқланган энг қадимги саёҳатчилардан бири **Игумен Данилл** 1065 йилда Афон Муқаддас ерга зиёрат қилгани борган ва сафар давомида кўрган халқлар ва ерлар ҳақида батафсил ёзиб қолдирган. 1471-1474 йилларда Эрон ва Ҳиндистонга саёҳат қилган **Афанасий Никитин** «Уч денгиз оша саёҳат» номли ажойиб асар битган. Кейинроқ, машҳур саёҳатчилар **Н. Н. Миклухо-Маклай** (1846-1888), **Н. М. Пержевалский** (1839-1888), **В. И. Беринг** (1681-1741) ва бошқалар ўз номларини саёҳатчилар тарихида ёзиб қолдирганлар.

2.3. Туризм тушунчаси ва унинг шаклланиш тарихи

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонунида туризм тушунчасига қуйидаги тарзда таъриф берилган: **Турист - жисмоний шахснинг доимий истеъжомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши).**

Бугунги кунда замонавий туризм асосчиси деб тан олинган баптист пастори **Томас Кук** биринчилардан бўлиб саёҳатчиларнинг оммавий сафар уюштиришининг моҳияти ва фойдалилигини англаб етди ҳамда 1843 йилда у дастлабки темир йўл орқали турни ташкиллаштирди ва муваффақиятга эришди. 1851 йилда у мамлакатнинг барча бурчагидан келган инглизларнинг Париждаги кўргазмада иштирок этишини ташкиллаштирди. У кўргазмага 165 минг кишини олиб келишга мушарраф бўлди. Кўргазма турлари катта фойда келтирганлиги сабабли, Кук Англиялик туристларнинг 1865 йилда Парижга Бутунжаҳон кўргазмасига оммавий равишда ташриф буюришининг ташкилотчиси бўлди. 1856 йилдан бошлаб Европа бўйлаб турлар одатий ҳолга айланди, Кукнинг туристлик агентлиги ва унинг филиаллари тузилди. Туристлик компаниянинг мисли қурилмаган муваффақиятга эришганлигини Кук туристларга таклиф этган каталогдан 8 мингдан ортиқ меҳмонхоналарнинг ўрин олганлиги ҳам тасдиқлайди. 1870 йилда «Томас Кук» туристлик фирмаси мижозлари сони 500 минг кишига етди.

Европа ва Америка қитъалари ўртасида мунтазам кема катнови 1832 йилда йўлга қўйилган бўлиб, 1866 йилда Кук АҚШ га туристларнинг дастлабки икки гуруҳини жунатади. Турлар узоқ муддатли бўлиб, беш ойгача давом этган. Томас Кукнинг хизматларидан фойдаланган америкалик таниқли туристлардан бири **Марк Твен** бўлиб, у олтмиш кишидан иборат гуруҳ таркибида иштирок этган ва кейинчалик бу саёҳатни каламга олган. Томас Кук 1872 йилда биринчи бўлиб индустрия асосида жаҳон бўйлаб саёҳат уюштиришни таклиф қилган. Дастлабки 20 саёҳатчи бутун жаҳон бўйлаб 220 кун давомида саёҳат қилганлар. Томас Кук 1892 йилда вафот этиб, унинг ишини уғиллари ва шериклари давом эттиришган. Компания ўз фаолият соҳасини кенгайтириб, йирик молиявий

институтга айланган ва саёҳатчилар учун йўл чеклари чиқара бошлаган. Бу эса ўз моҳиятига кўра аср ихтироси - хавфсиз пуллар эди. Бугунги кунда «Томас Кук» компанияси бутун дунёда 12000 дан ортиқ туристлик агентликларга эга бўлиб, йилига 20 миллиондан ортиқ туристга хизмат кўрсатади.

Саёҳатлардан ҳаёт фаолиятнинг алоҳида жозибадор усули сифатида янги шакл - туризм ажралиб чиққан бўлиб, у ўзига хос хусусиятлар ва ҳислатлари билан тавсифланади.

Туризмни саёҳатлардан ажратиб турувчи асосий жиҳати бу мақсад ва оммавийлигидир. Проспер Мериме 1840 йилда «Коломба» асарида қайд этганидек «Сайёҳларнинг доимий хурсандчилиги ўрнига лоқайдлик юзага келиб, ҳозирги туристларнинг кўпчилиги ўзига хос бўлиб ажралиб туриш учун ўзларига Nil Admirare (ҳеч нарсага хайрон бўлмаслик) шиорини танлаб олганлар». Айтиш керакки, бу «саёҳатчи» ва «турист» тушунчалари ўртасидаги биринчи фарқ бўлди.

Бошқа одамлар орасидан алоҳида ажралиб туриш, биринчи бўлиш истаги саёҳатчилар орасида яққол ажралиб туради. Инсон фаолиятининг бошқа соҳаларига караганда бу ерда ўзини кўрсатиш имконияти кўпроқдир. Ким энг юқорига чиқиб шампан виноси ичади, ким узокрокга боради, ким кўпроқ темир йўл станцияларида ёки чегара пунктларида бўлади - рекордчи-саёҳатчиларнинг фантазияси чегараланмаган бўлиб, Гиннеснинг рекордлар китобида бундай ютуқларга алоҳида бўлим ажратилган.

1913 йилда велосипедда бутун дунёни айланиб чиқиб, бунда 50 минг км йўл босган ва 52 та покришка, 36 та камера, 9 та занжир, 9 та педал, 4 та эгар, 2 та рул ва ҳоказоларни алмаштирган ҳамда «Бриллиант Юлдуз» белгиси билан мукофотланган **Анисим Панкратовни** туристлар тоифасига эмас, балки айнан саёҳатчилар қаторига киритиш мумкин. шунингдек, уч йил (1928-1931) ичида СССР чегаралари бўйлаб *bicycling tour* велосипедда айланиб чиққан **Глеб Травинни** ҳам саёҳатчилар қаторига киритиш мумкин. бир неча йил мобайнида «Татра» автомобилларида сайёрамизнинг барча қитъалари бўйлаб саёҳат уюштирган Чехославкиялик саёҳатчилар Иржи Ганзелка ва Станислав Зигмудларни туристлар тоифасига киритиш албатта қийин. Уларнинг қитъалараро йўналиши «Татра» концерни томонидан молиявий ва техник таъминланган бўлиб, бу фирманинг реклама мақсадларига хизмат қилган. Амалда бу техника жиҳатларини синовчиларининг нормал ва ҳақ туланувчи хизмати бўлиб ҳисобланади.

Гиннеснинг рекордлар китобида бошқаларни хайрон қолдириш ниятида уюштирилган саёҳат ва жасоратларга катта жой ажратилган.

Джесси Росдайл исмли шахс дунёда энг кўп мамлакаларда бўлиш ва ўз ҳужжатларига барча мамлакатлар чегара хизматлари штампини куйдиришни мақсад қилиб олган, бунинг учун у 2627766 км масофани босиб ўтган ва 215 та мамлакат чегарасини кесиб ўтган ҳамда бунинг учун Гиннес дипломига сазовор бўлган. Миссионер Алфред Уолдерн (АҚШ) отда саёҳат қилишни мақсад қилиб қўйган ва 424850 км масофани (битта ёки бир нечта эканлиги номаълум) отда босиб ўтган. Бунда у 16 мингдан ортиқ маъруза уқиган. Пиёда, чангида,

велосипедда, автомобилда, темир йўл, авиа ва денгиз транспортида саёҳат қилиш бўйича ҳам турли рекордлар ўрнатилган.

Хаттоки замон ва маконда илмий саёҳат уюштирувчи, Ойга қўнувчи, Ер орбитаси атрофида парвоз қилувчи космонавтлар (уларни ҳам сайёҳлар қаторига киритиш мумкин) ҳам рекорд урнатишга интиладилар. Космосга биринчи бўлиб парвоз қилган одам, биринчи космонавт аёл, парвоз узунлиги, баландлиги ва узоклиги, Ой сатҳида Луноходда сайр қилиш узунлиги ва бошқа бир қатор фактлар рекорд сифатида қайд этишга асос бўлади.

2.4. Саёҳатларни моддий таъминлаш жиҳатлари

Саёҳатлар ва туризмнинг бир-биридан фарқларини кўриб чиқишда ушбу фаолиятнинг мақсадлари ва моддий таъминотига тухталиб ўтиш жоиз. Саёҳат ва экспедицияларнинг асосий қисми маълум бир мақсадларга (савдо, фан, янги ерларни очиш, маҳсулот рекламаси ва ҳоказо) хизмат қилиб, манфаатдор шахслар, ташкилотлар, давлат ва хусусий жамғармалар томонидан молиялаштирилади

Саёҳатчи - бу биринчи навбатда касб бўлиб, одамларнинг касби ёки кун кўриш манбаи ё бўлмаса саёҳатда иштирок этувчиларнинг турмуш тарзига айланиши мумкин. Бу эса фаолиятнинг мақсади бўлиб, туризм мақсадларидан фарқ қилади.

Вақт инсон имкониятларини сезиларли даражада ўзгартириб юборган. Бугунги кунда бўш вақт ва етарли маблағга эга бўлган деярли ҳар бир шахс жаҳон бўйлаб ҳаво шарида ёки бошқа транспорт воситаларида сайр қилиши, дунёнинг инсон оёғи етмаган нуқталарига ташриф буюриши мумкин. Саргузаштли туризмга ихтисослашган туристлик фирмалар Жанубий Америка, Африка ва Осиё бўйлаб махсус тайёрланган автомобилларда узок муддатли (30 ҳафтагача) қитъаларо саёҳатларни таклиф қилмоқда. Буюк янги ер очувчиларнинг йўналишларини такрорловчи, нархи 50 минг АҚШ долларига тенг бўлган 190 кунлик денгиз саёҳатлари ҳам таклиф этилмоқда.

Туризмни уюштириш ва амалга ошириш бўйича маълум бир шароитларда у туристлик индустрияси корхоналари ва туристлик ташкилотлар томонидан такдим этилувчи туристлик хизматлардан фойдаланишни кузда тутиши мумкин.

Туризм-саёҳатларнинг бир тури бўлсада, бироқ ўзига хос жиҳатларига кўра, маълум бир тавсифга эга бўлиб, унда иштирок этувчи шахс турист деб номланади.

Саёҳатлардан фарқли равишда, туризм иқтисодиёт ва сиёсатнинг кучли таъсирига учровчи соҳа бўлиб, бунинг устига ички табиий ходиса дуализмига эга бўлади.

Туризм бу туристлар томонидан амалга оширилувчи, аниқ белгиланган туристлик мақсадларга эга оммавий саёҳатлар тури, яъни туристнинг фаолияти ва бундай саёҳатларни уюштириш ва амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан иборат. Бундай фаолият турли хил туристлик индустрия корхоналари ва улар билан боғлиқ тармоқлар томонидан амалга оширилади.

Туризм фаолияти асосан бўш вақтда амалга оширилади. Бундай ҳол содир бўлиши учун икки шарт бўлиши керак: дам олишга ажратилган бўш вақт ва тегишли маблағ. Узоқ вақт давомида туризм фақат бадавлат кишилар қатламиники бўлган. Ҳозирги пайтда аҳолининг турли қатламлари бўш вақтини ва жамғарилган маблағларини турли туристлик сафарларга боришга сарфламоқдалар.

Туризм ХХІ асрда

Ҳозирги тушунчаларда қабул қилинган туризм ХІХ асрнинг охирига бориб шакланган бўлсада, фақат ХХ асрга келиб у жадал суратларда ривожланди ҳамда техника ва технологияларнинг ривожланиши, жамият муносабатларининг юксалиши натижасида у «ХХ аср феномени» номини олди. Бугунги кунда туризм - жуда кучли жаҳон микёсидаги иқтисодиётнинг тармоғи бўлиб, унинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 10%ни ташкил этади ҳамда бу соҳага жуда кўп сонли ходимлар, асосий воситалар ва йирик капитал маблағлар жалб қилинган. Бу йирик бизнес, катта пул ва глобал микёсдаги жиддий сиёсатдир.

Жамиятнинг ривожланиши билан сайёрамизнинг тобора кўплаб аҳолиси туризм соҳасига жалб килинмоқда. 1995-1997 йиллар мобайнида саёҳат қилувчилар сонининг барқарор усиш тенденцияси йилига ўртача 4% кузатилиб, 2008 йилдан Жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқироз сабабли бу соҳадаги фаолликнинг камайганлигини қайд қилиш мумкин. Бугунги кунда туризм кўпгина мамлакатларда шиддат билан ривожланаётган индустриянинг ижтимоий-иқтисодий тармоғидир. БТТ нинг баҳолашига кўра, туристлик сервиси ривожланган шаҳарга ташриф буюрган 100 нафар турист 20 минг АҚШ доллари атрофида сарфлайди, яъни ҳар бир турист томонидан бир суткада шаҳарга 200 АҚШ доллари миқдорида фойда келади. Таққослаш мақсадида, бу миқдордаги фойдани олиш учун хатто ривожланган мамлакат ҳам камида жаҳон бозорига 1 тонна пахта ёки 2 тонна буғдой олиб чиқиши керак бўлади.

Ҳозирги пайтда дунёнинг ажойиб, жозибадор туристлик ресурсларига эга бўлган барча бурчаклари ҳали яхши ўзлаштирилмаганлиги ва кенг туристлар оммаси учун очик эмаслигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бунда табиий-иқлим шароитлари ва сиёсий-иқтисодий омиллар, минтақадаги тинчлик, туризм индустриясининг ривожланиши кабилар муҳим рол ўйнайди. Туризм инфратузилмаси ва индустрияси туризмга турдош бўлган бир неча тармоқларни ҳам ривожланишига сабаб бўлади. Бундан ташқари туризмнинг ривожланишини яна бир катта муаммо бўлган ишсизликни ҳал қилишга ёрдам беради. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатга ташриф буюрган ҳар 20 нафар турист, 1 та бевосита туризм соҳасида ва 2 та туризмга боғлиқ бўлган халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида янги ишчи жойларнинг очилишига ёрдам беради. Шу билан бирга маҳаллий минтақаларнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир қилиб, жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, маҳаллий маҳсулотларини ва миллий хунармандчилик маҳсулотларини сотишга ёрдам беради. Масалан, Петропавловскка круиз лайнерининг келишининг ўзи маҳаллий аҳоли ҳаётида катта бир айёмдир, чунки бу 50-60 киши иш билан

таъминланса, уч кун мобайнида улар йўлбошчилик, гидлик вазифасини ўтаётган маҳаллий ўқитувчилар эса ўз ойлик маошларига тенг бўлган қўшимча даромад оладилар.

Жадвал 2.1.

Туризмни сайёҳатдан ажратиб турувчи асосий хусусиятлар

№	Фарқ қилувчи хусусиятлар	Туризм (турист)	Саёҳат (саёҳатчи)
1	Мамлакат иқтисодиётига таъсири бўйича	Туризм кучли жаҳон миқёсидаги иқтисодиёт тармоғи бўлиб, унинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши мавжуд. Бу йирик бизнес, катта пул ва глобал миқёсдаги жиддий сиёсатдир.	Саёҳатларнинг иқтисодиётига бевосита таъсири йўқ
2	Қўйилган мақсадлар бўйича	Йўлланмада кўрсатилган аниқ қўйилган мақсадлар билан чегараланган	Аниқ қўйилган мақсадлар билан чегараланмаган
3	Муддат мобайнида	Йўлланма билан чегараланган бўлиб, 1-2 кунлик (дам олиш кунлари); 3-7 кунлик; 8-28 кунлик; 29-91 кунлик бўлиши мумкин	Муддати чегараланмаган
4	Маълум маконда бўлиши	Бўладиган жойи йўлланма билан чегараланган	Макони ёки бўладиган жойи чегараланмаган
5	Бўш вақтнинг мавжудлиги	Асосан бўш вақт мобайнида амалга оширилади	Бўш вақт бўлиши шарт эмас. Саёҳат қилиш ҳаёт тарзи ҳисобланади
6	Борган жойида ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиши бўйича	Борган жойида турист учун ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас	Борган жойида саёҳатчи учун ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиш мумкин
7	Маблағ билан таъминлаш	Туристнинг шахсий маблағидан ва ижтимоий фондлардан	Ҳомий ташкилотлар, давлат ва хусусий жамғармалар томонидан молиялаштирилади
8	Ташкил қилиш ва хизмат кўрсатиш	Бу фаолият турли хил туристлик корхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ тармоқлар томонидан амалга оширилади.	Ташкил қилиш ҳомий ташкилотлар, давлат ва хусусий жамғармалар томонидан амалга оширилади, саёҳатларга хизмат кўрсатиш эса бевосита ўзи томонидан амалга оширилади.
9	Яшаш фаолиятига таъсири	Туристнинг саёҳатга бориб келиши яшаш фаолиятига бевосита таъсир қилмайди.	Сайёҳат саёҳатчи учун касби ёки кун кўриш манбаи, турмуш тарзи бўлиб хизмат қилади.

Таянч иборалар: Марказий Осиё саёҳатчилари, кашфиётлар, қадимги саёҳатлар ва зиёратчилик, саёҳат ва саёҳатчи, турист ҳақидаги тушунчалар, зиёратчи олимлар, туризмни сайёҳатдан ажратиб турувчи асосий хусусиятлар, туризм кучли жаҳон микёсидаги иқтисодиёт тармоғи, замон ва маконда кўчиб юриш, бўш вақтнинг ва маблағнинг мавжудлиги.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Саёҳат деганда нимани тушунасиз?
2. Илк саёҳатчилар кимлар бўлган?
3. Кўчманчиларни саёҳатчилар дейилишига сабаб нимада?
4. Зиёратчилар қандай саёҳатларни амалга оширадилар?
5. Савдогарлар саёҳати ҳақида нималарни биласиз?
6. Марказий Осиё сайёҳатчиларининг саёҳатга қўшган хиссаси нимадан иборат?
7. Нима учун Томас Кук туризмнинг асосчиси дейилади?
8. Туризмнинг таърифини айтиб беринг?
9. Туризмнинг саёҳатдан фарқи нималардан иборат?

3. ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

3.1. Туризм соҳасининг таснифланиши

3.2. Туристлик хизматларнинг хусусиятлари

3.3. Туристлик хизматларнинг «Тўртта С» билан ифодаланиши.

3.1. Туризм соҳасининг таснифланиши

Замонавий туризмни ўзига хос хусусиятларини белгилаш мақсадида унинг муҳим таснифий белгиларини аниқлаб олиш зарур бўлади. Жумладан, географик белгилари, туристлик оқим йўналиши, сафар мақсади, ҳаракатланиш усули, туристларни жойлаштирув воситалари ва иштирокчилар сони бўйича, ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Жадвал 3.1.

Туризм соҳасининг таснифланиши

№	Таснифланадиган белгилар	Туризм турлари
1	Географик принцип бўйича	1.1 Миллий 1.2 Халқаро 1.3 Ички
2	Туристлик оқимлар йўналиши бўйича	2.1. Кирувчи 2.2. Чиқувчи
3	Мақсадлар бўйича	3.1. Рекреацион 3.2. Соғломлаштирувчи дам олиш 3.3. Билимини оширадиган дам олиш 3.4. Малакавий иш туризми 3.5. Илмий туризм 3.6. Спорт туризми 3.7. Шоп-турлар 3.8. Саргузаштли 3.9. Зиёрат (ҳаж) сафари 3.10. Қўмсаш 3.11. Экотуризм 3.12. Экзотик
4	Молиялаштириш манбаи бўйича	4.1. Социал туризм 4.2. Тижорий туризм
5	Ҳаракатланиш усули бўйича	5.1. Яёв 5.2. Авиатранспорт 5.3. Денгиз транспорти 5.4. Дарё транспорти 5.5. Автотуризм 5.6. Темир йўл транспорти 5.7. Велосипед транспорти 5.8. Уловларда

		5.9. Аралаш
6	Жойлашув воситалари бўйича	6.1. Отелларга, меҳмонхоналарга 6.2. Мотелларга 6.3. Пансионатларга 6.4. Кемпингларга 6.5. Палаткаларга 6.6. Ротелларга 6.7. Ботелларга 6.8. Санаторийларга 6.9. Флотелларга 6.10. Хостелларга 6.11. Отел-клубларга 6.12. Турбазаларга 6.13. Туристлик уйларга 6.14. Аппартоментлар
7	Иштирок этувчилар сони бўйича	7.1. Индивидуал 7.2. Оилавий 7.3. Гуруҳлар бўлиб
8	Ташкилий шакллари бўйича	8.1. Ташкил қилинган 8.2. Ташкил қилинмаган

1. **Ички туризм** - ўз давлати чегараси доирасида доимий яшовчи фуқароларни вақтинчалик ташриф буюровчи жойда (тўланадиган фаолиятсиз) туристик мақсадларда саёҳат қилишга айтилади.

Ички туризм давлат чегараларини кесиб ўтиш билан ва туристик расмийлик билан боғлиқ эмас. Миллий валюта, тил, ҳужжатлар олдингидек ўзгармасдан қолади. Дунёдаги сафарларнинг 80-90 фоизи ички туризм улушига тўғри келади. Унга кетаётган харажатлар халқаро туризм харажатларидан 5-10 баробар ортқидир. Айниқса у АҚШда оммабоп ҳисобланади.

2. **Халқаро туризм** –вақтинчалик келган жойида фаолияти тўланмайдиган, доимий яшайдиган мамлакат чегарасидан ташқарига туристик мақсадларда сафар қилиш тушунилади.

1968 йилда Римда саёҳатлар ва туризм бўйича БМТнинг биринчи конференциясида халқаро туризмга қўйидаги таъриф берилди.

Чет эл туристи – бу вақтинчалик ташриф буюрувчи, яъни исталган шахс, ташриф буюраётган давлатида малакавий фаолияти тўланмайдиган исталган мақсадларда доимий яшаётган давлатидан ташқарига бошқа давлатга ташриф буюришидир.

Чет эл туристларга мазкур давлатга 24 соат муддатдан кам бўлмаган муддатга вақтинчалик ташриф буюрган шахсларнинг барчаси киради. Шунинг қайд қилиш керакки, баъзи давлатларда БМТ статистик комиссиясининг тавсияларидан четланишга рўхсат берилади. Масалан, баъзи давлатларда 3 кун муддатдан кам бўлмаган муддатга ташриф буюрганлар халқаро туристлар

ҳисобланса, баъзиларида 2 ҳафта, учинчиларида эса бу муддат 1 ойдан кам бўлмаган муддатда ташриф буюрганлар халқаро туристлар ҳисобланади.

Барча халқаро туристлик саёҳатларнинг ўртача 65 фоизи Европага, тахминан 20 фоизи Америкага ва тахминан 15 фоизи қолган минтақаларга тўғри келади.

Туристларни нисбатан кўпроқ қабул қилувчи давлатларда халқаро туризмни ривожлантириш, чет эл валютаси оқимини кўпайтириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш билан изоҳланади. Кўпгина давлатлар халқаро туризм воситаси орқали тўлов баланси муммоларини ҳал қилишга уринадилар.

Ташриф буюрувчи чет эл туристлар товар ва хизматларни тўлай туриб, қабул қилаётган давлат бюджетига валюта тушумини таъминлайди. Шу билан бирга унинг тўлов балансини фаоллаштиради. Шу сабабли чет эл туристларини келиши «актив туризм» номини олди.

Туристларни чиқиб кетиши эса миллий валютанинг оқиб кетиши билан боғлиқ бўлади. Бундай турдаги туристлик операциялар халқаро тўловларда мамлакат туристлар экспорти тўлов балансининг пассивида қайд қилинади, туризмни ўзи эса «пассив» деб номланади. Туризмни «актив» ва «пассив» қисмларга бўлиниши фақатгина халқаро туризмга хосдир.

Сўнги йилларда, ички ва халқаро туризмни бир-бирига яқинлашиш тенденцияси кузатилди, бу эса туристлик расмийчиликларни соддалаштириш билан асосланган (масалан, бирлашган Европадаги Шенген битими).

3. **Кирувчи туризм**- фаолияти тўланмайдиган туристлик мақсадларда доимий яшамайдиган шахсларни ўзга мамлакат ҳудудига ташрифи, саёҳати ҳисобланади.

4. **Чикувчи туризм** – бир мамлакат ҳудудида доимий яшовчи шахсни бошқа мамлакатга фаолияти тўланмайдиган саёҳати, ташрифи ҳисобланади.

5. **Рекреацион туризм** – дам олиш мақсадидадаги туризм бўлиб, қатор давлатлар учун туризмнинг оммавий шакли бўлиб ҳисобланади. Испанияга, Италияга, Францияга, Австрияга чет эл туристларини ташрифи аввало мана шу мақсадни кўзда тутди. Дам олиш мақсадида сафарлар турли хилма-хиллиги билан фарқланади ва қизиқарли тамоша дастурларини (театр, кино, фестивал ва ҳ.к) қизиқишлар бўйича машғулотлар (ов, балиқ овлаш, мусиқали, бадий ижодиёт ва ҳ.к) ташриф буюрган мамлакатни миллий маданиятини ўрганиш билан боғлиқ бўлган этник саёҳатларни ўз ичига олиши мумкин.

6. **Созломлаштирувчи дам олиш туризми** ўта шахсий индивидуал ҳарактер касб этади. Инсон организмга таъсир этиш воситасига қараб даволаниш учун дам олиш иқлими, денгиз, балчиқ билан даволаниш ва ҳ.к.ларга бўлинади.

7. **Танишув (экскурсион) туризм**. Туризмни бу тури ўз ичига танишув (билиш, кўриш ва эшитиш) мақсадлари билан боғлиқ ташриф ва саёҳатларни ўз ичига олади. Экскурсия билишнинг бир шакли бўлиб, шахс интелекти ва дунёқарашини кенгайтириш функциясини бажаради. Танишув саёҳатининг турли кўринишларидан бири бу автомобил туризми ҳисобланади, бошқа транспорт воситаларига қараганда автомашина ва автобусларда саёҳат қилиш туристларга анчагина кенгроқ танишиш имкониятларини яратади.

8. **Малакавий иш туризми.** Туризмнинг мазкур турига иш мақсадлари билан сафарлар киради. Ҳозирги замонавий тараққий этган жамиятда ҳаёт халқаро алоқаларни боғлаш заруриятини чиқармоқда. Сўнги йилларда ишчан соҳа вакилларининг, тадбиркорларнинг ташрифлари оммавий тус олмоқда.

Қатор туристлик фирмалар турли мақсадларда бизнесменларни гуруҳ-гуруҳ бўлиб ташрифларини ташкил этишга ихтисослаштирилмоқда. Ишчанлик туризмни каттагина афзаллиги шундаки, уни юқори мавсум бўлмаган пайтда ҳам ташкил этиш имкониятини беради. Бунда турфирмалар нафақатгина соф туристлик хизматларни – транспорт, жойлашув, овқатланиш, саёҳат хизмати билан чегараланмасдан, балки ўзига хос махсус хизматлар – савдо шерикларининг имкониятлари тўғрисида маълумотларни йиғиш, таржима, зарур бўлган иқтисодий маълумотларни тақдим этиш, ишчанлик учрашувларини ташкил этиш ва ҳ.к. Бунинг учун ташриф буюрувчиларга тегишли йиғилишлар ўтказишда заллар ва махсус воситаларга мавжуд бўлган конгресс-марказлар ташкил этилади. Кўпгина ҳолатларда конгресс иштирокчиларини уларнинг оила аъзолари кузатиб борадилар, ҳамда уларга ҳам форум ташкилотчилари туристлик фирмалар билан биргаликда соф туристлик дастурларни тақдим этадилар. Айрим ҳолатларда иштирокчиларнинг ўзлари ҳам шаҳарнинг диққатга сазовар жойлари билан танишади, конгресс тугагандан сўнг эса мамлакат бўйлаб туристлик саёҳатларни амалга оширадилар.

Туризмни мазкур турининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ишчанлик вазиятида ўтадиган учрашув иштирокчилари оддий туристга қараганда мамлакат бўлиб саёҳат пайтида кўпроқ маблағ сарфлайди. Шунинг учун кўпгина давлатлар халқаро форумларни ва шунга ўхшаш тадбирларни ўзларида ўтказишга ҳаракат қиладилар.

9. **Илмий туризм.** Ўқиш, таълим олиш мақсадида, малака ошириш мақсадида сафар қилиш халқаро туризмнинг нисбатан янги турлари сафига киради. Хорижда таълим олиш учун сафар қилиш Ўзбекистонда ҳам турбизнесининг ўрнатилган сегментларидан бири бўлиб ҳисобланади. Сафарларнинг оммабоп бўлиб бораётган тури бу тил ўрганиш мақсадида, айниқса Буюк Британияга ва бошқа инглиз тилида сўзлашадиган давлатларга сафарлар кенгайиб бормоқда.

10. Ҳозирги вақтда катта қизиқиш уйғатаётган, бу **спорт – туризми** ҳисобланади. Бу сафарларнинг асосий мақсади туристларга ўзлари танлаган спорт тури билан шуғулланишга имконият яратиб беришдан иборат.

Спорт туризми зарурий база мавжудлигини талаб этади: турли инвентарларни, махсус трассаларни, арқон йўллари, спорт майдончаларини, асбоб-ускуналарни талаб этади. Спорт саёҳатларига қўйиладиган асосий талаблардан бири бу дам олувчиларни хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Спорт саёҳатлари, сафарларнинг мақсадига боғлиқ равишда 2 турга бўлинади: актив ва пассив. Биринчи ҳолатда бу қандайдир спорт тури билан шуғулланиш ҳисобланса, иккинчи ҳолатда шунчаки иштирок этиш ҳисобланади.

11. **Шоп-турлар** Россия ва СНГ давлатлари учун хосдир. Хорижга ташрифнинг асосий мақсади бўлиб, олиб яна қайта сотиш учун ҳалқ истеъмоли товарларини ҳарид қилиш ҳисобланади (пойафзал, трикотаж ва бошқа товарлар – Туркияда, Италия, Португалия, Сурияда; ёзги тўқима кийимлар – Индонезияда; пусстинлар – Греция ва Аргентинада; мебел – Полша ва Италияда; теле-радио маҳсулотлар БАА да; автомашиналар Германияда, Швецияда, Финландияда, Галландияда).

12. **Саргузаштли туризм** – ўзига хос тарзда дам олишнинг бир тури бўлиб, туристларни нафақатгина улар учун жалб қилувчи жойлар билан таъминлаш, балки ғалати, ғайритабиий фаолият тури билан шуғулланишга жалб қилади. («Шохона ов» «Ласос овлаш» «Қароқчилар хазинасини излаш» ва ҳ.к.).

Саргузаштли туризм бир неча турларга бўлинади?

- 1) сафар экспедициялари;
- 2) сафари –турлар (ов, балиқ овлаш, капалак тутиш ҳ.к.)
- 3) денгиз саёҳатлари (яхтинг).

Саргузаштли турлар мавзуси ва географияси жуда кенг ва турли тумандир. Одатда бу гуруҳли турлар ҳисобланади. Бундай туризмнинг ўзига хос жиҳати шундаки ов қилишга, балиқ овлашга, тегишли рухсат берувчи турли лицензияларни олиш ҳисобланади. Саргузаштли туризм маълум хавф-хатар билан боғлиқдир, шу сабабли, бундай турларни хавфсизлигини таъминлаш учун юқори малакали, тажрибали инструкторлар зарур бўлади. Туризмнинг мазкур тури жуда юқори нарх билан белгиланади ва уни элитар дам олиш туркумига киритиш мумкин.

13. **Диний туризм** (ҳаж сафари, зиёрати) ҳозирги вақтда жуда юқори талабга эга бўлиб, оммавий тус олмоқда. Мустақиллигимиз шарофати билан ҳар йили юзлаб ватандошларимиз Маккаю Мадинага ҳаж ва Умра сафарларини амалга оширмоқдалар.

Туризмда диний мақсадларнинг бир неча турларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- 1) Ҳаж зиёрати (гуноҳларни ювиш мақсадида, диний эътиқод мақсадида зиёратгоҳ жойларга ташриф буюриш).
- 2) Танишув ташрифи (диний қадамжолар, ҳайкаллар; дин тарихи, дин маданияти билан танишув).
- 3) Илмий ташрифлар (диний масалалар билан шуғулланувчи тарихчилар ва бошқа мутахассисларнинг ташрифи).

14. **Согиниш, қўмсаиш туризми.** Туризмни мазкур тури қариндошлариникига, туғилган жойларга ва яқинлариникига ташриф қилиш эҳтиёжига асосланган ва халқаро туристлик алмашувда муҳим ўринни эгаллайди. Масалан, Германиялик туристлар учун кўпроқ Волгабўйи турлари оммабоп ҳисобланса, яҳудийларда Исроилга саёҳат ҳисобланади ва ҳ.к.

15. **Экотуризм** атроф муҳитни сақлашда иқтисодий раҳбатлантириш учун шароит яратади. «Экотуризм» тушунчаси саёҳатларни жуда кенг қирраларини қамраб олади, яъни, ўқувчилар учун унча катта бўлмаган танишув турларидан тортиб, то миллий парклар ва қўриқхоналарларга узлуксиз туристлик

саёҳатларни қамраб олади. Туризмни мазкур туридан олинадиган фойда қисман табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига йўналтирилади.

16.Экзотика (ғалати, ажиб) туризми. Кейинги йилларда ўзининг ажиблиги билан таажубланарли турлар пайдо бўла бошлади. Булар қаторига кўйидагиларни киритса бўлади: «Манос тревел» номли грек турфирмаси Ойга саёҳатни режалаштиради. Россия космодромидан хорижий бизнесменларни космосга қиладиган саёҳатлари, бу албатта туристлар тамонидан жуда катта ҳаражатлар қилишни тақоза этади. Бунда ушбу туристлар муаллақ, мувозанатсиз ҳолатига тушади ва космосни кўриш шарафига муяссар бўлади. Парвозга ёзилувчилар ҳозирдан бошланган, биринчи туристлар 5 минг доллардан кафолат суммасини ўтказиб жойларни брон қилдилар.

«АПСАРА» номли француз фирмаси Антарктида ва Арктикадаги музликларга саёҳатларни ташкил этди. Антарктидага биринчи круиз 1989 йилда ташкил этилган. Саёҳат ўз таркибига мазкур экзотик жойларда нафақатгина яшашни балки, у ерда туристлар маҳаллий аҳоли, тюленлар, моржлар ва пингвинлар ҳаётини кузатиш имкониятига эга бўладилар.

Сув ости дунёси билан танишувчилар кейинги вақтларда анча кўпаймоқда. Бу йўналишда энг истиқболли лойиҳа бу мусаффо сув ости қайиғида саёҳат ҳисобланади. Унинг маршрутларидан бири «Титаник» кемаси чўкиб кетган жойда режалаштирилмоқда.

Германияда экзотикани яхши кўрувчи туристларда собиқ қамок камераси оммабоп саналади, чунки у ерда аттиги 20 ДМ тўлаш эвазига турист ўзини махбус деб ҳисоблаши мумкин.

«Одеон-отел» Париж фирмаси ўз мижозлари учун малика Дианани сўнгги ер усти йўлини тўлиқ такрорловчи маршрутни ишлаб чиқди. Машъум фожиали ва сирли трагедияни бошидан кечиришни истовчи туристлар қора мерседесда «Риту» отелидан то фожиа рўй берган жойгача сайр қиладилар. Сафар ҳаражати 25 долларни ташкил этади.

17.Ижтимоий туризм – бу давлат томонидан ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан саёҳат қилиш ҳисобланади. Ижтимоий туризмнинг мақсади фойда олиш эмас, балки даромади кам бўлган кишиларни дам олишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш учун уларни қўллаб қувватлаш ҳисобланади.

Туризмни мазкур тури чет элда кенг тарқалган. Собиқ Иттифоқ даврида туризмни мазкур тури ҳам оммабоп ҳисобланган, унинг улушига ички туризмнинг қарийиб 80 фоизи ва халқаро туризмнинг 50 фоизи тўғри келарди. Туризмни моддий-техника базасини мустаҳкамлашга давлатнинг каттагина маблағлари йўналтирилади. Давлат томонидан ажратилган бевосита инвестициялардан ташқари давлат суғуртаси ва касаба уюшмаларининг имтиёзли йўлланмалари тақдим этилган.

18. Ташкил этилган туризм – бу тур ташкилотлар томонидан ташкил этилаган алоҳида шахсларни ёки бир гуруҳ туристларнинг саёҳатидир. Ташкил этилган туристлар, туристлар йўлланмасини ҳарид қилиш йўли билан саёҳат ҳуқуқини қўлга киритадилар. Бунда хизматлар миқдори турлича бўлиши мумкин. Масалан, туристлар овқатланиши учун курсовкани ёки хизматлар

комплексини, яъни транспорт хизматлари, овқатланиш, яшаш, трансфер, саёҳат хизматлари ва ҳ.к.ни ҳарид қилиб олишлари мумкин.

Туризм соҳасининг тавсифи бўйича хулоса қиладиган бўлсак, шуни қайд қилиш керакки, испан мутахассиси Х.Монтанер Монтехано тадқиқотларига мувофиқ французлар мамлакати маданиятига яқин бўлган давлатларга оилавий саёҳатни ёқтиради, қуёш нурида дам олишни хуш кўради, шу билан бирга улар узоқ саёҳатлардан қочишга ҳаракат қиладилар.

Италия туристлари фаол, ташаббускор туризмни афзал кўрадилар, табиат қўйнида дам олишни, нотаниш инсонлар билан танишишга ҳаракат қиладилар.

Инглизлар учун саёҳатларни танлашда асосий меъзон бўлиб, иқлим, ошхона, рекреация имкониятлари ҳисобланади. Бунда ҳам ташкил этилган, фаол ташаббускор саёҳат турлардан фойдаланиши мумкин.

Германия туристлари кемпингларда, оилавий пансионатларда ташкиллаштирилган дам олишни мақул кўришиди. Улар учун саёҳат қилинган жойдаги экологик вазият муҳим аҳамиятга эга.

Россияликларга келсак, жамоат фикрини ўрганиш бўйича бутун Россия сўров натижаларига кўра 72 % аҳоли 2004 йил ёз мавсумида таътилни уйда ўтказишни режалаштирган.

3.2. Туристлик хизматларнинг хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар одатдаги муҳит даражасидан ташқарида бўлиб қолдилар, чунки ягона товар бўлиб моддий маҳсулот, аниқроғи, унинг торгина қисми –халқ истеъмоли товарлари ҳисобланар эди. Янги мунособатлар капитал бозори, ишчи кучлари хизмат бозори ва ҳ.к. каби бозорнинг янги сегментларини ўзлаштиришни талаб этади.

Чет элда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг тез тараққий этувчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Дунёдаги ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотда хизматлар улуши 70 фоиздан ҳам ошади.

Ўзбекистонда туризм бозорини ўрганиш ва ривожлантириш учун, аввало туристлик хизматларнинг моҳиятини аниқлаш зарур.

Хизмат термини халқаро стандартларда берилишича – бу ижро этувчи ва истеъмолчи ўртасидаги бевосита ўзаро таъсирнинг натижасидир, ҳамда истеъмолчи эҳтиёжини қондириш бўйича ижрочининг шахсий фаолияти натижаси ҳисобланади.

Бу тушунча ўз таркибига қўйидагиларни қамраб олади:

1. Хизмат истеъмолчилари ва ижро этувчиларнинг ўзаро таъсири;
2. Ижрочиларнинг ўзлари тамонидан хизмат кўрсатиш жараёни (яъни, маълум ишларни бажариш);
3. «Қайта ташкил қилинган маҳсулот» ёки «хизматлар натижаси» кўринишидаги ушбу фаолият натижалари.

Туристлик хизмат – туристларни мос равишдаги эҳтиёжларини қондириш бўйича туристлик корхона фаолияти натижаси ҳисобланади. Туристлик корхонанинг иши барча саёҳатларни ташкил қилиш билан бирга алоҳида хизматларни ташкил қилиши ҳам мумкин.

3.3. Туристлик хизматларнинг «Тўртта С» билан ифодаланиши.

Туризм хизмат кўрсатиш соҳасининг ташкил этувчиси сифатида ўз хусусиятларига ва функциясига эга бўлиб, бу уни хўжалик юрителишнинг автоном соҳаси эканлигини белгилайди. Бошқа хизмат турлари каби туристлик хизматлар ўзига хос хусусиятларини шартли равишда «Тўртта С» билан белгиласак қўйидаги ҳолатда бўлади:

1. Сезилмаслик. Туристлик хизматлар моддий маҳсулот бўлиб ҳисобланмайди. Улар ижтимоий – маданий (номоддий) соҳаларга тегишли бўлади, чунки истеъмолчини ижтимоий-маданий хизматларга бўлган эҳтиёжини жисмоний, этик, интеллектуал, маънавий ва ҳ.к. эҳтиёжини қондириш бўйича хизматларни ижро этувчилар фаолияти аниқлайди. Уларни харид вақтида кўриш ёки баҳолаш мумкин эмас. Бундай хизматлар объекти бўлиб, шахсан истеъмолчи ҳисобланади (турист);

2. Сервисни ва истеъмолчининг ўзаро боғлиқлиги. Хизматлар истеъмолчи ва ижро этувчиларнинг ўзаро таъсири натижасидан ташкил топганлиги сабабли, туристлик хизматларни кўрсатиш жараёни (ишлаб чиқариш) истеъмол билан бирга параллел равишда юз беради. Маълумки, моддий шаклда товарларни ишлаб чиқариш, уни сотувидан олдин бўлади, фақат ундан кейингина истеъмол жараёни бошланади. Яна бир муҳим хусусиятларидан бири бу туристлик товарлар ва хизматлар истеъмоли фақатгина истеъмолчини, яъни туристни унинг ишлаб чиқилган жойига олиб борилган ҳолдагина амалга оширилади. Оддий товарлар ва хизматлар истеъмоли эса тескарис, яъни ишлаб чиқилган маҳсулот жойидан қатъий назар тайёр бўлгач, истеъмолчи уни шу ернинг ўзида истеъмол қилади.


3. Сақланмаслик. Туристлик хизматларнинг сақланмаслиги (сақлаш мумкин эмаслиги). Туристлик хизматларнинг ҳаётий цикли моддий товардан тубдан фарқ қилади, хусусан сақлаш босқичининг мавжуд бўлмаганлиги билан туристлик хизматларни сақланмаслиги бозор конъюктурасини яхшилаб ўрганишни, талаб ва таклифни мутоносиблигини талаб этади, чунки хизматлар талаб бўлмаганга қадар «омборларда» туриб қоладиган маҳсулот эмас.

4. Сифатнинг доимий эмаслиги (хизматлар сифати кўп ҳолларда манбанинг ҳолати, унинг малакавий тажрибаси, кайфиятига боғлиқ бўлади).

Меҳмондўстлик соҳасидаги хизматлар ўзининг ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради, яъни, уларни сифати қандай шароитларда ким уни рад этишга боғлиқ бўлади. Бундай ўзгарувчанликни бир неча сабаблари мавжуд. Биринчидан, бундай турдаги хизматлар бир вақтнинг ўзида кўрсатилади ва қабул қилинади, бу эса уларнинг сифатини назорат қилиш имкониятини чеклайди. Эҳтиёжни вақтинчалик нобарқарорлиги, эҳтиёж юқори бўлган даврда хизмат сифатини сақлашни муаммоли қилиб қўяди. Кўп нарсалар хизмат кўрсатиш вақтида уни рад этиш ҳолатига боғлиқ бўлади. Айнан бир киши бугун сизга яхши хизмат кўрсатиши мумкин, аммо эртаси куни сифатсиз хизмат қилиши мумкин. Бундай сифатсиз хизмат кўрсатишни турли сабаблари бўлиши мумкин: хизмат сифатидаги ўсиш ва тебранишлар, меҳмондўстлик

индустрияси шаънига мижозлар томонидан айтиладиган эътирозлар норозиликнинг бош сабаби бўлиб ҳисобланади.

Туристлик хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари кўргазмали равишда 3.1. расмда келтирилган.



Расм 3.1. Туристлик хизматларнинг «Тўртта С» билан ифодаланиши.

Туристлик хизмат кўрсатиш таркиби асосий ва қўшимча хизматлар билан фарқланади. Туристлик корхоналар кўрсатадиган асосий хизматларга қўйидагилар киради:

- ташишни ташкил этиш бўйича хизматлар;
- жойлаштириш;
- туристларни овқатлантириш;
- саёҳатни (экскурсияни) ташкил этиш бўйича хизматлар;

Туристлик корхоналар кўрсатадиган қўшимча хизматларга қўйидагилар киради:

- туристларни суғурталаш бўйича хизматлар;
- гид (туристларга изох, тушунтириш берувчи шахс), гид-таржимон хизматлари;
- туристларни яшаб турган жойидан унинг вақтинчалик келиб тушган жойигача -мамлакатгача ва тескари (трансфер) ташиш бўйича, ҳамда саёҳат шартларида кўзда тутилган мамлакат ҳудудида (вақтинчалик келган жойидан) исталган бошқа ташишлар бўйича хизматлар;
- техникани таъмирлаш бўйича хизматлар;
- ижара бериш бўйича хизматлар;

- валюта айирабошлаш;
- телефон хизмати;
- почта хизмати;
- маиший хизмат кўрсатиш хизматлари;
- пляжлардан фойдаланиш хизматлари ва ҳ.к.

Бундай бўлиниш истеъмол хусусиятлари нуқтаи назаридан олиб қараганда, аҳамиятли фарқлар йўқлиги сабабли шартлидир. Йўлланмада қайд қилинган ва асосий дастурга киритилган хизматлар асосий ҳисобланади. Қўшимча хизматларни етиб келган жойида туристнинг ўзи мустақил ҳарид қилади. Улар йўлланма нархига кирмайди.

Кўпгина ҳолатларда туристлик асосий хизматларга транспорт хизматлари, жойлашиш ва овқатлантириш хизматларидан ташкил топади. Аммо, танишув (экскурсион), малакавий иш туризми, спорт, диний мақсадларда саёҳатлар ташкил этилганда қўшимча хизматлар ҳам ушбу турларнинг асосини ташкил этади. Асосий ва қўшимча хизматлар ўртасидаги фарқ, уларни дастлабки ҳарид қилинган йўлланма пакетига киритилган хизматлардан ташкил топади. Туристларга номоддий хизматлардан ташқари моддий хизматлар ёки махсус маҳсулотлар тақдим этилиши мумкин, масалан, шаҳар режаси, метро харитаси, сувенирлар, туристлик жиҳозлар.

Шундай қилиб Ўзбекистонда туризм бозорини ўрганиш ва ривожлантириш жараёнида, келгусида туризмни асл моҳиятини белгиловчи қўйидаги учта жиҳатларни ҳисобга олишни ҳозирги давр талаб қилмоқда:

- дам олиш ва кўнгил очар фаолият сифатида;
- бевосита туризмга хизмат қилувчи тармоқни қамраб олувчи бизнес сифатида;
- туризм бозорига йўналтирилган моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоғи корхонасининг фаолияти сифатида қарашга тўғри келмоқда;

Таянч иборалар: Туризм соҳасининг таснифланиши, туризм турлари, таснифланадиган белгилар, географик принцип бўйича, ҳаракатланиш усули бўйича, мақсадлар бўйича, молиялаштириш манбаи бўйича, туристлик оқимлар йўналиши бўйича, диний туризм, экзотик туризм, ижтимоий туризм, туристлик хизматларнинг хусусиятлари, «Тўртта С», сезилмаслик, сервисни ва истеъмолчининг ўзаро боғлиқлиги, сақланмаслик, сифатнинг ўзгарувчанлиги.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Туризм соҳасининг таснифланиши қандай хусусиятларга эга?
2. Туристлик оқимлар йўналиши бўйича қандай туризм турларини биласиз?
3. Мақсадлар бўйича қандай туризм турларини биласиз?
4. Ҳаракатланиш усули бўйича қандай туризм турларини биласиз?
5. Жойлашув воситалари бўйича қандай туризм турларини биласиз?
6. Туристлик хизматларнинг «Тўртта С» билан фойдаланиши нимани кўрсатади?
7. Туристлик хизматларнинг хусусиятлари нималардан иборат?

4. ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ

Режа:

4.1. Туризмни индустриясини ташкил қилиш.

4.2. Туроператор ва турагентликлар.

4.3. Транспорт ва меҳмонхона хўжалиги.

4.4. Овқатланиш хўжалиги

4.1. Туризм индустриясини ташкил қилиш

Туризм индустрияси – бу меҳмонхоналар ва жойлаштириш воситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш объектлари, кўнгил очиш объектлари ва воситалари, билим орттириш, даволаш, соғломлаштириш, спортга доир, диний-маросимчилик, ишбилармонликка ва бошқа мақсадларга молик воситалар, туризм операторлари ва туризм агентлигини амалга оширувчи, шунингдек, туристлик-экскурсия ва гид-таржимонлик хизматларини таклиф қилувчи ташкилотлар мажмуидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида» ги Қонунда туристлик индустрия тушунчаси қуйидаги тарзда таърифланади: Туристлик индустрия - туристлик фаолиятнинг туристларга хизмат кўрсатишини таъминловчи турли субъектлар (меҳмонхоналар, туристлик комплекслар, кемпинглар, мотеллар, пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт корхоналари, маданият, экспорт муассасалари ва бошқалар) мажмуи.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатнинг ёки туристлик марказнинг ижтимоий тузилишидан қатъий назар туризм соҳасида туристлик фаолиятни амалга оширувчи бир қанча турли хилдаги корхоналар, чунончи: туризмни ташкиллаштирувчи туроператор ва туристлик агентликлар мавжуд. Бундан ташқари туристларни ташувчи, меҳмонхоналар ва жойлаштириш тизимининг бошқа корхоналари, умумий овқатланиш, аттракционлар ва кўнгил очар жойлари, шунингдек, улар қаторига банк соҳасидаги муассасалар, суғурта хизмати ва бошқалар киради. Туризмнинг махсус турларида даволаш муассасалари, ўқитиш тизими муассасалари ҳамда аниқ туристлик маҳсулотнинг мақсадларига мувофиқ келадиган спорт ва бошқа муассасалар иштирок этишлари мумкин. Бу ташкилотларнинг барчаси бир-бирларини уйғун равишда тўлдириши ва истеъмолчи учун зарур бўлган ҳамда ассортимент бўйича етарли даражадаги барча хизматларни кўрсатади.

Туризм ташкилотчиларига туризм соҳасидаги икки хил корхона мансубдир: туроператорлар ва туристлик агентликлар. Бу корхоналар туризм хизматининг ўзи билан бевосита шуғулланмайдилар, балки фақат истеъмолчи (турист) билан бевосита хизмат кўрсатувчининг ўртасида воситачилик вазифасини бажарадилар. Ўз навбатида уларнинг фаолияти - бу ҳам хизмат кўрсатишдир. Франциянинг туристлик қонунчилигида бу корхоналарни уларнинг моҳияти ва вазифасининг ҳарактерига мувофиқ равишда туризм ташкилотчилари деб тўғри номлайдилар.

4.2. Туроператор ва турагентликлар

Туроператорлар туристлик маҳсулотни шакллантиришни (тузиш ёки лойиҳалаш), уни бозор томон ҳаракатини, шунингдек реализация қилинишини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Турни шакллантириш деганда муддатлари, мақсадини аниқлаш бўйича тартиблаштирилган ва бир-бирига боғланган, нархи ва сифати бўйича, кетма-кетлигига кўра келишилган хизмат кўрсатиш ва иш бажариш, уларни таклиф этиш бўйича шартномалар тузиш, тегишли равишдаги бронлаштириш ва резервлаштириш тушинилади. Йўналтириш деганда шундай ишлар мажмуи тушиниладики, бунда потенциал истеъмолчида шу ишларни сотиб олиш учун мойиллик туғдириш бўйича ишлар бажарилади

«Реализация» термини икки хил маънога эга:

А. Сотиш

Б. Бажариш.

Фаолиятнинг анъанавий схемаси бўйича туроператор туристлик агент-кутарачиларга туристлик маҳсулотни фақат улгуржи сотишни амалга оширадики, агент кутарачилар бу маҳсулотни минтақалар бўйича таксимлайдилар ва уларни маҳаллий туристлик агентликлар орқали сотадилар. Кўтарачилар WHOIESAIORS деб номланадилар.

Турларни истеъмолчининг ўзига, туристга чаканалаб сотишни туристлик агентлиги (ёки қисқача турагентлик) амалга оширади. Баъзан туроператор ўз ҳузурида махсус структуравий бўлинма - фақат туристларга кўрсатишнигина эмас, балки барча агентлик ишларини ўзаро мувофиқлаштириш билан ҳам шугулланувчи турларни чаканалаб сотиш бўйича марказий туристлик агентлигини тузиши мумкин. Амалиётда туризм соҳасидаги корхоналар ичида туроператорларнинг сони 5 % дан ошмайди, турагентликлар эса 95 % ни ташкил этади.

Бундан ташқари, туроператор туристлик маҳсулотни истеъмолчи (турист) олдида бажарилиши учун жавоб беради ва амалда туристлик маҳсулотни назорат қилиш ва оператив кузатиб боришни амалга оширади. Одатда туроператорлик функциясини амалга ошириш учун корхонани шундайлигича юридик шахс сифатида ёки юридик шахс маълумотига эга бўлмаган тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказишигина эмас, балки бундай фаолиятни амалга ошириш учун махсус лицензия ҳам олиш зарур. Масалан, Россияда лицензия олиш фақат халқаро туристлик фаолиятни амалга оширишда талаб этилади. Ички туризм соҳасидаги фаолиятда лицензия ва махсус рўйхатдан ўтиш талаб қилинмайди. Ўзбекистонда эса ички ва халқаро туризм учун ягона лицензия зарур.

Туроператор туристлик маҳсулот истеъмолчиси олдида жавобгар ҳисобланади, истеъмолчи кўпгина турли хил корхоналар хизматини ўз ичига олган хизмат кўрсатишлар пакетини айнан ундан сотиб олади. Бу жавобгарлик туроператорнинг тегишлича кафолатларини (маълум суммадаги маблағ депозити ёки бошқа таъминот учун банк кафолати, агар лицензиялаштириш қонунлари бўйича мумкин бўлса, малакавий жавобгарликни суғурталашни

назарда тутати. Турли мамлакатларда жавобгарликнинг таъминланиш даражалари турлича белгилангандир, масалан, 10 дан 250 минг USD.

Туристлик агентликлар (турагент) - бу истеъмолчига, яъни туристга ёки мижозларга айрим туристлик хизматлар ва турларни чакана сотиш функциясини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Агентлаштириш соҳасида фаолиятнинг бир нечта турлари фарқланади, шахс номидан ва корхонанинг топшириғи бўйича турларни сотиш. Моҳиятан бу турли хилдаги туроператорларнинг «туристлик йўлланмалар дўкони» дир. Туристлик йўлланмада доимо бундай сотишни амалга оширган туроператор ва турагентнинг барча реквизитлари тўлиқ кўрсатилади, агентлик фоизи тушунчаси бор бўлган мамлакатларда, агентлик фоизининг суммаси доимо туристлик хизматларнинг чеки ёки ваучерида кўрсатилган бўлади. Бундай мамлакатларда йўлланмалар юк **ваучер** бўлиб, унда касса аппаратидаги маълумотни ёзиб қўйиш учун махсус хошия мавжуд. Бундай ҳолда агентликнинг ўзи барча оқибатлари ва жавобгарликни бўйнига олган ҳолда туроператорлик функциясини бажаради.

Ҳозирги пайтда турларни истеъмолчига Интернет тармоғи орқали сотиш шаклланмоқда, лекин истеъмолчига фақат ахборот бериш ва маҳсулот таклиф этиш, уни мижознинг талабномаси бўйича ўзлаштириш босқичларгина автоматлаштириш имкониятига эга, баъзи ҳолларда, масалан, банкдаги ҳисоб-китобларни ёки кредит карталарининг рақамларини кўрсатишда ҳақ тўлаш ҳам назарда тутилади.

4.3. Транспорт ва меҳмонхона хўжалиги

Ташиш тизими туристларни пиёда бир жойдан бошқа бир иккинчи жойга ўтказишни истисно қилганда, техник тараққиёт даражаси билан белгиланади:

- филлар, туялар, отлар, эшаклар, итлар каби ҳайвонлардан;
- ер усти механик ҳаракат воситаларидан (велосипед, автомобил, автобус, темир йўлдан);
- ҳавода ҳаракатланиш воситаларидан (ҳаво транспортдан);
- сув транспортдан - қайиқ, соллар, дарё ва денгиз сув усти ва ости кемаларидан фойдаланиш асосида турғун равишда шаклланади.

Туристларни бир жойдан бошқа жойга олиб боровчилар иш босқичларига, уларнинг туристлик маҳсулот таркибидаги ўрнига мувофиқ равишда асосий ва ёрдамчи ташувчиларга бўлинади.

Иш босқичларига кўра уларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- трансфер, кўп ҳолларда автобус, туристларни жўнатиш, жойидаги асосий ташувчига етказиб бериш, туристларни аэропорт терминалидан, вокзалдан меҳмонхонага элтиш ҳамда худди шу операцияларни туристлар ватанларига қайтаётганларида бажариш;
- туристларни боришлари керак бўлган узоқ масофаларга элтиш;
- автобус ва темир йўл турларида маршрут бўйича олиб юриш, бунда ташиш босқичи аслида турнинг зарурий ва асосий элементи бўлади, ташиш


воситалари эса, кўпинча тунаш жойларига айланади, бунга денгиз саёҳатида доир маршрутларни ҳам киритиш мумкин;

- экскурсион маршрутлардаги ташиш, масалан, шаҳар бўйича, тематик боғлардаги ва бошқа ташишлар;
- шоппинг турлар учун юк таш.

Жойлаштириш - туризм индустриясининг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Жойлаштириш (тунаш) бўлмаса туризм ҳам булмайди. Бу туристларни қабул қилиб олиш ва ўз туристлик ресурсларини ишлатишдан қатъий назар ва катта даромад олишга ташна бўлган ҳар қандай туристлик регион ва марказ иқтисодиётининг талабидир. Меҳмонхона индустрияси меҳмондўстлик тизими-нинг моҳиятидир. У инсоният тарихидаги ҳар қандай ижтимоий формацияга хос бўлган меҳмонни ҳурмат қилиш, уни қабул қилиб олиш ва хизмат кўрсатиш тантаналари каби энг қадимги анъаналаридан келиб чиқади. Шунинг таъкидлаш керакки, мутлақо транзит туристлар ва экскурсион хизмат кўрсатиш ҳисобига яшайдиган туристлик марказ ва жойлар мавжуд. Лекин бу ҳолда яхши фойда олиш учун туристлик маҳсулот товарни ташкил қилувчи хусусиятга эга бўлиш керак.

Меҳмондўстликнинг (меҳмон қабул қилиш) индустрияси - бу минтақа ёки туристлик марказ ҳўжалигининг энг кучли тизмидир ва туризм иқтисодиёти-нинг муҳим таркибий қисмидир.

Меҳмон қабул қилиш индустриясини коллектив ва индивидуал жойлаштиришнинг турли хилдаги отеллар, меҳмонхоналар, мотеллар, ёшларнинг хостел ва ётоқхоналари, апартаментлар, туристлик хуторлар, шунингдек, туристларни жойлаштиришда иштирок этвчи хусусий сектор воситаларини ташкил этади.



Чизма 2. Туристлар ва сайёҳларни жойлаштириш воситалари

Жойлашув воситалари бўйича меҳмонхона турлари

Меҳмонхоналарни қуйидаги типологияси жаҳон амалиётида уларни ҳар бирини батафсил аниқ тафсилоти билан ифодаланган кўриниши қуйидаги 4-жадвалда акс эттирилган.

Меҳмонхоналарнинг хили	Тавсифи
Отел-люкс	Ўз сиғими бўйича меҳмонхонани мазкур типи кичик ёки ўрта корхоналар сафига киради. Одатда шаҳар марказида жойлашади. Яхшигина таълим олган персонал-ходим конференция, хизмат учрашувлари иштирокчилари бизнесменлар бўлиб ҳисобланган талабчан мижозларга сервисни жуда юқори даражасини таъминлайди. Барча мумкин бўлган хизмат турларини ўз ичига олувчи номерларни нархлари анча қиммат туради.
Ўрта (класс) бўғинли меҳмонхона	Ўз сиғими бўйича отелдан катта (400-200 ўринли) шаҳар марказида ёки шаҳар атрофида жойлашган. Етарли даражада кенг хизматлар турини тақдим этади, улардаги нархлар у жойлашган минтақа даражасига тенг ёки ундан бир мунча юқорироқ бўлиши мумкин. Бизнесменлар, хусусий туристлар, конгресс, конференция иштирокчиларни ва ҳақозоларни қабул қилиши мумкин.
Меҳмонхона-апартамент (апарт-отел)	Сиғими бўйича кичик ёки ўрта ўлчамли (400 ўрингача) йирик шаҳарнинг доимий бўлмаган аҳолиси учун хосдир. Вақтинчалик турар жой сифатида кўп йилларда ўз-ўзига хизмат кўрсатишдан фойдаланиладиган квартира (ижара) типидан ташкил топади. Меҳмонхонани мазкур типидан нархлар қоидага кўра жойлашув муддатига боғлиқ равишда (турланиб) туради. Узоқ муддатга тўхтаб ўтувчи оилавий туристлар, бизнесменлар ва ижарачиларга хизмат кўрсатади.
Иқтисодий бўғин (класс) меҳмонхонаси	Кичик ёки ўрта сиғимли корхоналар (150 ўринли ва ундан ортиқ) магистрал йўл ёқаларида жойлашади. Хизматлар тўпламини чекланганлиги, оддий ва тез хизмат кўрсатиш билан ажралиб туради. Истеъмолчилари – кўрсатилган (истеъмол қилинган) хизматлар учун ҳақиқий тўловни амалга оширишга интилувчи ва тўлиқ пансионга муҳтож бўлмаган бизнесменлар, хусусий туристлар учун мўлжалланган.
Отел-курорт	Ўз сиғими бўйича меҳмондорчиликни тўлиқ хизматлар тўпламини тақлиф этиш билан ажралиб турадиган корхона. Бундан ташқари, бу ерда парҳез таомлар ва махсус тиббий хизмат кўрсатиш комплексини олиш мумкин. Курорт минтақаларида жойлашади.
Мотел	Шаҳар ташқарисида, шаҳар бўйида, магистрал йўл ёқаларида жойлашган оддий бир ёки икки қаватли бинолар. Бу кичик ёки ўрта корхоналардир (400 ўрингача). Кам сонли ходимларни ўрта даражали хизмат кўрсатиши характерлидир. Мижозлари бўлиб ҳаваскор автотуризмга урғу берилган турли категориядаги туристлар ҳисобланади.
«Тунаш ва нонушта» хилидаги хусусий меҳмонхона	АҚШда кенг тарқалган. Бу меҳмонхона кичик (баъзида ўрта) сиғимли. Шаҳар атрофида ёки қишлоқ жойларда жойлашган. Хизмат кўрсатишга, қоидага кўра, нонушта ва уй шароитидаги енгил тамадди киради. Мижозлари бўлиб уй шароитида интиладиган тижоратчилар ва йўналишдаги туристлар ҳисобланади.
Отел-гарни	Мижозларга чекланган миқдордаги хизматларни: жойлашув ва континентал нонуштани тақдим этувчи корхоналар.

Пансион	Хизматлар даржасини чекланганлиги ва оддий стандартли корхоналардир. Отел-гарнилардан фарқли равишда бу ерда нонушта, тушлик ва кечки овқат (тўлиқ пансион) тақдим этилади. Бироқ овқатланиш хизмати фақат мижозларгагина кўрсатилади.
Меҳмонхона-ҳовли	Отеллардан сифими, хизмат кўрсатиши, содда стандартлиги билан ажралиб турувчи корхона, учрашувлар ва меҳмонлар ташрифи учун қатор жамоа хоналарини мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Меҳмонхона-ҳовли таркиби (структураси)да ресторан ёки барни мавжуд бўлиши мажбурийдир.
Ротел	Тунаш учун мўлжалланган креслолар жойлаштирилган бир ёки икки ўринли вагонлардан ташкил топувчи ҳаракатланадиган меҳмонхонадир. Хожатхона, ошхона, музлатгич ва кейиниш учун мўлжалланган хоналар мавжуд.
Ботел	Мос равишдаги жиҳозланган кичик кема сифатида фойдаланувчи сувдаги унча ката бўлмаган меҳмонхона.
Флотел	Кўп ҳолларда «сувдаги курорт» деб номланувчи катта меҳмонхона. Туристларга кенг турдаги хизматларни тақдим этувчи шинам номерлар: бассейн, сув чанғилари, балиқ овлаш учун шароит яратадиган, сув остида сузиш, сув ости ови, тренажер заллари, конференция ва конгресслар учун заллар, кутубхона, турли-туман таъминотлар (телефон, телефакс, телетайн, телевизор, ва х.к). Сўнгги вақтларда турларга ўқитувчи конгресс-круизлар, конгресс-турлар, бизнес-турларни ташкил этиш учун фойдаланилади.
Флайтел	Агромеҳмонхона ёки «учувчи отел». Фавқулодда қиммат ва меҳмонхонани камёб тури ҳисобланади. Қўниш майдончаси ва метеорологик хизмат алоқалари билан жиҳозланган.

4.4. Овқатланиш хўжалиги

Овқатланиш ҳар қандай инсоннинг табиий эҳтиёжидир. Овқатланиш, туризмда одатдаги оддий ва зарурий эҳтиёждан ташқари яна кўнгил очиш ва маҳаллий маданиятнинг, хусусан, гастрономиянинг муҳим таркибий қисмини англаш сифатида ҳам қаралади. Миллий таом халқ маданиятининг муҳим қисми бўлиб, ўзида аниқ ажралиб турувчи хусусиятларни мужассамлантиради, билиш жараёнининг элементи ва хузур-ҳаловат олишнинг воситаси ҳисобланади.

Умумий овқатланиш тизими туристлик марказ ёки минтақага ташриф буюрувчиларнинг эҳтиёжларини қондирувчи турли тоифадаги ресторанлар, барлар, кафе ҳамда ошхоналар, тез овқатланиш ва ўзига-ўзи хизмат қилиш пунктларидан ташкил топади. Овқатланишнинг тури - эрталабки нонушта, ярим пансион, тўлиқ пансион доимо туристлик хизматлари кўрсатиш таркибида белгиланган бўлади.

Ярим пансионда (икки марта овқатланиш) эрталабки нонушта ва тушлик ёки кечки овқат назарда тутилган бўлади. **Пансион** - бу уч марталик овқатланишдир. Қимматбаҳо хизмат кўрсатиш вариантларида бутун кун давомида ва хаттоки тунда исталган вақтда ва исталган миқдорда овқатланиш ҳамда ичимликлар (спиртли ичимликларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) ичиш

имконияти назарда тутилиши мумкин.


Шунингдек, таклиф этилаётган овқатнинг зичлик градацияси (миқдори бўйича) ва кўпинча калориялилиги ҳамда хизмат кўрсатишнинг турлари белгиланган бўлади. Масалан, нонушта хилларининг миқдори ташриф буюрилаётган мамлакат ёки минтақанинг анъаналарига боғлиқ бўлади (европача, континентал, инглизча, америкача, ва х.к.). Меҳмонларга хизмат кўрсатишнинг тури ҳам муҳимдир (шведча дастурхон).


Умуман олганда, сайёҳ эрталаб енгил овқат тановвул қилиши, яъни енгил нонушта қилиши қабул қилинган. Шунинг учун, одатда, меҳмонхоналарнинг кўп қисми овқатланиш пунктларига ёки ресторанларга эга бўлиб, меҳмон-дўстликнинг зарурий таркибий қисми ҳисобланган хизмат кўрсатишларни таклиф қилади, бу эса кўп ҳолларда жойлаштиришнинг қийматиға киритилган бўлади. Меҳмонхона қошидаги ресторанда овқатлантириш жойлари мавжудлигининг кўрсаткичи жуда муҳим. Агар бу кўрсаткич мавжуд номерлар фонди миқдориға мос бўлса яна ҳам яхши бўлади.

Нонушта масаласида энг яхшиси шундаки, турист меҳмонхонадан ташқарига чиқмаслиги керак, гарчи овқатланиш пунктлари назарда тутилмаган, туристларға эса яқинроқда жойлашган ресторанда овқатланиши мумкинлиги тавсия қилинган жойлаштириш воситалари ҳам мавжуд бўлсада. Бундай ҳолда жойлаштириш хизматининг қиймати кескин пасайиб кетади.

Овқатлантиришни ташкил этиш тиббий соҳани ҳам ҳисобға олган бўлиши керак. Нотўғри овқатланиш, ёмон (қоидаларға риоя қилмаган ҳолда) тайёрланган овқат заҳарланишға олиб келиши мумкин. Масалан, 40 % гача туристлар Миср ва Ҳиндистонға борганларида диареядан азият чекадилар. Айниқса, кўчадаги майда сотувчилар кўлидаги сув ва овқат, шунингдек сифатсиз ресторанлардаги таомлар хавфлидир. Айрим тоифадаги туристлар руҳида диний белгилар бўйича умумий қабул қилган чекланишлар (чўчка гўштини истеъмол қилмаслик, рўза тутиш), вегетерианларнинг ўзига хос талаблари, болалар овқати талабларини ҳам ҳисобға олиш керак. Овқатланишға бўлган бундай талабларнинг ўзига хослигини туристлар тур сотиб олаётганларида кўрсатишлари керак. Бажаришнинг имконияти бўлмаган тақдирда турдан воз кечиш керак.

ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИНИНГ ТАСНИФИ





10. Туризм индустрияси		Бу меҳмонхоналар ва жойлаштириш воситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш объектлари, кунгил очиш объектлари ва воситалари, билим ортириш, даволаш, соғломлаштириш, спортга доир, диний – маросимчилик, ишбилармонликка ва бошқа мақсадларга молик воситалар, туризм операторлари ва туризм агентлигини амалга оширувчи, шунингдек, туристлик - экскурсия ва гид-таржи-монлик хизматларини таклиф қилувчи ташкилотлар мажмуидир.
11. Туроператорлар		Туроператорлар туристлик маҳсулотни шакллантиришини уни бозор томон ҳаракатини, шунингдек, реализация қилинишини таъминловчи юридик шахсдир.
12. Туристлик агентликлар (турагент)		Бу истеъмолчига - туристга ёки миждозларга айрим туристлик хизматлар ва турларни чакана сотиш функциясини амалга оширувчи корхона ёки жисмоний шахсдир
13. Транспорт хўжалиги		- трансфер, куп ҳолларда автобус, туристларни жўнатиш жойидаги асосий ташувчига етказиб бериш, туристларни аэропорт терминалидан, вокзалдан меҳмонхонага элтиш ҳамда худди шу операцияларни туристлар ватанларига қайтаётганларида бажариш; - боришлари керак бўлган узок масофаларга элтиш; - автобус ва темир йўл турларида маршрут буйича олиб юриш, бунда ташиш босқичи аслида турнинг зарурий ва асосий элементи бўлади, ташиш воситалари эса, купинча тунаш жойларига айланади, бунга денгиз саёҳатида доир маршрутларни ҳам киритиш мумкин;

**14. Меҳмонхона
хўжалиги**



Жойлаштириш воситалари ва тизими, яъни асосий воситалар - булар вақтинча келиб кетувчиларга (мижозларга) турли даражада хизмат курсатиш билан боғлиқ ҳолда уларни қабул қилиш ва тунашларини ташкил этиш бўйича махсус мослаштирилган турли хилдаги ва қуринишдаги (чайладан тортиб то улкан меҳмонхоналаргача бўлган) бинолардир. Меҳмондустликнинг (меҳмон қабул қилиш) бугунги индустрияси - бу регион ёки туристлик марказ хўжалигининг энг кучли тизмидир ва туризм иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмидир.

Таянч иборалар: Туризм индустрияси, туроператор, турагентликлар, транспорт ва меҳмонхона хўжалиги, овқатланиш хўжалиги, пансион, яримпансион, туристларни жойлаштириш, туристларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, туристларни саёҳат жойлари билан таништириш, ташиш воситалари.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Туризмни ташкиллаштирувчи ташкилотларга нималар киради?
2. Туризм соҳасида туроператор қандай вазифани бажаради?
3. Турагентликлар ҳақида нималарни биласиз?
4. Транспорт хўжалигига нималар киради?
5. Меҳмонхона хўжалигига нималар киради?
6. Туристларни ташиш воситалари деганда нимани тушунасиш?
7. Туристларни овқатлантириш нимадан иборат?
8. Туризм индустрияси деганида нимани тушунасиш?

5. ТУРИЗМ ТУРЛАРИ ВА АСОСИЙ КЎРИНИШЛАРИ

Режа:

- 5.1. Актив ва пасив туризм турларининг хусусиятлари.
- 5.2. Ҳаракатларнинг турларига нисбатан туризм маршрутларининг таснифи
- 5.3. Туризм турларининг кўринишлари.
- 5.4. Қишлоқ туризмнинг ривожланиши
- 5.5. Клуби дам олишни эгаллаш тизими ва унинг турлари

5.1. Актив ва пасив туризм турларининг хусусиятлари.

Туризмнинг актив ва пасив турларга бўлинишининг асосий мазмуни, одамнинг туризм жараёнида ҳаракатланиши ва миқдорининг турларини аниқлаш билан белгиланади. Катта жисмоний куч талаб қилинадиган ва ҳамма туристлар қатламига ҳам тўғри келадиган туризмнинг **актив турларига** - дам олиш ва сайёҳат, вақти чоғлик, спорт кабилар киради.


Туризмнинг пасив турига туристлик сайёҳликнинг тинчроқ ва кам куч сарф қилинадиган, жисмоний зуриқишга хос бўлмаган тури киради. Бу тур бир маромда дам олишга мослашган шахсларга мўлжалланган, танишиш туризми бўлиб, даволовчи ҳарактердаги соғломлаштирувчи хусусиятлардан иборат, яъни турли санаторий ва курортларни шулар қаторига киритиш мумкин. Бундай турдаги туризм кўпроқ ёш фарзандли оилаларга, катта ёшдаги туристларга ва нафақахурларга тегишлидир.

Актив туризмга ҳар - хил саргузаштли саёҳатларни киритиш мумкин: саргузаштли туризм (adventure tour), экзотик жойларга, вулқонларга, оролларга, шаршараларга ва шу каби жойларга боришга айтилади. Одатда бу экзотик ва экологик жиҳатдан тоза табиий резервациялар, ғарб сайёҳатлари, ноанъанавий транспорт воситалари билан боғлиқ бўлган, бирон-бир қолипга тушмаган туризмдир. Баъзи ҳолатларда бу ҳилдаги туризм жиддий жисмоний зуриқишлар (extreme tour) билан боғлиқ бўлади, туристдан мустаҳкам соғлиқ ва довураклик талаб қилинади. Масалан, Колорадининг тошқин дарёларида шиширилган қайиқларда сайр қилиш, Шимолдаги мамалакатларда итлар тортадиган чаналарда ва тоғ-чанғи курортларидаги дам олиш ва бошқалар шулар жумласига киради. Уларда қатнашиш учун туристлар олдиндан маълум кўникмага ва жисмоний тайёргарликка эга бўлишлари керак. Бу ҳилдаги туризм спорт туризмига яқин ҳисобланади, унда йўлаклар яхши тайёрланган, йўл кўрсатувчи ёрдамида хавф минимум даражага туширилган, оралик лагерлар туристлик анжомлари билан жиҳозланган бўлиши лозим. Актив туризмга: ҳалокатлар содир бўлган жойларга қилинадиган саёҳат (зилзилалар, сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиши, техноген ҳалокатлар, вертолётдан Чернобил АЭС ни томоша қилиш ва экстремал ходисалар) киради. Европадаги баъзи туристлар қамокларда ўтирган кишиларнинг камераларига кириб, 1-3 кун давомида жиноятчилар бошидан кечирган кечинмаларни бошларидан ўтказишни хуш кўрадилар. Бунинг учун туристлар кунига 120 доллар тўлашга ҳам рози бўладилар.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда аксарият турфирмалар шакллантирадиган туристлик турларнинг хиллари куйидаги 5.1. диаграммада ифодаланган.

Диаграмма 5.1.

Ўзбекистон туризм тармоғидаги туристлик турларнинг умумий ҳажимдаги улушлари



*ДТЖ- Божхона статистикасига кўра доимий турар жойи Ўзбекистон бўлган фуқаролар

5.2. Ҳаракатларнинг турларига нисбатан туризм маршрутларининг таснифи

Ҳаракатларнинг турларига нисбатан туризм маршрутларнинг таснифини куйидаги ҳолда ўрганиш мумкин:

Пиёда – (walking or hiking tour) – туристлик йўналишлари. Traking tour - пиёда йўналиш ёки сайр қилиш туризмидир. Одатда йўналишнинг узунлиги 2–6 км.дан хаттоки 20-50 км.гача чўзилиши мумкин.

Ҳайвонлар билан ҳаракатланадиган маришрутлар (фил, туя, эшак, от, итларда). Horse riding tour - от билан сайр қилиш туристлик маршрути кенг тарқалган. Туристлар техника воситалари билан бориш қийин бўлган табиатнинг диққатга сазовор жойларига ана шу воситалар ёрдамида боришлари мумкин.

Темирйўл туристлик маришрути – (rail adventure tour) – бунда туристлар сафар давомида кўпгина жой ва минтақалар билан танишадилар, бу даврда улар вагонларнинг жуда ҳам қулай купеларида яшайдилар, кўчиб юрувчи ресторанларда овқатланадилар. Ҳаракатланишнинг асосий қисми кечаси амалга оширилади, кундузи эса туристлик дастурида кузда тutilган марказий

маҳаллий диққатга сазовор жойларни, музейларни ва бошқа объектларни зиёрат қилишадилар. Россияда катта шаҳарлар бўйлаб темир йўл туристлик маршрути кенг тарқалган (Санкт-Петербург – Новгород – Псков – Москва ёки Санкт-Петербург – Омск – Иркутск). Ўзбекистондаги темирйўл тизимидаги ислохотлар натижасида, Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Хива – Шаҳрисабз шаҳарларига тез юрар поездларда саёҳатларни амалга йўлга қўйилди. Туристлик поезда таркибига ётоқ вагонларидан ташқари вагон – ресторан, вагон- клуб, вагон - душлар ҳам кириши мумкин.

Автобусли маришутлар, бунда туристлар мамлакатларни, бутун туристлик дестинацияларни бир пунктдан иккинчи пунктга ҳаракатланиб кесиб ўтадилар, умуман туристлар автобусларда жуда оз ухлайдилар, асосан ухлаш учун қиммат бўлмаган меҳмонхона ёки отеллар кузда тутилади, аммо бугунги кунда махсус ётоқли автобуслар ҳам мавжуд.

Шахсий ёки ижарадаги автомобиллардаги туризм (self drive itineraries) ўз машинасидан ажралмаган ҳолда саёҳат қиладиган туристлар гуруҳи ҳам мавжуд. Улар бир қанча транзит визалар олиб, мураккаб маршрутлар бўйлаб бир неча мамлакатларни кесиб ўтишади, айрим вақтларда улар машиналари орқасида кўчиб юрувчи уйларни судраб юрадилар, унда улар таом тайёрлашадилар, овқатланишадилар ва тунашадилар. Бундай туристлар учун махсус автокемпинглар ва карвонлар учун тўхташ жойлари ўрнатилади. Self drive tour – туризм, бунда турист автомобилни ижарага олиши ёки келишилган маршрут бўйича ўзининг шахсий машинасида ҳаракатланиши мумкин. Туристлик агентлар кемпингларда турар жойлар, отеллар, озиқ-овқатлар буюрадилар, хариталар етказиб берадилар, бир қанча қулай ва қизиқарли сафар маршрутларини таклиф этадилар, транспорт суғурталарини расмийлаштирадилар.

Сувда саёҳат қилиш маришутлари – (water tour) шулардан энг кўп тарқалгани сув сайёҳлиги - boat tour - қайиқларнинг ҳар - хил турларида, яхталарда, пороход-кемаларда сайр қилиб, дам олишни ўз ичига олади.

Ҳаво орқали ташиш туризми. Ташишнинг каттагина қисмини ҳаво орқали ташишлар ташкил этиб, улар узоқ масофаларга ташишга асосий эътиборни қаратади. Бундан ташқари қитъалараро, океанлар орқали ташиш ҳам киради. Йўловчиларни ташишга мўлжалланган юқори тезликка эга ва хавфсиз ҳаво лайнерларининг яратилиши билан туристларни қитъалараро ташиш ошиб кетди. Туристларни ташишда мавжуд маршрутлар билан бир қаторда «чартер» йўналишлари ҳам амалга оширилади. Ташиш тизимида маҳаллий авиациянинг ҳам роли катта, унда мамлакат ичидаги кўпгина маршрутлар ва узоқ масофага чўзилган ҳудудларда туристларни самолётларда ташиш кўзда тутилади.

Кўпгина туристлик сафарлар турли хил транспорт воситалар орқали амалга оширилади. Туристларни узоқ масофаларга ташишда кўпинча ҳаво транспорти воситаларидан фойдаланилади. Туристлар узоқ масофадаги дам олиш жойларига боришда вақтни тежаш мақсадида самолётлардан фойдаланадилар.

Дастлаб Ла-Манш бўғозидан сайёҳлик автомашинаси Stena Link номли

денгиз солида олиб ўтилади, сўнгра темир йўл платформаларига юклаб белгиланган манзилга етказилади. Туристларнинг ўзлари шу поезднинг ётоқ купеларига жойлашади. Автомашиналарни жойида ижарага олиш ҳам кенг тарқалган. Хизматнинг шундай туристик пакетлари мавжудки, улар самолётларда ташиш ва автомашиналарни аэропортнинг ўзида ижарага беришни – (fly/ drive tour) ўз ичига олади, автомобилларни ижарага бериш – (rent a car) кўпгина ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Россияда ҳам автомобилларни ижарага бериш фирмалари мавжуд, аммо улар фақат чет элликларга берадилар.

5.3. Туризм турларининг кўринишлари

Туристлик оқимларнинг йўналиши бўйича туризм турлари «Кирувчи» ва «Чикувчи» тоифаларига бўлинади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда туризм уйғун ҳолатда тараққий этади, «ички» ва «ташқи» туризм соҳасида мувозанат сақланади.

Талаб нуқтаи назаридан туризмнинг учта турини кўрсатиш мумкин: ички, кирувчи ва чикувчи туризм. Географик принцип асосида туризм соҳасининг таснифланиши бўйича халқаро, миллий ва мамлакат чегарасидаги ички туризм турлари мавжуд.



Расм 5.1. Туризмнинг турлари бўйича таснифланиши

Ҳозирги кунда Россияда 10 нафар чиқувчи туристга, 1 нафар ички турист тўғри келади.

2008 йилда Ўзбекистон бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, ҳар 6 нафар чиқувчи туристга, 1 нафар ички турист тўғри келади.

Туризм бозорини мувофиқлаштиришда Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) ишланмалари бўйича қўйидаги пропорция тавсия қилинади:

1 та кирувчи турист- 1 та чиқувчи турист- 4 та ички турист.

Бу пропорция БТТ тавсиялари бўйича энг оптимал нисбат ҳисобланади, уни амалга ошириш учун туристлик фаолиятини тартибга солувчи тегишли меъёрий ҳужжатлар ва қонунлар қабул қилишга тўғри келади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқороларнинг келиши ва фуқороларнинг чет элга чиқишлари ҳақидаги батафсил маълумот қўйидаги 5-жадвалда кўрсатилган:

Жадвал 5.1.

Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқороларнинг келиши ва фуқороларнинг чет элга чиқишлари (расмий декларациядан ўтган, кишилар ҳисобида)

Кўрсат- гичлар	Жами	2008 йил							
		Шу жумладан сафар мақсадлари бўйича							
		Тадбир корлик (хизмат доира- сида)	Ўқиш	Иш- лаш	Турист лик	Қарин- дошлар- га ташриф	Даво- ланиш	ДТЖ*	Тижо- рат
Кириш	933358	61911	6958	21552	122380	621313	31793	32485	34966
Шу жумладан: СНГ дав- латларидан	771334	46568	5593	14119	55283	576697	30451	25863	16760
Бошқа чет эл давлатларидан	162024	15343	1365	7433	67097	44616	1342	6622	18206
Чиқиш	633305	45893	4946	28212	86665	97582	5863	345730	18414
Шу жумладан: СНГ дав- латларига	479976	30358	3741	20517	38115	87698	4668	289526	5353
Бошқа чет эл давлатларига	153329	15535	1205	7695	48550	9884	1195	56204	13061

Манбаа: Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона кумитаси маълумотлари асосида

*ДТЖ- Божхона статистикасига кўра доимий турар жойи Ўзбекистон бўлган фуқаролар

Ушбу жадвалда кўрсатилганидек, бошқа чет эл давлатларидан туристлар оқимининг киришини таъминлаб берувчи асосий мамлакатларга қўйидагилар киради: Австралия, Австрия, Япония, Англия, Афғонистон, Бельгия, Албания, Олмония, Туркия, Корея, Греция, Исроил, Япония, Франция, Ҳиндистон, Эрон, Италия, Хитой, Малайзия, Хорватия, БАА (Бирлашган Араб Амирлиги) ва бошқалар. Жадвалда кўрсатилганидек, 2008 йилда чиқиш туризми 633305 туристларни ташкил этган бўлса, кириш туризми эса 933358 турситларни

ташкил этиган, бу ҳол республикадаги туризм экспорти солмоғининг кўпайишини кўрсатади. Демак, туризм экспортдан республика бюджетига кириб келувчи маблағ чикувчи туризмга нисбатан ошиб кетмоқда. Бу ҳолни Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланишидаги ижобий кўрсаткич деб баҳолаш мумкин.

Туризмнинг хилма - хиллиги унинг бош мақсадига боғлиқ ҳолда қуйидаги кўринишларга ажратилади:

1. Дам олиш ёки роҳатланиш, кўнгил очар тур - pleasure tour, delights tour. Бу туристлик дам олиш ва туристликнинг кенг тарқалган туридир;
2. Дам олиш ва соғломлаштириш мақсадидаги курорт- resort or health resort or resort-spa.

Соғломлаштириш ва даволаш мақсадларида қилинадиган туризм - health and fitness tour or resort tour. Spa ёки health spa - санаторийлар, курортлар, пансионатлар соғломлаштирувчи - даволовчи ташкилотлар, курорт зоналарида, шифобахш сувлар, шифобахш балчиқлар ва бошқалар ёрдамида (шифобахш минерал сувли курортларда) олиб борилади. Туристлик проспектларда ихтисослаштирилган соғломлаштириш мақсадларига қараб, кемпингларда минерал сувларни ичиш ёки минералли ва олтингургутводородли ванналар қабул қилиш имкониятларини белгилайдилар. Машҳур чет эл шифобахш сувли курортларидан - Виши, Виттел ва Экс-ле-Бен (Франция); Бад-Наукейм, Висбаден ва Баден-Баден (Германия); Бад-Ишл, Бад-Гастайн ва Баден-бей-Вин (Австрия); Спа (Белгия); Бат ва Бакстон (Буюк Британия); Бурса (Туркия); Атами (Япония) Термал булоқларининг каттагина қисми Греция ва Венгрияда таниқлидир.

Ўзбекистонда ҳам унинг бой табиати ва иқлимидан келиб чиққан ҳолда, Фарғона водийсида жойлашган «Чортоқ», «Шоҳимардон», «Арслонбоб», «Олтиариқ», «Чимён», Самарқанд вилоятида жойлашган «Нагорний», Бухородаги «Мохи-хосса» ва Тошкент вилоятида жойлашган «Чинобод» ҳамда «Турон» каби минерал сув билан даволаш ҳамда дам олиш имкониятига эга бўлган санаторийлар, дам олиш оромгоҳлари мавжуд.

Кўнгил очар турлар— (entertainment) туризм дастурларида маълум маънода туристлар учун қўшимча хизмат кўрсатишга йўналтирилган. «Туристнинг яхши кўнгил очиши» учун хизматларнинг барча қирраларини очишда ёрдам беради. Бу фаол ўйинлар (гольф, крикет, кегли), отларда сайр қилмоқ, аттракционларга бориш (тематик боғлар, масалан, Диснейленд, Делфи кари, зоопарклар), ресторанлар, дангсинглар, диско клублар, магазинлар, казино ва бошқалар шулар жумласига киради. Хориж мутахассисларининг фикрича, 110 дан ортиқ кенг қўлланиладиган туризм амалиётидаги кўнгил очар турлар мавжуд.

Familiarization trip ёки famtrip, яъни таништирувчи, реклама сафари. Маршрутни қайтадан батафсил ишлаш ва унинг шартлари билан танишиш учун рекламали саёҳатларга асосан турли дилерлар ва туроператорлар ёки туристлик агентликлар ишчилари боришадилар. Улар бутун маршрутни тўлалигича босиб ўтишади ва яшаш шароитларини, экскурсия дастурларини, овқатланиш асосини, трансферни, маданий ва кўнгил очар дастурларни аниқлашадилар. Уларни маҳаллий шароитлар, удумлар, медицина ва суғурта хизматлари,

жиноий ҳолатлар ва бошқа критик ҳолатларда давлат органлари билан биргаликда олиб бориладиган ишлар ҳақида тўлиқ маълумотлар билан таъминлайдилар. Қоида бўйича таништирувчи туризмга маълум чегирмалар берилади ёки бундай туризм тўлалигича қатнашувчи компания томонидан тўланади. Баъзи мамлакатлар, масалан, Исроил қабул қилиш бўйича туристлик фаолиятни фаол қўллаб-қувватлаб, таништириш билан боғлиқ сафарларни давлат бюджетидан дотациялайди.

Ўрганиувчи туризм - *connoisseur tour*. Туризм марказларига бирор нарса ўрганиш учун боришдан иборат. Булар дунёга машҳур Нью-Йорк (ҳар йили 32 млн турист бу ерга ўрганиш мақсадида боришади), Париж, Мадрид, Рим, Петербург, Қоҳира, Сингапур, Гонгконг, Рио-де-Жанеро ва шу каби шаҳарлардир. Туристларнинг қизиқиш объекти бўлиб қадимги жойлар, музейлар, ҳайкаллар, шаҳарларнинг чиройли ландшафтлари хизмат қилади.

5.4. Қишлоқ туризмнинг ривожланиши

Қишлоқ туризми - *farm tour, rural tour*. Дам олиш вақти ҳар қандай шаҳарлик учун қишлоқдами ёки дала ховлидами жуда ҳам мароқлидир. Бу ҳаёт талаби бўлиб, доимо дала ховлиларини ёки бошқа жойларни кўп йиллар давомида синалган ва текширилган жойларда дам олиш учун ижарага олинади. Қишлоқ туризмнинг ўзига хос томонлари шундаки, масалан, Сицилиянинг аграр вилоятларида ишчи кучи етишмаслиги туфайли камбағал туристлар ёки студентларни иш ҳақи тўламасдан, бошпана ва овқат учун ишга ёллаши мумкин. Бундай «дам олувчи» уша ерга бориб қайтиши учун маблағ топса бўлгани. Йўл-йўлакай бир-икки кун пляжларда чўмилиши, музейларни, ёдгорликларни ва бошқаларни кўриши мумкин.

Ҳозирги вақтда қишлоқ туризми алоҳида даромад келтирадиган тур ҳисобланиб, дунё туризм хизмат бозорида алоҳида ўрин тутади.

Қишлоқ туризми денгиз курортлари каби катта ҳажмлар билан рақобатлаша олмаса ҳам, шунга қарамай туризм ишларида алоҳида ўрин тутиб, уни ўрганиб ривожлантириш алоҳида эътиборга лойиқ. Республикамизда қишлоқ туризми йўқ даражада. Қишлоқлардаги аҳолининг самимийлиги, табиатнинг тозаллиги, экологик жиҳатдан қулайлиги туфайли унинг келажаги бор. Лекин, шунга қарамай, хорижий туроператорларнинг фидойилиги, туристларни ўз қишлоқларига тортиши, туристларни ўз халқининг ва давлатининг ривожланиши учун олиб келиши, иш жойларини ташкил этишлари, ўз юртининг туристлик ресурсларини мустаҳкамлаб, давлатга валюта олиб киришлари ва шу даромадларидан солиқлар тўлаб хазинани тўлдиришлари тахсинга лойиқ. Умуман қишлоқларда турист бўлиб туриш, санаторий-курорт зоналарида ёки машҳур туристлик марказларга нисбатан анча арзон. Ҳамма ҳам қимматбаҳо туристлик марказларда дам олаолмайди, шу жиҳатдан қишлоқ туризмни ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Қишлоқ туризми қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- қишлоқ жойларда алоҳида категория одамлар учун уларнинг пул маблағлари миқдорига қарамай, оиласининг анъаналарига қараб амалга оширилади;
- врач маслаҳатига биноан қишлоқ иқлим шароитларида соғломлаштиришни олиб боришга қараб;
- табиат билан яқинлик, кўпроқ вақтни тоза ҳавода ўтказиш мақсадида;
- экологик тоза ва арзон маҳсулотлар билан озиқланиши мумкинлиги учун;
- қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд бўлиши, ишлаш учун реал имкониятлар борлиги учун;
- бошқа ижтимоий тоифадаги одамлар билан мулоқотда бўлиши, уларнинг маданияти, урф-одатлари билан танишиш, байрамлари ва ўйинларида қатнашиш имкониятининг мавжудлиги учун.

Қишлоқда дам олиш - бу табиат қўйнида бўлиш, йиллар давомида шаҳар шароитида йиғилиб қолган чарчоқларни чиқариш, тоза ҳаво, экологик тоза бўлган озиқ-овқатлар, иқлим шароитларини ўзгартириш, аҳоли сонининг камлиги, бошқа тартиб-қоида ва яшаш маданияти, қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этиш, боғдорчилик, чорвачилик, табиат берган инъомларни тўплаш ва қолаверса, дам олишнинг арзонлигидан иборат. Шулардан келиб чиқиб, бу туризм тури ўз харақатига кўра экологик туризмнинг бир кўринишига кирилади.

Шаҳар аҳолисининг ёзги иссиқ кунлардаги ва қишки қорли кунлардаги хордиқ олишларини тўғри ташкил этиш имконияти мавжудлигини эътиборга олиб, қишлоқ туризмини республикаимиз ҳудудида қуйидаги тарзда ташкил этиш тавсия этилади: катта бўлмаган уйларни, қишлоқлардаги катта бўлмаган хоналарни, коттежларни, табиат манзаралари чиройли бўлган жойларни ижарага олиш йўли билан.

Туристлар қишлоқдаги фермернинг уйида оиласини жойлаштириши мақсадга мувофиқдир, бу - туристларни қишлоқ ҳаёти ва у ердаги янги инсонлар билан яқиндан таништиришга, уларнинг урф-одатлари ва қишлоқ хўжалик ишлари билан кучи етган даражада ишлашга имкон беради. Шубҳасиз, бу уй эгалари учун ноқулайликлар яратади, лекин фермерлар учун қўшимча пул ва янгилик олиб келади. Бунда туристлар учун махсус бир ёки бир неча хона ажратилиб, барча зарурий нарсалар етказиб берилади. Бундай туризмдан давлат ҳам, фермерлар ҳам даромад кўради. Шу жиҳатдан қишлоқ туризмини қулай ва камҳаражат туризм тури дейиш мумкин.

Гўзал тоғли мавзеларга саёҳат, тоғларда сайр қилиш, гузал жойларни томоша қилиш ва ҳ.к. Туристлар эътиборини қуйидаги ажойиб жойлар лол қолдиради. Гранд Канон, Тош бармоқлар водийси (Австралия). Улкан шаршаралар (Ниагара, Виктория). Туристлар учун уларни томоша қиладиган майдончалар, мосламалар ўрнатилган. Ўзбекистонда бундай гўзал жойлар асосан, Сурхандарёнинг Сараосиё тоғли ҳудудлари, Жиззахнинг Зомин тоғ манзаралари, Тошкент вилоятидаги Чотқол тоғ тизмалари, ҳамда Қашқадарёдаги Китоб халқаро географик кенгликларида жойлашган.

Сафари Safari tour, кўриқхонага ҳайвонларни томоша қилиш учун сайр, овчилик, балиқ ови мақсадидаги саёҳат, фотоовчилик, Кения ёки

ЖАР кўриқхоналарига сайр, табиатда ажойиб ҳайвонларни эркин ҳолда кўриш мақсадидаги сайрлар.

Табиат куйнига ёки кўриқхонадаги эътиборга лойиқ ерларга жип машиналарида (Jip-Safary) саёҳат. Саёҳат давомида туристлар ўтирган жиплардан ташқари кузатувчи машиналар калоннаси бўлиб, улар озиқ - овқат, палаткалар, ёқилғи ва шу кабилар билан юкланади. Саёҳат дастурига нафақат маҳаллий жойларни кўриш, балки тоғли ҳудудда автомобил бошқариш, тусиқларни енгиб ўтиш, лагер ҳаётига ўрганиш, ғавқулодда вазиятларда яшаб кета олиш кабиларни ўргатади.

Урушлар ва тарихий жанглар бўлган жойларга уруш иштирокчилари ва уларнинг авлодлари учун уюштирилган туризм. Улар ўз ичига куйидагларни олади: ҳарбий объект ва полигонлар, ҳарбий техникада сайр, танклар, кирувчи самолётлар, ҳарбий қуроллардан фойдаланиш, ҳарбий ўқув машқлари, космик кемалар учуришни томоша қилиш кабилар. Буларни- military tour,-деб аталади. Шунингдек бу саёҳатларга яна концлагерлар ва қамоқхоналарга ташрифлар киради.

Қумсаи туризми – бу асосан қариндош ёки дўстларини зиёрат қилишга мўлжалланган бўлиб, ўз мамлакатларидан айрим сабабларга кўра кўчиб кетган кишилар билан боғлиқ. Кўчиб кетганлар шартли равишда икки турга бўлинади:

- мажбурий кўчганлар, ўзларининг тарихий ерларини диний, ҳарбий ёки сиёсий сабабларига кўра ташлаб кетганлар.
- ўз хоҳишлари бўйича кўчганлар – ўз юртларини яхши ҳаёт излаб ташлаб кетганлар.

Мажбурий кўчганлар - сайёрамизда кўпчилиқни ташкил қилади. Аҳоли миграцияси иқтисодий, сиёсий ва диний омиллар таъсирида бўлади. Минг йиллар олдин Норвегияликлар ва Ирландияликлар, Исландия ва Грландияга кўчган эдилар. Тарихда Англиядан Америка қитъасига диний қарашлари туфайли кўчганлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Жаҳон урушлари саноксиз кулфатлар ва янги қочоқлар тулқинини вужудга келтирди, уларга урушдан қочганлар ва асрлар кириб, ўз ватанларига қайтишдан хавфсираб бошқа ерларга кўчганлар.

Кейинги турдаги кўчганларга Волга буйи немисларини киритиш мумкин. Бу ерда улар рус шоҳлари томонидан яшашга таклиф қилинган, 200 йилдан кейин эса коммунистлар уларни ватан хоини деб Қозоғистонга кўчиришган, қайта кўриш ва иттифоқнинг бирлигини йўқолиши, улар ҳаётини янада қийинлаштирди, фақатгина 300 йил ўтиб улар ўзларининг ватани - Германияга (минглаб аҳоли) қайтиб келишмоқда.

Қумсаи туризмга яққол мисол бўлиб, Ўзбекистонда Собиқ иттифоқ даврида яшаган ва ҳозирги пайтда ҳам уларнинг қариндош уруғлари республикамизнинг турли шаҳарларида фаолият кўрсатиб келаётган крим-татар, закавказ халқлари, немислар ва бошқа миллатга мансуб бўлган аҳолини кўрсатишимиз мумкин.

Диний зиёрат – (religious or pilgrim tour) диний мақсаддаги саёҳат ва сайрлардан иборат. Диний мақсаддаги зиёрат тарихий саёҳат бўлиб, унинг илдизлари тарихга боради. Бу каби туристларнинг биринчилари ўрта аср

ибодатчиларидир. Бу хилдаги сайр диний ишонч, ўз ва ўзга динларга қизиқиш асосида вужудга келади.

Дунёдаги кўп одамлар Маккаи Мукаррамага, муқаддас ер бўлган Ватикан ибодатхоналарига ва бошқа жойларни зиёрат қилиш учун саёҳат қилишади. Ўзбекистонда бундай муқаддас зиёрат қиладиган жойларга Самарқанддаги, Бухородаги, Хоразмдаги ва бошқа вилоятларимизда жойлашган тарихий ёдгорликлар мисол бўла олади. Айниқса, мусулмон олами учун кичик ҳаж ҳисобланган Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи диний туризмни ривожлантиришда муҳим ўринга эгадир.

Туризм бозорида Рождество ва бошқа байрамларни нишонлаш учун, Финляндия ва бошқа Скандинавия, Ғарбий Европа давлатларига сайр қилишадиган хизматлар мавжуд. Туристлар ичида айниқса Финляндиянинг кутб чегарасида жойлашган Рованиймига, Санта Клаус ватанига саёҳат машҳур бўлиб бормоқда. Бу ерда болалар ва катталар учун тантаналар ўтказилади. Лапландияда замонавий аэропорт қурилиб, у ерга ҳатто самолётлар ҳам қатнайди. Меҳмонлар учун Санта Клаус ва гномлар иштирокида томошалар уюштирилади, Санта Клаус қишлоғида супермаркет, ғорларда болалар томошагоҳлари қурилган.

Маросим туризми – (ritual tour) одатда қариндошларнинг қабрлари ёки жангларда вафот этганлар дафин этилган жойларга уюштирилади. Қариндошлар ёки яқинлар қабрлари ва мақбараларини зиёрат қилиш маросим туризмнинг асосини ташкил этади. Кўпгина туристлар тарихий юртларга айнан қариндошларини қабрларини зиёрат қилишга борадилар. Яна бир маросим туризми – бу яқин орада жанглар бўлиб ўтиб, шу жангларда ҳалок бўлган аскар ва зобитлар қабрини зиёрат қилиш учун уюштириладиган саёҳатдир. Республикамизда бу турдаги туризм билан «Нуроний», «Шахидлар хотираси», «Олтин мерос» жамғармалари шундай эзгу ишлар билан шуғулланадилар.

5.5. Клубли дам олишни эгаллаш тизими ва унинг турлари

Клубли дам олиш тизими жаҳон туризм бизнесида тез ўсиб бораётган секторлардан бири ҳисобланади, у жаҳоннинг 81 мамлакатаида ўз ривожига эга, мазкур тизимда ишловчи 4500 дан зиёд курорт – турмажмуалар фаолият кўрсатмоқда. Дам олишнинг бу тури дам олишни ташкил этиш, яшаш ва овқатланишни эркин танлаш хусусияти туфайли Ғарб давлатларида улкан оммавийлик билан фойдаланилади. Ҳозирги вазифа шундан иборатки, дам олишни бу тўрини оммабоп, қизиқарли ва очик бўлишни таъминлашдан иборат. Клубли дам олишни фарқли томонларидан бири шундаки, туристлар номерда эмас, балки жиҳозланган ошхоналарга эга бўлган шинам, данғиллама уй, қошоналарда (апартамент) дам оладилар. Бу ошхонада шошмасдан нонушта тайёрлашни ва айвонда кофе ичишни хуш кўрадиганлар учун жуда қулай ҳамда завқли ҳисобланади. Агар сизни ёш фарзандингиз бўлса ёки сиз парҳезда бўлсангиз мазкур усул энг мақбул, яхши вариант ҳисобланади. Бу ерда нафақатгина оддий тунги нонушта қилиш, балки кўшимча тўлов эвазига

тамадди қилишнинг маълум тури: пансион (таъминот) ёки ярим пансионларни олиш мумкин бўлган ресторан ва қахвахоналар ҳам мавжуд.

Апартамент (данғиллама уй, кошона) лар студиядан (бу каттагина хона), жиҳозланган ошхоналардан тортиб то бир, икки, уч кишилик тунаш жойларига эга бўлган апартаментлар каби бир неча турларга бўлинганлиги сабабли кичик оилалар ҳам клубда шинам жойлашишлари мумкин.

Ҳақиқатда – бу туристлар ўз уйларига ташриф буюрганидек обод, шинам ҳар томонлама қулай квартира ҳисобланади. Квартирадан ягона фарқли жиҳати у саройда ёки отелда жойлашган бўлиши мумкин. Клуб – бу фақатгина клуб аъзолари ва уларнинг меҳмонлари дам оладиган ёпиқ ҳудуд ҳисобланади.

Бу ердаги барча дам олувчилар клубли дам олишни имкониятлари ва афзалликлари билан таништириладиган учрашувда иштирок этиши зарур. Бутун дам олиш давомида ҳар бир оила жуфтлигига уларни клубга келиш пайти дан бошлаб то кетиш вақтигача дам олиш сифатини назорат қилувчи ва турлитуман саёҳат (экскурсия) дастурини таклиф этувчи гид (экскурсия бошловчиси) бириктирилади.

Дам олиш клуби – туризм индустриясининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланган, туроператорлик ва турагентлик фаолиятини амалга оширувчи клуб аъзоларини дам олишни ташкил этиш мақсадида яратилган тижорат ёки нотижорат ташкилотдир.

Клубли дам олиш – клуб томонидан белгиланган муддатларда ва қўйилган шартлар асосида клубга тегишли бўлган жойлаштириш дам олиш жойларида дам олишнинг бир туридир.

Бўлинган вақт тартибида клубли дам олиш (таймшер) – давомийлиги бир ҳафтадан кам бўлмаган муддатда ҳар йилнинг маълум даврида клубда дам олиш.

Клубда дам олиш ҳуқуқи – туризм маҳсулотининг турларидан бири бўлиб ҳисобланган маълум вақт давомида дам олиш клуби хизматидан ва жойлашиш воситаларидан фойдаланиш учун олдиндан тўланган ҳуқуқлар.

Дам олиш клуб аъзоси – клуб томонидан аниқланадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган, дам олиш клуби аъзолик реестрига қайд қилинган ҳуқуқий ёки жисмоний шахс ҳисобланади. Сотувчи – шахсий тадбирқорлар ёки ҳуқуқий шахслар, жумладан, тадбирқорлик фаолияти доирасида клубли дам олишга худди турагент сифатида ҳуқуқли сотишни амалга оширувчи дам олиш клубларидир.

Сотишнинг ташкилотчиси тадбирқорлик фаолияти доирасида уни сотишдан ташқари, қонунда таъқиқланмаган исталган усулда клубда дам олиш ҳуқуқини бозорга чиқувчи хусусий) тадбирқор ёки ҳуқуқий шахс ҳисобланади; ҳаридор – мақсади фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган клубда дам олиш ҳуқуқини ҳарид қилувчи ёки ҳарид қилиш ниятида бўлган ҳуқуқий ёки жисмоний шахсдир. Сотувчи ва ҳаридор ўртасидаги муносабатлар мос равишдаги шартнома билан тартибга солинади.

Клубда дам олиш ҳуқуқини сотиш мақсадларида тузилган клуб шартномага (бундан кейин – клубда дам олиш шартномаси) рус тилида расмийлаштирилади ёки ҳаридорни талабига кўра у яшайдиган ҳудуд

республикасидаги давлат тилида расмийлаштирилади. Агар дам олиш клубини аъзоси клубда дам олиш шартномаси тузилгандан кейин чет эл давлати ҳудудида рўйхатдан ўтказилган бўлса, унда кўрсатилган шартнома билан бирга сотувчи дам олиш клуби қайд қилинган ҳудудда белгиланган тартибда давлатни расман тилига таржима қилиб, қонунийлаштириб (расмийлаштириб) бериши керак.

Клубда дам олиш шартномаси унинг аъзоларига қабул қилинадиган дам олиш клуби томонидан кўрсатиладиган жойлашув воситалари ва хизматлари билан таништирилгандан кейингина тузилиши зарур. Жойлашув воситалари билан танишиш мақсадларида ташриф буюриш ҳаражатлари клубли дам олиш шартномаси кучга кирган кундан бошлаб қопланади. Кўрсатилган ҳаражатлар миқдори (размери) сотувчи ва ҳаридор ўртасида олдиндан келишилади.

Жойлашиш воситалари билан ҳаридорни олдиндан таништириш фақатгина у ерга ҳаридорни ташрифдан воз кечган ҳолатларда рухсат этилади. Бу тўғрисида клубда дам олиш шартномасида мос равишдаги ёзувлар қайд этилади ёки клубда дам олиш шартномаси қонунга мос равишда белгиланган қоидалар бўйича кимошди савдоларини ташкил этиш йўли билан клубда дам олиш ҳуқуқини улгуржи бозорини шакллантирувчи махсуслаштирилган ташкилотлар орқали тузилади.

Клубда дам олиш шартномасини тузишдан олдин сотувчи олдиндан ҳаридорга тақдим этилган маълумотларни тўлдириш ҳуқуқига эга. Сотувчи ва сотиш ташкилотчиси ҳаридорга ҳам ёзма шаклда ҳам оғзаки шаклда тақдим этилган маълумотларни ишончлилигини қонунларга мослиги (мувофиқ келиши) устида жавобгардирлар.

Агар сотувчи клубда дам олиш шартномасини тузишда дам олиш клуби бўлмаса, ҳаридорга кўрсатилган шартнома тузиш ҳуқуқини сотувчига берувчи ҳужжатлар нусхасини беришга мажбур. Дам олиш клуби ва кўрсатилган клуб аъзоси ўртасидаги муносабатлар дам олиш клуби аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи клуб аъзоси ва дам олиш клуби ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатларни ҳаридорга бериши зарур. Бу тўғрида клубда дам олиш шартномасида тегишли мос равишда ёзувлар қайд этилади.

Таянч иборалар: Актив ва пассив туризм, туристлик маршрутлар, саргузаштли сайёҳлик, темирйўл сайёҳлиги маршрути, автобусли маршрутлар, соғломлаштириш ва даволаш мақсадларида қилинадиган туризм, ўрганувчи туризм, қишлоқ туризми, сафари тур, маросим туризми, кумсаш туризми, диний туризм, клубли дам олиш.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Актив ва пассив туризм турларининг хусусиятларининг фарқи нимадан иборат?
2. Ҳаракатларнинг турларига нисбатан сайёҳлик маршрутлар таснифи қандай кўринишларга эга?

3. Туризм турларининг таснифи буйича қандай турларни биласиз?
4. Қишлоқ туризмнинг ривожланиши нимага боғлиқ ?
5. Диний туризмнинг ҳозирги кўриниши нимадан иборат?
6. Клубли дам олишни эгаллаш тизими ва унинг турлари нималардан иборат?
7. Ўзбекистон туризм тармоғидаги туристлик турларнинг умумий ҳажмидаги улушларида қайси турлар катта аҳамиятга эга?

6. ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Режа:

- 6.1. Туристлик хизматларини лойиҳалаштириш
- 6.2. Хизмат кўрсатиш дастурини яратиш
- 6.3. Турмахсулотни ҳисоблаш жараёни
- 6.4. Туристлик маршрутини ишлаб чиқиш босқичлари
- 6.5. Туристлик саёҳатининг йўлланмаси ва технологик харитасини тузиш
- 6.6. Туристлик корхонанинг юклама графиги ва маршрутини тузиш

6.1.Туристлик хизматларини лойиҳалаштириш

Ўзбекистонда туристлик хизматларини шакллантириш Давлат стандартлари билан тартибга солинади. Туристлик хизматни йўлга қўйиш учун унинг қисқача хизматлар баёни асос бўлиб хизмат қилади. Бу бозор эҳтиёжларини ўрганиш натижасида аниқланган буюртмачи билан мувофиқлаштирилган хизматлар ва хизматларни бажарувчининг имкониятларини ҳисобга олувчи талаблар йиғиндисидан иборатдир.

Туристлик муассасасининг раҳбарияти муайян хизматни йўлга қўйиш тартиби ва жараёнини, хизмат кўрсатишни ташкил этиш усулларини белгилайди ва хизматларни лойиҳалаштириш жараёнини ҳар бир қатнашчиси масъулиятини белгилайди.

Туристлик хизматларини **лойиҳалаштириш** қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- 1) Хизматларнинг меъёрлаштирилган тавсифини белгилаш;
- 2) Туристларга хизмат кўрсатиш жараёни технологияларини белгилаш;
- 3) Технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- 4) Сифат назорати методларини белгилаш;
- 5) Лойиҳа таҳлили
- 6) Лойиҳа тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Хизматнинг ҳар бир тавсифи истъеъмолчи ва ижрочи учун имконият даражасида аҳамиятли бўлиши шарт. Хизматнинг муайян тавсифи тегишли хизмат турларига белгиланган давлат стандарти талабларидан кам бўлмаслиги лозим.

Туристларга хизмат кўрсатиш жараёнига қўйиладиган талабларни батафсил ёритувчи ҳужжатлар қуйидагиларни қамраб олиши шарт:

- туристларга хизмат кўрсатиш жараёни, шакли ва усуллари баёни;
- туристларга хизмат кўрсатиш жараёни тавсифинининг мазмуни;
- фойдаланиладиган ускуналарнинг турига, миқдорига ва қабул қилиш қобилиятига талаблар;
- зарур хизматчилар сони ва уларнинг касбий малакаси даражасини;
- буюртмалар ва хизматларнинг шартномавий таъминоти;
- кафолатлар;

- зарурий келишувлар (рекреацион захиралар мулкдорлари, санитария – эпидемиология ва ёнғин хавфсизлиги, ДАН ва бошқа органлар билан).

Туристларга хизмат кўрсатиш жараёнига қўйиладиган аниқ талаблар амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларидан кам бўлмаслиги лозим.

Туристларга хизмат кўрсатиш жараёнини лойиҳалаштириш хизмат кўрсатишнинг ҳар бир босқичи бўйича (масалан, хизматлар бўйича маълумот бериш, хизмат кўрсатиш, хизматлар учун ҳисоб-китоб) амалга оширилади ва уларнинг ҳар бири учун алоҳида технологик харита тузилади.

Босқичларнинг мазмуни ва кетма-кетлиги хизмат турига қараб ўзгариши мумкин. Туристлик хизматни лойиҳалаштиришнинг натижаси технологик ҳужжатлар ҳисобланади (технологик хариталар, йўриқномалар, қоидалар, регламентлар ва б.)

Сифат назоратига доир ҳужжатларда туристларга хизмат кўрсатиш жараёнини амалга ошириш юзасидан назорат қилиш шакллари, усуллари ва ташкил этилиши, уларнинг лойиҳалаштирилган тавсифларига мос тарзда келишини таъминлаш мақсадида белгиланиши лозим.

Сифат назоратини лойиҳалаштириш қуйидагилардан иборат:

- хизматлар тавсифига муҳим таъсир кўрсатувчи хизмат кўрсатиш жараёнининг муҳим жиҳатларини белгилаш;
- хизматлар тавсифини таҳрир этиш усуллариини белгилаш;
- назоратдаги тавсифларни баҳолаш усуллариини белгилаш.

Лойиҳа таҳлили лойиҳалаштиришнинг якуний босқичи бўлиб, унинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- лойиҳалаштирилаётган хизмат тавсифи туристлар соғлиғи ва ҳаёти ҳамда атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлайди;
- туристларга хизмат кўрсатиш жараёни лойиҳалаштирилган тавсифларга мос келиши;
- сифат назорати усуллари хизмат кўрсатиш жараёни тавсифини объектив баҳоланишини таъминлайди.

Лойиҳа таҳлили туристлик корхонасининг тегишли фаолиятни амалга оширувчи бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Лойиҳани тасдиқлаш лойиҳа яратишнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Туристлик хизматларини лойиҳалаш ва хизмат кўрсатиш жараёни буюртмачи билан келишилган ҳолда туристлик корхонаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

Лойиҳани ўзгартириш асосли ҳолатда буюртмачи билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин ва туристлик корхонаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

Айрим туристлик хизматларини лойиҳалаштиришни туристлик саёҳати мисолида кўриб чиқамиз:

«Туристлик саёҳати» хизматини лойиҳалаштириш тартиби икки босқични назарда тутди:

1. Туристларга хизмат кўрсатиш дастурига мувофиқ «Туристлик саёҳати»га қўйиладиган ҳар бир хизматни лойиҳалаштириш;
2. «Туристлик саёҳати» хизматини яхлит лойиҳалаштириш.

Туристлик корхонаси амалга оширадиган турни лойиҳалаштириш туристлик корхонаси имкониятларини сайёҳлар эҳтиёжи билан келишувни назарда тутди.

«Туристлик саёҳати» хизматининг қисқача баёни аҳолининг саёҳатлар тури ва шаклига бўлган эҳтиёжи ҳамда муайян ҳудуддаги рекреацион имкониятларни ўрганиш асосида тузилади. Хизматнинг қисқача баёни туристларга хизмат кўрсатиш дастурининг лойиҳасида аниқланади.

6.2. Хизмат кўрсатиш дастурини яратиш

Хизмат кўрсатиш дастурини яратиш қуйидаги тушунчаларни ўз ичига олади:

- саёҳат маршрути;
- хизматлар ижрочиси бўлган – туристлик корхоналар рўйхати;
- хизматлар ижрочиси бўлган ҳар бир корхона тақдим этадиган турлар вақти;
- экскурсиялар ва қадамжо объектлар таркиби;
- сайёҳлар сайри ва сафарлар рўйхати;
- дам олиш тадбирлар мажмуаси;
- маршрутнинг ҳар бир пунктида тўхташ вақти;
- саёҳатда қатнашаётган сайёҳлар сони;
- ички маршрут юк ташувидаги транспортлар тури;
- туризм бўйича йўриқчи-услугчи, экскурсовод, гид-таржимон, бошқа хизмат кўрсатувчи персоналга ва уларни зарурий қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёж;
- транспорт воситалари;
- реклама, ахборот ва картографик материаллар шаклини тайёрлаш, туристлик йўлланмалари учун ахборот варақаларида саёҳат тавсифи.

«Туристлик саёҳати» хизматини лойиҳалаштиришнинг натижаси қуйидаги туристлик корхонасининг технологик ҳужжатлари ҳисобланади:

- туристлик саёҳатининг технологик харитаси (5-илова);
- туристлик корхонасининг юкланиш графиги (6-илова);
- истеъмолчига тақдим этиладиган туристлик йўлланмасининг ахборот варақаси (7-илова).

«Туристлик сафари» хизматини лойиҳалаштириш қуйидагиларни назарда тутди:

- туристлик сафари кечадиган ҳудуд ва маршрутни экспедицион текширувини ўтказиш;
- туристлик сафар йўлидаги (трассадаги) жойлаштириш ва ускуналар, турар жойлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш;
- зарурий туристлик жиҳозлари, ускуналарни ва транспорт воситаларини сонини ҳисоб-китоб қилиш;
- туризм бўйича йўриқчи-услугчилар, бошқа хизмат кўрсатувчи персоналга бўлган талабни аниқлаш ҳамда уларнинг тайёргарлигини ташкил этиш;

- сафар йўли баённомаси кўрсатилган реклама – ахборот материалларини тайёрлаш;
- «туристлик сафар» хизмати хавфсизлиги бўйича чораларни белгилаш.

Сафар йўлини ишлаб чиқиш ҳудудлар бўйича мўтадил иқлим шароити, экологик ва санитария меъёр ва талабларига жавоб берадиган, амалдаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган тарзда (ССБТ, табиат муҳофазаси соҳаси стандартларига мос келадиган), ҳамда аниқ туризм тури ривожининг реал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

«Туристлик сафар» хизматини лойиҳалаштиришнинг ҳужжатли асоси маршрутнинг экспедицион текшируви ва сайёҳлар хоҳишини социологик ўрганиш ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади (8-илова)

«Туристлик сафар» хизматини лойиҳалаштиришнинг натижаси унинг йўл паспорти ҳисобланади (9-илова).

Туристлик сафарининг йўл паспорти қуйидаги ташкилотлар билан келишилади:

- санитария – эпидемиология хизмати органлари;
- транспорт воситалари ҳаракатини назорат қилувчи бошқа ташкилотлар (ДАН, сув инспекцияси ва б.);
- ер майдони бошқаруви органлари (мулкдорлар) билан, агар улар ҳудудидан туристлик сафари йўли ўтган бўлса.

6.3. Турмаҳсулотни ҳисоблаш жараёни

Ушбу ҳолатда соддалаштирилган, аммо барча жараёнларни тушунтиришга имкон берувчи технология таклиф этилади. Ўз таркибига Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини олувчи **“Буюк ипак йўлидаги қадимги шаҳарлар”** номли турмаҳсулотни кўриб чиқамиз. Мазкур йўналишни Франция туристларига тавсия этилади. Саёҳат муддати – 7 кун ва 6 кеча. Ҳисоб-китобни бир нафар турист учун амалга оширамиз. Асосий турмаҳсулот (турпродукт) таркибига қуйидагиларни киритамиз.

Биринчи, **транспорт хизматлари (TSer)** – Париждан Тошкентгача учиб келиш ва орқага. Билетнинг нархи икки тамонга учига 980 долларни ташкил этади.

Иккинчидан, **трансферт хизматлари (SerTr)** – бу туристни аэропортдан меҳмонхонагача элтиш ва орқага ҳамда туристни мамлакат бўйлаб транспортда олиб юриш ҳаражатларидир. Айтайлик, бир кунлик мазкур ҳаражатлар – 30 долларни ташкил қилсин.

Учинчидан, **меҳмонхоналарда яшаш (Acc)** – Тошкентда (2 сутка), Бухорода (2 сутка) ва Самарқандда (2 сутка), ўртача битта икки ўринли номер суткасига – 30 доллар. Мазкур ҳаражат таркибига эрталабки нонушта ҳаражатлари ҳам киритилган.

Тўртинчидан, юқорида қайд қилинган учта шаҳар **ресторанларида овқатланиш** (тушлик ва кечки овқат – 20 доллар).

Бешинчидан, учта шаҳарда **таржимон – экскурсия етакчиларнинг (SerG)** хизматлари – суткасига 5 доллар миқдорида.

Олтинчиси, **диққатга сазовор жойларга ташриф буюриш (TurS)** – музейлар, Кўкалдош мадрасаси, Улуғбек обсерваторияси, Регистон майдони, Шоҳи-Зинда ансамбли, Лаби-ховуз мажмуи ва бошқа тарихий, архитектура, маданият объектлари (жами – 50 доллар).

Еттинчиси, турни ташкил этган **турфирма харажатлари ва фойдаси (IaP)**, туретакчининг кутиб олиши-кузатиши – 100 доллар.

Саккизинчиси, бошқа давлатда туристни ташриф буюрган барча кунлари учун ихтисослашган **компанияга суғурта тўлови (бадали) (SK)** – суткасига 2 доллар миқдорида.

Шундай қилиб, турмахсулот суммаси:

OTur = TSer (\$980) + SerTr (\$30x7 кун) + Acc (\$30x 6 кун) + FR (\$20x7 кун) + SerG (\$5x7 кун) + TurS (\$50) + IaP (\$100) + SK (\$2x7) = 1709 доллар.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, бу дастлабки нархлардир, бироқ, турфирма доимо харажатларни қисқартириши ва авиакомпаниялардан, автотранспорт ташкилотларидан меҳмонхоналаридан, диққатга сазовор корхоналардан чегирмалар олиши мумкин.

Қўшимча хизматлар миждознинг истак-хоҳиши бўйича киритилиши мумкин. Масалан, туристлар учун бўш вақт ажратилади (харид учун, мустақил саёҳат учун ва ҳ.к.). Бунда Хумсан тоғларида отда сайр қилиш (Бўстонлик райони), қимиздан татиб кўриш, Бухорода ҳаммомга ёки шахсий турар жойларга ташриф буюриш, Самарқандда – тўйда ёки тантанали маросимларда иштирок этиш. Фирма бундай маданий хизматларни тақдим этувчи ташкилот ва муассасалар билан олидиндан шартномага эга бўлиши керак. Табиийки бундай қўшимча хизматлар) турмахсулот нарҳини қиматлаштиради .

Турмахсулот ўз таркибига марирутни батафсил ифодалашни киритади. У қуйидагича баён қилиниши мумкин:

Биринчи кун. Париждан Тошкентга учиб келиш (6.05 с.). Меҳмонхонага трансферт (8.00). Жойлашиш ва дам олиш (то 9.30 гача). Шаҳар бўйлаб саёҳат (10.00-13.30). Ресторанда тушлик (13.30-14.30). Экскурсия етакчиси ҳамкорлигида мадрасалар ва маданий марказларга ташриф (13.30-17.30). Театрлаштирилган намоишда иштирок этиш (18.00-19.30). Кечки овқат (20.00 да). Уйқу ётиш/бўш вақт.

Иккинчи кун. Нонушта (7.30-8.00). Тарихий жойларга саёҳат (8.00-13.30). Тушлик (13.30-14.30). Бўш вақт (14.30-20.00). Кечки овқат (20.00-21.00). Уйқуга ётиш/бўш вақт.

Учинчи кун. Нонушта (7.30-8.00). Самарқандга жўнаш (8.00-13.00). Жойлашиш ва дам олиш (13.00-14.00). Тушлик (14.00-15.00). Шаҳар бўйлаб сайр қилиш, Регистондаги театрлаштирилган шоуда иштирок этиш (15.00-20.00). Кечки овқат (20.00). Уйқуга ётиш/бўш вақт.

Тўртинчи кун. Нонушта (7.30-8.00). Тарихий обидаларга саёҳат (8.00-13.30). Тушлик (13.30-14.30). Бўш вақт (14.30-20.00). Кечки овқат (20.00-21.00). Уйқуга ётиш/бўш вақт.

Бешинчи кун. Нонушта (7.30-8.00). Бухорога жўнаш. (8.00-12.00) Жойлашиш ва дам олиш (12.00-13.00). Тушлик (13.00-14.00). Шаҳар бўйлаб саёҳат, Лаби-ҳовуздаги театрлаштирилган шоуда иштирок этиш (15.00-20.00). Кечки овқат (20.00-21.00). Уйкуга ётиш/бўш вақт.

Олтинчи кун. Нонушта (7.30-8.00). Тарихий обидаларга сайр қилиш (8.00-13.30). Тушлик (13.30-14.30). Бўш вақт (14.30-20.00). Кечки овқат (20.00-21.00). Уйкуга ётиш/бўш вақт.

Еттинчи кун. Нонушта (7.30-8.00). Тошкентга жўнаш (8.00-18.00). Йўлда тушлик (13.00-14.00). Шаҳар бўйлаб сайр қилиш (18.00-21.00). Аэропортга трансферт (21.00). Парижга учиб кетиш (24.00).

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, йўналиш батафсил ва мукамал бўлиши, шаҳарнинг ҳаракатланиш схема – карталари унинг таркибида мавжуд бўлиши талаб этилади. Унда барча диққатга сазовор жойлар, меҳмонхоналарни жойлашуви, ресторанлар, алоқа телефонлари ва бошқа зарур бўлган фойдали маълумотлар бўлиши зарур. Масалан, туристлар ўз саёҳатлари давомида астрономия фанининг ривожига буюк ҳиссасини қўшган аллома – Мирзо Улуғбекнинг обсерваториясига ташриф буюради. Шу сабабли, Улуғбекнинг тарихий ҳаёти ва илмий фаолиятига батафсил тўхталиш, маълумот бериш зарур. Бундан ташқари саёҳатчилар йўлидаги қадимги кишиларни тўхтаган жойларини ҳам қайд этиш мумкин. Буларнинг барчасини жарангли ва мазмунли номлар билан етказиш керак.

Юқорида қайд этилганидек, турмахсулот туристларга пакет (“пекидж”) ларда сотилади. Туроператор турагентларга комисион чегирмалар тақдим этади ёки турагент ўз хизматлари – реклама, мижозларни топиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқалар учун устама ҳақ қўяди. Шу билан бирга, пакетдаги тақдим этилаётган турни нархини ҳисоблашни билиш лозим. Турмахсулотнинг нархини норматив калкуляция методи билан ҳисоблаш мумкин. Унга туристларга хизмат кўрсатиш билан ҳам, туристлар гуруҳини кузатиш билан боғлиқ бўлган барча сарф-ҳаражатлар киради. Турмахсулот нархининг формуласи қўйидагича ҳисобланади:

$$P_{tur} = \frac{SU + Stax + Pr T - ZT \pm Kd}{N_{tour} + N_{gr}}$$

Бу ерда, P_{tur} – миллий валютада битта туристнинг турпакет нархи (ёки доллар эквивалентида);

SU – туроператорнинг турпакети ичига кирадиган хизматлар таннари;

$Stax$ – алоҳида хизмат турлари бўйича билвосита солиқлар суммаси (НДС);

PrT – туроператорни миллий валютадаги фойдаси (ёки доллар эквивалентида);

ZT – турпакет таркибига кирувчи алоҳида хизмат турлари учун туристга туроператор тақдим этаётган чегирма;

Kd – турпакетни сотувчи турагентни комиссиян мукофотлаш (кўп ҳолларда бу турпакет нархига қўшимча ёки туроператорни турагентнинг фойдасига нархдан чегирма);

Ntour – гуруҳдаги туристлар сони;

Ngr – гуруҳга йўлбошчи сифатида ҳамкорлик қилувчиларнинг сони.

Турпакет нархи тўғрисида фикир юритилганда, қуйидагиларни қайд қилиш жуда муҳим, жумладан:

- турист мазкур турпакет нархи ичига кирмайдиган қўшимча хизматларни буюради, бироқ, бунинг учун қўшимча ҳақ тўлашга тайёр;
- туристлар сони қанчалик кўп бўлса, туроператор турагентга тақдим этаётган чегирмаси шунчалик катта бўлади ва киши бошига ҳисоблаганда турнинг таннари шунча паст бўлади;
- баъзида тур нархи номавсумий вақтда транспортга, жойлашиш воситаларига, диққатга сазовор объектларни сайр қилишга янада паст нархлар белгиланади, туристларни ёш таркибига (болалар ва мактаб ўқувчиларига) туризмни кўпгина хизматларининг нархига каттагина чегирмалар берилади, минтақага баъзи давлатлар чет эл туристларини кўпроқ жалб этиш мақсадида туризм фаолияти учун имтиёзлар тақдим этади;
- турпакет нархига кирувчи фойда туризм корхонаси томонидан ҳаражатлар таннарига нисбатан фоизларда белгиланади, аммо бунда мазкур турмаҳсулотга эҳтиёж даражасини ҳисобга олиш зарур.

Буларнинг барчасида нарх доимо эластик, мослашувчан бўлишини, яъни бозор ўзгаришларига аниқ мослашишини ҳисобга олиш зарур.

6.4. Туристлик маршрутини ишлаб чиқиш босқичлари



Расм 6.1. Туристлик маршрутини ишлаб чиқиш босқичлари ва тасдиқлаш кетма-кетлиги схемаси

Маршрут ишлаб чиқилиб, тасдиқлангач, тур деб аталувчи бир «қобикқа» қатор хизматлар ва товарларни «жамлаш»га киришилади. Юқорида айтилганидек, турнинг икки хил кўриниши мавжуд:

- **пекиж-тур**, яъни жойлашиш, овқатланиш, экскурсия хизмати, транспорт, маиший, спорт-соғломлаштириш, жисмоний тарбия, тиббий ва бошқа хизматларни қамровчи комплекс туристлик хизмати. Бу турнинг нархи католог ва прайс-варақаларда кўрсатилади.
- **экслюзив-тур**, яъни ихтиёрий равишда танланадиган алоҳида туристлик хизматлари.

Ҳар қандай турни шакиллантиришда муҳим ҳисобланган маршрут бўйича туристлик саёҳатининг технологик харитаси ва сафар трасса паспортининг намунаси кўйида кўрсатилган:

6.5. Туристлик саёхатининг йўлланмаси ва технологик харитасини тузиш

Маршрутга хизмат кўрсатувчи туристлик корхонасининг номи

2008 йил учун

Маршрут номи
Маршрут бўйича туристлик саёхатининг

ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

1. Маршрутнинг асосий кўрсаткичлари

Маршрут тури _____

Мураккаблик категорияси _____

Маршрут узунлиги (км), жумладан яёв, қайиқда _____

Саёхат муддати (сутка) _____

Туристлик гуруҳлари сони _____

Гуруҳлардаги туристлар сони _____

Маршрутдаги жами туристлар сони _____

Жами одам-кун хизмат кўрсатилиши _____

Маршрутда биринчи гуруҳга хизмат кўрсатишнинг бошланиши _____

Маршрутда сўнгги гуруҳга хизмат -//- бошланиши _____

Сўнгги гуруҳга хизмат кўрсатишнинг охири _____

Ой	Бир ойдаги туристлар сони	Ойлар бўйича туристлик гуруҳлар келиш графиги	Бир ойдаги гуруҳлар сони
01			
02			
...			
12			

Саёхат бошланадиган туристлик корхонаси манзили

Йўлланма нархи _____

2. _____ маршрут бўйича туристлар ва саёҳатларга хизмат кўрсатиш дастури

Аҳоли пунклари, улар орасидаги масофа, воситалар	Туристлик корхоналар номи	Режалаштирилган туристлик хизматлар. Экскурсия номи (- дан)	Маршрут ичидаги ташувлар	1 кишига экскурсион ҳаражатлар

Жами, _____

жумладан, 1 _____ корхона _____

жумладан, 2 _____ корхона _____

жумладан, ва ҳ. _____ корхона _____

**Маршрут ичидаги ташувларни
қуйидаги корхоналар амалга
оширади:**

МУХР ўрни

**Маршрутга хизмат
кўрсатувчи корхона
раҳбарлари имзоси**

Гуруҳлар топшириладиган пунктлар:

Шартли белгилар

Х – Туристлик корхонасида хизмат кўрсатилади

СП – сухой паёк

Тоҳ – тунаш очик ҳавода (сафар палаткалари)

Молия хизматлари раҳбарлари (бош ҳисобчилар) имзоси

« _____ » 2008 йил

3. Саёҳатнинг қисқача баёни (Туристлик йўлланмаси иловасида такрорланади)

Маршрутда хизмат кўрсатувчи туристлик корхона Раҳбари

Имзо

6.6. Туристлик корхонанинг юклама графиги ва маршрутини тузиш

САФАР ТРАССА ПАСПОРТИ

1. Туристлик корхонанинг номи _____
Туризм тури _____ сафар трассаси _____

асосий географик пунктлар номи

Узунлиги _____ км, давомийлиги _____ сутка

Бир гуруҳдаги туристлар сони _____ нафар

Иш даври _____ дан _____ гача

Паспорт тузилган пайт 200 _____ йил, _____ нусхада

Ўзгаришлар киритилган: 200 _____ йил, _____ саҳифа

200 _____ йил _____ саҳифа

Паспорт нусхалари жўнатилган:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

2. Сафар трассасини босиб ўтиш режаси

Йўл кунлари	Трасса участкаси	Км	Ҳаракат воситаси

Жами фаол ҳаракат воситалари билан _____ км.

3. Сафар трассаси схемаси (сафар трассаси кўрсатилган, масштаби 1: 200000 дан кам бўлмаган босма харита ва схемалар елимланиши мумкин).

Шартли белгилар:

Сафар трассаси

трассанинг заҳира варианты

тунаш жойи

дам олиш нуқтаси

пана жойлар

тиббий ёрдам пункти

алоқа пункти (тури кўрсатилади)

Сафар трассасининг қисқача тавсифи, йўлнинг мураккаб участкаларининг баёни

3. Сафар трассаси ҳудудидаги иқлим тўғрисида маълумот (мазкур маршрут иши даврига тўлдирилади)

Маълумотлар	Ойлар	06	07	08	09
Ҳарорат C°	Ўртача Минимал Максимал				
Шамол тезлиги м/с	Ўртача Максимал				
Ёғингарчиликнинг ўртача миқдори мм	Ўртача Максимал				

5. Содир бўлиши мумкин бўлган фавқулотда ҳодисалар ва гуруҳнинг бу пайтдаги ҳаракати.

6. Туристларнинг сафар олди тайёргарлигига талаб. Назарий ва амалий машғулотлар турбазада

№	Мавзу	Машғулотлар соат ҳажми	Ўтказиш шакли

7. Йўлланма илова варақаси матни учун тавсиялар. Йўлланма матнига туристлик жиҳозлар, кийим-кечак, пойафзал бўйича тавсиялар киритади.

8. Трассани босиб ўтиш учун туристлик жиҳозлари:

а) йўлланма бўйича туристлик корхонаси томонидан бериладиган, шу жумладан бутун гуруҳ учун (_____ нафар сайёҳ ва бир инструкторга);

б) қўшимча тўлов эъвазига бериладиган

9. Сафар трассанинг ободончилиги

Маркировка (рамзий белгилар) _____

Дам олиш жойи, тунаш жойи, пана жойлар, йўл ободончилиги _____

Корхона директори _____

Катта инструктор _____

«Келишилган»

(келишувчи ташкилотлар имзоси)

Паспорт тузиш бўйича кўрсатмалар:

1. Паспорт давомийлиги 1 суткадан кам бўлмаган ҳар бир асосий ёки синов сафари трассаси учун алоҳида тузилади.
2. Паспорт сафар бошланадиган туристлик корхонаси томонидан тузилади.
3. Саёҳат ҳудудидаги иқлим ва эҳтимоли бўлган фавқулотда ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар гидрометео хизмат маълумотлари асосида киритилади.
4. Паспорт сафар трассада хизмат кўрсатувчи ҳар бир туристлик корхонасига жўнатилади.

Сафар трассаси эксплуатацияси жараёнида юзага келган ўзгаришлар, бир ой ичида паспортининг барча нусхаларига киритилиши керак. Зарур ҳолларда баъзи саҳифалар алмаштирилади ёки янги паспорт тузилади.

Таянч иборалар: Туристлик хизматларни лойиҳалаштириш, хизмат кўрсатиш дастури, лойиҳа таҳлили, туристлик саёҳатининг технологик харитаси, туристлик корхонасининг юкланиш графиги, «Туристлик сафар» хизмати хавфсизлиги, туристлик сафарининг йўл паспорти, пекиж-тур, эксклюзив-тур, сафар трасса паспорти.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Туристлик хизматларни лойиҳалаштириш қандай амалга оширилади?
2. Хизмат кўрсатиш дастурини яратиш қандай амалга оширилади?
3. Турмаҳсулотни ҳисоблаш жараёни қандай амалга оширилади?
4. Туристлик маршрутини ишлаб чиқиш босқичлари нималардан иборат?
5. Туристлик саёҳатнинг йўлланмаси ва технологик харитасини тузиш мазмуни нималардан иборат?
6. Туристлик корхонасининг юклама графиги ва маршрутини тузиш қандай амалга оширилади?
7. Туристлик сафар маршрутининг экспедицион текширув ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши нимадан иборат?
8. Сафар трасса паспорти таркиби нимадан иборат?

7. ТУРИЗМ РЕСУРСЛАРИ

Режа:

- 7.1. Туризм ресурслари тушунчаси
- 7.2. Табиий туристлик ресурслар
- 7.3. Маданий – тарихий ресурслар
- 7.4. Ижтимоий – иқтисодий ресурслар
- 7.5. Туристлик ахборот ресурслари
- 7.6. Туристлик ҳудудлар ва туристлик акватория

7.1. Туризм ресурслари тушунчаси.

Туристлик ресурслар – туризм мақсадларида ва туризм жараёнида инсонни эҳтиёжини қондиришга қодир табиий-иқлим, ижтимоий -маданий, тарихий, меъморий, илмий ва индустрияга доир, томоша қилинувчи объектлар ёки ҳодиса лар йиғиндиси.

Туристлик ресурслар ҳар бир мамлакатнинг миллий бойлиги бўлиб, давлат мулки ҳисобланади. Аммо улардан бир қисми жаҳон аҳамиятига молик объектлар ва ёдгорликлар ҳисобланиб ЮНЕСКО нинг рўйхатида киритилган. Бундай рўйхат ҳар йили ЮНЕСКО томонидан ўрнатилади ва янгиланади. Барча табиий ва маданият ёдгорликлари давлат томонидан муҳофаза қилинади, умумжаҳон аҳамиятидаги объектлар ва ёдгорликларни таъмирлашга, сақлаб қолишга ООН (БМТ) томонидан маблағ ажратилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон катта туристлик ресурслар салоҳиятига эга бўлиб, унинг ҳудудида 4000 дан ортиқ тарихий-архитектура ёдгорликлари ва гўзал табиий-иқлимий ресурслари мавжуд. Уларнинг 3/1 қисмигина фаолият кўрсатмоқда, қолганлари эса янги турмаҳсулотлар тайёрлашга ва янги турмаршрутлар очилишга имконият беради.

Ҳозирги вақтда кўпгина тармоқлар каби туризм индустрияси ҳам тез ривожланиб бормоқда. Туристлик бизнеси мавжуд инвестиция, технология, ҳамда малакали ишчи – ходимлар орқалигина шакллантириб бўлмайди. Бунинг учун биринчи навбатда туристлик ресурсларга эга бўлиш лозим.

Мутахассислар туристлик ресурсларга қуйидагича таъриф беришган: туристлик ресурслар – табиий, тарихий, ижтимоий – маданий ва бошқа туристларни саёҳатга қизиқтирадиган, инсоннинг жисмоний, руҳий ва ақлий кучини тиклаши ва ривожланиши эҳтиёжларини қондиришга қодир объектларга айтилади.

Рекреация фаолияти нуқтаи назардан туристлик ресурсларга табиий ва антропоген геосистемалар киради, табиат манзаралари, рекреация фаолияти эҳтиёжи қийматига ва маиший хусусиятга эга, инсонларни кўрсатилган вақтда маълум технологиялар ёрдамида соғлигини тиклаш ва дам олишида фойдаланиш мумкин бўлган, рекреация фаолияти қобилиятига эга ресурслар киради.

Туристлик ресурсларнинг моҳияти шундан иборатки, туристлик маҳсулот шаклланишига асос ҳисобланади. Умумий қилиб айтганда, аниқ ҳудудда туристлик фаолиятда фойдаланиш мумкин бўлган барча объектлар киради.

Туристлик ресурслардан фойдаланиш хусусиятига кўра **бевосита** ва **билвосита** турларга бўлинади. Бевосита турдаги ресурсларга туристларни ўзлари тўғридан – тўғри фойдаланидиган табиий ва тарихий – маданий ресурслар киради. Билвосита турдаги ресурсларга бевосита туристлик ресурслардан фойдаланиш асос бўладиган ижтимоий – иқтисодий ресурслар – моддий, молиявий, меҳнат, ахборот берувчи ресурслар киради.

Туристлик ресурслардан соғломлаштириш, туристлик, спорт ва танишув мақсадида фойдаланилади. Ундан ташқари туристлик ресурсларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: **табиий ва инфраструктурали**. Туристлик бизнесни ривожланишида юқоридаги икки гуруҳни ҳам аҳамияти юқори. Ҳар қандай юқори туристлик ресурс салоҳиятидан, коммуникация, алоқа воситалари, хизмат кўрсатиш соҳаларисиз фойдаланиб бўлмайди.

Умуман олганда, бутун туристлик ресурслар мажмуасини табиий – иқлимий, маданий – тарихий, ижтимоий – иқтисодий, ахборот берувчи ресурсларга бўлиш мумкин.

7.2. Табиий туристлик ресурслар

Табиий туристлик ресурсларни асосий аҳамияти шундан иборатки, инсонларнинг жисмоний ва руҳий қобилятларини тиклашда фойдаланиш воситалари бўлиб хизмат қилади. Туристлар асосий эҳтиёжларини табиатдан қондирадилар. Туристлик фаолиятни ташкиллаштиришда ландшафтлар, иқлим, сув объектлари, денгизлар, минерал сув ва даволовчи ботқоқлар асосий ресурс вазифасини бажаради. Бу ресурслар ўзи ёки инсон томонидан қайта тикланиши мумкин. Бу ресурсларни географик, биологик, геологик ва бошқа жиҳатларга кўра баҳолаш мумкин. Дам олишни ташкил этиш учун табиий туристлик ресурсларни таҳлил этишни талаб қилади. Табиий ресурслар сифатида алоҳида табиат компонентлари ёки бир бутун табиат компелксларини олиш мумкин. Барча табиий ресурсларни рекреация ёки туристлик потенциал нуктаи назардан қараш лозим. Аммо табиий ресурслардан фойдаланиш даражаси минтақа ихтисослашувига кўра ҳар хил бўлиши мумкин.

Табиий туристлик ресурсларнинг таснифи мавжуд бўлиб, у икки ёқлама хусусиятга эга, бир томондан табиий келиб чиқиши билан боғлиқ, иккинчи томондан туризм учун иқтисодий аҳамияти томонидан акс этишидир. Табиий ресурслар қўйидагича гуруҳланади:

Келиб чиқишига кўра:

- табиий (геологик, иқлимий, гидрологик, термал сувлар);
- биологик – тирик табиат (тупроқ ресурслари, флора, фауна);
- энергоинформацияли, табиатдан ўзига хос майдон ва ландшафт сифатида фойдаланиш бўлиб, бу ресурслар маданий, зиёратли каби туризм турларини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Рекреация сифатида фойдаланиш турига кўра:

- минерал сувлар;

- ботқоқлар;
- тузлар;
- ўрмонлар.

Ресурсларнинг давомийлик даражасига кўра:

- тугайдиган табиий ресурслар, улар ўз навбатида янгиланиб турадиган (чучук сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) ва янгиланмайдиган (минераллар) турларга бўлинади.
- тугамайдиган табиий ресурслар, уларга қуёш энергияси, шамол, денгиз тўлқинлари, сувлари киради.
- 1. Ўзи қайта тикланиши ва ўсиши имкониятига кўра:
 - қайта тикланадиган ресурслар, бунга ўрмонларни мисол келтириш мумкин, ўртача 10 йилда қайта тикланади.
 - қайта тикланмайдиган ресурслар.

Табиий туристлик ресурслар орасида асосий ўринни рекреация ресурслари эгаллайди, улар мамлакат аҳолисини, ҳамда туристларни дам олиши ва даволаниши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ундан ташқари табиий ресурслардан тўғридан-тўғри фойдаланиш натижасида бир қанча муаммолар ҳам келиб чиқмоқда. Бунда табиатдан нотўғри фойдаланиш, кўплаб қурилишларни амалга ошириш туфайли бўлмоқда. Натижада экосистемалар мувозанати бузилиб, экологик муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

7.3. Маданий – тарихий ресурслар

Маълум ҳудудда туризмни ривожлантиришда у жойнинг тарихий – маданий ресурслари салоҳияти асосий ўринни эгаллайди. Туристлик хизматда маданий – тарихий ресурслардан кўп мақсадларда фойдаланиш мумкин. Маданий мажмуаларнинг жозибадорлиги уларнинг тарихий ва таъсвирий баҳосига, фойдаланиш қўлайлигига боғлиқ.

Мавжуд ресурслардан туризм фаолиятида интенсив фойдаланиш, яъни антропоген юкнинг ошиб бориши натижасида табиий туристлик ресурсларнинг ифлосланишига, тарихий обидаларнинг тез бузилишига олиб келади.

Туризмга оид Гаага декларациясида қўйидаги таклифлар билдирилган:

- туристларни мамлакат ичкарасида ёки чет элда борган жойларида маданий мерос ва атроф – муҳитни сақлашга, уларга нисбатан ҳурматда бўлишга ўргатиш, ҳамда тарғиб қилиш;
- жойларда туристларни қабул қилиш даражасини аниқлаш, меъёрдан ортишига йўл қўймаслик лозим деб таъкидланади.

Маданий – тарихий ресурсларга моддий ва маданий турли ёдгорликлар мажмуаси, маълум минтақанинг туристлик қизиқиш объектлари ҳисобланади.

Минтақаларнинг архитектура ёдгорликларига бойлиги туризмни ривожланишига тўртки бўлади. Аммо охириги пайтларда туристлик оқимнинг ошиши айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Маданий – тарихий ресурслардан туризм мақсадида сақлашни қўйидагича амалга ошириш таклиф қилинади:

- мавжуд тарихий жойлар, бинолар ва ёдгорликларни туристлик қизиқиш объектлари сифатида қайта тиклаш;
- табиий ресурсларни муҳофаза қилишни фаоллаштириш;
- туристлик эҳтиёжни қондириш мақсадида атроф – муҳитни сақлаш ва яхшилашда бошқарув органлари маъсулиятини ошириш.

Туристлик ресурслар ичида жаҳон аҳамиятидаги маданий объект ва ёдгорликлар асосий ўринда туради. «Маданий мерос» дейилганда қўйидагилар тушунилади:

- ёдгорликлар: архитектура бинолари, археологик аҳамиятидаги жойлар, илмий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга ғорлар, тарихий ёзувлар;
- ансамбллар: илмий, маданий ёки тарихий аҳамиятга эга ўзаро боғланган бинолар гуруҳи. Масалан, Регистон ансамбли;
- меҳмондўстлик жойлари: инсон ёки табиат томонидан яратилган эстетик, этнографик, тарихий аҳамиятга эга бўлган, ўзига жалб қилувчи ўзига хос жойлар.

Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида киритиладиган объектларнинг қўйидаги хусусиятлари ҳисобга олинади:

- инсон ижодининг ноёб намуналари;
- ажойиб маданий, архитектура объектлари, ҳамда маданий ландшафтларининг алоҳида аҳамиятга эга ҳудудлари;
- замонавий цивилизациянинг ноёб намуналари, қурилишлари;
- инсон тарихи билан боғлиқ бинолар ёки архитектура ансамбллари, ландшафтлари.

Табиатнинг ноёб кўринишларини бутунжаҳон рўйхатида киритиладиган хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- ер қатламининг шаклланишида геологик-геоморфологик жараёнлар асосида шаклланган ёдгорликлар;
- турли-туман ўзига хос экосистемалар, ландшафтлар;
- маълум минтақанинг ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонлари;
- камёб биологик турлари.

Туристлик ҳудуд ёки акватория – туристлик фаолиятда фойдаланадиган ноёб туристлик ресурслар жойлашган ҳудуддир.

7.4. Ижтимоий – иқтисодий ресурслар

Туризм – иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларини ўз ичига олган, қурилишдан бошлаб, транспорт хизматигача бўлган фаолиятнинг ихтисослашган тури ҳисобланади. Ундан ташқари туризм иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, транспорт воситалари,

ишлаб чиқарувчи заводлар, мебел ишлаб чиқарувчи корхона ва бошқалар билан ўзаро алоқада ривожланади.

Меҳнат ресурслари. Туристлик маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида инсонларнинг жисмоний ва ақлий меҳнати ишлатилади. Бунда инсонларни соғлиги ва жисмоний кучи, маълумоти ҳамда малакаси даражаси асосий ўринни эгаллайди. Меҳнат ресурсларининг миқдори, малакаси иқтисодий омил сифатида ката аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда ташкил этилган ҳар 7 ишчи ўриндан бири туристлик бизнесга тўғри келади. Яқин ўн йил ичида Европа мамлакатларида ва бошқа қатор мамлакатларда ҳам туризм соҳаси янги ишчи жойларни ташкил қилишнинг йирик манбаи бўлиб қолмоқда.

Туризм жаҳон ҳўжалиги меҳнат ресурсларининг кўп талаб қилувчи тармоқларидан ҳисобланади. Туризм соҳасидаги банд ишчи кучининг ўзига хос хусусияти шундаки, 80% меҳнат ресурслари малакасиз ҳисобланади. Уларнинг ярмидан ортиғи аёлларни ташкил қилади. Ундан ташқари туризм индустриясида ёшлар ва чет эл ишчи кучидан кенг фойдаланилади. Мисол учун Европа иттифоқи мамлакатларида ҳар бир учинчи 16 ёшдан 21 ёшгача бўлган ўсмир туризмнинг хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайди.

Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти туризмда бандликни учта асосий шаклларга бўлади:

1. Мавсумий иш, бунда асосан сайёҳлик мавсумида туристлар сони бир неча баробарга ошиб кетади, шунда қўшимча ишчи кучига талаб ошади.
2. Тўлиқсиз иш куни, бу асосан ривожланган мамлакатларнинг меҳмонхона ва ресторан ҳўжалигидаги банд ишчи кучлари киради.
3. Турли мамлакатларда тулиқсиз иш куни билан ишлаётганлар бутун меҳмонхона бизнесида банд ишчи кучларининг 12 дан 52% гача ташкил этади.
4. Вақтинчалик иш билан бандлик (дам олиш кунлари, кўргазмалар ташкил этиш)

Асосий восита ресурслари ишлаб чиқаришнинг биринчи омили ҳисобланиб, унга турли иншоотлар, жиҳозлар киради, улардан меҳнат фаолияти орқали фойдаланилади.

Асосий восита элементлари таснифи мутахассислар томонидан қуйидагича белгиланган:

- асосий бинолар: отеллар, бар, ресторан, клуб ва б.
- ёрдамчи бинолар: гараж, иситиш системаси ва б.
- иншоот ва қўрилмалар: йўллар, туристлик поездлар, спорт майдонлари ва б.
- ўтказгич қўрилмалари: электроўтказгичлар, қувурлар ва б.
- машина ва жиҳозлар: трансфарматор, компьютер ва б.
- транспорт воситалари: енгил автомобил, автобус ва б.

Туризм салмоғининг юқорилиги иқтисодий томондан дароматнинг ошишига, янги иш ўринларини яратилишига ҳамда кичик бизнесни ривожланишига туртки бўлади.

Туристлик мамлакатларда 50 фоиздан ортиқ меҳнатга яроқли аҳоли туризм соҳаси билан тўғридан – тўғри ёки билвосита боғланган. Агарда уларда туристлар келиши қайсидир сабабга кўра камайса, ишсизлар сони ортиб боради.

Туризм соҳасида миқдор жиҳатдан таҳлил қилишдан ташқари, бандликнинг сифат жиҳатдан таҳлили ҳам мавжуд. Маълумки туризмда асосан паст малакали ишчилар, яъни хизматчилар, юк ташувчилар, официантлар ишлашади. Булар билан бирга юқори малакали гид – таржимон, бош ошпаз, менежерлар ҳам ишлашади. Албатта бу соҳани ҳам юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш катта аҳамиятга эга. Туризмда банд ишчиларнинг жинсий таҳлили ҳам аҳамиятга эга бўлиб, меҳмонхона хўжалигида аёл ишчиларнинг улуши 50 фоиздан ортиқ.

7.5. Туристлик ахборот ресурслари

Саёҳат вақтида ёки унга тайёргарлик кўришда туристлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, уларга бериладиган маълум ҳудуд, объект тўғрисидаги маълумотлар мажмуаси туристлик ахборот ресурслари ҳисобланади.

Мутахассислар туристлик ахборот ресурсларига туристлик маршрутда жойлашган ҳамда тарихий, илмий аҳамиятга эга объектлар бўйича маълумотларни киритишади. Ундан ташқари туризм аҳамиятига эга шаҳарлар, қишлоқлар, табиат манзаралари уларга боғлиқ афсона ва қиссалар, ҳар хил адабиётлар, хариталар, тасвирий албомлар, расмлар, аудио-видео маҳсулотларни ҳам киритишади. Кўпгина шаҳарларда туристлик ахборот берувчи марказлар ишлаб турибди, улар истеъмолчиларга барча маълумотларни етказиб беришади.

Умуман олганда, ҳозирги кунда туристлар учун маълумот асосий ўринни эгаллайди. Чунки турист бораётган жойи ҳақида қанча кўп билса, саёҳатини самарали ўтказади. Албатта ҳар қандай турист маълум вақт оралиғида иложи борича кўпроқ жойларга боришга ҳаракат қилади. Бунинг учун у албатта маълумотларга етарли даражада эга бўлиши керак.

Инфраструктуравий ресурс сифатида қўйидаги гуруҳларни ўз ичига олади: транспорт таъминоти, жойлаштириш тизими, овқатлантириш тизими, сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизими. Ҳозирги кунда туризмни ривожланишини туризм инфраструктурасини жадаллашувисиз кўриш мумкин эмас. Чунки мавжуд туристлик ресурслардан самарали фойдаланишда бу ресурсларнинг ўрни бениҳоя катта.

Ахборот берувчи ресурсларга Интернет тармоғи, адабий ва тасвирий нашрлар ҳамда халқ этнослари, афсоналари ҳам киради. Ахборот ташувчилар моддий объектлар – инсон ва унинг ижодлари, номоддий объектлар – турли ахборот манбалари ҳисобланади. Диний туризмда моддий объектлар бўлиб, монах ва диндорлар, экскурсия олиб борувчилар, ҳамда диний марказ ва шаҳарларнинг суръати, харитаси, схемалари ҳисобланади.

Шуни қайд қилиш керакки, туристлар нафақатгина ноёб ибодатхоналарни, пирамидаларни, бошқа қўлда ясалган ёдгорликларни, балки замонавийликка

эришилган йиғма автомобил заводларининг конвеерлари, туристлар томонидан қизиқиш ва иштиёқ билан қабул қилинадиган дегустация заллари (масалан, Жанубий Африкадаги Кейптаунда маҳаллий вино заводларида ўзининг вино тайёрлаш технологияси билан тайёрланадиган винолар «Виноли йўл» экскурсияси орқали тақдим этилади) ва колбаса заводлари, пиво пишириш цехлари, шахталар, гидротехник қурилмалар ва хатто госпиталлар ҳам туристлар томонидан ижобий кўтиб олинмоқда.

7.6. Туристлик ҳудудлар ва туристлик акватория

Туристлик ҳудуд ёки акватория – бу қимматли бўлган туристлик ресурслар, туристлик минтақа таркибида ажратиб кўрсатиладиган туристлик эҳтиёжлар объектини реестр ва кадастрларда ҳамда бошқа ҳужжатларда қайд қилиш билан туризм мақсадларида фойдаланиш билан маълум географик ўриндаги комплекс туристлик ресурслар кўринишидан иборат.

Ҳудуд – куруқликда ёки ер остида бўлиши мумкин. Куруқликдаги, ер устидаги ҳудуд кўшимча тушунтиришни талаб этмайди. Ер ости ҳудуди мос равишда шахта ва тоғ ишланмаларида ғоршунос туризмни севувчилар учун, масалан, туристлар Иоганнабург (ЖАР) даги олтин конлари шахталари ва олмос конларига ташриф бюрадилар. Баъзи шахталар фақатгина экскурсия мақсадларида эмас, балки ер остида табиат яратган ўта ўзига хос иқлимда даволаниш мақсадлари ҳам учун фойдаланилади. Бунга мисол қилиб, Алп тоғидаги эски олтин қазиб олинадиган шахтадаги Бад Гастойи жойини кўрсатиш мумкин. (юқори температура ва юқори намликда радион ингалацияси).

Ғорларга ташриф – ғоршунослик туризм (рус тилида спелеотуризм) ва экскурсияни энг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланиб, фақатгина Грецияда туристлар ташриф буюриши мумкин бўлган 3500 га яқин ғорлар ҳамда ундан ҳам кўпроқ ташриф буюрмайдиган ғорлар мавжуд. Улкан ғорлар Мексикада, АҚШ да, Жанубий Африкада ва Россияда ҳамда бошқа давлатларда ва ўзимизда ҳам мавжуд. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси тоғ тизмалари ва ҳудудларида турли хилдаги 400 дан ортиқ ғорлар мавжуд.

Акватория – муҳим туристлик ресурс ҳисобланади. Сув инсонга озиқланиш воситаси сифатида зарур ва шу сабабли танишув ёки саргузаштли маънода бу жуда қизиқ ҳисобланади. Дунёда маска билан унчалик чуқур бўлмаган чуқурликда ва акваланг билан 70 м чуқурликгача тушувчи сув ости туризмни нг 50 млн. га яқин ишқибозлари мавжуд. Катта Барер рифи сувости қоялари Австралия миллий бойлиги деб эълон қилинган ҳамда жаҳон аҳамиятига молик аквапарк деб эълон қилинган. Иккинчи кичик Барер қояси Белида қирғоқларида жойлашган ҳамда сувости дунёси ишқибозлари ва сувости саргузаштларини севувчилар учун ҳақиқий жаннат бўлиб ҳисобланади. Қизил денгиз сувостида сузувчилар учун чекланмаган имкониятларни туғдиради ва курортда дам олувчиларни кўнгил ёзишни ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Қадимда таниқли ва машҳур сувости бойликларини излаб топиш, чўкиб кетган кемаларни қидириш туризмнинг муҳим турини ташкил этади. Греция, Кипр, Италия, Туркия каби Ўрта Ер денгизининг бошқа давлатлари ўз сувости хазиналаридан фаол, оқилона фойдаланадилар. Қадим замонда шундай хазиналар тўпланган сувости районлар фаолиятини тартибга солувчи кўпгина ўзига хос миллий қонуний ҳужжатлар қабул қилинган. Миллий ҳуқуқий ҳаракатлар доирасида сувости хазиналари ва предметлари юқорига кўтариб олиш ёки жойлаштиришга рухсат берилмайди, фақатгина уларни кўриб кузатишга ижозат берилган. Сувдаги ҳайвонот дунёсини ва маржон сувости қояларини кузатиш учун туристлик сувости қайиқларидан ҳамда деярли барча денгиз бўйи туристлик марказларида мавжуд бўлган сувнинг туби мусаффо тарзда кўриниб турадиган кемалардан фойдаланилади. Махсус туристлик сувости қайиқлари Бермуд, Канара оролларида, Қизил денгизда, Болеар оролларида ва Испаниянинг Коста-Браво курортли қирғоқларида мавжуд. Чўкиб кетган кемаларни излаб топиш – саргузаштли туризмни оммабоп тури ҳисобланади. Финландия кўрфази ва швед-руслар урушидан тортиб, то иккинчи жаҳон уришигача бўлган давр мобайнида турли асрлардаги 5000 тагача сувости объектлари қайд қилинган. Ўта ўзига хос қизиқиш билан Виборг яқинидаги Крестовий кўрфази ҳисобланади у ерда уч юз йил олдинги бир вақтнинг ўзида шу ердаги жангда ҳалок бўлган жангчилар билан 150 дан ортиқ швед ҳарбий кемалари сув остида топилган.

Муҳим туристлик ресурслар бўлиб антиқа-ноёб маданий қурилмалар, пирамидалар, мавзолейлар, ҳайкаллар, ибодатхона меъморий ансамбллари ва парклари, музей коллекциялари ҳамда замонавий қурилмалар – осмонўпар бинолар, туғонлар ва бошқа гидротехник қурилмалар ҳамда бошқа объектлар ҳисобланади. Қанчалик таажубланарли бўлмасин туризмни ўзига тортувчи кучи барча асрларда мавжуд бўлган ҳозирда қабристонлар ҳам, Мисрда қурилган минглаб пирамдалар ҳам туризм доирасида тасарруф қилинмоқда. Мавзолейлар ҳам туристлар ташриф буюрадиган объектлар ҳисобланиб, улардан баъзилари ўз меъморий хусусиятлари ва нихоятда катта ўлчамларига кўра дунё мўжизаларига киритилган.

ТУРИЗМ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАСНИФИ



1. Табiiй – иқлимiiй шароитлар



Тоғлар, ландшафтлар, чўллар, денгизлар, кўллар, дарёлар, воҳалар, ўрмонлар, боғлар, ҳиёбонлар.

1. Шаклланишига кўра:

- табiiй (геологик, иқлимiiй, гидрологик, термал сувлар);
- биологик – тирик табиат (тупрок ресурслари, флора, фауна);
- энергоинформацияли, табиатдан ўзига хос майдон ва ландшафт сифатида фойдаланиш бўлиб, бу ресурслар маданий, зиёратли каби туризм турларини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

2. Рекреация сифатида фойдаланиш турига кўра:

- минерал сувлар;
- ботқоқлар;
- тузлар;
- ўрмонлар.

3. Ресурсларнинг давомийлик даражасига кўра:

- тугайдиган табiiй ресурслар, улар ўз навбатида янгиланиб турадиган (чучук сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) ва янгиланмайдиган (минераллар) турларга бўлинади.
- тугамайдиган табiiй ресурслар, уларга қуёш энергияси, шамол, денгиз тўлқинлари, сувлар киради.

4. Ўзи қайта тикланиши ва ўсиши имкониятига кўра:

- қайта тикланадиган ресурслар, бунга ўрмонларни мисол келтириш мумкин, ўртача 50 йилда қайта тикланади.
- қайта тикланмайдиган ресурслар.

2. Маданий – тарихий объектлар	⇒	– ёдгорликлар: архитектура бинолари, археологик аҳамиятидаги жойлар, илмий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга ғорлар, ёзувлар; – ансамбиллар: илмий, маданий ёки тарихий аҳамиятга эга ўзаро боғланган бинолар гуруҳи. Масалан, Регистон ансамбили; – меҳмондўстлик жойлари: инсон ёки табиат томонидан яратилган эстетик, этнографик, тарихий аҳамиятга эга бўлган, ўзига жалб қилувчи ўзига хос жойлар; – миллий байрамлар, фестивал ва сempoзиумлар; – муқаддас жойлар; – мафтункор жойлар.
3. Ижтимоий – иқтисодий омиллар	⇒	3.1. Меҳнат ресурслари 3.2. Асосий восита ресурслари 3.3. Иқтисодиёт тармоқлари 3.4. Инфраструктура
4. Туристлик ахборот ресурслари	⇒	4.1. Интернет тармоғи; 4.2. Адабий ва тасвирий нашрлар; 4.3. Ахборот ташувчилар; 4.4. Турли ахборот манбалари.
5. ЮНЕСКО томонидан қўриқланаётган объектлар	⇒	5.1. Дунёга машхур бўлган обидалар; 5.2. Табиат масканлари; 5.3. Маданий меросни сақлаш ва ундан фойдаланиш; 5.4. Миллий фольклор, фестиваллар;
6. Дунё мўжизалари	⇒	1. Миср эҳромлари 2. Бобилнинг осма боғлари 3. Артимеда ибодатхонами 4. Голкарнас макбараси 5. Қуёш худоси Гелиос ҳайкали 6. Александр Маёқи 7. Олимпиа худоси Зевс ҳайкали

Таянч иборалар: Туризм ресурслари, табиий туристлик ресурслар, маданий – тарихий ресурслар, туризм ресурсининг таснифи, туристлик ахборот ресурслари туризм, туристлик қизиқиш ва туристлик таассурот, ижтимоий – иқтисодий ресурслар, ЮНЕСКО томонидан қўриқланаётган объектлар, дунё мўжизалари.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Туризм ресурслари тушунчаси нимани билдиради?
2. Табиий туристлик ресурсларга нималар киради?
3. Маданий – тарихий ресурсларга нималар киради?
4. Ижтимоий – иқтисодий ресурсларга нималар киради?
5. Туристлик ахборот ресурслари туризм ресурсларига қандай таъсир қилади?
6. Туристлик қизиқиш ва туристлик таассурот туризм ресурсларига қандай алоқаси бор?
7. Туристлик ресурслар сифатида дунёнинг қандай табиий ресурсларини мисол келтирсак бўлади?
8. Туризм ресурсининг таснифи нимани ифодалайди?

8. ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТЛАРИ

Режа:

8.1. Туристлик хизматлар ҳақида тушунча

8.2. Туристлик маҳсулотлар ҳақида тушунча.

8.3. Жозибадор туристлик маҳсулот яратиш.

8.4. Хизмат кўрсатиш класслари ва пакети

8.1. Туристлик хизматлар ҳақида тушунча

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунидаги айрим моддаларда туристлик хизматлар билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифи берилган. Жумладан, Қонуннинг 3-моддасида туристлик хизматлар тушунчаси ҳақида: «туристлик хизматлар—туристлик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек, туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар», - деб таърифланади. Қонуннинг 11-моддаси: «Туристлик саёҳат ва туристлик хизматлар мажмуи», -деб номланиб, унда қуйидаги фикрлар баён қилинади - «туристлик саёҳат якка тартибда ёки туристлар гуруҳи таркибида амалга оширилади. Туристлик хизматлар мажмуи транспорт хизмати кўрсатишни, яшаш, овқатлантириш, экскурсия хизмати кўрсатиш, маданий, спорт дастурларини ташкил этиш ва бошқа хизматларни ўз ичига олади», - дейилади.

Қонуннинг 10-моддаси: «Туристлик хизматларни сертификатлаштириш», -деб номланиб, унда қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Туристлик хизматлар мажбурий сертификатлаштирилиши лозим. Туристлик хизматларни сертификатлаштириш ва сертификат бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Туристлик фаолият субъектининг туристлик хизматларни мажбурий сертификатлаштиришдан бош тортиши, туристлик хизматларни сертификатлаштиришнинг натижаси салбий бўлиши, шунингдек, сертификатнинг амал қилишини бекор қилиш туристлик фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйишига ёки лицензиядан маҳрум қилишга сабаб бўлади».

Қонуннинг 12-моддаси: «Туристлик хизматлар кўрсатиш шартномаси», -деб номланиб, қуйидаги фикрлар баён этилади: «Туристлик хизматлар шартнома асосида кўрсатилади. Шартномада кўрсатилган хизматларнинг кўлами ва сифати, тарафларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини, ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоблар тартибини, шартноманинг амал қилиш муддатини ва уни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликни, шунингдек, тарафларнинг келишувига кўра бошқа шартларни белгилайди». Қонуннинг 13-моддаси: «Туристлик йўлланма (ваучер)», -деб номланиб, унда: «Туристлик йўлланма (ваучер) - туристнинг ёки туристлар гуруҳининг тур таркибига кирувчи туристлик хизматларга бўлган ҳуқуқини белгиловчи ва бундай хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат», - дейилади.

Турист туристлик маҳсулотлар (туристлик хизматлар, ишлар ва товарлар) истеъмолчисидир.

Туристлик маҳсулотлар-туристлик асосий хизматлардан (бронлаштириш, трансферт, жойлаштириш, овқатлантириш, экскурсиялар), қўшимча хизматлар туристлик-ишлардан (фото хизмати, суғурта, ахборот, молия, банк хизмати) ва туристлик товарлардан (эсдалик совғалар, хилма-хил тур товарлари, истеъмол товарлари- парфюмерия, тамаки, спиртли ичимликлар, майший техника, кийим-кечак) иборатдир.

Туристлик хизматлар - турист ва экскурсант эҳтиёжларини қондириш ва таъминлашга қаратилган, хизмат соҳасидаги бир мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар тўплами бўлиб, улар туризм мақсадларига, характериға ва туристлик хизматнинг қандай йўналтирилганлигига жавоб бериши ҳамда умуминсоний тамойилларга қарши бўлмаслиги керак. Давлат стандарти таърифига кўра, туристлик хизматлар – туристларнинг эҳтиёжларини қондириш фаолияти билан шуғулланувчи туризм ташкилотларининг фаолияти маҳсулидир.

Умуман хизматлар - бу кўзга кўринмас товарнинг ўзига хос туридир. Хизмат бевосита истеъмол жараёнида юзага келади ва алоҳида ҳолда бўлмайди, бу хизматнинг моддий товарга нисбатан асосий фарқидир. Бундан ташқари, товар истеъмолчига олиб келиб берилади, туристлик хизматда эса истеъмолчи бевосита хизматнинг амалга ошириладиган жойига олиб борилади. Шунинг учун ҳам туристлик хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш моддий товарларни сотишга алоқадор бўлган қонунлар асосида эмас, балки бошқа қонунлар мажмуи билан бошқарилади.

Туристлик хизматлар икки турга бўлинади:

Асосий ва қўшимча туристлик хизматларнинг бир-биридан фарқли томонлари қуйидагилардан иборат:

1. Асосий хизматлар (ташиш, жойлаштириш, овқатлантириш) турпакетга киритиладиган хизматлардир. Қўшимча туристлик хизматлар эса турпакетга киритилмайди; Асосий туристлик хизматлар олдиндан сотиб олинган (саёҳатни бошлашдан олдин) яъни тўлов олдиндан амалга оширилган бўлади.
2. Қўшимча туристлик хизматлар қўшимча туристлик хизматларда тўлов - хизматидан фойдаланиш билан биргаликда амалга оширилади.

Аммо индивидуал турист ҳеч қандай дастур (турпакет) сиз саёҳат қилганда, унинг асосий ва қўшимча туристлик хизматлар тўлови бир хил кўринишда амалга оширилади.

Юқоридаги келтириб ўтилган фарқлардан келиб чиққан ҳолда, қўшимча туристлик хизматлар деганда – турпакетда назарда тутилмаган, турист ўзининг қўшимча тўлови асосида фойдаланадиган хизматлар тушунилади.

Бутунжаҳон туристлик ташкилоти қўшимча туристлик хизматларнинг 400 хил турини келтириб ўтган. Қўшимча туристлик хизматларнинг аҳамияти шундаки, унда турист юзага келган эҳтиёжларини тулақонли қондиради, маълум бир вазифаларни бажаришда ўзини уринтирмайди (масалан: меҳмонхонада яшаётганида кийимини тозалаш ёки дазмоллаш учун меҳмонхона ходимларига мурожаат қилади). Турист қўшимча туристлик

хизматлар туфайли фақат дам олиш билан овора бўлади. Оқибатда ўз саёҳатидан кўнгли тўлади.

Кўшимча туристлик хизматлардан турист 2 хил вазиятда фойдаланади:

Тур пакетнинг танаффус қисмида ёки турист бўш қолган вақтда фойдаланадиган хизматлар (масалан: Регистон майдонида намойиш этиладиган овозли ва нурли панорама томошаси).

Асосий хизматлар кўрсатилиши давомида ёки турист эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда фойдаланадиган хизматлар (масалан: гид хизмати).

Туристга биринчи вазиятдаги кўшимча туристлик хизматларни кўрсатиш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- туристлар қизиқишларини инобатга олиб иложи борица туристларга фақат яхши кайфият бағишлайдиган кўшимча хизматлар тақдим этиш ўринли ҳисобланади. Шу ўринда бу хизматлар туристга ижобий таъсирот қолдира олиши керак. Масалан: туристни миллий концерт, фестивалларга таклиф этиш. Бунинг учун Республикада туристларга хизмат қиладиган миллий ансамбль гуруҳларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.
- турист учун янгилик бўлган ва бундай вазиятга олдин дуч келмаган кўшимча туристлик хизматларни кўрсатиш. Масалан: Самарқандда бир - бирига масофа жихатидан яқин жойлашган ёдгорликлар (Гўри Амир мақбараси, Регистон майдони, Бибихоним масжиди, Шохизинда ансамбли ва бошқалар) га саёҳат қилишда туристларни туя, от-араваларда олиб бориш чуқур таъсирот қолдирувчи хизматлардир. Бунинг учун шу ёдгорликлар жойлашган ҳудудда пиёда туристлик йўлаклар ташкил этиб, туристлик-томоша ҳудудига айлантириш керак.
- туристларни миллий урф - одатлар ва анъаналар билан таништириш орқали миллий ҳунармандчилик ва касаначилик жараёнларида бевосита қатнашишини ташкил этиш. Ёки ўзбек миллий таомларининг пишириш жараёнини томоша қилиш каби хизматлар кўрсатиш. Бунинг учун мамлакатимизда ҳунармандчилик, касаначилик ва миллий ошхоналарни туризмга жалб этиш ва бу соҳаларни ривожлантириш.

Туристга иккинчи вазиятдаги кўшимча туристлик хизматларни кўрсатиш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- меҳмонхоналардаги кўшимча туристлик хизматларни ривожлантириш. Бу хизматларга: номерга таом ёки меҳмон буюртмаларини етказиб бериш хизмати, кийим тозалаш ва дазмоллаш хизмати, сейф хизмати, телефон, интернет, почта хизматлари, тренажор зали хизмати, бассейн (очик ёки ёпик), массаж, сауна, сартарош хизмати, техникани таъмирлаш хизмати, валюта айрибошлаш хизмати, аренда хизмати ва бошқалар.
- овқатланиш корхоналарида кўшимча туристлик хизматлар махсус турист буюртмаси ва танловига асосан кўрсатиладиган хизматлардир.

Кўшимча туристлик хизматлардан турист кетма-кет равишда ҳам фойдаланиши мумкин. Яъни турист бўш вақтида шаҳардан ташқарига тоғли манзараларни кўриш учун борганда у валюта алмаштириш хизмати, автомобиль аренда хизмати, кўшимча овқатланиш хизмати (шаҳардан ташқарида) дан кетма - кет фойдаланади.

Хулоса қилиб айтганда, қўшимча туристлик хизматлар нафақат ташкил қилиниши, балки сифатли ва фойдали равишда кўрсатилиши керак.

8.2. Туристлик маҳсулотлар ҳақида тушунча


Туристлик маҳсулот туризм мақсадлари ва жараёнида туристнинг эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлган, энг камида иккита ёки ундан кўпроқ бирламчи ёки кўплаб туристлик хизматлар, ишлар, товарлар ва таъминот воситалари, бошқа туристлик захиралардан ташкил топган туристлик хизматлар, ишлар ва товарлар (турпакет, туристлик хизматлар пакети) нинг тартибга туширилган ҳамда мақсадга йўналтирилган мажмуидан иборат.

Туристлик маҳсулот (турпакет) хизматлар ҳаракатининг 24 соатдан ортиқ вақтига эга ва ёки тунаб қолиш (жойлаштириш) ва жойдан -жойга кўчиб ўтиш (юк ташиш) ни ўз ичига олади. Туристлик маҳсулот барча кўрсатилган хизматлар ва барча ҳаражатларни ўз ичига олган умумий нарх бўйича таклиф этилади, унинг истеъмол хусусиятлари эса шартнома шартларига мос келади.

Агар туристлик хизматлар кўрсатиш жараёнини синчиклаб кузатадиган бўлсак, унда туризм ташкилотчилари айнан хизмат кўрсатиш билан эмас, балки улар туристларнинг эҳтиёжларига қараб туристлик хизматларни жамлайдилар ва уларнинг комбинацияларини тузадилар, банд қиладилар, бунинг эвазига улар фоиз кўринишида мукофот оладилар. Шундай қилиб, туризм ташкилотчилари туристлар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида воситачи вазифасини ўтайдилар. Туризм ташкилотчилари нима билан савдо қиладилар ва туристлик йўлланма ёки ваучерни ҳарид қилган турист бевосита нимага эга бўлади деган савол туғилади. Агар ушбу жараённи диққат билан ўрганилса, унда турист ушбу йўлланма ёки ҳужжатнинг бошқа тури эвазига келажакда туристлик хизматдан (ўрнатилган муддатда) фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу ҳолда туристлик маҳсулотнинг янги таърифи пайдо бўлади. Туристлик маҳсулот - турга бўлган ҳуқуқдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига асосан: «**Тур** - муайян йўналиш бўйича туристлик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристлик саёҳат».

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, турмаҳсулотнинг асосий элементлари бўйича туристлик ҳаражатлар таркиби қуйидаги ҳолатда бўлади:



Расм 8.1. Турмаҳсулотнинг асосий элементлари бўйича туристлик харажатлар таркиби

Туристлик харажатлар таркибида кўрсатилганидек турист саёҳат учун қиладиган умумий харажатларининг ўртача 50% -тур (турпакет) харажатлари, 30% - қўшимча туристлик хизматлар, 20% - товар (сотиб олиш: сувенир ва бошқалар) харажатларини ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики асосий хизматлар турист харажатларининг асосини ташкил этсада, қўшимча хизматлар учун турист қолган бор пуlining аксарият қисмини сарфлай олар экан.

8.3. Жозибадор туристлик маҳсулот яратиш.

Туроператор фаолиятнинг асосий вазифаси тегишли хизмат кўрсатиш дастури билан мустаҳкамланган тур яратиш ҳисобланади. Айнан шу маҳсулот туроператор томонидан яратилган бўлиб, бозорга чиқариладиган асосий туристлик маҳсулотдир. Сотишни ташкил этиш усули ва турист талабномасининг турига қараб турлар **индивидуал** ва **гурухли** бўлиши мумкин.

Индивидуал турлар. Туристларга кўпроқ эркинлик ва мустақил ҳаракатланиш имконини беради. Аммо бундай турлар гурухли турларга нисбатан қимматроқ, чунки индивидуал турлар таркибига кирувчи ички маршрутдаги транспорт, гид хизматлари ва баъзи бошқа хизматлар учун тўлов тўлиғича турист зиммасига тушади. Гурухли турларда эса тўлов гурухдаги аъзолари ўртасида тақсимланади. Айнан шунинг учун индивидуал турлар кўпчилик туристлар орасида унчалик талабгор эмас. Ундан ташқари индивидуал турларни ташкил этиш сермехнат жараён бўлиб, у брон қилиш учун компьютер техникасидан фойдаланиш, алоқа воситаларини тартибга солиш, ҳисоб ва бошқа операцияларни амалга оширишни талаб қилади. Бошқа томондан туристлик фирмалар гурухли туризмдан кўра индивидуал туризмдан кўпроқ фойда оладилар. Бу албатта иқтисод нуқтаи назаридан, шу сабабдан турфирма стратегиясида ҳам индивидуал ҳам гурухли туризм учун маълум ўринлар топилиши лозим.

Гуруҳли туризм. Нисбатан арзон, кўп сонли туристлар учун ҳамёнбоп, аммо гуруҳли туризмда гуруҳнинг барча аъзолари ўрнатилган тартибга бўйсунишлари лозим.

Жозибатор туристлик маҳсулот яратиш туроператорларнинг энг муҳим ва энг биринчи вазифасидир. Туристлик ташкилотлар фаолиятининг ушбу соҳаси ишлаб чиқариш жараёнлари билан бевосита боғлиқ. Ташкилотнинг товар сиёсати ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасидаги келишилган, шунингдек турлар ассортименти, хизмат кўрсатиш дастури ва турмаҳсулот бирлиги билан боғлиқ қарорлар қабул қилишини талаб этади. «Туристлик маҳсулот яратишда турист нима сотиб олади?» деган саволга аниқ жавоб бериш лозим. Ахир турист меҳмонхонадаги жойлаштириш учун эмас, янги ҳиссиётлар ва нотаниш нарсалар билан танишиш учун, ресторандаги бифштекс ёки гўштли қийма учун эмас, балки эътибор, қўлайлик, хизматлар учун пул тўлайди. Шунинг учун турмаҳсулот яратиш туристнинг истеъмолчилик хусусияти ва сифатларини ўрганишдан, туристлар учун энг жозибали томонларни очишдан бошланади. Айнан шу кўрсаткичлар туристлик маҳсулотни ишлаб чиқиш ва сотишдаги энг муҳим йўналтирувчилари ҳисобланади.

Мутахассислар томонидан туристлик маҳсулотнинг бир нечта истеъмолчилик хусусиятлари ажратиб кўрсатилади:

- асосланганлик, барча хизматларни такдим этиш турист эҳтиёжларига асосланган, саёҳат мақсади ва тегишли шароитлар билан мослашган бўлиши лозим;
- ишонччилик, ахборот, маълумот ишонччилиги, маҳсулот реал таркибининг рекламага мувофиқ келиши;
- самарадорлик, турист томонидан кам ҳаражатлар эвазига кўпроқ самарага эришилиши;
- яхлитлик, маҳсулотнинг якунланганлиги, унинг турист талабини тўла қондира олиш хусусияти;
- аниқлик, маҳсулот истеъмоли, унинг йўналтирилганлиги ҳам турист учун, ҳам хизмат кўрсатувчи ходим учун тушунарли бўлиши лозим.
- қўллашдаги оддийлик;
- эгилувчанлик маҳсулот ва хизмат кўрсатиш тизимининг истеъмолчиларнинг турли типларига мос келиши ва хизмат кўрсатувчи ходимнинг ўзгаришига нисбатан бефарқлиги;
- нафзлилик, маҳсулотнинг бир ёки бир нечта мақсадга эришиш учун хизмат қилиши (масалан дам олиш ва ўрганиш) туристнинг у ёки бу эҳтиёжларини қондира билиш қобилияти.

Ушбу хусусиятлар сотилиши устидан назорат биринчи навбатда туристнинг саёҳатдан қониқиш даражасини ўрганиш (сўров, анкета) ҳисобланади. Аммо туристлик хизмат устидан назоратнинг ўзи турмаҳсулотни режалаштириш босқичида бошланади. Юқоридаги таъкидланган хусусиятлар билан бир қаторда турмаҳсулотнинг меҳмондўстлик каби бетакрор хусусияти ҳам тан олинган. Ушбу хусусиятсиз ҳар қандай энг мукамал турмаҳсулот ҳам ўз қиёфасини йўқотади ва турист ўзининг у ёки бу эҳтиёжининг қониқтирили-

шининг кўтилаётган даражасига эриша олмайди. Туристлик индустрияда меҳмондўстлик – бу касбий талаб, бу туристларга уларга хизмат қилишдан хурсанд эканлигини билдиришдир. Меҳмондўстликнинг ажралмас қисмлари бўлиб эътибор, ҳурмат, ходимларнинг илтифотлилиги ҳисобланади. Меҳмондўстлик серқирра тушунча бўлиб, у бир неча ташкил этувчи омиллардан иборат:

- Дам олиш имкониятлари, билим олиш ва вақтичоғлик ҳақидаги маҳаллий ва ҳудудий бозорларнинг сифатли ахбороти.
- Потенциал истеъмолчиларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва туристлик ҳудуд тўғрисида ижобий тасаввур яратиш (реклама, телекўрсатувларда қатнашиш ва ҳ.к.)
- Хизмат кўрсатувчи ходимнинг туристларга илтифот кўрсатишга интилиши (ҳаммаси мижоз учун шиори бўйича хизмат кўрсатиш).
- Туристлик маҳсулотни тақдим этувчиларнинг туристлар ҳажми ва илтимосларига эътиборли муносабати. (биз сиз учун нима қила оламиз? тамойили бўйича).
- Хизматларни олишда туристнинг мослашувини енгиллаштириш (турфирма ички ахбороти, туристга тушунарли бўлган тилда тайёрланган буклетлар, саёҳатномалар).
- Туристларга марҳаматли муносабатда бўлиш ушбу хусусият хизмат кўрсатиш тамойилларидан бирига айланиш лозим.

Юқорида таъкидланган тамойилларнинг барчаси хизмат кўрсатиш технолгиясига киритилиши лозим. Турни ташкиллаштириш технологиясида туристлар ва хизмат кўрсатувчи ходимнинг ўзаро таъсир муҳити ҳам туристлар томонидан хизматлар қабул қилинишининг психологик жиҳатлари ҳам бирдек муҳимдир. Бу шуни англатадики, туристнинг шахсий қизиқишлари, унга бўлган самимий муносабат доимо биринчи ўринга қўйилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан халқаро туризмда қўйидаги эътибор аломатларини туристларга кўрсатиш аллақачон амалиётга айланган:

- ҳар бир турист учун қутловчи сувенирлар меҳмонхона хизматидан фарқли ўлароқ (меҳмонхонада хатто ёстиқ устидаги шokolод ҳам сувенир) турларда сувенирлар саёҳат мақсадидан келиб чиқиб берилади. Масалан: касбий саёҳат, яъни иш юзасидан саёҳатларда проспектлар ёки туристларни қизиқтирувчи маҳсулот намуналари, фольклор турларда эса миллий ҳарактердаги сувенирлар бўлиши мумкин.
- тур якунида туристларга босиб ўтилган маршрутлар ҳамда махсус тайёрланган дипломлар, ёрлиқлар, нишонлар тақдим этиш.
- реклама варақлари, буклетлар, йўл кўрсатувчилар ва дам олиш масканлари ҳақидаги маълумотлар туристлар учун доимий равишда тарқатилиши лозим.
- саёҳатнинг илк кунларида асосий ва қўшимча хизматлар бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш учун туристлар билан гиднинг учрашувини ташкил этиш.

Буларнинг барчаси жуда самимий тус олади ва туристлар учун жозиба кашф этади. Хизмат кўрсатишни ташкил қилишда озодлик тамойилини инобатга олиш жуда муҳимдир, яъни саёҳат чоғида барча кўнгилсиз

нарсалардан озод бўлиши лозим. Масалан, туристларни транспортга билетлар буюртмасидан, концерт ва театрларга билетлар буюртмасидан, ҳар қандай турдаги хизматларни кутишидан бутунлай холос қилиш лозим.

Хизмат кўрсатишнинг оптималлиги меҳмондўстликка алоқадор бўлган истеъмолчи хусусиятларидан бири. Хизмат кўрсатишнинг оптималлашуви қўйидагиларни назарда тутати:

- барча хизмат турларининг ягона классга мос келиши;
- барча хизматларнинг тур мазмунига мос келиши;
- тур истеъмолчиларининг маълум мақсадли гуруҳига йўналтирилганлиги;
- хизмат кўрсатиш дастурини олдиндан келишиш;
- дастурларнинг ўзгарувчанлиги у ёки бу хизматларни алмаштириш имкони мавжудлиги;
- тақдим этиладиган хизматлар сони бўйича хизматларнинг мақсадга мувофиқ таркиби;
- хизмат кўрсатишда мажбурийлик аломатларининг йўқлиги;

Ушбу тамойилларнинг барчасини туристлик маҳсулотни ишлаб чиқариш босқичидаёқ инобатга олиш муҳимдир. Бунда нотўғри тайёрланган маҳсулотга нафақат талаб мавжуд бўлмаслиги, балки бундай маҳсулот ташкилотдан бўлажак потенциал мижозларнинг ихлосини ҳам қайтариши мумкинлигини унутмаслик лозим. Бугунги кунда туристлик бозорда ҳуқуқ сураётган рақобат шароитида юқоридагилар кучли омиллар бўлиб ҳисобланади.

8.4. Хизмат кўрсатиш класслари

Хизмат кўрсатиш класслари тақдим этилаётган хизматлар сифатини белгилаш учун ишлатилади. Туристлик маҳсулот турли туман хизматлар йиғиндисидан иборат бўлганлиги учун уларни туристга сотишда даражасини белгилаш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқади. Турлар ва хизматларнинг даражасини белгилаш бўйича бизнинг мамлакатимиз бозорларида ҳам халқаро бозорда ҳам норматив стандартлар мавжуд эмас. Шунинг учун туроператор ва турагентлар турни силжитиш ва сотишда шартли равишда тур бўйича хизматларни люкс, биринчи класс, туристлик класс, эконо (иқтисод) класс қилиб белгиланади.

«Люкс класс». Ушбу класс бўйича турларни ташкил қилишда одатда энг юқори даражали хизматлар жалб қилинади: 5 юлдузли хашаматли меҳмонхоналар, биринчи класс ва бизнес авиация самалётларида учиш, хашаматли ресторанларда овқатланиш, алоҳида транспорт люкс класс машиналарида, алоҳида гид хизматлари ва ҳ.к. Бундай турлар VIP-хизмат кўрсатиш туркуми (разряди) бўйича тақдим этилади.

Биринчи класс – бу ҳам нисбатан юқори даражали хизмат кўрсатиш бўлиб, 4-5 юлдузли меҳмонхоналарга жойлаштириш, бизнес класс даражадаги самалётларда учишни, обрўйли ресторанларда овқатланишни, индивидуал трансфертни, гид хизматларини назарда тутати.

Туристлик класс 2-3 юлдузли меҳмонхоналарда жойлаштиришни доимо авиарейсларнинг иқтисод классларида учирни, швед столи бўйича овқатланишни, гуруҳли трансфертни назарда тутувчи энг оммалашган хизмат кўрсатиш туридир.

Иқтисод класс. Энг арзон хизмат кўрсатиш туридир. Одатда иқтисод классидан талабалар ва кам таъминланганлар фойдаланади. Ушбу класс дастурлари юқори даражада бўлмаган хизматларни кам миқдорда тақдим этишни кўзда тутди: 1-2 юлдузли меҳмонхонада жойлаштириш, ётоқхона ва хостелларда жойлаштириш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тамойили бўйича фаолият юритувчи кичик ва кооператив меҳмонхоналарда жойлаштириш, чартер авиарейсларида учир, кутиб олиш ва кузатиш жамоат транспортида амалга оширилиши мумкин. Бир сўз билан айтганда ҳаммаси тежамли ва арзон.

Аммо шуни унутмаслик лозимки, ушбу белгилашларнинг барчаси шартлидир ва кўпинча улар миллий вариантлар ва фарқларга эга. Нима бўлганда ҳам турни сотиб олишда ҳар бир хизмат даражасини ва унинг таркибини аниқлаштириш лозим.

Хизматлар пакети (тўплами).

Комплекс хизмат кўрсатиш ўз ичига туристлик хизматлар тўплами турпакетни олади. Туризмда хизматлар турли тумандир: жойлаштириш, овқатлантириш, танишиш, экскурсион, дам олиш-кўнгилочар ва маиший хизматлар, спорт ва курорт дастурлари, туристлик сафарлар ва ҳ.к.

Туристлик амалиётда асосий ва қўшимча хизматлар тушунчалари амал қилади. Улар ўртасида қандай фарқ бор? Истеъмолчилик хусусиятлари нуқтаи назаридан улар ўртасида ҳеч қандай фарқ мавжуд эмас. Экскурсиялар агар улар турнинг нархига ва комплекс хизмат кўрсатишига киритилган бўлса улар асосий хизматлар ҳисобланади, аммо агар турист ўз хоҳишига биноан тўланган турга қўшимча равишда яна бирор экскурсияни ҳарид қилса, бу қўшимча хизматга айланади. Шундай қилиб, асосий ва қўшимча хизматлар ўртасидаги фарқ уларнинг турист томонидан дастлабки сотиб олинган турга алоқадорлигига боғлиқ.

Амалиётда асосий туристлик маҳсулот бу хизмат кўрсатиш комплекси, яъни туристларга ягона пакетда сотилувчи хизматларнинг стандарт тўплами. Хизматлар пакети (тўплами)-туроператор томонидан яратилган бўлиб, маълум хизматлар тўпламидан: ташиш, жойлаштириш, овқатланиш, экскурсиялар ва ҳ.к. иборат туристлик маҳсулотдир. Турдаги хизматлар пакети турист томонидан танланган туристлик дам олиш тури бўйича уларнинг эҳтиёжлари ва саёҳат мақсадидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Тур ва унинг пакетини шакллантиришда туристлар билан ишлашнинг икки варианты мавжуд:

- а) буюртмали турлар сотилиши;
- б) инклюзив турлар сотилиши.

Буюртмали тур. Буюртмали турларни сотишда дастурни шакллантириш ва хизматлар таркибини яхлитлаш турист хоҳишига биноан, унинг бевосита

иштирокида амалга оширилади. Туристга таклиф этилаётган дам олиш масканида турли хил тур хизматларнинг ҳар бири бўйича турли хизмат кўрсатиш вариантлари таклиф этилади:

- жойлаштириш-жойлашган жойи ва тури, даражаси бўйича турли хил меҳмонхоналар.
- овқатланиш-турли вариантлар (тўлиқ ёки тўлиқ ярим пансион, ёки умуман овқатланишсиз) швед столи ёки «аля корт» ва ҳ.к.
- экскурсиялар, харид-кўнгилочар хизматлар.
- транспорт хизматлари – авиаучиш вариантлари, темирйўл ташувлар, автомобил арендаси ва ҳ.к. вариантлари.
- спорт ва даволаниш курорт хизматлари.
- виза хизматлари, шунингдек суғурта хизматлари.

Юқорида айтилганидек, бундай турларни тузишда туристнинг ўзи бевосита иштирок этади.

Турист томонидан таланган хизматлар тур дастурига шакллантирилади. Нарх ҳисобланади, уни турист турпакетга эга бўлгач тўлайди. Одатда бундай буюртмалар агентликларда шакллантирилади ва сўнг жорий учун туроператорга йўналтирилади. Буюртмаларнинг тез ва сифатли таъминлаш учун бугунги кунда халқаро туризмда турагентликлар ва операторлик компаниялари томонидан замонавий компьютер технологияларидан фойдаланмоқда. Халқаро туризмда пакетни яхлитлаш муаммолари, нархни ҳисоблаш ва турни сотишни оператив ҳал қилиш учун компьютер ва телефакс алоқасидан кенг фойдаланилади.

Инклюзив тур (ИТ) Бу олдиндан режалаштирилган ва дам олишнинг ёки туризмнинг маълум тури, ҳамда туристларнинг маълум ижтимоий гуруҳига ва унинг ёнига йўналтирилган қатъий хизматлар тўпламидир. Энг кўп тарқалган инклюзив турлар деб маршрутли турларни айтиш мумкин. Яъни бунда туристлар гуруҳи автобусда бир нечта шаҳарлар ва мамлакатлар бўйлаб саёҳат қилади. Ушбу турнинг ўзига хос хусусиятлари (саёҳат графиги ва муддатлари билан қатъий боғланган, барча учун ягона дастур) унинг буюртмали бўлишига йўл қўймайди. Круиз турлар, ҳобби турлар ҳам инклюзив турлардир. Инклюзив турларни сотишда хизматлар таркиби ўзгармайди.

Турист бундай турни тўлиғича сотиб олиши ёки ундан бутунлай воз кечиши мумкин. Инклюзив турлар барқарор талабга эга таниқли туризм ва дам олиш масканларидаги маршрутларда ташкиллаштирилади ва таклиф этилади. Инклюзив турлар нархининг катта қисмини жойлаштириш овқатланиш тўловлари ташкил этади. Халқаро (авиа) ҳаво транспортлари ассоциацияси талабига биноан, инклюзив турлар ўз ичига 3 тадан кам бўлмаган хизматлар: авиаучиш, жойлаштириш бутун маршрут бўйлаб саёҳат ва юқоридаги 2 таси билан боғлиқ бўлмаган бирор хизмат (экскурсия, автомобил ижараси ва ҳ.к.).

Бундай турларга бўлган талабнинг тебранишига қарамасдан, уларни ривожлантиришнинг маълум афзалликлари мавжуд:

- умуман олганда комплекс саёҳат алоҳида сотиб олинadиган хизматлар тўпламидан арзондир;

- нархлари олдиндан маълум бўлганлиги учун турагентларнинг туристларга қандай маршрутни танлаш борасида маслаҳат беришлари осон кечади. Бунда дастурлар ҳам олдиндан белгиланган бўлади;
- ўз маҳсулотининг жозибадорлигини кўрсатиш учун кўпроқ имконият бўлади.

Инклюзив турларнинг камчиликлари:

- бундай турда миқдори қизиқтирмаган хизматларнинг мавжуд бўлиш эҳтимоли бор;
- дастурнинг ҳаддан ташқари тўйинганлиги;
- бундай тур рекламаси истеъмолчиларнинг фақатгина бир қисминигина жалб қилиши мумкин.

Буюртмали турларда туроператор доимий равишда меҳмонхоналардаги тасдиқланмаган ўринларга квоталарни ушлаб туриш лозим. Сотишда турли талабномалар бўлиши мумкин. Туроператор турли меҳмонхоналарда жойлаштирилган туристлар билан ишлашига тўғри келади. Туристларни бир меҳмонхонада жойлаштириб хизмат кўрсатиш анча осон кечади.

Юқорида айтиб ўтилганидек туристнинг шахсий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда барча туристлик саёҳатлар индивидуал ёки гуруҳли тарзда амалга оширилади,

Туртўплам (турпакет) – истеъмолчиларга гуруҳли ёки индивидуал вариантлар бўйича тақдим этиладиган хизматлар тўпламига киради.

Турпакетни ташкиллаштиришга таъсир этувчи омиллар:

- берилган саёҳатга талаб мавжудлиги;
- хизматлар, инфратузилма, моддий базанинг мавжудлиги;
- авиокомпаниялар ва бошқа транспорт компаниялари билан муносабати;
- жўнатувчи ва қабул қилувчи мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар;
- ҳамкор туристлик ташкилотлар билан муносабат;
- белгиланган мамлакатда туризмнинг ривожланиш даражаси;
- белгиланган мамлакатнинг сиёсий барқарорлиги.

Шуни таъкидлаш лозимки, сиёсий барқарорлик омили туроператор томонидан ўзининг стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим ҳисобланади. Бизга Грециядаги курд воқеалари, Мисрдаги террористик портлашлар билан боғлиқ талабнинг кескин пасайиш ҳоллари маълум. Ушбу йўналишларга ихтисослашган туроператорлар катта йўқотишларни бошдан кечирдилар. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ушбу ҳудудларда вазият барқарор бўлиши билан туристлар оқими яна қайтади. Берлиндаги халқаро туризм биржасида қайд этилганидек турист хавф-хатарни енгиб ўтишга мойил. У сиёсий барқарорлик рўй берган мамлакатларда вазият яхшиланиши билан ўша ерга яна ошиқади, айниқса, иссиқ иқлимли ҳудудлар ва арзон нархлар бўлса.

Турпакет нархи. Турпакетнинг муваффақиятига таъсир этувчи энг муҳим омил бу – нархдир. Нархлаштиришда бошқаларникига ўхшамаган, алоҳида хусусиятли турпакетга эга бўлган туроператорлар кўпроқ эркинликка эгадир. Улар нархни асосан хизматларни сотиб олиш ва бошқа харажатлар, шунингдек даромаднинг маълум фоизини киритишга асосланиб белгилайдилар. Оммавий

бозор туроператорлари асосан рақиблар нархига асосланиб нарх белгилашади, айниқса турпакетларга талаб пасайганда (ўлик мавсумда). Турпакет нархини аниқлашда туроператорлар бозор етакчилари нархларига амал қилишади. Йирик туроператорлар ҳаражатларни камайтиришади ва шу билан рақибларининг нархлаштиришда омадга эришишларига йўл қўйилмайди. Энг кўп қўлланиладиган нархлаштириш усулларида бири бу ҳаражатларга асосланган нархлардир, яъни маҳсулот таннари ҳисобланади ва даромаднинг маълум фоизи қўшилади. Турпакет нархига кирувчи даромад фоизи қўшимча ҳаражатларни қоплаш, фондларга ажратмалар, маош ва соф даромадни ҳисоблаш орқали аниқланади ва 15 % дан 30% гача бўлади. Туризмда нархларни ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятларини унутмаслик лозим. Масалан, агар мавсумий дастурда узоқ-вақтли чартер рейсларининг (сериясининг) кетма-кетилиги, жойлаштиришнинг «бакк то бакк» тамойили қўлланилаётган бўлса, ҳаражатлар мавсум боши ва охиридаги битта бўш рейс+маълум самалётдаги № жўнатишлар сони ва № та ўринлар сонини ҳисоблаш орқали аниқланди. Бу мавсумий чартер дастурига киритиладиган тўла ҳаражатлар. Улар киришлар сонига бўлинади ва бу турпакет нархига киритувчи битта учининг нархидир. Аммо туроператорлар нархларни ҳисоблашнинг ҳаражатлар усулини қўллашда маркетинг маълумотларини қўллаш билан бирга ўрта бозор нархларини ҳам инобатга олишади.

Туризмда нархлар ҳаражатлар ва даромадлар нотекис тақсимланган вақтда бозордаги талабнинг тебранишини ифодалайди. «ўлик мавсум»да нархлар пасаяди ва мавсумда улар қайта тикланади (даромад эвазига). Нархлаштириш стратегияси ривожланиш босқичида турпакетлар учун хосдир. Турпакетлар нархи нафақат туристлик бозорнинг ҳолати, рақобатчиларнинг нархига балки бошқа турлар нархига ҳам боғлиқ бўлади.

Амалий машғулотлар.

1. Ўзбекистон туроператорларининг икки хил туристлик маҳсулотни (турини) олинг ва уларнинг истеъмолчилик хусусиятларини баҳоланг. Уларни таққосланг ва хулоса қилинг.
2. Тадқиқот қиланаётган турлардаги хизматлар оптималлигини баҳолаб хулоса чиқаринг. Қайси ҳолларда оптималроқ дастур таклиф этилади? Бу ишлаб чиқаришнинг қайси омилларига боғлиқ?
3. Тадқиқот қиланаётган турларнинг ҳар бирида меҳмондўстликни таъминлаш дастурини ишлаб чиқинг.
4. Туроператорлар реклама эълонларини таҳлил қилинг ва улар орасидаги инклюзив турларни ажратинг. Бунда ўз қарорингизни тушунтириб беринг.
5. Бирор бир инклюзив турнинг қўшимча хизматларни инобатга олган ҳолда асосий хизматлар тўпламини тузинг.


Таянч иборалар: Туристлик маҳсулот, тур, жозибатор туристлик маҳсулот яратиш, индивидуал турлар, гуруҳли туризм, хизмат кўрсатиш класслари, «Люкс класс», «Иқтисод класс», хизматлар пакети (тўплами), комплекс хизмат

кўрсатиш, буюртмали тур, инклюзив тур, пакет тур, миллий туристлик маҳсулот.


Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Туристлик хизматларга нималар киради?
2. Туристлик маҳсулот деганда нимани тушунасиш?
3. Жозибадор туристлик маҳсулот яратиш қандай амалга оширилади?
4. Хизмат кўрсатиш классларининг турларини баён қилинг.
5. Хизматлар пакетига нималар киритилади?
6. Миллий туристлик маҳсулотнинг таркибига нималар киради?
7. Амалий машғулотлар натижаларини асослаб беринг.

Расм 8.2. Миллий туристлик маҳсулот таркиби



Расм 8.3. Туристлик маҳсулотнинг таркиби



9. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТУРИЗМ ТЎҒРИСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Режа:

9.1. Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати

9.2. Давлатнинг туризм сиёсатини амалга ошириш механизми

9.3. Туризм фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари

9.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасига оид фармон ва қарорларининг мазмуни

9.1. Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати

Мамлакатимизда туризм фаолиятига мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ асосий давлат сиёсати даражасида қаралди. Соҳа ривожини учун барча зарур ташкилий - ҳуқуқий механизм вужудга келтирилиб, муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу иш ҳозирда ҳам давом этмоқда. Мамлакатимизда туризмнинг раванги, уни янги поғоналарга кўтариш, юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш учун аввало ҳуқуқий замин яратиш лозим эди. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мазкур йўналишга таълуқли қонун ва кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид қатор Фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Адлия вазирлигининг ва бошқа мутасадди давлат идораларининг йўриқнома, кўрсатма ва тартиблари ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда.


Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсат кўринишларидан бири ҳисобланади.

Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати – бу туризм индустриясини ва туризм бозори субъектларини (туроператорлар ва турагентлар) ривожлантириш, фуқароларга туризм хизмат кўрсатиш шаклларини такомиллаштириш ҳамда шу асосда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича давлат фаолиятidir.

Туризм сиёсати Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида амалга оширилади, авваломбор минтақа алоҳида субъектлар даражасида, ундаги мавжуд бўлган туризм билан минтақа иқтисодиёти ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

Давлатнинг туризм сиёсати халқ хўжалик комплексини ривожлантириш ва конкрет мақсадларга эришиш учун туризм соҳаси фаолиятига давлат таъсирининг шакллари, усуллари ва таъсир қилиш йўналишлари йиғиндисидан иборат.

Туризмни ривожлантиришда бошқариш стратегик тизими самарадорлигини оширишга муаян чораларнинг комплекс ишлатилишини қўллаш орқали эришиш мумкин (Расм 9.1.). Ҳозирги пайтда республикада 20 дан ортиқ маҳаллий ва республика даражасида туризм ривожлантириш дастурлари амалга оширилмоқда ва йирик лойиҳалар қабул қилинмоқда.



Расм 9.1. Туризм соҳасини давлат томонидан бошқаришнинг йўналишлари

9.2. Давлатнинг туризм сиёсатини амалга ошириш механизми

Давлатнинг туризм сиёсатини амалга ошириш механизми қуйидагиларни ўз ичига олади:

- туризм соҳасининг ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш;
- минтақа даражасида ва Республика даражасида туризмни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;
- қўйилган мақсадларга эришиш учун аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;

Туризм сиёсатининг асосий йўналишлари саёҳатчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳаллий туризм маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни ҳамда ички ва қирувчи туризмни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш бўлиб ҳисобланади.

Бундай қўллаб-қувватлаш шакллари туризм инфратузилмасини шакллантириш, йўналтириладиган бевосита инвестициялар, кадрларни тайёрлашга сарфланадиган ҳаражатлар, инвестициялар оқимини рағбатлантирувчи, жаҳон бозорида миллий туризм маҳсулотини силжитувчи, илмий ва реклама-ахборот таъминоти кўринишидан то солиқ ва божхона имтиёзларигача, ички ва қирувчи туризмни ривожлантиришга кетган ҳаражатларга боғлиқ равишда ўзгариб туради.

Давлатнинг туризм сиёсати стратегия ва тактикага асосланади. Стратегия деганда қўйилган мақсадга эришиш учун воситалардан фойдаланиш усули ва умумий йўналишлар тушунилади. У қабул қилинган стратегияни инкор қилмайдиган, қолган барча вариантларни четга суриб, олдинга қўйилган вазифани ечиш йўлидаги хатти-ҳаракатларни бир жойга тўплашга имкон беради.

Туризм стратегияси туризмни ривожлантириш ва қайта ташкиллаштириш соҳасидаги давлат фаолиятини белгилайди. Бу фаолият аввало амалга ошириш учун вақт ва каттагина молиявий ресурсларни талаб этувчи мақсадли дастурлар ва ривожланишнинг умумий концепциясини ишлаб чиқишга қаратилган.

Тактика деганда, маълум мақсадга эришиш усули бўлиб, танланган хатти-ҳаракатлар йўли тушунилади.

Туризм тактикаси – бу аниқ шароитларда қўйилган мақсадга эришиш усуллари ва аниқ чора тадбирлардир (масалан, халқаро туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби, туризмда нархни шакллантириш, солиққа тортиш ва ҳ.к.). Туризм тактикасининг мақсади мазкур хўжалик вазиятида янада мақбул ечимни танлашдан иборатдир.

Концепциянинг бош мақсади – бир томондан Ўзбекистон ва чет эл фуқароларини туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондириш учун кенг имкониятларни таъминловчи замонавий, юқори самарали ва рақобатбардош туризм комплексини яратиш бўлса, бошқа томондан мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда каттагина ҳисса қўшади, жумладан ишчи ўринлари сонини кўпайиши ҳисобидан, республика бюджетига солиқ тушумларини тушириш билан, маданий ва табиий меросимизни сақлаб қолиш ҳамда оқилона фойдаланиш билан амалга оширилади.

Бу мақсадларга эришиш учун қўйидагилар назарда тутилган:

- туризм соҳасини Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий қайта қуришдаги асосий йўналишлар рўйхатига киритиш;
- «Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш» республика мақсадли дастурини бажариш;
- халқаро ҳуқуқий амалиётга мос келувчи туризмни ривожлантиришни меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш;
- ташқи ва ички туризмни ривожлантиришни рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни шакллантириш, бу соҳага инвестицияларни жалб қилиш ва

давлат кафолатларини солиқ ва божхона имтиёзларини ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни бошқа усулларини тақдим этиш йўли билан ички туризм бозорини ҳимоя қилиш;

- туризм фаолиятини лицензиялаш (рухсатнома бериш) ва сертификатлашни қатъий тизимини юритиш;
- тармоқни моддий техника базасини ривожлантириш ва туризм хизматининг юқори технологияли комплексларини шакллантириш мақсадида туризм, банк тузилмалари, транспорт, меҳмонхона ва суғурта компаниялари кооперацияси учун қулай шароитларни яратиш.

9.3.Туризм фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари

Туризм фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- фуқароларни дам олиш, саёҳатга чиққанда ҳаракатланиш эркинлиги ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш;
- табиий ўраб турувчи атроф-муҳитни қўриқлаш;
- туристларни соғломлаштириш, тарбиялаш ва таълим беришга йўналтирилган фаолиятлар учун шарт-шароитларни яратиш;
- фуқароларни саёҳатга чиққанлардаги эҳтиёжларини таъминловчи туризм индустриясини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, халқаро алоқаларни ривожлантириш, туризмга доир объектларни сақлаб қолиш, табиий ва маданий меросимиздан оқилона фойдаланиш.

Туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг устувор йўналишлари бўлиб, ички, кирувчи, ижтимоий ва ташаббускор туризм турларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳисобланади.

Туризмни давлат томонидан бошқаришнинг асосий функциялари ва усуллари қуйидаги 9.1.жадвалда кўрсатилган:

Жадвал 9.1.

Туризмни давлат томонидан бошқаришнинг функциялари ва усуллари


Функциялари	Усуллари
1. Туристлик фаолиятни умумий ташкиллаштириш ва ҳуқуқий меъёрлари	- ягона тушунча ва таърифларини аниқлаш - ҳамкорлик ва олди-сотди шартномаларини тузиш жараёнлари - виза олиш - маҳсулотларни чегарадан ўтказиш билан боғлиқ бўлган тартиблар
2. Туризм ривожини режалаштириш	- туризмни ривожлантириш умумий стратегиясини ва концепциясини ишлаб чиқиш - туризм объектларини минтақавий жойлаштиришни бошқариш

	- инфраструктуранинг ривожланишини режалаштириш
3. Алоҳида фаолият турларини бошқариш	- лицензиялаштириш, - стандартлаштириш, - сертификатлаштириш
4. Туризмда хавфсизликни таъминлаш	- лицензиялаштириш, - стандартлаштириш, - сертификатлаштириш, - туристларга махсус қўлланмалар тайёрлаш, - суғурталаш.
5. Туризм соҳасини кадрлар билан таъминлаш	- узлуксиз кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш мақсадида давлат стандартлари ва дастурларини тайёшлаш, - туркорхоналар ходимларини малакасини оширишни ташкил қилишга қўмаклашиш
6. Туризм хизмат бозорининг илмий-тадқиқот жараёнини таъминлаш	- туризм хизмат бозорининг маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, - туризмни тадқиқ қилиш миллий марказларини яратиш, - туристлик корхоналарни маълумотлар билан таъминлаш.
7. Турфирманинг ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш	- чет элларда ваколатхоналар ва бўлинмаларни очиш, - халқаро шартномалар тузиш, - миллий турмахсулотнинг реклама ва брендини яратиш.
8. Тарихий ёдгорликларни ҳамда атроф-муҳитни сақлашни таъминлаш	- табиий ресурсларни тиклаш ва сақлаш бўйича тегишли тартиб-қоидалар, қонунларларни яратиш, - тарихий обидаларни реставрация қилиш, - туристлик рентанинг тақсимланиши,
9. Мамлакат ва минтакалар салмоқли ва юқори нуфузини яратиш	- маркетинг, - реклама, ахборот-таҳлил жараёни (буклет-лар, турмаршрут карталари, мультимедиа ва дисклар), - солиққа тортиш, - инвестициялаш
10. Назорат ва мониторинг	- жорий назорат, - аудит, - халқаро рақобатбардошликнинг монито-ринги, - миллий турмахсулот.

Туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- туризм индустрияси соҳасидаги муносабатларни такомиллаштиришга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш;
- ички ва жаҳон туризм бозорларида туризм маҳсулотини силжитишга ҳамкорлик қилиш;
- туристлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни хавфсизлигини таъминлаш;
- туризм индустриясида стандартлаш, лицензиялаш, туризм маҳсулотини сертификатлаш;
- туризмни ривожлантириш манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасига кириш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ташриф буюриш тартибларини белгилаш;
- туризмни ривожлантириш республика мақсадли дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бевосита бюджет ажратмаларини кўпайтириш;
- туризм индустриясига инвестициялар киритиш учун қулай шароитларни яратиш;
- солиқ ва божхона тизимини тартиблаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туризм фаолияти билан шуғулланувчи ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туризм билан шуғулланиш учун чет эл фуқароларини жалб этувчи туроператор ва турагентларга имтиёзли кредитлар тақдим этиш, солиқ ва божхона имтиёзларини бериш;
- туризм фаолиятида кадрлар тайёрлашга ҳамкорлик қилиш;
- туризм индустрияси соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш;
- халқаро туризм дастурларида Ўзбекистон туристлари, туроператорлари, турагентлари ва уларнинг бирлашмалари иштирокига ҳамкорлик қилиш;
- картографик маҳсулотлар таъминоти;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда қўлланиладиган бошқа усуллар.

Расм 9.2. Ўзбекистонда туризм соҳасини бошқариш бўйича давлат органлари



9.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасига оид фармон ва қарорларининг мазмуни.

Туризм соҳасига оид ишлаб чиқилган илк меъёрий ҳужжат бу - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992-йил 27-июлдаги «Ўзбектуризм» МКни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20-октябрдаги «Ўзбектуризм» МК фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳақида»ги қароридир. Мамлакатимизда жаҳон андозаларига жавоб берадиган туризм тизимини барпо этиш, ушбу соҳа бошқарувини такомиллаштириш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатимизда мавжуд бўлиб келган ва собиқ иттифоққа бўйсунган туристлик ташкилотлар ва муассасаларни республика ихтиёрига ўтказиш ушбу фармон ва қарорнинг бош мақсади қилиб олинди.

Мазкур фармон Ўзбекистонда туризм соҳасини такомиллаштириш, уни янги босқичга кўтариш, «Ўзбектуризм» МК ни тузиш учун дастур бўлиб хизмат қилди.

Кейинги йилларда ишлаб чиқилган муҳим ҳужжатлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995-йил 2-июндаги «Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фармонни амалга ошириш мақсадида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 3-июндаги «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини

киритиш мумкин.

Ўзбекистон тарихи узок, аجدодлари буюк, маданий мероси сермазмун кўхна юртлардан биридир. Айниқса, мамлакатимизни шарқ ва ғарбни боғлаб турувчи «Буюк Ипак йўли» даги белбоғ сифатида яхши биламиз. «Буюк Ипак йўли» қарийиб икки минг йиллик тарихга эга. Унинг бир учи Хитой бўлса, иккинчи учи Италиядир. Бу йўлни «Ипак йўли», «Карвон йўли» деб ҳам аталади. Бундай ном берилишига сабаб, ипак маҳсулотлари карвонлар орқали ташиб ўтилган, Шунингдек, бронза, чинни, жун хом-ашёлари ва улардан тайёрланган буюмлар ҳам олиб ўтилган. «Буюк Ипак йўли»да нафақат савдосотик, шу билан бирга маданият, санъат, илм-фан, маънавият, маърифат, одобу-ахлоқ, тинчлик, туризм, тарғибот-ташвиқот (реклама), талаб ва таклиф (маркетинг) ҳам муттасил шаклланган, юқори даражага етган. «Буюк Ипак йўли»да кўхна Туркистон худуди етакчи уринга, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Хўжанд, Чоржуй каби шаҳарлар эса муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳозирги Ўзбекистон худуди бу йўлнинг қоқ марказида жойлашган. Сохибқирон Амир Темур даврида «Буюк Ипак йўли» кенг ривожланган. Шуларни эътиборга олиб, қабул қилинган ушбу ҳужжатлар ғоят муҳим халқаро туризм йўналиши - «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш, бунга хорижий туристларни жалб этиш, шунингдек, мамлакатимизда замонавий туризм сиёсатини вужудга келтиришга асосий мақсадни қаратди. Бунинг учун эса: «Буюк ипак йўли»даги шаҳарлар - Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризм бўйича махсус очик иқтисодий минтақалар ташкил этиш, мазкур шаҳарларнинг аэропортлари ва темир йўл вокзалларида хорижий туристлар учун божхона расм-русумларининг халқаро меъёрларга мос соддалаштирилган тартиби, транзит туристлар учун махсус божхона зоналари, туристлик ташкилотлар учун солиқ имтиёзлари жорий қилиш, имтиёзли кредит бериш кўзда тутилди.

Фармон ва қарорларнинг муҳим жиҳатларидан бири шу бўлдики, унда Ўзбекистон Республикаси *Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида туризм бўйича Идоралараро Кенгаш тузилиб*, ушбу Кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб берилди:

- а) туризм соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш;
- б) жаҳон андозалари даражасида кичик ва ўрта меҳмонхоналар, мотеллар ва кемпинглар тармоғи шакллантирилишини мувофиқлаштириш;
- с) сайр-тамошалар замонавий индустриясини, маданий ва спорт - соғломлаштириш марказларини барпо этишга кўмаклашиш;
- д) ноёб туризм имкониятлари ва тарихий - маданий меросини кенг кўламда тарғиб қилиниши ва масканлаштиришни ташкил этиш;
- е) туризм тизимида мувофиқлаштирилган илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;
- ф) туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминлаш.

Юртимизда туризм ишини янада ривожлантириш ва уни ташкил этишни такомиллаштириш, туризм хизматлари бозорида кичик ва ўрта туристлик ташкилотларининг катнашишини фаоллаштириш, хорижий сармоядорларни туризм соҳасидаги фаолиятга кенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998-йил 8-августда «Туризм ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда *Хусусий туристлик ташкилотлар уюшмаси* (бундан буён - ХСТУ) ни ташкил этиш ва уни «Ўзбектуризм» МК таркибига аъзо сифатида кириши белгилаб берилди. Шунингдек, «Ўзбектуризм» МК ХСТУга туристлик ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш, маркетинг, малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш ҳамда туризм фаолияти соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этиш билан боғлиқ масалаларда услубий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни маълумот учун қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, МК таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар рўйхатига, бошқарув ходимларининг чекланган сони 55 нафардан иборат бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимларсиз) ижро этувчи аппарат тузилмасига, ХСТУ нинг намунавий ташкилий тузилмасига ва унинг бошқарувини ижро этувчи аппаратининг намунавий тузилмасига иловаларга мувофиқ розилик берилди. ХСТУ бошқаруви раиси лавозимида кўра «Ўзбектуризм» МК раисининг ўринбосари ҳисобланадиган бўлди. ХСТУ фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- «Буюк Ипак йўли» ни тиклашда, республикада туризмнинг замонавий инфратузилмасини ривожлантиришда фаол қатнашиш;
- уюшма аъзолари бўлган хусусий туризм ташкилотларига кўмаклашиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- туризм соҳасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- хусусий туризм ташкилотларини ривожлантиришга хорижий сармоядорларни ва мамлакатимиздаги юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жалб қилиш;
- «Ўзбектуризм» МК да, давлат органларида ва жамоат ташкилотларида уюшма аъзолари бўлган хусусий сайёҳлик ташкилотларининг манфаатларини ифодалаш;
- уюшма аъзоларига ахборот, маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш;
- туризм бизнеси соҳасида ходимларнинг касб тайёргарлигига ва уларни қайта тайёрлашга кўмаклашиш.

Ўзбекистонда туризм соҳасини янги босқичга кутаришда Республика Президентининг 1999-йил 15-апрелдаги «2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» ги Фармони алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу Фармон миллатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш ҳамда халқаро туризм бозорига узвий қўшилиш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва маънавий меросини жаҳон ҳамжамиятига тарғиб қилиш, шунингдек, туристларга хизмат кўрсатиш сифатини халқаро андозалар даражасига кутариш мақсадида қабул қилиниб, 2005 - йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури ва уни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш таркиби тасдиқланди.

Фармонда мулкчилик шаклидан қатъий назар, туристлик ташкилотлар хориждан келтириладиган технология ва меҳмонхона ускуналари, туризм

мақсадларига мўлжалланган транспорт воситалари учун божхона божлари тўлашдан уч йил муддатга озод қилиниши кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, «Ўзбектуризм» МК тизимидаги корхоналарга хорижий туристларга эркин айирбошладиган валюта ҳисобидан туристлик хизмат ва қўшимча хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилиб, бунинг учун махсус кассалар очилишига рухсат берилди. «Умид» жамғармаси ҳар йили студентларни туризм индустрияси мутахассисликлари бўйича етакчи хорижий мамлакатларга таълим олиш учун юборишни кўзда тутиши кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар, Молия ва Маданият ишлари вазирликларининг ва «Ўзбектуризм» МКнинг Ўзбекистон Республикасининг АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция ва Италиядаги элчихоналарида маданият ва туризм масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими бирликларини жорий этишларига ижозат берилди.

Ушбу Давлат дастури олти бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлим: «Туризмнинг меъёрий - ҳуқуқий базасини шакллантириш», -деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида» ги Қонунини тайёрлаш, фуқароларимизнинг хорижга чиқиши ва Ўзбекистонга хорижий фуқароларнинг кириши ҳақидаги таклифларни ўрганган ҳолда, хорижий туристлар учун бож, виза ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш Низомига ўзгартиришлар киритиш; ***Маданий мерос ёдгорликларининг тўлиқ рўйхатини тузиш ва наиш этиш;*** ёдгорликларни ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетган ва уларга зиён етказилган ҳолларда давлат, жамоат ташкилотларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарликлари ҳақидаги тартибни тайёрлаш вазифалари белгилаб берилди. Мазкур бўлимда белгилаб берилгандек «Туризм тўғрисида»ги Қонун 1999-йил 20-августда қабул қилинди, бож ва виза ҳужжатларини расмийлаштириш Низомига ўзгартиришлар киритилди, хуллас барча вазифалар тўлиқ амалга оширилди.

2-бўлим: «Ўзбектуризм» МКнинг 1999-2005 йиллардаги инвестиция сиёсати», -деб номланиб, унда Самарқанд шаҳрида «Президент-отел» меҳмонхонаси қурилиши (маблағнинг 85% хориж инвестицияси, 15% «Ўзбектуризм» МК ҳисобидан), шаҳардаги «Самарқанд» меҳмонхонасини қайта тиклаш (8 млн АҚШ доллари. Хорижий ва маҳаллий сармоя); Хивада янги меҳмонхона қурилиши (бу ҳам 85% га 15%), Урганчда «Хоразм» меҳмонхонасини қайта тиклаш (7,5 млн АҚШ доллари, Ҳиндистон кредити); Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасини қайта тиклаш (31,5 млн АҚШ доллари, хорижий сармоя). Шунингдек, 50-60 ўринли 2-3 юлдузли меҳмонхона қурилиши (20 млн АҚШ доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя); Тошкент вилояти Чорвоқ сув омбори ҳудудида дам олиш зонаси ва голф клуби қурилиши (100 млн АҚШ доллари, хорижий сармоя); Бухородаги «Бухоро» меҳмонхонасини қайта тиклаш (8 млн АҚШ доллари, хорижий сармоя); Андижондаги 60 ўринли янги меҳмонхона қурилиши (12 млн АҚШ доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя), шаҳардаги «Олтин Водий» меҳмонхонасини қайта тиклаш (8 млн АҚШ доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя); Жиззахдаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасини қайта тиклаш (10 млн АҚШ доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя); Термиздаги меҳмонхона қайта тиклаш (6 млн АҚШ

доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя); Шаҳрисабздаги «Шаҳрисабз» меҳмонхонасини қайта тиклаш (6 млн АҚШ доллари, хорижий ва маҳаллий сармоя) каби жуда катта маблағ талаб этиладиган вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, Автобус - автомобил паркини модернизациялаштириш (замонавийлаштириш) учун 12 млн АҚШ доллари, кичик хусусий меҳмонхоналар ва отеллар қурилиши учун 30 млн АҚШ доллари микдорида сармоя талаб қилиниши белгилаб берилди. Ушбу бўлимда белгилаб берилган вазифалардан асосийлари ҳам амалга оширилди. Тошкент шаҳрининг ўзида «Ўзбекистон», «Тошкент», «Россия», «Дўстлик», «Турон» каби меҳмонхоналарни модернизациялаштирилганлигига ёки Самарқанд шаҳридаги «Президент - отел» меҳмонхонасини бунёд этилганлигига бугун гувоҳмиз. Шунингдек, бошқа вилоятлардаги вазифалар ҳам амалга оширилди.

3-бўлим: «Маркетинг тадбирлари», - деб номланиб, унда Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари ҳақида туристларга маълумот бериш ва турмаҳсулотларни таклиф қилиш мақсадида интернет, E-mail халқаро информация тармоқларидан фойдаланишни ривожлантириш; Гид-экскурсоводлар учун республика тарихи, сиёсий ҳаёти, маданий-тарихий мероси, туризм имкониятлари, асосий қонунлари, ижтимоий фан ва маданият соҳасидаги ютуқлари ҳақидаги барча ахборотларни ўзида мужассамлаштирган информацион-услубий маълумотнома (справочник) ишлаб чиқиш; Ҳар йили Тошкент шаҳрида халқаро «Буюк Ипак йўли» туристлик ярмаркасини ўтказиш, шунингдек, йирик халқаро туристлик ярмаркаларда иштирок этиш; Янги ва махсус туристлик турларни ишлаб чиқиш (тарихий, экологик, экзотик ва спорт); «Туризм - ревью» телекўрсатувини доимий равишда ташкил этиш, Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий ёдгорликларига оид кинофильмлар ишлаб чиқариш, реклама проспекетларини ва хусусий «Буюк Ипак йўли» ахборот - реклама ҳафталик газетасини нашр эттириш; Информация олиш ва алмашиш мақсадида халқаро ташкилотлар (БТТ, ЮНЕСКО, ЮНИД, ПРООН) билан ҳамкорликни фаоллаштириш. Ривожланган давлатлар туризм ташкилотлари билан тажриба алмашиш асосий вазифа сифатида қаралди. Бу бўлимда ҳам белгиланган интернет ва сайтлар халқаро информация тармоқларидан фойдаланиш, гидлар учун маълумотномалар ишлаб чиқиш, ҳар йилги турярмаркани ўтказиш, халқаро турташкilotлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш каби ва бошқа вазифалар амалга оширилиб келинмоқда.

4-бўлим: «Туристларга хизмат кўрсатишни халқаро андозалар даражасига кўтариш, туризм инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш», - деб номланиб, унда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туристларни ижарага автомобил воситалари билан таъминлаш; Марказий Осиё республикалари учун мутахассисларни тайёрлаш мақсадида **Тошкент шаҳрида БТТнинг малака ошириш институтини ташкил этиш**; БТТ орқали туризм бўйича халқаро марказларда (Америка, Европа ва Осиё мамлакатлари) «Ўзбектуризм» МК ходимларини, туризм ва гид-таржимонлик бўйича мутахассисларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; Маданий-тарихий иншоотларда халқ ижоди ва ҳунармандлик маҳсулотлари сотиш учун киоскалар ташкил этиш, халқ урф-одатлари, анъаналарини намойиш этувчи

видеороликлар тайёрлаш ва уларнинг савдосини ташкил этиш; Музей коллекциялари ва археологик топилмалар нусхаларидан тайёрланган совғалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш; Туризм объектларида миллий урф-одатлар ва анъаналарни намойиш этиш; Мулкчилик шаклидан қатъий назар туризм ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг раҳбарларини аттестациядан ўтказиш; туристлик хизмат кўрсатиш андозаларига мувофиқликни назорат қилиб бориш масалаларига асосий эътибор қаратилди. Мазкур бўлимда белгилаб берилган вазифалар ҳам амалга оширилмоқда.

5-бўлим: «Жаҳон мероси, маданияти ва тарихига кирувчи қўриқхоналар, ёдгорлик шаҳарларини муҳофаза этиш ва улардан мақсадли фойдаланиш бўйича тадбирлар», -деб номланиб, унда қуйидаги йўналишларга эътибор қаратилди: халқаро илмий-амалий туристлик экспедицияларни ташкил этиш ёрдамида хориждаги Ватанимиз маданияти, тарихи, фани ва санъати ёдгорликларининг қимматини ўрганиш; миллий боғлар, анъанавий чойхоналар, халқ амалий санъати ва кўргазмаларини ташкил этиш ва уларни туризм маршрутларига киритиш; туризм объектларини мамлакатимиз тарихи билан боғлиқ тарихий ва маданий ёдгорликларни доимий равишда қайта тиклаш.

6-бўлим: «Ички туризмни ташкил этиш бўйича тадбирлар», -деб номланиб, унда Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари туризм марказларида пиёда юрувчи туристлар учун махсус йўлаклар ташкил этиш; Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари ва Фарғона водийсига маънавий - маърифий ва тарихий экскурсияларни ташкил этиш; ўқувчи ёшларимизни ўтмиш меросимизга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида музейларда доимий равишда очиқ эшиклар кунини ўтказиш; болалар уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун бепул экскурсиялар ташкил этиш; Ўзбекистон фуқаролари учун Имом Бухорий, ал-Фарғоний, Баҳовуддин Нақшбанд, ал-Хоразмий, ат-Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро ва бошқа ўтмиш алломаларимизнинг мемориал мажмуаларига экскурсиялар ташкил этиш вазифалари белгилаб берилди. Бу борадаги ишлар ҳам ҳозирда амалга оширилмоқда.

Навбатдаги ҳужжатлар - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996-йил 21-ноябрдаги «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги Қарори ва унга Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 16-апрелдаги Қарори билан ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг киритилиши бўлди.

Ушбу қарорларда «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби» тасдиқланди. Тартибнинг биринчи бўлими «Умумий қоидалар», -деб номланиб, унда республикаимизга келиш ва кетишга ҳақли деб - хусусий ҳамда хизмат ишлари бўйича, туризм, дам олиш, ўқиш, ишлаш, даволаниш ва доимий яшаш учун бораётган шахслар ва бошқа масалалар белгилаб берилган. Иккинчи бўлим «Ўзбекистон Республикасига келиш «виза» ларини расмийлаштириш тартиби», -деб номланиб, унинг 12-бандида, айниқса тўлиқ маълумотлар мужассам. Учинчи бўлим «Ўзбекистон

Республикасида кетиш «виза» ларини расмийлаштириш тартиби», тўртинчи бўлим «Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан кетиш ҳуқуқидаги чеклашлар», бешинчи бўлим «Чет элга кетиш ҳуқуқи рад этилганлиги устидан шикоят қилиш тартиби», -деб номланган.

Шунингдек, ушбу қарорларда «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари» тасдиқланган. Бу қонданинг биринчи бўлими «Умумий қоидалар», иккинчи бўлими «Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлувчи хорижий фуқароларни рўйхатга олиш», -деб номланган. Қонданинг 13-бандида: меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйлариининг масъул шахслари томонидан келиб жойлашган шахсларнинг ҳисоби юритилади. 19-бандида: Меҳмонхоналар маъмурияти Ўзбекистон Республикасига келиш «виза» сига эга бўлмаган, шунингдек, бошқа қоида бузишларга йўл қўйган хорижий фуқаролар тўғрисида ҳудудий ички ишлар органларига зудлик билан хабар қилишга мажбурдир. Бундай шахсларни меҳмонхоналарда расмийлаштириш ва меҳмонхоналарга жойлашган хорижий фуқароларнинг бўлиш муддатини узайтириш қабул қилувчи ташкилотларнинг ёзма илтимосномасида (туристлар учун турнинг амал қилиш муддатида) кўрсатилган, лекин «виза» нинг амал қилиш муддати даражасида оширилади», - дейилади. Учинчи бўлим «Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсатномалар бериш», тўртинчи бўлим «Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юришлари», бешинчи бўлим «Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддатини қискартириш ва ундан чиқариб юбориш», -деб номланган.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорларида, шунингдек, «Хорижий фуқароларнинг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишлари қоидалари» ҳам тасдиқланган.

Республикада туризм соҳаси бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, туризмнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва унинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999-йил 30-июндаги «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида»**ги Фармони ва мазкур Фармон ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 2-июлдаги «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб туризм соҳаси бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетида мужассамлаштирилиши баён этилди. Шу мақсадда Университетда Халқаро туризм факультети ва унга қарашли «Туризм менежменти», «Туризм сервиси», «Туризм маркетинги» каби мутахассислик (ва бошқа номутахассислик) кафедралари ташкил этилди. **Университетда ҳозирги пайтда 5340200 – «Менежмент» (Туризм), 5810300 – Сервис (туризм) таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда ва 54810102 – «Халқаро туризм менежменти» мутахассислиги бўйича магистратура ҳам фаолият кўрсатмоқда.**

Ушбу қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳар меҳмонхона хўжалиги ва туризм лицейи негизда Тошкент туризм касб-хунар коллежи ташкил этиш ва қайта ихтисослаштириш, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона, Термиз ва Шаҳрисабз шаҳарларида туризм касб-хунар коллежлари очилишини босқичма-босқич амалга ошириш вазифаси белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003-йил 9-декабрдаги Фармонини бажариш юзасидан ва туризм соҳасида бошқарувнинг самарали тизимини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004-йил 28-июлда «Ўзбектуризм» МК фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Қарорда «Ўзбектуризм» МКнинг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарат ходимларининг чекланган умумий сони 45 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 30 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси ҳам тасдиқланди.

«Ўзбектуризм» МКнинг ташкилий тузилмаси:

Минтақавий бўлимлар учта вилоятда сақланиб қолган: Самарқанд минтақавий бўлими, Хоразм минтақавий бўлими, Бухоро минтақавий бўлими.

Худудий саёҳат ва экскурсия бюрolari давлат корхоналари (бундан кейин СЭБ дк) эса еттита вилоятда ташкил этилди: Сурхондарё СЭБ дк, Қашқадарё СЭБ дк, Навоий СЭБ дк, Қорақалпоғистон СЭБ дк, Жиззах СЭБ дк, Наманган СЭБ дк, Фарғона СЭБ дк.

«Ўзбектуризм» МК тизимида қуйидаги меҳмонхона комплекслари сақланиб қолди: «Афросиёб-Палас» меҳмонхона комплекси давлат корхонаси, «Бухоро-Палас» меҳмонхона комплекси давлат корхонаси, «Хива» туризм экскурсия комплекси давлат корхонаси, «Жайхун» меҳмонхона комплекси давлат корхонаси, «Хоразм» меҳмонхона комплекси давлат корхонаси, «Узолмонхотелз» қўшма корхонаси.

Хизмат кўрсатувчи тузилмалардан «Диспетчерлаштириш ва хизмат кўрсатиш марказий бошқармаси» давлат корхонаси, «Республика илмий-ўқув консалтинг маркази» давлат корхонаси, «Қурилаётган объектлар дирекцияси» давлат корхонаси ҳам миллий компания тизимида сақланиб қолди.

«Ўзбектуризм» МК марказий аппаратининг тузилмаси:

Раис - 1 киши.

Раис ёрдамчиси - 1 киши.

Раиснинг биринчи ўринбосари -1 киши бўлиб, унга - Туристлик хизматлар ва инвестициялар маркетинги бўлими - 3 киши, Халқаро алоқалар бўлими - 4 киши, Лицензиялаш бўлими - 2 киши, шунингдек, мутасаддилик қилинадиган ташкилотлардан - Республика илмий-ўқув консалтинг маркази, Қурилаётган объектлар дирекцияси, Диспетчерлаштириш ва хизмат кўрсатиш марказий бошқармаси қарайдиган бўлди.

Раис ўринбосари - 1 киши бўлиб, унга - Минтақавий ва хусусий туризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўлими - 3 киши, Молия-иқтисодиёт бошқармаси - 5 киши, Кадрлар ва мутахассисларни қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими - 2 киши, шунингдек, мутасаддилик қилинадиган ташкилотлардан

Самарқанд, Бухоро, Хоразм минтақавий бўлимлари, 8 та ҳудудий саёҳат ва экскурсия бюролари қарайдиган бўлди.

Компанияда, шунингдек:

Юридик маслаҳатчи - 1 киши.

Махсус хизмат бўлими - 3 киши.

Умумий бўлим - 2 киши.

Ишлар бошқарувчиси - 1 киши хизмат фаолиятларини олиб борадиган бўлдилар. Компанияда 5 та меҳмонхона комплекси ва «Узолмонхотелз» қўшма корхонаси сақланиб қолди

Қарорда Компаниянинг низоми ҳам тасдиқланди.

Компаниянинг вазифалари ва функциялари

Қуйидагилар Компаниянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш, туристлик хизматлар инфратузилмаларини шакллантиришга кўмаклашиш;
- туризмни ривожлантириш давлат дастурларини, туристларнинг муҳофаза қилиниши ва хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш;
- туристлик хизматларни сертификат
- лаштириш;
- туризм соҳасида реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;
- туризмни ривожлантириш соҳасига хорижий кредитлар ва инвестицияларни жалб этиш, хорижий мамлакатлар, шунингдек хорижий компаниялар билан ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастурларини ривожлантириш;
- туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш, туризм тармоқ фанини ривожлантиришга кўмаклашиш;

8. Компания ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг асосий стратегик йўналишларини ишлаб чиқади;
- туризмни ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда катнашади;
- туристлик фаолиятни лицензиялаш бўйича ишчи орган функциясини амалга оширади;
- «Туризм тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ туристлик хизматларни сертификатлаштиришни амалга оширади;
- туризм соҳасида статистик ҳисобот тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
- туризм соҳасида маркетинг тадқиқотларини ташкил қилади;
- таҳлилий ишларни амалга оширади ва республикада туризмни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари ва прогнозларини белгилайди;
- туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлайди ҳамда мақсадли

тармоқ ва минтақавий дастурлар бажарилишини мувофиқлаштиришни ташкил қилади;

- туристлик хизматларнинг амалга оширилишини реклама-ахборот билан таъминлаш фаолиятини амалга оширади;
- хорижий давлатларнинг миллий туристлик маъмуриятлари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари билан ҳамкорликни амалга оширади;
- Бутунжаҳон туризм ташкилоти ҳамда туризм билан боғлиқ бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлайди, уларда республика манфаатларини ифодалайди;
- туризм индустриясини ривожлантиришга инвестициялар жалб этиш ишларида қатнашади;
- туризм инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқади;
- ташқи бозорда Ўзбекистон Республикаси манфаатларига риоя этилишини таҳлил қилади ҳамда унинг асосида туризм соҳасидаги салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;
- туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича халқаро дастурларни амалга оширади.

9. Компания ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, минтақавий бўлимлар, тасарруфидаги бошқа ташкилотлар орқали бажаради.

Туризмга оид бошқа меъёрий ҳужжатлар мазмуни

Ҳозирги пайтда «Ўзбектуризм» МК томонидан вазирликлар, корхоналар, ташкилотларнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш марказининг 1998-йил 31-декабрда рўйхатдан ўтказган «Меҳмонхоналар классификацияси» ишлаб чиқилди. Мазкур стандарт камида 10 номерга эга бўлган меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар, туристлик базалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига келаётган туристлар ва фуқароларнинг бошқа вақтинча яшаб туриш жойларининг классификациясини белгилайди.

Унда шунингдек, ишлатиладиган асосий терминларнинг шарҳи, меҳмонхоналарга қўйиладиган умумий талаблар, уларнинг жавобгарлиги, турли тоифадаги меҳмонхоналарга қўйиладиган талаблар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Айниқса, турли тоифадаги меҳмонхоналарга қўйиладиган талабларда: бино ва унга тегишли ҳудуд, техник жиҳозлар, номерлар фонди, техник таъминот, мебел ва бошқа жиҳозлар таъминоти, жиҳозлаш ва номерлардаги санитария-гигиена буюмлари, умумий фойдаланиш санитария объектлари, жамоат жойлари, овқатланиш хизматлари кўрсатиш жойлари, хизматлар, овқатланиш хизматлари, хизматчилар ва уларни тайёрлашга бўлган талаблар ҳақида 1-5 юлдузли меҳмонхоналарга хос аниқ вазифалар берилган.

Туризм бўйича Самарқанд декларацияси

1994-йил 5-октябрда Самаранд шаҳрида БТТ нинг мажлисида ушбу декларация қабул қилинди. Унда бутун дунёга мурожаат қабул қилиниб, туризмни ривожлантириш масалаларига эътибор берилди. Айниқса, «Буюк Ипак йўли» нинг марказини ташкил этган Ўзбекистонга туризм ишида кенг аҳамият берилиши хусусида, юртимиздаги мавжуд туристлик ресурслардан унумли фойдаланиш учун имкониятларни излаб топиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЮНЕСКО бўйича маълумотлар:

Маълумки, Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларга бой мамлакат. Мана шу бебаҳо меросимизнинг кўпгина қисми инсоният мулкига айланганлигига кўп вақт бўлган. ЮНЕСКО нинг Жаҳон мероси рўйхатига Хивадаги Ичан Қалъа 1990-йил, Бухоронинг тарихий маркази 1993-йил, Шаҳрисабзнинг тарихий маркази 2000-йил киритилган. 2001-йил 12-16 декабр кунлари Финляндиянинг Хелсинки шаҳрида ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси Қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб, унда Самарқанд шаҳри ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Бундан ташқари, ушбу рўйхатга республикамыздан «Бойсун баҳори» номи билан Сурхандарё минтақаси ҳам киритилди. Демак, эндиликда мазкур тўртала тарихий маскан халқаро ҳамжамият муҳофазасида бўлади. Ҳозиргача дунёдаги 721 та маданий ва тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Ўзбекистонда туризм соҳасидаги фаолиятининг ривожланиш салномаси

1992 йил 27 июн	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбектуризм» МКни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони
1992 йил 20-октябр	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектуризм» МК фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳақида»ги қарори
1992 йил	Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси ҳукумати ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, Кадрлар тайёрлаш, туризм, спорт ва оммавий ахборот соҳасида Ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим имзоланди.
1993 йил	Ўзбекистон Жаҳон туризм ташкилотининг аъзолигига қабул қилинди.
1993 йил 5 ноябр	Республика меҳмонхона хўжалиги ва Туризм Ўзбекистон-Туркия лицейини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.
1994 йил	Тошкентда БМТ ва ЮНЕСКО кўмагида Жаҳон туризм ташкилотининг «Ипак Йўли» деб номланган семинари ўтказилди.
1995 йил 2 июн	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк Ипак Йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони қабул қилинди

	хамда шу йилнинг октябрида Буюк Ипак Йўлида жойлашган мамлакатлар вакиллари иштирок этган дастлабки «Буюк Ипак Йўли бўйлаб» туристлик ярмаркаси ўтказилди.
1995 йил 3 июн	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги № 210-сонли қарори қабул қилинди.
1995 йил 22 май	Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Покистон Ислон Республикаси ҳукумати ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.
1996 йил 25 сентябр	Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигида маданият, фан ва туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик бошқармасини ташкил этиш тўғрисида Қарор қабул қилинди.
1998 йил	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг туристлик корхоналар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштиришга бағишланган 346-сонли Қарори қабул қилинди. Шунга кўра хусусий туристлик ташкилотлар Ассоциацияси тузилди.
1999 йил 20 август	Олий Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг «Туризм ҳақидаги» Қонуни қабул қилинди
1999 йил 30-июн	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида» ги Фармони қабул қилинди.
1999 йил 15 апрел	Республикамиз Президенти томонидан «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури» га имзо чекилди. Бу дастур мамлакатимизнинг ички имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, туристларга хизмат кўрсатишнинг ғарбдаги замонавий андозаларини ҳам, шарқдаги меҳмондўстлик анааларини ҳам ўзида мужассам қилган миллий туризм моделини шакллантириш учун янада кенг имкониятларни яратади.
2000 йил	Туристларга кўрсатилаётган хизматларни такомиллаштириш мақсадида Янги Бухоро ва Афросиёб меҳмонхоналари Германиянинг «Инпро» компанияси бошқарувига берилди.
2001 йил	Ўзбекистон ҳукумати томонидан туризм соҳасидаги амалга оширилаётган ислохотлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги эришилаётган ютуқлар учун «Ўзбектуризм» Миллий компанияси туризм ва меҳмонхона иши бўйича бериладиган халқаро XXVI мукофотини қўлга киритди ва компания савдодаги етакчилар гуруҳига қабул қилинди.
2002 йил 2 сентябр	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.
2003 йил	Ўзбекистонда ҳукумат ва хорижий инвестициялар асосида бир қатор меҳмонхоналар таъмирланди ва янгилари қурилди.

2003 йил 17 январ	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 2 сентябрдаги 310-сон Қарорини қисман ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилинди.
2003 йил 11 ноябр	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги низомни тасдиқланди.
2004 йил 25 март	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №144 сонли «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида» ги қарорида 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб «Туризм» ва «Сервис» йўналишлари мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлашни ташкил этиш таъкидланди.
2004 йил 3 ноябр	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «сайёҳларнинг ўзбекистон республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисида»ги низоми тасдиқланди.
2005 йил 25 май	Ўзбекистон Республикаси «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Хитой Халқ Республикаси миллий туристлик маъмурияти ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.
2006 йил 17 апрел	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш тўғрисида» ги ПҚ-325 сонли қарорига асосан туризм соҳасини ривожлантириш бўйича минтақавий ва миллий дастурлар ишлаб чиқилди.
2006 йил 4 сентябр	Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси билан Қозоғистон Республикасининг Туризм ва Спорт вазирлиги ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.
2006 йил 3 октябр	Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси билан Қирғиз Республикасининг , Савдо ва Туризм Вазирлиги ўртасида Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.
2007 йил	Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири – Таълим, Фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилди.
2008 йил 17-18 март кунлари	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат делегацияси таркибида «Ўзбектуризм» миллий компанияси раҳбари Бирлашган Араб Амирликларида бўлди. Икки давлат ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Ҳукуматлараро Битим имзоланди. Шу билан бир қаторда, «Ўзбектуризм» МК ва Дубайнинг «Арабиан Одиссей» компанияси ўртасида Агентлик шартномси

	имзоланди. Шартномага мувофиқ ҳозирги кунда ушбу компания Ўзбекистонга арабистонлик туристларни жалб қилиш йўналишида фаолият юритмоқда.
2007 йил 21 май	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-640 сонли қарор қабул қилинди.
2008 йил 24-28 март кунлари	«Ўзбектуризм» МК вакили Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишида иштирок этди. Йиғилиш доирасида Туркиянинг Анкара ва Истанбул шаҳарларида миллий компания вакили томонидан Ўзбекистон туризм салоҳиятининг тақдими ўтказилди.
2008 йил 2 апрел	Ўзбекистон Республикаси Президенти “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.
2008 йил 19-29 май кунлари	Ўзбекистон делегацияси АҚШ ва Бразилия давлатларига ташриф буюрди. Ташриф давомида Ўзбекистон туризм салоҳиятининг тақдими бўлиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон Ҳукуматлараро делегацияси икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ҳамда иккала томонлар ўртасида тузилган тадбирлар режасини бажариш мақсадида Бразилияга ташриф буюрди. Икки томонлама учрашувлар давомида, «Ўзбектуризм» МК раҳбарияти АҚШ ва Бразилия туризм и вакиллари билан музокаралар ўтказди.
2008 йил 16-октябр	Навбатдаги XIV-Халқаро «Буюк Ипак Йўли бўйлаб» туристлик ярмаркаси ўтказилди.
2008 йил 18-октябр	«Ўзбектуризм» Миллик компанияси Бутунжаҳон туристлик ташкилоти (ЮНВТО) билан ҳамкорликда «Жаҳон туристлик бозорларига «Буюк Ипак йўли» брендини силжитиш» мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция ўтказди.
2008 йил 2 декабр	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилди. Натижада Ўзбекистонга ташриф буюрувчи хорижий туристларнинг купайишига асос солинди.
2009 йил 24 февраль	Туркменистон Президенти давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ташриф чоғида бу икки давлат ўртасида барча соҳалар каторида туризм соҳасида хусусан, «Ўзбектуризм» МК билан Туркменистон Давлат туризм ва спорт ишлари кумитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.
2009 йил 1 май	Мамлакатимизнинг Италиядаги элчихонасида Ўзбекистоннинг туристлик салоҳиятига бағишланган «Туризм-мамлакатнинг барқарор ривожланиш омили» мавзусида тақдимот ўтказилди.

2009 йил 1 май	Саудия Арабистони Подшолигида Ўзбекистон туристлик салохиятига бағишланган тақдирот бўлиб ўтди. Тағбир давомидида иштирокчилар Ўзбекистон туризм соҳасининг ҳозирги аҳоли, унинг инфратузилмалари, бу соҳада ҳамкорликни кенгайтириш борасида давра суҳбати бўлиб ўтди ва меҳмонларга «Ўзбекистонга ҳуш келибсиз» видеофильми араб тилида намойиш этилди.
2009 йил 27 май	“Навоий” халқаро аэропортидан Хиндистон пойтахти Дехли шаҳрига биринчи юк ташувчи А-300 русумли самолёт парвози амалга оширилди. Бу билан “Навоий” Халқаро аэропорти тарихида яна бир янги саҳифа битилди.
2009 йил 27-29 май	Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов расмий ташриф билан Бразилия Федератив Республикасига келди. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бразилия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида маданий ҳамкорлик тугрисидаги, дипломатик паспорт эгаларининг визасиз кириб-чиқиши тугрисидаги ҳамда туристлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик тугрисидаги ўзаро англашув меморандуми имзоланди.
2009 йил 28 июнь	Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Бу учрашув давомидида икки мамлакатлар ўртасида туристлик ва темир йул транспорти каби соҳалардаги ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.
2009 йил 3 июль	Мамлакатимизга ташриф буюрган Испания делегацияси билан Ўзбекистон ўртасида бизнес-форум бўлиб ўтди. Бизнес-форумда икки мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, таълим, туристлик каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш учун жумладан, «Ўзбектуризм» МК билан Испания Қуруллиги, туристлик ва савдо вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.
2009 йил 16 июль	"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси IOSA операторларининг расмий реестрига расман киритилгани эълон қилинди.
2009 йил 25 август	Самарқанд шаҳрида “Шарқ тароналари” VII халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Ушбу фестивалда 60 дан ортиқ давлатлардан иштирокчилар қатнашдилар.
2009 йил 4-5 октябр	Ўзбекистон Республикаси Президенти Уммон давлатига ташриф буюриб, ушбу мамлакат билан бир қатор туризмга доир ҳужжатлар ва шартномалар имзолашди.
2009 йил 16-октябр	Навоий шаҳрида янги замонавий меҳмонхона “Комилла” меҳмонхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.
2009 йил 21-23 октябр	XV-Халқаро «Буюк Ипак Йўли бўйлаб» туристлик ярмаркаси ўтказилди.

Таянч иборалар: Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати, механизмлари, туризм стратегияси, туризм тактикаси, Концепциянинг бош мақсади, «Ўзбектуризм» МК, Фармон ва қарорлар, Хусусий туристлик ташкилотлар уюшмаси, Мувофиқлаштирувчи Кенгаш, БТТ, ЮНЕСКО, ЮНИД, ПРООН «Диспетчерлаштириш ва хизмат кўрсатиш марказий бошқармаси», «Республика илмий-ўқув консалтинг маркази» давлат корхоналари.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати нимани ифодалайди?
2. Давлатнинг туризм сиёсатини амалга ошириш механизмлари нималардан иборат?
3. Туризм фаоллиятининг давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари нимадан иборат?
4. Туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қандай йўллар билан амалга оширилади?
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасига оид фармон ва қарорларининг мазмуни нимадан иборат?
6. Ўзбекистон туризмидаги асосий жараёнлар салномаси нимани кўрсатади?

10. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИ ТУРИСТЛИК ОБЪЕКТЛАР СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

10.1. Ўзбекистон туризмни ривожлатиришда тарихий шаҳарларнинг ўрни

10.2. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари «Шарқнинг қадимий обидалари»

10.3. Шаҳрисабз, Термиз, Фарғона ва бошқа шаҳарларнинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари

10.1. Ўзбекистон туризмни ривожлатиришда тарихий шаҳарларнинг ўрни

Ўзбекистонда жаҳон маданияти хазинасига кирувчи кўплаб архитектура ёдгорликлари мавжуд. Ичан қалъа, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари, қадимий Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари ЮНЕСКО нинг «Жаҳон мероси» деб номланган рўйхатига, Бойсун тумани аҳолисининг фольклори «Жаҳон номоддий мероси хазинаси» рўйхатига киритилган.

Қадимий замонлардан бошлаб, Ўзбекистон жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорликка киришиб келган. Савдо карвонлари орқали Шарқ ва Ғарбни боғлаган Буюк Ипак йўли ҳам айнан Ўзбекистондан ўтган, Ўзбекистон унинг энг муҳим марказларидан бири ҳисобланган. Буюк Ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган хилма-хил моллардан ташқари турли маданиятлар, анъаналар, ҳунарлар ва динлар ҳам тарқалган. Маънавий қадриятлар билан алмашинувлар амалга оширилган. Мамлакатлараро алоқаларнинг ривожланиши жаҳон маданиятининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган: Буюк Ипак Йўли узок мамлакатлардаги янги ихтиролар, илм-фан ютуқлари ва маданий-маърифий қадриятларни қўлга киритиш имкониятини берганки, бу халқаро алоқаларда фаол иштирок этаётган барча давлатларнинг ижтимоий - иқтисодий юксалишига сабаб бўлган.

Туризм бу инсоннинг бошқа жойларга кўнгил ёзиш, янги нарсалар ва инсонлар билан танишиш, ўзининг маданияти ва маънавиятини ошириш, узоклардаги қадамжоларни зиёрат қилиш ва қадрдонлари билан кўришиш мақсадларида вақтинчалик бориб келишидир. Демак турист бўлиш учун хорижий мамлакатларга чиқиш зарур эмас, масалан, Сурхондарёда яшовчи фуқоромиз Тошкент вилоятига Занги Отани зиёрат қилиш учун келадиган бўлса, шунингдек, Хоразмлик фуқоромиз ўз биродарлари билан Фарғона курортларида дам оладиган бўлса ҳам улар ўз саёҳатлари давомида турист деб ҳисобланаверади. Бунда бир шартга риоя қилиниши лозим: турист ташриф буюрган жойида мукофотланиб иш ҳақи тўланадиган меҳнат билан шуғулланмаслиги керак.

Ҳозирги кунда туризмнинг кўплаб турлари мавжуд. Саёҳат масофасининг узоклигига қараб туризмнинг маҳаллий (масалан, фуқороларимизнинг Ўзбекистон бўйлаб қилувчи саёҳатлари) ва халқаро (Ўзбекистон

фуқороларининг чет элларга чиқиб келишлари ва хорижий туристларнинг Ўзбекистонга келиб кетишлари) шакллари мавжуд.

Саёҳат мақсадларига қараб туризмнинг кўнгилочар (масалан, Тошкентдаги Аквапаркка келиб кетиш), соғломлаштириш (санаторийларда соғлиқни тиклаш ёки мустаҳкамлаш), маданий-оқартув (экскурсияларга чиқиш, музей ва концертларга кириш) ва спорт (стадионга футбол ўйинини томоша қилиш учун келиш, тоғда альпинизм билан шуғулланиш) каби турлари мавжуд.

Ўзбекистонда туризмни ривожлатириш ва уни янги босқичларга кўтариш борасида, аввало кўҳна маданий ва архитектура ёдгорликларига бой бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон каби шаҳарлар муҳим аҳамиятга эга. Бу шаҳарларда жаҳон аҳолини ҳайратга солувчи ва лол қолдирувчи қадимги тарихий ёдгорликлар бекиёс кўп. Ер юзининг турли мамлакатларида истикомат қилувчи ҳар бир инсон бу шаҳарларни ўз кўзлари билан кўриш орзусида яшайдилар. Кўп мамлакатларда Ўзбекистон ўзининг ана шу шаҳарлари билан машҳурдир. Ўзбекистоннинг ана шу тарихий шаҳарларини бемалол «Шарқнинг жавоҳирлари» деб аташ мумкин.

Тошкент

Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири – Таълим, Фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилди.

Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илми олдидаги, ислом мероси ва ёдгорликларини асраш ва янада бойитиш борасидаги мисилсиз хизматлари учун Тошкент шундай юксак ва фахрли унвонга сазавор бўлди.

Тошкентда «Жаҳон маданияти ёдгорликлари» рўйхатига киритилган Усмон қуръони ҳамда Беруний кутубхонаси сақланмоқда.

Тошкент-Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳарларидан бири - Ўзбекистон Республикасининг пойтахтидир. Тошкент ҳақидаги энг дастлабки маълумотлар эрамиздан оддинги II асрдаги қадимги Хитой солномаларида учрайди, Хитойда у Юни деб номланган бўлса, Эрон шоҳи Шопур I нинг эрамиздан оддинги ёзувларида Тошкент атрофлари Чоч деб аталган. Чоч турли мамлакатларнинг олтин, қимматбаҳо тошлар, зираворлар ва ажойиб отлар экспорт қилинадиган йўллари чорраҳасида жойлашган. Ҳозирги кунда Тошкент ўзида Ўзбекистоннинг тарихий ўтмишини эслатиб турувчи тараққий топган замонавий шаҳри бўлиб, аҳолисининг сони турли меҳмонлари билан ҳисоблаганда 2 миллиондан ошиб кетган.

Тошкентда кўплаб музейлар мавжуд. Масалан, Тасвирий санъат музейи ҳайкаллар, расмлар ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг Марказий Осиёдаги энг йирик тўпламига эга. Ўзбекистон Амалий Санъат музейи 30 мингдан ортиқ ҳунармандчилик маҳсулотлари ва қимматбаҳо тақинчоқларга эга.

Тарихий Эски Жува - шаҳарнинг энг қадимий бозорларидан бири, унда ҳозир ҳам озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб маҳсулотларигача барчасини топиш мумкин. Эски шаҳарнинг марказида XVI асрнинг ажойиб ёдгорлиги-Бароқхон мадрасаси жойлашган. МДХ мамлакатларининг руҳонийлари таълим

оладиган Ислом Университети ҳам шу ердан ўрин олган. Булардан ташқари, 1966 йил зилзиласидан Юнусхон мақбараси, Кўкалдош мадрасаси каби ажойиб ёдгорликлар омон қолган.

Тошкент метроси кўпчиликка маълум бўлган замонавий архитектура дурдоналаридан бири бўлиб ҳисобланади.

2007 йилнинг ноябр ойида ўтказилган ЮНЕСКОнинг 34-сессиясида ҳам Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги кенг нишонлаш тадбирларини ўтказиш юзасидан қарор қабул қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йилнинг 2 апрелида «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш» тўғрисидаги Қарорини қабул қилди. Унга кўра, Ўзбекистон пойтахти, илм-фан ва маданият маркази, тинчлик ва дўстлик рамзига айланган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонлаш ва муносиб ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Юбилей муносабати билан кўплаб тарихий ёдгорликлар қайта таъмирланди, янги бинолар қурилди ва шаҳарнинг ижтимоий инфраструктурасини янада обод бўлди.

Тошкентнинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:

1. Кўкалдош мадрасаси (XIV аср);
2. Каффол Шоший мақбараси (XV аср);
3. Ҳазрати Имом архитектура мажмуаси (XVI аср);
4. Абулқосим мадрасаси (XIX аср);
5. Бароқхон мадрасаси (XVI аср);
6. Жомеъ масжиди (XIX аср);
7. Замонавий архитектура дурдонаси саналган Амир Темур музейи;
8. Амир Темур ҳиёбони;
9. Мустақиллик майдони;
10. Халқлар Дўстлиги майдони;
11. Жасорат монументи;
12. Хаста Имом майдони;
13. Тилла Шайх масжиди;
14. Ҳазрати Имом масжиди;
15. Хадра майдони;
16. Суфи Ота мақбараси.

10.2. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари Шарқнинг қадимий обидалари

Самарқанд

Самарқанд ўзининг ноз-неъматлари, табиати, бой маънавий мероси, бетакрор тарихи, оламшумул меъморий обидалари билан бутун дунё жамоатчилигининг диққат-эътиборини ўзига қаратиб келаётган «сайқали рўйи заминдир». Сўғдиёна ва Турон давлатларининг улуғвор анъаналари, дунёвий цивилизациянинг энг муҳим босқичлари «Ер юзининг ёрқин нуқтаси» бўлган бу шаҳарнинг тарихи ва маданияти билан узвий боғлиқдир.

Дунёнинг эътиборли сармоядорлари, ривожланган мамлакатларнинг машҳур тижоратчи ва банкирлари, халқаро ташкилот раҳбарлари, иқтисодчи ва сиёсатчилари, санъашуносларининг нигоҳи бугун Самарқандга қаратилганлиги бежиз эмас. Бу эса Самарқанд Ўзбекистоннинг йирик, фан ва маданият маркази сифатидаги мавқеи тобора ошиб бораётганидан, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва равнақи учун муҳим ҳисса қўшаётганидан далолат беради.

Жаҳон банкининг президенти Жеймс Д.Уолфенсон Самарқандга ташриф буюрганида «Кейинги 40 йил давомида мен қарийб бутун дунёни кезиб чиқдим, бироқ, Самарқанддек шаҳарни ҳеч жойда кўрмадим», деб ўз қалб сўзларини айтган эди. Америкадан келган сайёҳларнинг фикрича, «дунёда биттагина Париж ва биттагина Самарқанд мавжуд». Оммавий француз журналларидан бирининг эътирофи этишича: «Самарқанд тасаввурни жунбўшга келтирадиган шаҳар бўлиб борапти. Кўзингизни юмиб мулойим оҳангда «Самарқанд» сўзини талаффуз қилсангиз, худди эртақлардагидек тасаввурингизда гўзал ва сеҳрли манзаралар оқими пайдо бўлади». Бу ўринда узоқ тарих саҳифаларида қолдирилган ушбу сатрларни ҳам эслаш жоиздир: «Бу шаҳар ва унинг атрофидаги замин шунчалик бой ва фаровонки, бундан ҳайратга тушмасдан бўлмайди. Эҳтимол шунинг учундир у Самарқанд дея аталган».

Самарқандликлар ўзларининг заминлари каби сахий, боболари каби собитқадам, ҳиссиётли, тарихлари мисол бетакрор ва ноёб, тинчликсевар ва саховатлидир. Уларнинг бу ноёб фазилатларининг тенги йўқ, Ўзбекистонга ташриф буюраётган барча давлат раҳбарлари, арбоблари, фан ва маданият вакиллари томонидан тан олиниб, «Туризм Маккаси» дея эъзозланмоқда. Самарқандга келиш бахтига сазовор бўлган, орзулари руёбга чиққан хорижий сайёҳлар уни «бутун дунёга юз очган шаҳар», «Минг бир кечадаги афсона ва эртақлар шаҳри» дея атамоқда. «Мусулмон дунёсининг қимматбаҳо дурдонаси»га дунёнинг турли бурчакларидаги диндорларнинг ҳам қизиқишлари чексиз. Улар учун Самарқанд «Аллоҳ, паноҳидаги шаҳар»дир. Ўрта аср манбаларида ҳам шаҳарни шундай деб атаганлар.

Самарқанд 2750 йиллик тарихга эга. Темурийлар сулоласи даврида солинган архитектура ёдгорликлари аҳамияти жиҳатидан қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Римдаги архитектура дурдоналаридан сира ҳам қолишмайди.

Қадимий Самарқанднинг маркази бўлган Регистон XV-XVIII асрлардаги Марказий Осиё бунёдкорлигининг юксак мисолларидан биридир. Майдон уч томондан Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасалари билан ўралган. Регистон шаҳарнинг асосий йўллари чорраҳасида жойлашгани учун айнан шу ерда ҳукмдорларнинг Фармонлари халққа эълон қилинган, савдо авжида бўлган. Самарқанд шаҳрининг жанубида жойлашган Гўри Амир макбарасида (XIV-XV асрлар) Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби Темурийлар сулоласи вакиллари дафн этилган. Темурийлар даврида Самарқанд янада гуллаб яшнаган эди.

Шаҳар яқинидаги қадимий Афросиёбдан топилган сопол идишлар, ҳайкалчалар билан Афросиёб музейида танишиш мумкин.

Самарқандда ҳар бир кўча, сув хавзаси ўз тарихига эга. Зиёратгоҳ саналувчи Шоҳи Зинда (Тирик Шох) мажмуаси Муҳаммад Расулulloҳнинг амакисининг ўғли-Қусам ибн Аббос номи билан боғлиқ.

Мирзо Улуғбек томонидан қурилган Расадхона 1449 йилда бузиб ташланган бўлсада, унинг яхши сақланиб қолган ерости қисми билан танишиш мумкин. Шунингдек, Самарқандда кўплаб дам олиш манзиллари мавжуд. Вилоятда неандертал одамларнинг турар жойлари топилган.

Мустақилликка эришилгандан сўнг, Ўзбекистон «очик эшиклар сиёсати»ни жорий қилди ва жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёнига фаол кириб борди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида, Самарқанд Республиканинг йирик сайёҳлик марказига айланди. Туризмнинг ривожланиши Ўзбекистон ва Самарқанднинг қулай геополитик ҳолати, унинг Марказий Осиё минтақасидан ўтган «Буюк Ипак йўли» устида жойлашгани, қулай географик ва иқлимий шароити, бу соҳанинг равнақиға хизмат кўрсата оладиган мутахассислар ва зарур қонуний базаларнинг мавжудлиғидадир. Халқлар ўртасида дўстлик, бир-бирларини англаш, тинчлик, ҳамкорлик ва мамлакатда барқарорликни ривожлантиришда туризмнинг аҳамияти бекиёсдир. Буларнинг ҳаммаси сайёҳликнинг хилма-хил шакллари қайта тиклаш ва ривожлантириш, халқаро андозалар асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, маҳаллий хусусиятлар туризмнинг миллий моделини яратиш учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Ҳозирги пайтда бутун дунёда «Самарқанд декларацияси» деб тан олинган декларацияни қабул қилган Бутунжаҳон туристлик ташкилотининг Самарқанда бўлиб ўтган кенгашида (1994 йил 5 октябр) шаҳар бир овоздан «Ипак йўлининг юрағи», деб тан олинди.

Ғарб мамлакатлари экспертларининг фикрича, Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар сони яқин орада 15 фоизга кўпайиши кутилмоқда. Бу Бутунжаҳон туристлик ташкилоти томонидан башорат қилинган Ғарбий ва Жануби-Шарқий Осиёға келадиган жами сайёҳлар сонидан 2 баробар кўпдир.

Агар 2000 йилда Самарқанд шаҳаридаги мавжуд сайёҳлик фирмалари жами 51,1 минг сайёҳларға хизмат кўрсатган бўлса, шундан хорижий туристларға 15,3 минг киши, 2007 йилда эса 113,1 мингдан ортиқ туристларни қабул қилди, шундан 70.9 минг киши, яъни 62 фоизини хорижий сайёҳлар ташкил қилди. 2009 йилда Самарқанд вилоятида туризм фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқиға эға бўлган жами 102 та сайёҳлик фирмалари ва меҳмонхоналар рўйхатдан ўтган бўлиб, бир йўла 3 мингға яқин меҳмонхоналар қабул қилиш қувватига эға бўлган 54 та замонавий ва миллий услубда қурилган меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Улар ҳозирги кунда иккитта тўрт юлдузли, 278 ўринли «Афросиёб Палас» ва 166 ўринли «Президент-Отел» меҳмонхоналари бўлиб, қўшимча равишда миллий услубда қурилган хусусий меҳмонхоналар тизими туристларға тегишли хизмат турларини кўрсатиб келмоқда.

Самарқанд шаҳрида ташқи туризмнинг ривожланиш ҳолати, яъни бугунги кунда хорижий туристлар ташрифининг таҳлили, энг кўп туристлар оқими

Европа мамлакатларидан келишини кўрсатмоқда 55 %, бунда Бутунжаҳон туристлик ташкилотларининг таснифи бўйича собиқ иттифоқ мамлакатлари ҳам Европа минтақасига киради. Кейинги ўринда Шарқий Осиё ва Тинч океания минтақа мамлакатлари туристлари 22% ни ташкил қилмоқда. Учинчи ўрнида эса Ўрта Шарқ мамлакатларидан 11% ва қолган қисмини Жанубий Осиё мамлакатларидан 8 %, Америка мамлакатидан 4 % туристлар келганлиги кўрсатилмоқда.

Айни пайтда Самарқанд вилоятида 2010 йилгача туризмни ривожлантиришнинг минтақавий дастури қабул қилинган бўлиб, унда асосий тараққиёт босқичлари ва йўналишлари белгиланган. Ушбу дастурда минтақада ички ва халқаро туризмнинг барча тизимларини тубдан қайта қуриш ва ташкил қилиш тадбирлари белгиланган.

Самарқанднинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:

1. Афросиёб (эрамиздан олдинги VIII аср);
2. Мирзо Улуғбек расадхонаси (1428 й.);
3. Шохи Зинда архитектура мажмуаси;
4. Ҳазрати Ҳизр масжиди (XIX аср ўрталари);
5. Биҳоним масжиди (1399 й.);
6. Улуғбек мадрасаси (1417 й.);
7. Шердор мадрасаси (1619 й.);
8. Тиллакори мадрасаси (1647 й.);
9. Чорсу бозори (XVIII аср охири);
10. Рухобод мақбараси (1380 й.);
11. Оксарой мақбараси (1470 й.);
12. Гўри Амир мақбараси (1404 й.);
13. Намозгоҳ масжиди (XVIII аср);
14. Ишратхона мақбараси (1464 й.);
15. Хожа Ахрор мажмуаси (XV-XX асрлар);
16. Мавзолей Чупон-Ота мақбараси (1430 й.);
17. Хожа Абду Дарун қабристони (XV аср);
18. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси (IX аср).

Бухоро

«Бухоро» сўзи санскрит тилида «Ибодатхона», Суғд тилида «Тангри жамоли» маъноларни англатади. Бухоро Буюк Ипак Йўлининг йирик тижорат маркази бўлиб ҳисобланган. Бухоро Ўрта асрларга мансуб 140 дан ортиқ архитектура ёдгорликларига эга бўлган «Музей-шаҳардир». Пойи Калон, Қўшмадраса, Минораи Калон, Исмоил Сомоний мақбараси каби кўплаб ёдгорликлар бундан минг йиллар олдин қурилган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам меҳмонларни ўзларига жалб этмоқда. Бухоронинг машҳурлигини ал-Бухорий, Наршахий, Рудакий, Дақикий, Абу Али ибн Сино ва Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймолар янада орттириб юборишган. Ислом дунёсида Бухоронинг исмига Шариф, яъни Муқаддас қўшимчаси қўшиб ишлатилган.

Х асрда Бухоро энг йирик илмий ва маданий марказ бўлган. Мағоқи Аттори, Намозгоҳ масжиди, Чашмаи Аюб кабилар ушбу даврдан ёдгор бўлиб қолган.

Ситораи Моҳи-хосса охирги Бухоро Амирининг ёзги саройи, у хашаматли архитектуранинг энг ёрқин намуналаридан биридир.

Лаби Ховуз (XVI-XVII асрлар), Хужа Насриддин хайкали, Нодир Девонбеги мадрасаси, Девонбеги хонақоси, вақтида Марказий Осиёдаги етакчи бўлган Кўкалдош мадрасаси (Абдуллахон томонидан бунёд этилган) шаҳарнинг ўзига хос диққатга сазовор жойлари ҳисобланадилар.

Исмоил Сомоний мақбараси шаҳардаги яхши сақланиб қолган энг қадимий бино бўлиб, нафис архитектурага эга. Пойи Калон ансамбли (XII-IV асрлар) шаҳарнинг марказидан ўрин олган. Шу ердан пиёда Арк биносига, Чорминорга ўтиш мумкин.

Шаҳар атрофидаги Варахша ҳаробаларидан жанглар ва ов маросимларини акс эттирувчи кўплаб рангли лавҳалар, қимматли буюмлар топилган ва музейларга топширилган.

Бухоро қорақўли халқаро бозорда эътироф этилган. Шунингдек, Бухоро зардўзликнинг ватани ҳисобланади.

Бухоронинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:

1. Арк (XI аср);
2. Боло-Ҳовуз мажмуаси (XVIII аср);
3. Исмоил Сомоний мақбараси (IX аср);
4. Чашмаи-Аюб (1380 й.);
5. Абдуллахон мадрасаси (1596 й.);
6. Модари-Хон мадрасаси (1556 й.);
7. Масжиди Баланд (XVI аср бошлари);
8. Гавкушон мажмуаси (масжид, минора, Мадраса), (XVI аср);
9. Зайниддин Ҳожи хонақоси (1555 й.);
10. Пойи-Калон мажмуаси (XII аср);
11. Лаби-Ховуз мажмуаси (XVI аср);
12. Кўкалдош мадрасаси (1568 й.);
13. Нодир Девонбеги хонақоси (1620 й.);
14. Улуғбек мадрасаси (1417 й.);
15. Абдулазизхон мадрасаси (1652 й.);
16. Болоховуз масжиди (1712 й.);
17. Сайфиддин Боҳарзий мақбараси (XIII асрнинг иккинчи ярми);
18. Баёнқулихон мақбараси (XIV асрнинг иккинчи ярми);
19. Намозгоҳ масжиди (XII аср);
20. Файзобод хонақоси (1598 й.);
21. Чорминор мадрасаси (1807 й.);
22. Бухоро Амирининг Ситораи Моҳи—хоса ёзги саройи (XIX аср охири);
23. Чор-Бакр мажмуаси Жўйбор хўжалари мазори (1560 й.).

Хива

Хива кўплаб архитектура ёдгорликлари жойлашган Ичан- қалъада қадимий шарқ руҳини сақлаб қолган. Хиванинг архитектура ёдгорликлари асосан мадраса, масжид ва миноралар, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси (1835 йил), Муҳаммад Аминхон мадрасаси (1850—1855 йиллар), Кўна Арк, Тош Ҳовли, Оллоқулихон карвонсаройи (1855 йил) кабилардан иборат. Рангли безаклар берилган Калта Минор (1835 йил) ва 218 та нақшли устунга эга бўлган Жума масжидларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. 2,5 километр узунликдаги деворга эга бўлган Ичан-қалъа, Отадарвоза, Шимолий, Шарқий, Жанубий, Бухоро ва Тошдарвозаларига эга. Унда 40 дан купроқ қудуқлар мавжуд.

Хиванинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:

1. Ичан-қалъа, Саидбой масжиди ва мадрасаси (XVIII аср боши);
2. Полвон Дарвоза атрофлари;
3. Оллоқулихон мадрасаси (1834 й.);
4. Қутлуғмурод-иноқ; мадрасаси (1804 й.);
5. Оллоқулихон Тими ва Карвонсаройи (XIX аср);
6. Абдуллахон мадрасаси (1865 й.);
7. Анушхон масжиди ва ҳарами (1657 й.);
8. Тошховли (Оллоқулихоннинг саройи) (1830 й.);
9. Окмасжид (1832 й.);
10. Жума масжиди ва минораси (1788 й.);
11. Саид Оловуддин мақбараси (XIV аср);
12. Мухдммад Аминхон мадрасаси (1851 й.);
13. Муҳаммад Аминхон мадрасаси (1871 й.);
14. Калтаминор (1855 й.);
15. Кўна Арк (1868 й.);
16. Тўрамурод минораси (1888 й.);
17. Шерниёзхон мадрасаси (1718 й.);
18. Борланди масжиди (XIX аср);
19. Арабхона мадрасаси (1838 й.).

10.3. Шаҳрисабз, Термиз, Фарғона ва бошқа шаҳарларнинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари

Шаҳрисабз

Боғлар ва узумзорларга бурканган Шаҳрисабз шаҳри хунармандчилик маркази бўлган. Шаҳрисабздаги дастлабки турар жойларга V-VI асрларда асос солинган бўлса, IX-X асрларга келиб у йирик савдо ва хунармандчилик марказига айланган. Амир Темур томонидан девор билан ўралганидан сўнг у маданият ва илм-фан шаҳрига айланган.

Қарши шаҳри Самарқанд ва Бухородан Афғонистон ва Ҳиндистонга ўтувчи карвон йўллари асосида юзага келган. Қарши бир неча архитектура ёдгорликларига эга. Булар: Мирзо Улуғбек томонидан қурилган Кўкғумбаз

масжиди (1463 й.), Жомеъ масжиди, Минорали Қўрғонча (XIX-XX асрлар), Хўжа Абдулазиз мадрасаси (XX аср), Қиличбой мадрасаси (1714 й.), Захок-Морон шаҳарчаси ҳаробалари (эрамиздан аввалги I аср-эрамизнинг V асри) ва Қашқадарё дарёси устидан ўтган қадимий кўприк қабилардир. Шаҳарда Ўлкашунослик музейи бор.

Қашқадарёнинг муҳим археологик ёдгорликлари-Темурий сулоласига тегишли Шамсиддин Мир Кулол мақбараси, Кўкгумбаз масжиди, Гумбази Зейдан мақбарасидир.

Ҳисор тоғларнинг жануби-ғарбида 1975 йилда Қизилсой қўриқхонаси ташкил этилган. Бу ерда силовсин, айиқ, қор барси каби ноёб ҳайвонларни учратиш мумкин. Шунингдек, Марказий Осиёдаги энг йирик ғорлардан бири – Амир Темури ғори ҳам шу атрофларда жойлашган.

Қашқадарёда Хожа Убайдулла, Жарроҳ Абдурахмон Ота, Ғулом Нақшбандийлар зиёратгоҳлари, Султон Мирҳайдар мақбараси каби зиёратгоҳлари ҳам бор.

Шаҳрисабзнинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:

1. Оксарой (1380 й.);
2. Дорус - Саодат мажмуаси (XIV аср);
3. Хазрати Имом масжиди (XIV аср);
4. Жаҳонгир мақбараси (XIV аср);
5. Дор-ут-Тиловат архитектура мажмуаси;
6. Кўкгумбаз масжиди (1435 й.);
7. Гумбази Саидон (XV аср);
8. Шамсиддин Кулол мақбараси (XV аср).

Сурхондарё

Сурхондарё Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган. Унинг жанубида Амударё бўйлаб Афғонистон билан бўлган чегара ястаниб ётибди, шимолдан уни Ҳисор тоғлари ўраб олган.

Худудда сақланиб қолган асосий ёдгорликлар қаторига Қирқ қиз саройи (IX аср), Ҳаким ат Термизий архитектура ёдгорлиги (XI аср) ва Султон-Саодат мажмуасини киритиш мумкин.

Термиз

Сурхондарё вилоятининг маркази бўлган Термиз шаҳри эрамиздан олдинги II-I асрларда Ҳиндистонни Марказий Осиё орқали Европа билан боғловчи қарвон йўлларининг чорраҳасида пайдо бўлди, кейинроқ у Хитойга элтувчи Буюк Ипак Йўлида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Кушонлар даврида 500 гектар майдонни эгаллади. Шунингдек, Термиз ёнида эрамиздан олдинги III-II асрларда Юнон-Бактрия давлатига тегишли турар жойлар топилган. Қоратепада Будда маданиятига тегишли турли ёдгорликлар, Фаёзтепада Будда ибодатхонаси ҳаробаларида қизиқарли лавҳалар ва ҳайкаллар топилган.

Термизнинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:

1. Қирқ қиз саройи (IX аср);

2. Термиз ҳукмдорлари саройи (XX аср);
3. Ҳаким ат Термизий архитектура мажмуаси (X аср);
4. Султон - Саодат архитектура мажмуаси (X аср);
5. Қоратепа ибодатхонаси (II аср);
6. Фаёзтепа ибодатхонаси (I аср).

Фарғона

Фарғона шаҳри Фарғона вилоятининг жанубида жойлашган. Фарғона вилоятига қуруқ мўтадил иқлим, илиқ ёз, унчалик совуқ бўлмаган киш фасли хосдир. Вилоят ўсимлик дунёси, ўрмонлар ва ниҳоятда манзарали тоғларга бой.

Фарғона шаҳри водийдаги энг йирик марказларидан бири. Шаҳарга юз йилдан олдин Янги Марғилон номи билан асос солинган. Табиатшунослик музейида шаҳарнинг бутун тарихи билан танишиш мумкин. Фарғона бутун дунёга Шохимардон, Қизилтепа каби курортлари билан маашхур бўлган.

Қўқон илгари Қўқон хонлигининг пойтахти бўлган, Ўзбекистоннинг энг машхур шаҳарларидан бири. XX аср бошларида Қўқон Тошкентдан сўнг иккинчи йирик шаҳар бўлиб ҳисобланган, аҳолисининг сони барча ҳудудий марказлардан ортиқ бўлган.

Қўқоннинг охириги хони Худоёрхоннинг саройи шаҳарнинг энг муҳим архитектура ёдигорликларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хон саройи хашамати ва безаклари билан ўчмас таассурот қолдиради. Шунингдек, Шоира Нодирабегим номи боғлиқ икки минорали Модарихон мақбараси ҳам қизиқарлидир. Қатл этилган шоира хотирасига бағишлаб мақбара ёнида оқ мрамар ва бронзадан ишланган ҳайкал ўрнатилган.

Марғилон.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги ҳукумат қарори асосида 2007 йилда кенг нишонланди. Марғилонга Буюк Ипак Йўлининг кашф этилиши билан озошликни тан олувчи мағрур суғдлар томонидан асос солинган. Унда ипак матолар ишланган. X асрда Марғилон бутун дунёга ўзининг ипак матолари билан машхур бўлган. XV аср охирилари XVI аср бошларида Марғилон водийнинг энг муҳим шаҳарларидан бирига айланган.

Марғилоннинг монументал ёдгорликларидан безатилган масжид минора-мақбара ва каптархонадан иборат бўлган Каптарлик композицияси (XVIII аср) ҳамда Шоуда масжидини келтириш мумкин.

Фарғона водийсининг асосий тарихий ва меъморчилик ёдгорликлари:

1. Худоёрхон саройи (1870 й.);
2. Риштлиқ масжиди (1913 й.);
3. Жоме масжиди ва минораси (1809 й.);
4. Мулқобод масжиди (1913 й.);
5. Саид Аҳмадхожи мадрасаси (XIX аср бошлари);
6. Чокар масжиди (1911 й.);
7. Хужа Мағиз мақбараси (XVIII аср);

8. Мулло Дирғиз мадрасаси (XX аср бошлари);
9. Ахсикент қадимий шаҳарчаси (эрамиздан аввалги II аср).

Ушбу юқорида кўрсатилган барча тарихий ёдгорликларни талабаларга визуал ҳолатда кўрсатиш ва ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш мақсадида ҳар битта тарихий объект талабаларга мустақил шугулланиш учун вазифа қилиб берилади. Ўқитувчи томонидан талабаларга ёрдам тариқасида ушбу маъруза «Power Point» дастурида тўлалигича электрон версияси тақдим этилади.

Таянч иборалар: Тарихий шаҳарлар, «Шарқнинг қадимий обидалари», «Жаҳон мероси», «Жаҳон номоддий мероси хазинаси», аквапарк, Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК), Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO), ислом маданияти пойтахти, тарихий ва архитектура ёдгорликлар, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Ўзбекистонда туризмни ривожлатиришда тарихий шаҳарларнинг ўрни нимадан иборат бўлган?
2. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари «Шарқнинг қадимий обидалари» сифатида ифодаланишининг сабаби нимада?
3. Тошкент шаҳарининг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари нималардан иборат?
4. Самарқанд шаҳарининг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари нималардан иборат?
5. Бухоро шаҳарининг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари нималардан иборат?
6. Хива шаҳарининг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари нималардан иборат?
7. Фарғона водийси шаҳарларининг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари нималардан иборат?
8. Термиз шаҳарининг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари нималардан иборат?

11. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Режа:

11.1 Халқаро туризм ривожланишининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири

11.2. Ўзбекистонда халқаро туризмнинг ривожланиш динамикаси

11.3. Халқаро туризм хизмат бозорида ўтказилаётган ислохотлар

11.1. Халқаро туризм ривожланишининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикаси кенг жаҳонга юз тутди ва халқаро алоқаларга киришиб кетди, Ўзбекистон халқаро алоқаларининг ривожланишида туризм соҳаси алоҳида ажралиб туради. Мустақилликдан олдин Ўзбекистон аҳолиси собиқ марказ рухсати билангина чет элларда саёҳат қилиб келар эди, хорижий туристлар ҳам аввал Москвага келиб, сўнг Ўзбекистонга ташриф буюра олишар эди. Бунинг устига, туризмдан олинган барча даромадларни (шунингдек, валюта даромадларининг ҳам ҳаммасини) тўғридан-тўғри собиқ марказга жўнатиш мажбурий эди. Хорижий туристларга кўрсатилган хизматлар ҳаражати Ўзбекистон бюджетидан қопланар, бунинг эвазига марказдан ҳеч нима олинмас эди. Яъни, халқаро туризмдан Ўзбекистон фақатгина зарар кўрар эди.

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон ҳукумати биринчилар қаторида туризм соҳасининг ривожланишига алоҳида эътибор қарата бошлади ва бунинг учун масъул бўлган ягона ташкилотни тузди. Ўзбекистон Республикасида туризмнинг ривожланиши учун масъул бўлган ташкилот «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясидир. Компания Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги УП-447 рақамли «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг ташкил этилиши» тўғрисидаги Фармони асосида ташкил этилган. «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг таркибига алоҳида-алоҳида хўжалик фаолияти юритган «Интурист», «Спутник» ва Касаба иттифоқларининг туризм ва экскурсиялар бўйича Кенгаши каби ташкилотларнинг минтақавий таркибий бўлинмалари бирлаштирилди.

Миллий компаниянинг фаолият юритиши давомида Республикамиз туризмида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Олдинлари меҳмонхоналар учун дам олиш уйлари, туристлик базалар, кемпинглар умуман замонавий талабларга жавоб бера олмас эди. Чунки уларни таъмирлаш, қайта қуриш ва жиҳозлаш масалалари собиқ Марказ томонидан кўриб чиқилган. Мустақилликка эришилиши билан бу ҳолга, шунингдек, туризм соҳасидан олинган даромаднинг барчасини республика ташқарисига олиб чиқиб кетилишига чек қўйилди. Ўзбекистон туризм соҳасида бозор муносабатлари амал қила бошлади, давлатнинг кўплаб туристлик корхоналари хусусийлаштирилди, туристлик маҳсулот яратиш ҳамда шу туристлик маҳсулотга мустақил нарх белгилаш эркинлиги яратиб берилди. Натижада туристлик бозорда корхоналар орасида рақобат юзага келди. Рақобат Ўзбекистон туристлик корхоналарининг ўз фаолиятини янада ривожлантириш

учун янада сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва бу билан умумий ривожланишни таъминлашга ундади.

«Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг вужудга келиши ва бу ташкилотнинг 1993 йили Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлиб кириши Ўзбекистон туризми тараққиётида қўйилган улкан кадам бўлди. Республикада халқаро туризмни янги босқичга кўтариш ва самарали фаолият кўрсатишига мос келадиган янги шарт-шароит ва механизмлар вужудга келди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмни ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган муҳим ҳужжатлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995-йил 2-июндаги «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва республикада Халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фармонни амалга ошириш мақсадида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3-июндаги «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини киритиш мумкин.

Ўзбекистон халқаро туризмнинг ривожланишида «Буюк Ипак Йўли» нинг тутган ўрни ва моҳияти ниҳоятда чексиз. Бир неча асрлар давомида ушбу заминнинг Ғарб ва Шарқида истиқомат қилган халқларни Жанубий-Шарқий Осиёдан то Ўрта ер денгизи мамлакатларигача чўзилган ва «Буюк Ипак Йўли» деб ном олган савдо-сотик йўли бир-бири билан боғлаб турар эди. Бу йўлга «Ипак Йўли» деб ном берилишининг асосий сабаби, бу ерда ташиладиган маҳсулотларнинг асосий қисми ипак матолари ва маҳсулотлари бўлганлигидандир. Ипак тайёрлаш билан боғлиқ бўлган сир-асрорларни Хитой усталари минг йиллар давомида бошқа одамлардан яшириб келган. Аммо «Буюк Ипак Йўли» орқали ташилган маҳсулотлар фақат ипакдангина иборат бўлмай, балки бу йўл орқали бронза, чинни, жун, хом ашёлар ва улардан тайёрланган буюмлар ҳам эди. «Буюк Ипак Йўли» қарийиб икки минг йиллик тарихга эга бўлиб, бу йўл асосан Италиядан тортиб Туркия орқали Ироқ ва Эронга борган. У ердан эса Марказий Осиё ҳамда Шимолий Помир орқали ўтиб Қашқар ва Ёркентгача етган. Бу ерда йўл иккига ажралган ҳамда шимол томондан Такла-Макон саҳросини айланиб ўтиб, Лобнор кўли яқинида яна қўшилган ва Хитойгача борган.

Буюк Ипак Йўлида Туркистон ҳудуди етакчи ролни бажариб келган. Ушбу ҳудуддаги Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Хўжанд, Чоржуй каби қатор шаҳарлар ипак йўлидаги асосий манзиллар бўлган. Ўзбекистон ўзининг қўлай географик ўрни туфайли бу тарихий йўлда марказий ўринни эгаллаган. «Буюк Ипак Йўли» кўп асрлар давомида кишилиқ маданиятининг вужудга келишида катта ўрин эгаллаган.

Унинг тарихда тутган ўрни ҳамда аҳамиятини тиклаш, бу йўлда туризмни ривожлантириш каби мақсадларни мўлжаллаб, 1994 йилнинг октябр ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг нуфузли ташкилоти ЮНЕСКО иштирокида Ўзбекистонда Бутунжаҳон туристлик ташкилотининг кенгаши

бўлиб ўтди. Кенгаш аъзолари Ипак йўли бўйлаб туризм фаолиятини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган Самарқанд Декларациясини қабул қилди.

1995 йил октябрида Тошкент шаҳрида «Ипак Йўлида туризм» номи билан биринчи халқаро туристлик ярмарка ўтказилди. Шундан бери бундай ярмарка ҳар йили узлуксиз равишда ўтказилиб келинмоқда. Бу ярмаркаларда тузилган шартнома ва битимлар халқаро туризмни янада ривожлантириш, Республиканинг туризмга оид имкониятларини ишга солиш ҳамда «Буюк Ипак Йўли»га хос бўлган қадимий анъаналарни тиклашга кенг йўл очиб берди.

11.2. Ўзбекистонда халқаро туризмнинг ривожланиш динамикаси

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда халқаро туризм соҳасини ривожлантириш учун қўлай имкониятлар ва шарт-шароитлар юзага келаётганлиги, туризмнинг республика иқтисодиётига янада интеграциялашуви, мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон иқтисодиёти тажрибаларидан маълумки, туризм соҳаси мамлакат бюджети учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва шу билан биргаликда аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун хизмат қилади. Республикамиз халқаро туризм соҳасидаги имкониятларининг катталиги билан қўшни мамлакатлардан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг географик ўрни, ниҳоятда қўлай, табиий иқлим шароитига эга эканлиги, инсоният маданий тараққиётида ҳам катта ўрин тутади. Ўзбекистон бетақрор, ажойиб тарихий архитектура ёдгорликлари, ширин-шакар мевалари, хилма-хил миллий таомлари, ажойиб миллий анъаналари, урф-одатларига эга бўлган меҳмондўст халқига эга. Буларнинг барчаси чет эллик туристлар эътиборини ўзига тортади ва уларни хайратлантиради. Халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик, тинчлик- тотувлик муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонга келувчи хорижий фуқароларнинг 85% ини МДХ, мамлакатлари ташкил қилса, қолганини Германия, АҚШ, Жанубий Корея, Франция, Япония, Туркия, Буюк Британия каби мамлакатлар таъминлайди. «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг статистик маълумотларига кўра, Ўзбекистонга жами ташриф буюрган хорижий туристларга хизмат кўрсатиш динамикаси қуйидаги 11.1. жадвалда кўрсатилган:

Жадвал 11.1.

«Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий туристларга хизмат кўрсатиш динамикаси

Кўрсаткичлар	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
«Ўзбектуризм» МК бўлинмалари томонидан хизмат кўрсатилган хорижий туристлар, минг киши	92,0	173,8	252,9	272,0	274,0	278,0	231,0	196,7	230,4	262,8	241,9	273,2	343,5	370,1

Олдинги йилга нисбатан % хисобида	151,1	188,9	145,5	107,5	100,7	101,4	83,1	85,1	117,1	114,0	92,1	112,9	125,7	107,7
--	-------	-------	-------	-------	-------	-------	------	------	-------	-------	------	-------	-------	-------

Манба: «Ўзбектуризм» Миллий компанияси маълумотлари

Ўзбекистонга келувчи хорижий туристларнинг аксарияти Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Хива йўналиши бўйича саёҳат қиладилар. Чунки, Ўзбекистон туризм инфратузилмаси айнан шу манзилгоҳларда яхшироқ ривожланган ҳамда Буюк Ипак йўлига тааллуқли кўпгина объектлар айнан шу жойларда сақланиб қолingan (Ўзбекистонга гуруҳларда ташриф буюрувчи туристларнинг аксарияти Буюк Ипак йўли йўналиши доираси ҳаракатланадилар). Шунингдек, Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона водийси вилоятларида ҳам туристларни жалб этиши мумкин бўлган кўплаб муҳим туристлик жозибадор манзиллар мавжуд бўлсада, туристлик инфратузилманинг ривожланмагани туристларни бу ерга келишига тусқинлик қилар эди. Бу каби камчиларни бартараф этиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан Қамчиқ довонидан ўтилувчи йўл қайта таъмирланди, Сурхондарёга Самарқанддан ва Тошкент шаҳридан Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига турситларни ташиш учун янги электрлашган темир йўл тортилди, бу жойларда кўплаб туристлик меҳмонхоналар бунёд этилапти.

Ўзбекистонга келувчи хорижий туристларнинг сонини ўсишига салбий таъсир этиши мумкин бўлган қуйидаги ҳолатлар бартараф этиб борилмоқда:

- Ўзбекистон тўғрисидаги дастлабки ва сўнгги таассуротларни қолдирувчи божхона хизмати ходимларининг саёҳатчилар билан бўлган муомала маданияти яхшиланди;
- меҳмонхоналарда тортилувчи таомлар замонавий талабларга жавоб бера бошлади;
- Ўзбекистон ичидаги меҳмонхона хизматлари нархларининг асосий рақобатчиларимизга нисбатан қимматлиги, транспорт нархларининг юқори ҳоллари камайтириб борилмоқда;
- туристлик эсдалик учун ҳарид қилинадиган миллий сувенирларимизнинг хилма хиллиги оширилиб, йўқолиб кетган бир қатор ҳунармандчилик турлари тикланди ва қайта ташкил этилди;
- тарғибот масалаларига етарлича эътибор берилиб, хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон тўғрисидаги маълумотларининг чегараси кенгайтириб борилмоқда, бунда айниқса, Германия ва Италиялик бизнесҳамкорларнинг воситачилигидан самарали фойдаланилмоқда;
- туристлар ихтиёрига таклиф этилаётган товар ва хизматларнинг сифати нархига мослаштириб борилмоқда.

Юқорида санаб ўтилганларни бартараф этиш билан биргаликда, кўрсатилаётган туристлик хизматларимизнинг сифатли бўлишига ҳаракат қилинмоқда. Шунингдек, чет элларда Ўзбекистон туризмини реклама қилишда барча туркорхоналаримизнинг ташвиқот-тарғибот ишларининг рақобатчилардан фарқ қилувчи умумий мавзу остида бирлаштирилиши Ўзбекистоннинг халқаро туристлик бозорида ўз ўрнини мустаҳкамроқ эгаллашига ёрдам беради.

Бунинг учун ўзимиз эгалик қилаётган туристлик ресурсларимизни яна бир бор қайтадан чуқур ўрганиб чиқиш, улардан самарали ва барқарор фойдаланиш йўллари аниқлаш ва шу асосида Миллий туристлик брендни ишлаб чиқиш шарт бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси томонидан ўлкамиз туристлик ресурслари ўрганиб чиқилиб, туристлик ресурсларимизнинг махсус кадастри яратилмоқда. Ўзбекистон туризмини ривожлантириш учун хизмат қила оладиган ресурсларининг анчаси ҳали очилмагани катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Олдимизда тўрган вазифа - уларни излаб топиш, ўрганиш ва улардан келгуси авлодлармиз ҳам фойдалана олишларини ўйлаган ҳолда янги турмахсулотлар ишлаб чиқишдир.

11.3. Халқаро туризм хизмат бозорида ўтказилаётган ислохотлар

Туризм хизмат бозорида ўтказилаётган ислохотларимизнинг мантиқий якуни қўйидаги масалаларга қаратилган: туризмни бошқариш тизимининг доимий равишда такомиллаштириб борилишига; ҳукуматимиз томонидан туризмни ривожлантириш мақсадида марказлашган ҳолда ажратиладиган маблағлар ҳажмининг ортиб бориши шароитида Ўзбекистоннинг туристлик салоҳиятидан самарали фойдаланишга; мамлакат бюджетига тушадиган маблағларни оширишга; хусусий корхоналар ва маҳаллий аҳолининг моддий-маънавий фаровонлигини таъминлашга.

Мустақиллик йилларидан сўнг, Ўзбекистон дунё туризм хизмат бозорига дадил қадамлар билан кириб бориб, жаҳон туризмидаги ўз ўрнини барқарор эгаллаб бормоқда. ТДИУ олимларининг тадқиқотлари бўйича, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда жаҳон бўйича халқаро туризмдан олинган даромаднинг фақатгина 0,002 % гина олинган. (1993 йилда Ўзбекистонда хорижий туристлардан 5 млн. АҚШ долл. миқдорида даромад олинган) ҳамда дунё бўйича халқаро саёҳатга чиққан туристларнинг 0,01 % гина қабул қилинган (1994 йилда Ўзбекистонга 60,9 мингта хорижий турист ташриф буюрган). Ҳозирда Ўзбекистонга дунё бўйича халқаро туризмга чиққан инсонларнинг 0,03 % идан ортиғи келади (2006 йилда дунё бўйича 842 млн. киши халқаро туризмга чиққан) ҳамда дунё бўйича халқаро туризмдан олинган даромаднинг 0,004 % ни ташкил қилган. (2005 йилда дунё бўйича халқаро туризмдан 680 млрд. АҚШ долл. миқдорида даромад олинган). Кўриниб турибдики, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг халқаро туризмдан даромад олишдаги ҳиссаси 2 баробарга, халқаро туристларни жалб қилишдаги улуши 3 баробарга ортган. Бу вақт мобайнида жаҳонда халқаро туризм ҳам юксак суръатларда ривожланаётганлигини инобатга оладиган бўлсак (дунё бўйича халқаро туризм ўртача йилига 10 %дан ўсгани ҳолида Ўзбекистонда халқаро туризм йилига ўртача 17 % дан ўсаяпти), эришилган кўрсаткичларнинг аҳамиятини янада чуқурроқ ҳис қилиш мумкин. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланишида эришилган кўрсаткичлар билан қўйироқда келтирилган жадваллар орқали янада аниқроқ танишиш имкони мавжуд.²

² Б.Ю. Ходиев ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти мустақиллик йилларида . Илмий оммабоп рисола- Т: Иқтисодиёт, 2007

Ҳозирда Республикамизда хорижий туристларга асосан маданий-танишув турлари таклиф қилинмоқда. Ушбу турлар давомида тарихий, архитектура, диний обидалар ва зиёратгоҳлар билан таништирилади, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва маданияти кўрсатилади. Бундай турлар давомида асосан Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги объектларга ташриф буюрилади. Республикамизда ҳаммаси бўлиб 30 га яқин турлар таклиф этиладики, уларнинг ичида Тошкент ва Фарғона водийсида амалга оширилувчи кўнгилочар, дам олиш - даволаниш, тоғ-чанғи, голф спортлари билан шуғулланиш турлари ҳам мавжуд.

11.2.жадвалда кўрсатилганидек мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда кўлга киритилган ютуқларга назар ташлайдиган бўлсак, аввало, ўлкамизга ташриф буюраётган хорижий туристлар сони ошиб бораётганлигини инобатга олиш зарур бўлади. Масалан, «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси ташкилотлари томонидан 2000-йилда 1993 йилга нисбатан 3 баробар кўп хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатилган.

Чет элдан келаётган меҳмонлар сонининг 2001 йилдаги камайиши қўшни мамлакатда амалга оширилган антиглобал ҳарбий ҳаракатлари таъсирининг натижаси бўлди. Бунда кўплаб хорижий туристлик фирмалар куз-қиш ойлари учун Ўзбекистон меҳмонхоналаридаги жой бронларини зарурат бўлмаса-да, эҳтиёткорлик юзасидан бекор қилишди. Бу жойлар бронларининг миқдори 2000 йилга нисбатан анча кўп бўлганлиги, 2001 йилда туризм янада ўсиши мумкин эканлигидан далолат беради. 2003 йилга келиб, мамлакатимизга четдан келаётган хорижий туристларнинг сони яна оша бошлади.

Жадвал 11.2.

«Ўзбектуризм» Миллий Компанияси томонидан хизмат кўрсатилган хорижий туристлар сони ва бундан олинган даромадлар

Йиллар	«Ўзбектуризм» Миллий компанияси томонидан хизмат кўрсатилган хорижий туристлар сони, минг киши ҳисобида	«Ўзбектуризм» Миллий компанияси бўйича туризм соҳасидан олинган валюта даромадлари минг, АҚШ долл.и ҳисобида	Хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий туристдан ўртача олинаётган даромад, АҚШ долл.и ҳисобида
1993	92.3	5000.0	54.15
1994	60.9	7363.6	120.91
1995	92.0	8000.0	86.94
1996	173.8	14493.0	83.38
1997	252.9	18836.0	74.48
1998	272.0	20980.0	77.13
1999	274.0	25525.0	93.15
2000	278.0	27295.0	98.18
2001	231.4	22215.3	95.99
2002	196.7	21546.0	109.54
2003	230.4	23851.0	102.33
2004	262.7	28020.0	106.62


2005	241.9	28132.6	116.29
2006	273.2	42801.1	156.66
2007	343.5	51133.4	149.10
2008	370.1	62812.7	169.70

Жадвал «Ўзбектуризм» миллий компанияси маълумотлари асосида тайёрланган.

8-жадвалда ҳар бир хорижий туристдан фақатгина «Ўзбектуризм» миллий компаниясига ҳисобот берувчи корхоналар томонидан олинган даромад кўрсатилган. Умуман олганда, Ўзбекистонга келган ҳар бир хорижий туристдан мамлакатимизнинг туризмдан ташқари бошқа тармоқ корхоналари томонидан камида 400-600 АҚШ доллари миқдорида даромад олинади: яъни, хорижий меҳмонлар меҳмонхонада тунаш ҳақини тўлашдан ташқари овқатланиш, транспортда ҳаракатланиш, туристлик товарлар ва сувенирлар ҳарид этиш, турли қўшимча хизматлар ҳариди учун кўплаб харажатларни амалга оширадиларки, шу туфайли туризм соҳаси бошқа соҳалар учун ҳам қўшимча даромад олиш имкониятини яратиб беришини кўриш мумкин. Ўзбекистон туризм маҳсулоти билан кўпроқ Европа мамлакатлари фуқаролари қизиқишмоқда, Осиё мамла-катларига назар ташлайдиган бўлсак, юртимизга энг кўп Осиёлик меҳмонлар кунчиқар Япония, Хитой, Малайзия, Жанубий Корея, Афғонистон ва Эрондан келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бутун дунё бўйича 1995-2008 йиллар давомида сайёҳлик қилган жами туристлар оқимининг динамикаси қуйидаги 11.1. диаграммада кўрсатилган:

Диаграмма 11.1.

Дунё бўйича туристлар оқими



Бутунжаҳон Туристлик Ташкилоти маълумотлари асосида

Диаграммада кўрсатилганидек, бутун дунё бўйича туризм оқимининг ўсиш суръатлари жаҳон молиявий иқтисодий инқирози натижасида 2008 йилда 25% га камайгани қайд қилинган. Бу пасайиш суръатларининг бошланғич ҳолати бўлиб, жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг давом этиш муддатларига боғлиқ.

Халқаро туристлар томонидан энг катта қизиқиш Тошкент -Самарқанд - Бухоро -Урганч - Тошкент экскурсия-танишув маршрутига билдирилмоқда. Ушбу йўналиш Ўзбекистоннинг энг муҳим тарихий ёдгорликлари билан танишиш, миллий анъаналар ва удумларни кузатиш ҳамда қадимий шаҳарлар

ҳаётига қўшилиш имкониятини беради. Туроператорларнинг фикрларича, Сурхондарё тарихий-археологик марказ сифатида шуҳрат топиб борапти.

Халқаро туризм хизмат бозорида Ўзбекистон ўз туристлик маҳсулотини асосан «Буюк Ипак йўли» рекламаси – бренди орқали сотади. Бу лойиҳа бўйича энг кўп сотиладиган турлар қуйидагилар бўлди:

- Тошкент - Самарқанд - Бухоро - Урганч - Тошкент;
- Тошкент - Самарқанд - Шаҳрисабз - Бухоро - Урганч - Тошкент.

Ўзбекистонга чет элдан келувчи туристларнинг 76 фоизи Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Тошкентга ташриф буюришга қизиқса, қолган 24% Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийси вилоятларига ташриф қилади.

Туризмнинг хусусиятларидан бири - унинг мамлакатимиздаги бир қатор минтақаларнинг иқтисодиёти ва маданиятига фаол таъсир кўрсатишидир. Туризм индустриясининг ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши транспорт тизимининг, туристларга савдо, ижтимоий-маиший, маданий, тиббий хизмат кўрсатишнинг ривожланиши билан яқиндан боғлиқдир.

Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири хорижий туристларни қадимий тарихга эга бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз каби шаҳарларимиздаги тарихий обидалар, меъморчилик, диний ва маданий ёдгорликлар ҳамда республикадаги бошқа диққатга сазовор замонавий жойлар билан таништириш орқали уларга маданий-маърифий маълумотлар беришдир. Бундан ташқари, хорижлик туристларни республикамизнинг нафақат тарихий жойларини, балки гўзал табиати билан яқиндан таништириш, ҳордиқ чиқариш, даволаниш, спорт билан шуғулланиш каби янги 20 дан ортиқ туристлик маршрутлар ҳам йўлга қўйилган.

Хорижий давлатлардан Ўзбекистонга туристларни жалб қилишни янада устириш мақсадида «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ҳар йили «ITB» (Берлин), «WTM» (Лондон), «BIT (Милан), «FITUR» (Мадрид) каби йирик халқаро туристлик ярмаркаларида иштирок этиб, хорижий шериклар билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айни пайтда, мунтазам равишда ҳар йили «Тошкент халқаро туристлик кўргазмаси» уюштирилади, унда дунёдаги кўпгина мамлакатлар туризм ташкилотларининг вакиллари меҳмон бўладилар.

Ўзбекистонга туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда республикамизнинг халқаро туристлик марказларидан бири сифатида мавқеини юксалтиришда чегарадан, божхонадан ўтиш, рухсатнома олиш ва бошқа шу хилдаги расмийликларни соддалаштиришнинг аҳамияти катта. Шундай масалаларни биргаликда ҳал этиш мақсадида «Ўзбектуризм» Миллий компанияси тегишли вазирликлар ва маҳкамалар билан биргаликда яқиндан иш олиб бормоқда.

Яна шуни такидлаш керак, АҚШ да 11 сентябр 2002 йилда бўлиб ўтган ноҳуш террорчилик воқеаси ва шундан кейин бизга қўшни Афғонистонда вужудга келган мураккаб вазият Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатиб, туристлар оқими нисбатан сустлашиб қолди. Бу каби оқибатларни камайитириш, мамлакатимизга қизиқувчан туристларни янада кўпайтириш ҳамда бу ердаги барқарор,

туристлар учун кулай вазият тўғрисида уларга тўғри маълумот тарқатиш мақсадида «Ўзбектуризм» Миллий компанияси вакиллари халқаро туристлик ярмаркаларида иштирок этишдан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихона-ларида «Ўзбекистон кунлари»ни ҳам ўтказмоқдалар.

«Ўзбектуризм» Миллий компанияси хорижий халқаро ташкилотлар билан тажриба алмашиш ва миллий туристлик маҳсулотлари бозорини ривожлантириш мақсадида яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўймоқда. Жумладан, «Ўзбектуризм» Миллий компаниясига Япония Халқаро Ҳамкорлик Ассоциацияси (JICA) ҳамкорлигида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда мамлакатимизнинг туризм имкониятларини ўрганиш мақсадида япониялик мутахассис ташриф буюрди. Бу тадқиқотларнинг натижасида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳаларга Япония томонидан техникавий ва молиявий ёрдам кўрсатиш имкониятлари кўриб чиқилди ҳамда кўплаб мутахассисларимиз замонавий япон туризм тадбиркорлиги билан танишишди.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш омилларида яна бири хорижий туристларга кўрсатилган хизматнинг сифатини тубдан яхшилашга боғлиқдир. Булар - ресторан хизмати, тавсия этиладиган таомлар, мекмонхона шароити, шунингдек транспорт, савдо, ҳордиқ чиқариш ва маданий тадбирлар сифатини ўз ичига олади. «Ўзбектуризм» Миллий компанияси бу борада туристлик хизматни сертификатлаш бўйича ташкилий ишлар олиб бораёпти, бу йўналишдаги фаолиятни тартибга солувчи тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: Халқаро туризм, халқаро туризм хизмат бозори, туристлар оқимини таъминлаб берувчи асосий мамлакатлар, Япония Халқаро Ҳамкорлик Ассоциацияси, «ITV» (Берлин), «WTM» (Лондон), «BIT» (Милан), «FITUR» (Мадрид), «Тошкент халқаро туристлик кўргазмаси», хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий туристдан ўртача олинаётган даромад.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Халқаро туризм ривожланишининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири нимадан иборат?
2. Ўзбекистонда халқаро туризмнинг ривожланиш динамикаси нимани кўрсатмоқда?
3. Ўзбекистонга чет элдан келаётган меҳмонлар сонининг 2001 йилдаги камайиш сабаби нимага боғлиқ?
4. Халқаро туризм хизмат бозорида ўтказилаётган ислохотлар нималардан иборат?
5. Ўзбекистонга келаётган туристлар оқимини таъминлаб берувчи асосий мамлакатлар қаторига қайси мамлакатлар киради?
6. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш истикболлари нималардан иборат?

12. ЭКОЛОГИЯ ВА ТУРИЗМ.

Режа:

12.1. Экологик туризм

12.2. Хорижий экотуризм бозори

12.3. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш

12.4. Ўзбекистон географиясининг туристлик жозибадорлиги

12.5. Ўзбекистоннинг туристлар эътиборига молик асосий табиий бойликлари

12.1. Экологик туризм

Ҳозирги кунда экологик туризмга ҳар қачонгидан ҳам талаб катта. Бу дунёнинг барча давлатларига тегишли бўлиб, фаол дам олишнинг бир тури, унга кўра инсон уз соғлигини тиклабгина қолмай балким, бир қанча эстетик ҳиссиётлар олади. Ҳозирги кунда экологик туризм энг ривожланган дам олиш тури бўлиб, бу спорт тури ҳам ҳисобланиб, туризмнинг энг ривожланган соҳасига айланмоқда. Экотуризмнинг мақсади ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик ҳавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристлик йўналишда оқилона фойдаланишдан иборат.

Экологик туризм деб тан олиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак: кўрсатилган хизмат йўналиши экологик бўлиши шарт, туристларларга хизмат кўрсатадиган транспорт экологик тоза, фойдали экологик тоза овқат, унинг таркибида маҳаллий маҳсулотлар бўлиши, малакали гидлар, сайёҳларни қизиқарли ва экологик тоза табиий ва маданий жойларга бошлаб бориш керак.

Бутунжаҳон туристлик ташкилоти (БТТ) – “Табиий ҳудудларга маъсулият билан саёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва маҳаллий халқнинг турмуш даражасини яхшилайдди”.

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепциясида – экотуризм деганда нафақат маърифий-маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат балки, ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг амалга оширилиши ёрдамида экология муаммоларини ҳал қилиш билан бир-бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндисини тушунамиз.

Ўзбекистонлик эколог олимларнинг умумлаштирилган фикрлари – экотуризм маърифий-маънавий тушунчалар остида экотуристларнинг экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига, табиий ҳудудларнинг тарихий ёдгорликларига, археологик топилмаларига, геологиясига, палеонтологик қолдиқларига саёҳатлари каби табиат билан боғлиқ мажмуалар киради.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади:

1. Экотуризм индустриясини шакллантириш учун махсус қонунларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш;
2. Экотуристлик фан, таълим ва амалиётнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

3. Аҳолининг экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали ўстириш, экотуризм йўналишидаги таълим ва тарбия йўлга қўйиш;
4. Экотуризм бўйича мутахассисликларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш;
5. Экотуристлик объектларни ҳар томонлама баҳолаш ва уларнинг кадастрини олиб бориш;
6. Экотуризм мониторинги ва истиқболини олиб боришни йўлга қўйиш;
7. Миллий давлат ҳудудларини экотуризм бўйича районлаштириш;
8. Давлатларнинг ва халқаро жамиятнинг экотуризмга оид тактик режа ва стратеги тадбирларини оммавийлаштириш;
9. Биологик хилма-хилликни сақлаш.

Қайд қилинган вазифаларни бажаришда қуйидаги экотуристлик тамойилларни, яъни экологик муносабатларни туризм орқали тартибга солишга йўналтирилган қоидаларга қаттиқ, маъсулият билан риоя қилиш талаб қилинади.

- Экотуризмда табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожлантириш масалаларининг устиворлиги;
- Экотуризмнинг тарихий, маданий ва бошқа туризм турлари билан боғланганлиги;
- Туризм ва сервис соҳаси йўналишидаги барча таълим муассасаларида экотуристлик ўқув киритилишининг мақсадга мувофиқлиги;
- Маҳаллий аҳолининг экологик онги ва маданиятини ўстиришда экотуризмни жалб қилиш зарурияти;
- Табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг мазмунини экотуристлик маршрутларда акс эттириш;
- Давлат, жамият, маҳаллий бошқарув идораларнинг экологик туризмдан манфаатдорлиги;
- Экотуризмда экологик ижтимоий-иқтисодий манфаатдорликнинг ягоналиги;
- Экотуризмда миллий ғурур ва ифтихорни шакллантиришнинг зарурлиги.

Тур дастурига асосан экотурлар қуйидагиларга бўлинади: ботаник, зоологик, геологик, эколого-этнографик, археологик, ва эколого-маданий агротурлар ёки қишлоқ яшил турлари; спелеологик, сувли, тоғли, ва бошқалар. Табиатнинг гўзаллиги-экотуризмни ривожланиши учун муҳим, лекин етарлича шарт эмас. Бугунги кунда дунё туризм бозорида жиддий рақобат мавжуд, аммо бу бозорга кириш осон эмас, бу ерда ўзига хос хусусиятлар ва қийинчиликлар мавжуд.

12.2 Хорижий экотуризм бозори

Ривожланган давлатларда Европа ва Америка туристлари ўз юртларида ҳам тез-тез саёҳат қилиб турадилар. АҚШ нинг миллий боғлари экотуристлар билан тўла, айрим миллий боғларда саёҳат қилиш учун олдинроқ буюртма бериш лозим. Ошиб борувчи талаблар туфайли «Ёввойи» ҳудудларда нозик экологик мувозанатни сақлаб туриш қийин. Янги рекреацион ҳудудларни барпо этиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Экотуристлар асосан табиат аслича сақлаб қолинган жойларга боришни истайдилар, лекин бизнинг сайёрамизда бунақа жойлар кундан-кунга камайиб бормоқда. Саёҳларимизга инсон томонидан ўзгартирилган табиатдан баҳра олишга тўғри келади, дам олиш кунлари табиат бағрига ёки яқин далаларга сайрга чиққанингизда шу манзарага дуч келасиз.

Бутунжаҳон туристлик ташкилоти мутахассисларининг фикрига кўра, экотуризм бозори узоқ муддатли ўсишга қаратилади. Бу юқори технологик давлатларининг ташқи муҳитга бўлган қизиқиши билан боғлиқ, айниқса индустриянинг кам ривожланганлиги ёки унинг йўқлиги ва умуман табиати бузилган давлатларни тиклашга туристларнинг қўшган ҳиссасини айтиб ўтиш керак.

Ҳозирги пайтдаги экотурист гуруҳининг таркиби қўйидагича бўлади: авваломбор, бу 35-40 ёшли кишилар, яъни бу ёшдаги одамлар «Ёввойи» табиатда сайёҳат қилиш учун соғлигини ва молиявий томондан ўзини таъминлай оладилар. Табиат ҳаммани ўз бағрига жалб этади, саёҳлардан 60% оилали одамлар, чунки уларни табиатнинг аҳволи ва оиланинг келажаги барабар равишда қизиқтиради.

Экспертларнинг таҳлил қилишича, экотуристларнинг кўпчилиги-бадавлат одамлар ёки уларнинг даромадлари ўртача даромаддан ортиқ. Туризмнинг экотурлари қиммат турмаҳсулотга киради. Дунёда инсон оёғи тегмаган ва табиат ўз аслини сақлаб қолган жойлар кам қолган, бундай жойларни саёҳат қилиш чегараланган ва у ерларни саёҳат қилиш жуда қиммат туради.

Экотуризм катта харажатлар ва вақт билан таснифланади, сайёҳат вақти бир ҳафта билан чегараланмайди. Кўпинча у 8-12 кун давом этади ва бир неча бор такрорланади. Бундай сайёҳатларнинг сабаби сайёҳатчи ўзини доимий қулайликлардан узоқроқда, табиатнинг қўйнида ҳис қилишни хоҳлайди. Шундай қилиб экотуризмнинг бозори кенг, унинг асосий сегментлари қуйидагилардан иборат:

- актив туристлар, уларнинг 2/3 қисми дам олишнинг фаол турлари билан боғлиқ, шу жумладан табиат қўйнида;
- ёввойи табиатни ёқтирганлар уни асл ҳолатда сақлаб қолишга ўринадилар. Табиатшунослик туризмнинг бир қисми бўлиб, бу категория умумий экотуристларнинг сонидан 20% ташкил этади;
- автотуристлар транспорт воситаси билан сайёҳат қилишни ёқтирганлар, кўпинча бу саҳролараро сайёҳат, саффар, тоғли ёки тошли жойларда;
- саргузаштли туризм, улар ҳам табиий туризмнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Чунки сайёҳат давомида инсон табиат билан бирга бўлиб унинг ёввойи ва оғир шароитларига дуч келади.

12.3. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш

Ҳозирги вақтда экотуристлик маҳсулотга хорижий ва маҳаллий туристлар орасида эҳтиёж катта. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Марказий Осиё табиат қўйнига қилинадиган сайёҳатчилар учун ўзига хос «Макка» бўлиб қолиши мумкин. Экологик сайёҳат – бизнинг мамлакатимизда янги ва келажаги порлоқ

йўналишлардан бири ҳисобланади. Аммо бугунги кунга келиб, у маълум хусусиятларга эга бўлиб, экологик мувозанатни сақлаб туролмайди. Бу экотурларнинг кўпи табиат ресурсларидан бир тарафланма фойдаланиш бўлиб, унга қайтаришни уйламайди. Масалан, шаҳарликлар табиат қўйнига сайёҳатларининг 90% бу бир кунлик, яқин орадаги ҳудудни кўриш билан боғлиқ. Дам олувчилар санитар қоидаларга риоя қилмайдилар. Бу ўз навбатида сувни, артоф муҳитни ифлосланишига олиб келади. Бу каби «экотуристлар» дарахтларни синдирадилар, қушларни инини бузадилар, қўрикланадиган ҳайвонларни отишдан лаззат оладилар, ўрмон ва бўтазорларни куйдириш хавфи туғилади. Шу каби ҳолларни ҳисобга олиб, бизнинг экотурларимизни баъзан «қозон-туризми» деб аташ мумкин, чунки бунда экологик тафаккурдан кўра, истеъмолчилик туйғуси устун туради.

Маҳаллий аҳоли туризмга камдан-кам ҳолда жалб қилинади, воҳаланки бу икки тамонга ҳам фойда келтириши мумкин туристлар қатор сервисга эга бўлар эдилар (жойлаштириш, овқатлантириш, гиднинг хизмати) маҳаллий аҳолига эса қўшимча молиявий даромад бўлади. Муҳими натижада иккала тараф ҳам атроф-муҳитни ва табиатни сақлашга манфаатдор бўладилар.

Ҳисобларга қараганда, Ўзбекистондаги туристлик ташкилотларнинг атиги 15 % экологик туризм билан шуғулланади. Кўп ҳолларда бу ихтисослашган фирмалар, тор экотур бозор сегментларида фаолият кўрсатадилар (саффари, ов, балиқ овида). Бундан ташқари айрим компаниялар ўз турларида табиат билан боғлиқ ҳар хил йўналишларни тақдим этади (оромгоҳлар, тарихий обидалар, диний туризм, дарё ва кўллар, тоғларга саёҳат қилиш) Ўзбекистонда экосайёҳатчи бу шаҳарда яшовчи аҳоли бўлиб, ўз вақтини табиат бағрида, яъни шаҳардан ташқарида ўтказишни назарда тутди. Бундай сайёҳатнинг давомийлиги одатда 5-7 кундан иборат бўлади. Кўп ҳолларда эса бу бир кунлик тур бўлиб, шанба ва якшанба кунларига мўлжалланади. Бу турнинг таркиби оилалилар 60%, корхона жамоалари 30%, ҳар хил ташкилотлар 10% ни ташкил қилади. Харажатлар бир суткада бир кишига 20мингдан 40минг сумгача тўғри келади бу сервис турларининг талабига кўра (транспорт, овқатланиш, жойлашишга қараб) белгиланади.

Ўзбекистонда экологик сайёҳатни ривожлантириш борасида маҳаллий аҳолини жалб қилиш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. TESIS ташкилотининг молиялаштиришга асосан Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон давлатлари давлатлараро Ғарбий Тянь-Шан биохилмалигини сақлаш бўйича лойиҳа туздилар. Бу Нурота-Қизилқум табиатни муҳофаза қилиш комплексида, рухсат этилган жониворларни ов қилиш фаолиятидан даромад келтириб ва бу жониворларнинг кўпайишини ва тиклашга ёрдам берадиган харажатларга ишлатилади.

12.4 Ўзбекистон географиясининг туристлик жозибадорлиги

Жойлашиши: Марказий Осиё, мамлакат қуруқлик билан ўралган, (Орол денгизи билан бўлган 420 км.ли чегарани ҳисобга олмаганда).

Координаталари: 41-00 шимолий кенглик, 64 - 00 шарқий узунлик.

Қўшилари: Афғонистон (чегараси 137 км), Тожикистон (чегараси 1161 км), Туркменистон (чегараси 1621 км), Қирғизистон (1099 км), Қозоғистон (2203 км), жами 6221 км.

Майдони: умумий 447,4 минг км.кв, қуруқлик 425,4 минг км.кв, сув 22 минг км.кв.

Релефи: Ўзбекистон ҳудудининг 4/5 қисмини текисликлар эгаллайди. Улардан асосийси Турон текислигидир.

Мамлакатнинг шарқи ва шимоли-шарқида Тянь-Шан ва Помир тоғ тизмалари жойлашган. Тоғлар ва тоғолди ҳудудимизнинг 1/5 қисмини эгаллайди. Шарқда ўртача ва баланд тоғликлари кўпроқ. Ўзбекистон ҳудудидаги энг баланд нукта 4643 метр. Ғарбий Тянь-Шан (Угам, Пискент, Чотқол, Қурама тизмалари) ва Помир-Олой (Зарафшон, Туркистон, Ҳисор, Кугигантов, Бойсунтов тизмалари) тизмаларининг қияликлари, этаклари ҳам Республикамиз ҳудудидадир. Бу тизмалар жануб ва ғарб томонга аста-секин пасайиб боради.

Тоғлар орасида анчагина катта чўкмалар ёйилиб ётибди. Булар Қашқадарё, Сурхондарё, Зарафшон, Самарқанд чўкмаларидир. Тоғлар орасидаги энг катта чўкма Фарғона водийсидир. Фарғона водийсининг узунлиги 370 км. ва эни 190 км. бўлиб, у уч томондан тоғ тизмалари билан ўралган, фақатгина ғарб томони очиқ. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Афғонистон билан бўлган чегарасида кенг майдонни эгаллаган Амударё чўкмаси бор. Ўзбекистоннинг марказида Қизилқум саҳроси ўрин олган.

Иқлими: континентал қуруқ иқлим. Йил фаслларига қараб ҳарорат кескин фарқланади. Январдаги ўртача ҳарорат - 6 даражани, июл ўртасидаги ўртача ҳарорат 32⁰ градус даражани кўрсатади. Ёғинлар миқдори унчалик кўп бўлмаганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги кўп жиҳатларда ирригацияга боғлиқ.

Сувлар: Ўзбекистоннинг кўпгина дарёлари ўз ўзанида қуриб қолади, фақатгина Амударё ва Сирдарё Орол денгизига қўйилиб туради. Ўзбекистонда кўплаб Айдаркул-Арнасой каби кўллари, Чордарё, Каттакўрғон сувомбори каби сунъий сув ҳавзалари мавжуд.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси: мамлакатимиз флораси ва фаунаси хилма-хил, унда саҳро ўсимликларидан тортиб тоғ-дашт ўсимликларигача, лайлак ва эчкиэмарлардан тортиб оққуйруқ кийиклар, сайғоқлар, олқорлар, айиқ ва қор қоплонигача учратиш мумкин.


Ўзбекистон ҳудудида мавжуд ва янги топиловчи минерал сув манбаларида кўплаб касалликларни даволаш имкониятлари мавжуд, тоғларимизнинг гўзаллиги эса, дунёнинг ҳеч бир машҳур дам олиш жойларидан қолишмайди.

Табиийки, Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш шарт-шароитлари фақатгина Тошкент вилоятининг Чимён-Белдорсой, Бурчмулла-Нанай, Хумсон-Оқтош зоналаридагина эмас, балки мамлакатимизнинг бошқа жойларида ҳам кўркам, сайёҳатчиларни ўзига жалб қиладиган жойлар кўп. Хатто инфраструктура мутлақо бўлмаган жойлар ҳам ўзининг табиийлиги, ибтидоий ҳолати, кўркамлиги, ўзига хос алоҳида жозибаси билан ўзига тартади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг матахассислари Ўзбекистоннинг экотуристлик районлари харитасини ишлаб чиқишган.

Харитага мувофиқ бутун мамлакатимиз ҳудуди XIV экотуристлик районга ажратилган. Ҳар бир экотуристлик районга экотуристлик зона деб ҳам қараш мумкин. Улар жумласига Устюрт, Орол ва Оролбўйи, Амударё, Қизилқум, Нурота, Зарафшон, Айдарқул, Сирдарё, Чирчиқ, Оҳангарон, Фарғона, Туркистон, Қашақадарё, Ҳисор, Сурхондарё экотуристлик районлари киритилган.

Расм 12.1. Ўзбекистон Республикасининг экотуристлик районлари³



Ҳар бир район ўзининг экотуристлик ҳолати, имкониятлари, шарт-шароитлари ва ривожланиш истиқболлари нуқтаи назаридан ажралиб туради. Масалан Устюрт экотуристлик районини оладиган бўлсак, у Ўзбекистоннинг шимолий-ғарби-Қорақолпоғистонда жойлашган палато бўлиб, унинг умумий майдони 200 минг км² ни ташкил этади. Бу жойлар дунёда энг катта ва ягона 60-150 метрлик тик қояли жарлари, даволаш хусусиятига эга бўлган жуда катта-1000 км тузли Борсакелмас шўрхохи билан машҳур. Усимлик дунёси деярли йўқ, ош тузи ва балчикли тузнинг қатлами 16-27,5 м гача боради. Янги куриб битказилган Қўнгирот сода заводи айнан ана шу тузлар ҳисобига ишлайди.

Неолит давридан қолган «Устюрт макони» ҳам ноёбдир. Унда 60 га яқин қадимий одамлар яшаган табиий объектлар аниқланган. Уларнинг ичида ҳам

³ Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси маълумотлари асосида

тарихий, ҳам экотуристлик аҳамиятга мойил «Темпа» макони бўлиб, ундан Хоразм археология экспедицияси меҳнат ва ов қуролларини топган.

Орол ва Оролбўйи экотуристлик райони экологик инқирозли экотуристлик ҳудуд бўлгани учун ҳам экстремал экотуристлик объект бўлиб ҳисобланади. Экотуристлик маршрутлар бир пайтнинг ўзида ҳам Оролнинг қуриган, ҳам унинг таъсирида бўлган Орол отрофи ҳудудларини камраб олади. Экотурлар нафакат трекинг (пиёда) ёки туя ва отларда, балки самолёт ва вертолётлар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Амударё экотуристлик райони. Амударёнинг ўзанига яқин соҳилларида тўқайзорлар мавжуд бўлиб, улар экотурлар учун жуда қизиқарли ноёб ландшафт ҳисобланади. Қуйи Амударёнинг ўнг соҳилида тўқай ландшафтидаги қушлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш учун Бадайтўқай кўрикхонаси ташкил этилган. Орнитафаунани сақлаш учун Хоразм буюртмахонаси ташкил этилган. Булардан ташқари Қизилқумнинг ғарбий қисмида, Амударёнинг ўнг қирғоғида, кембрий ва кембрийгача даврда бурмаланган тоғ жинслари очилмаларидан иборат, баландлиги 485 метрлик Султон Увайс тоғларига экотурлар уюштириш мумкин. Амударё районида Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарларидан бири Хоразм жойлашган, унинг архитектура ёдгорликлари тарихий туризм марказларидан бири ҳисобланади. Экотурларни тарихий турлар билан комплекс олиб бориш мумкин.

Нурота райони ўзининг ажойиб табиат манзаралари, тарихий архитектура ёдгорликлари билан кишиларни мафтун этади. 1975 йилда ташкил этилган ва майдони 17,8 минг га бўлган Нурота тоғ ёнғоқзор-мева кўрикхонаси мавжуд. Бу кўрикхонага «Экосан» қошидаги «Экосантур» фирмаси томонидан кўплаб маршрутлар уюштирилган. Оқтоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган жамол таъсирида тебраниб турувчи баҳайбат харсанг тошли «Санжигумон», «Кориз қолдиқлар» каби табиат ёдгорлиги экотуризмнинг муҳим объектларидан бўлиб ҳисобланади.

Кўп асрлик зиёратгоҳ «Чашма булок» яқинида «Чилистун» масжиди, мадраса, Абул Хасан Нурий мақбараси ва қалъаси жойлашган. Қоратоғ тизмасининг жанубий ён бағрида «Сармиш дараси» даги қояларда авлодларимизнинг ҳаёти ва маданиятини акс эттирувчи лавҳалар, расмлар ишланган.

Жанубий Нурота тизмасида узунлиги 110 м, абсолют баландлиги 1060 м, майдони 163 м келадиган «Майдон карст гори», Шимолий Нурота тизмасидаги узунлиги 130 м, абсолют баландлиги 1100 м, майдони 70 м келадиган «Хонаихудо карст ғор» да спелеотуризмни ривожлантириш мумкин. Булардан ташқари, XI асрда бунёд этилган ва XVIII аср бошларигача турган «Работ Малик карвонсаройи» сайёҳларнинг тўхташ жойи, шунингдек савдогарларнинг савдо қилиш жойи бўлган. Работ Малик ёнида минг йиллик тарихга эга бўлган маданий ёдгорлиги-сардоба учрайди. Ер ичига 12 м ботирилган сардобада бутун ёз бўйи муздек ва тоза сув сақланган.

Зарафшон экотуристлик районида Зарафшон дарёси бўйларида жойлашган тўқай ландшафти, ундаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш учун ташкиллаштирилган «Зарафшон кўрикхонаси» мавжуд. Бухоро вилоятининг

Шофрикон ўрмон хўжалиги ҳудудида жойлашган қум чўл ландшафти, у ердаги ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳамда тарихий ёдгорликлар (Варданза шаҳар харобалари) давлат томонидан қўриқланади. «Варданза қўриқхонаси», «Тўдакўл флора ва фаунасини бойитиш буюртмахонаси», Қоравулбозор хўжалигида жойлашган «Жайрон-экомаркази», сув ва ботқоққа мослашган қушларни кўпайтирувчи «Денгизкўл буюртмахонаси», Зарафшон тоғ тизмаларидаги Омонқўтон ва Темурланг карст горлари, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғ тизмаларидаги кўп қаватли «Гунтак ғори» ва бошқалар диққатга сазовордир. Зарафшон экотуристлик районида қадимги шаҳарлар Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари жойлашганлиги туфайли ҳам экотурлар якуни тарихий-диний архитектура ёдгорликларига қилинадиган сафарлар билан олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Туркистон экотуристлик районида экотурларни алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларга уюштириш мумкин. Чунки бу районда Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида 1959 йилда ташкил этилган, абсолют баландлиги 1760-3500 м, умумий майдони 21735 га бўлган «Зомин давлат қўриқхонаси», майдони 24110 га бўлган ноёб тоғ-арча экосистемаларини тиклаш ва рекреация мақсадларида фойдаланиш учун 1978 йилда ташкил этилган «Зомин миллий боғи» мавжуд.

Қашқадарё экотуристлик райони чўл, дашт, тоғ олди ва тоғли ҳудудлардан иборат. Бу районда ёз ва баҳор ойларида чўл ва даштларда, йилнинг барча фаслларида эса тоғ олди ва тоғли ҳудудларига экотурлар уюштириш мумкин. Қашқадарё районида 1979 йилда ташкил этилган, 3938 га майдонга эга бўлган, МДХ давлатлари ичида ягона «Китоб давлат геология қўриқхонаси», 1992 йилда ташкил этилган «Муборак буюртмахонаси», 1992 йилда ташкил этилган «Сеченкўл буюртмахонаси» мавжуд.

Сурхондарё экотуристлик районида Кўҳитанг тоғли ҳудудда 1987 йилда ташкил этилган, 53,7 минг га майдонда 800 хил ўсимлик ва 290 та қуш ҳамда 20 дан ортиқ ҳайвон турларини муҳофаза қилишга йўналтирилган «Сурхон давлат қўриқхонаси» мавжуд. Сурхондарё райони Республикаимизнинг ўзига хос районларидан бири, бу ерда қуруқ субтропик иқлим минтақаси ҳукмрон. Шунинг учун ҳам йилнинг кўп ойларида экотурлар уюштириш имконияти бор⁴.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун шарт-шароитлар етарли, имкониятлар катта. Экотурни йилнинг барча фаслларида ўтказиш мумкин ва уни тарихий, диний туризм билан қўшиб олиб бориш мумкин.

Тошкент шаҳрига яқин бўлган Хумсон-Оқтош зонасининг туристлик салоҳияти тур маҳсулот хизматларининг нархи унча баланд эмаслиги ва ҳудуднинг катта имкониятлари билан фарқланади. Хумсонга қилинадиган ташрифларнинг ўртача сони ҳар мавсумда 10 минг кишига етади, Хумсоннинг-Оқтош зонасига-бир кунлик ташрифларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда камида 120 минг кишига етиши мумкин.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси маълумотлари асосида

Хумсон халқаро туризм йўналишида кам тилга олинади. Чет эл саёҳатчилари бу ерларга фақат Тошкентга қилган ташрифлари доирасида келишади (уларнинг улуши атиги 2% ни ташкил қилади, бўлиш муддатлари 2 кунгача). Бу ҳол халқаро миқёсда реклама ишлари ҳали тўлиқ йўлга қўйилмаганлигини англатади. Шу билан бирга, Хумсон-Оқтош туристлик зонасига қизиқиш билдирадиган маҳаллий туроператорлар мавжуд. Масалан, Asia rast, Ecosan tour, Elena tour, AST, Ark-Osiyo фирмалари шулар жумласидандир.

Хумсон-Оқтош зонаси бўйича тавсия қилинадиган туристлик маҳсулот йўналишлари:

- тоғда отда юриш маршрутлари;
- тоғда пиёда юриш маршрутлари;
- фольклор ва гастрономия;
- табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш, жойларга экологик турлар уюштириш;
- балиқ ови, доривор ўсимликлар йиғиш;

Юқорида кўрсатилган маршрутлар ўтказиш учун энг қулай вақтлар:

- треккинглар-апрел-июн охири ва сентябр-октябр ўрталари;
- тоғларга чиқиш-май-сентябр;
- сувда сайр қилиш-май-июл;
- отда сайр қилиш июн-июл ва сентябр-октябр;
- велосипедда сайр қилиш-май-октябр;
- параглайдинг ва дельтапланерлик-май-октябр;
- тоғ чанғиси ва тахталари (сноубординг)-январ-март охири.

12.5. Ўзбекистоннинг туристлар эътиборига молик асосий табиий бойликлари

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан табиий бойликларни асраб қолиш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилади. Қабул қилинган бир қатор қонунлар асосида табиий бойликларимизни асраб қолиш ва биологик хилма-хилликни кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон ҳудудида кўплаб қўриқхона, парклар ва бошқа хилдаги хўжаликлар ташкил этилган ҳамда давлат ҳимоясига олинган.

Қўриқхона ва Миллий паркларга давлат мақоми берилади ва улар Республика ҳукумати томонидан ташкил этилади. Қўриқхоналар ўзлари жойлашган ернинг барча жойларига эгалик қилади, Миллий парклар ўз ҳудудларининг деярли барча жойларини тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади. Бошқа хилдаги хўжаликлар (буюртмахоналар, табиат ёдгорликлари) уларни ташкил этган маҳаллий органлар берган ваколатлари асосида иш юритишади.

Ўзбекистонда қабул қилинган биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш стратегиясига биноан, 2010 йилда мамлакатимиз ҳудудининг 10% ини қўриқланадиган табиий ҳудудларга айлантириш кўзда тутилган. Ушбу стратегия асосида Ўзбекистонда табиий қўриқхоналарни кўпайтириш ва борларининг ҳудудларини кенгайтириш борасида бир қатор ишлар амалга

оширилмоқда. Масалан, 2000 йилдан сўнг Жайрон экомарказининг ҳудуди 2000 гектарга оширилган, 1994 йилда Қизилсув ва Мироқин кўриқхоналари ҳудудлари бирлаштирилган ва унга қўшимча ерларни қўшган ҳолда Ҳисор кўриқхонасига айлантирилган, 1998 йилда қорақўл ўрмончилик ва овчилик хўжалиги ташкил этилган.

Жадвал 12.1.

**Ўзбекистон Республикасининг алоҳида кўриқланувчи табиий
ҳудудлари**

Алоҳида кўриқланувчи табиий ҳудудларнинг номланиши	Ташкил этилган йили	Майдони км².	Жойлашган жойи
Давлат кўриқхоналари			
«Бадай-Тўқай»	1971	6642	Қорақалпоғистон
Ҳисор	1983	80986	Қашқадарё вилояти
Зомин	1926, 1960 йилда қайта ташкил этилган	26848	Жиззах вилояти
Зарафшон	1975	2352	Самарқанд вилояти
Китоб	1979	3938	Қашқадарё вилояти
Қизилкум	1971	10311	Хоразм ва Бухоро вилоятлари
Нурота	1975	17752	Жиззах вилояти
Сурхандарё	1987	24554	Сурхондарё вилояти.
Чотқол	1947	35724	Тошкент вилояти
Орол пайғамбар	1960		Сурхонд арё вилояти
Миллий парклар			
Зомин миллий парки	1976	24 110	Жиззах вилояти
Угам-Чотқол Миллий давлат табиат Парки	1990	574 590	Тошкент вилояти
Махсус ташкилотлар			
Жайрон экомаркази	1976	7122	Бухоро вилояти
Буюртмахоналар			
Оқтов	1992	15420	Самарқанд вилояти
Денгизкўл	1992	50000	Бухоро вилояти
Қорақир	1992	86225	Бухоро вилояти
Қарнобчўл	1992	40000	Самарқанд вилояти
Кўшработ	1992	16300	Самарқанд вилояти
Муборак	1992	236846	Қашқадарё вилояти
Сайғоқ	1991	1000000	Қорақалпоғистон
Сармиш	1991	5000	Навоий вилояти

Сечанкўл	1992	7037	Қашқадарё вилояти
Судоче	1991	50000	Қорақалпоғистон
Табиат ёдгорликлари			
Мингбулоқ тумани	1993	1000	Наманган вилояти
Чуст тумани	1994	96	Наманган вилояти
Марказий Фарғона	1995	122	Фарғона вилояти
Ёзёвон	1991	1842	Фарғона вилояти
Ўрмон ва овчилик хўжаликлари			
Арнасой		15600	Жиззах вилояти
Бухоро		39000	Бухоро вилояти
Далварзин		5360	Тошкент вилояти
Қозоқдарё		400970	Қорақалпоғистон
Қорақўл	1998	8275	Бухоро вилояти
Қўнғирот		2606515	Қорақалпоғистон

Ўзбекистоннинг табиий биологик ресурслари аҳамияти жаҳон миқёсида тан олинган, масалан, Чотқол кўрикхонаси ЮНЕСКОнинг биосфера заҳираси мақомига эришган.

Сайғоқ каби кўчманчи ҳайвонлар учун аҳамиятли деб Устюртдаги «Сайғоқ» кўрикхонаси ва Орол денгизи атрофлари топилган бўлса, сув атрофларида яшовчи қушлар учун ўз ичига «Арнасой» кўрикхонасини олган Айдаркул-Арнасой кўллари, Денгизкўл кўли, Қорақир кўли, Ялтирбош кўллари, Судоче кўли, Тўдакўл қабилар аҳамияти юқори жойлар деб топилган.

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қумитаси «Ўзбекистон Республикасида экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси ва унинг яқин келажақдаги истикболлари»ни ишлаб чиқди. Ушбу Концепцияда Ватанимизда экотуризмни босқичма-босқич ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар, ташкилий-ҳуқуқий масалалар кўзда тутилган. Бу масалалар амалга оширилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги экологик туризми тараккий этган мамлакатлар қаторида ўз ўрнини эгаллаши имкониятлари катта.

Кўрикланадиган табиий ҳудудлардаги экологик маршрутларни туристлик ташкилотлар шу зоналарнинг маъмурияти, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қумитаси билан келишиши ҳамда “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси ёки Ўзстандарт Агентлигидан сертификатдан ўтиши лозим. Бунда қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

- маршрут схемаси (унда тегишли жой харитасида маршрут йўли тасвири бўлиши, дам олиш учун тўхташ жойлари, овқат тайёрлаш, тунаш (қўниш) жойлари кўрсатилиши керак);
- маршрутнинг баёни, яъни: масофаси, тўхташ жойлари сони, ўзини тутиш коидалари, мавсумийлик, ўтиш вақти, маршрутдаги одамлар сони берилиши;

Экологик сўқмоқлар, одатда, миллий табиий парклар ва давлат буюртмахоналари буфер, рекреацион ҳудудларида ташкил қилинади.

Алоҳида ҳоллардагина бу сўқмоқлар кўриқхоналар орқали ўтиши мумкин (лекин бунда атроф муҳига иложи борица зарар етмаслиги, гуруҳ махсус гид алоҳида кўриқланадиган зона мутахассиси етакчилигида юриши лозим).

Турмаршрутни тузишдаги расмийлик қоидалари ташкилотчилардан умумий табиий хусусиятлардан ташқари алоҳида қизиқарли объектлар (ғорлар, қоялар, ирмоқлар, кўллар), флора (доривор ва ноёб ўтлар, заҳарли ўсимликлар, лишайниклар олами) ва фауна (Қизил китобга киритилган ҳайвонлар, ҳашоратлар) тўғрисидаги маълумотларни ҳам тўплашни талаб қилади. Шунинг билан керакки, экологик йўлни танлашда фақат ландшафтнинг типигина эмас, балки бўлажак рекреацион экологик сизимни юкломани ҳам ҳисобга олиш лозим. Маршрут шундай режалаштирилиши керакки, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турлари, айниқса, давлат муҳофазасидаги турлари яшайдиган жойларни четлаб ўтилиши зарур. Йўлга чиқишдан олдин туристлар хавфсизлик техникаси, шу зоналарда ўзини тутиш қоидалари ҳамда қоида бузилганлиги учун маъмурий-жиноий жавобгарлик тўғрисида йўл-йўриқдан ўтганликлари ҳақида махсус дафтарга имзо чекишлари лозим. Одатда экологик маршрут ва унинг вазифаларини бир неча гуруҳларга бўлишади⁵.

Шунга кўра, экологик маршрутларнинг қуйидаги йўналишларига амал қилади:

- чизикли (тўғри);
- радиал;
- ҳалқасимон;
- ярим ҳалқасимон ва ҳоказо.

Вазифасига кўра улар қуйидаги хилларга бўлинади:

- билим олиш - сайр;
- билим олиш - туристлик;
- ўқув - экскурсион;
- спорт;
- рекреацион ва ҳоказо

Билим олиш-сайр маршрутларини тузишда (уларни баъзан «дам олиш кунини сўқмоқлари» деб аташади) қуйидаги талабларни ҳисобга олиш лозим:

- масофа - 4 дан 8 км гача
- иложи борица кўриқланадиган зонага кириш жойидан бошланиши;
- туристларни бир гуруҳга йиғиб, гид етакчилигида 3-4 соат мобайнида табиат, тарих ва маданият ёдгорликлари билан танишиб, йўл-йўлакай маъруза тинглаб шошмасдан юрилиши лозим.

Билим олиш-туристлик йўналишнинг ўзига хос томонлари:

- масофа бир неча ўн километрдан бир неча юз километрга етиши мумкин;
- улар кўриқхонага кириш жойидан бошланади;
- сайёҳатнинг давомийлиги-1-2 кундан бир неча ҳафтагача;
- туристлар гуруҳларга бирикиб, маршрутнинг етакчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар (ошпазлар, от боқарлар) ҳамроҳлигида босиб ўтишади;
- туристларнинг ушбу сўқмоқни мустақил ўтишларига ҳам рухсат берилади,

⁵ Н.Тўхлиев, Т.Абдуллаева "Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития", Т., стр 200

лекин, агар йўл кўриқхона зонаси орқали ўтадиган бўлса, уларга ушбу ҳудуд маъмурияти ходими ҳамроҳлик қилиши лозим;

- мустақил сайёҳат қилишдан олдин туристлар тегишли материаллар билан таъминланиши ва хавфсизлик техникаси ҳамда ўзини тутиш қоидалари билан таништирилиши зарур;
- туристлар кўриқланадиган зонага кириш учун тўланган ҳақ квитанция ва рухсатномага эга бўлишлари керак.

Ўқув экологик туристлик маршрутлари хусусиятларини мутахассислар одатда қуйидагича тушунишади:

- ушбу йўналишлар фақат экологик билим олиш учун очилади ва, аввало, мактаб ўқувчилари, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланади;
- мавзу барча иштирокчилар учун тушинарли бўлиши керак;
- одатда, масофа 2 кмдан ошмайди (кўпи билан 3 соатлик ўқув экскурсияси учун мўлжалланади);
- иложи борича алоҳида кўриқхона чегарасидан бошланади;
- болалар етакчи-экскурсовод ёки ўқув муассаси ўқитувчиси бошчилигида юришади.

Спорт ва рекреацион маршрутлар. Одатда, ушбу ҳудудларнинг хусусиятлари: тоғ кўллари ва дарёлар (рафтинг, дайвинг, елканли қайиқ спорти), тоғ чўққилари (альпинизм, қояларга чиқиш), пляж (рекреация), тузли горлар (даволаниш) мавжудлигини ҳисобга олиб тузилади. Уларнинг шу мақсадларга мўлжалланган жиҳозлари, тажрибаси ва рухсатномаси бўлган махсус фирмалар тузади.

Бундай жойларда, одатда, пиёда ёки отда юрилади, лекин истисно сифатида (маъмуриятнинг рухсати билан) автомобилда юрилади.. Ҳар қайси маршрутда 3 та асосий омил мавжуд:

- қизиқарлилик (жалб килувчанлик)-бу тушунча табиатнинг манзаралиги (гўзаллиги), ўзига хослиги ва турли-туманлиги, ёдгорликларнинг ноёблиги;
- ҳаммабоплиги-ҳудудга ҳар ёшдаги гуруҳларнинг ташриф буюриши, уларнинг муайян қоидалар ва тадбирларни бажаришлари имкони борлиги, ҳудуднинг транспорт йўлига узоқ-яқинлиги;
- ахборотдорлик-туристларнинг география, биология, геология, экология бўйича билим олишларига имконият борлиги яъни экологик маршрутнинг бошқа маршрутлардан фарқи мавжудлиги.

Иккинчи томондан, кўриқланадиган зонага киришдан олдин маъмурият туристлар учун ахборотлар кўргазма тахталари ўрнатиши лозим. Айниқса, унинг безатилишига аҳамият бериши керак, чунки туристларнинг маршрутга қизиқиш-қизиқмасликлари шунга боғлиқ. Энг аввало, бу кўргазмада қуйидагилар бўлиши лозим:

- барча маршрутлар тўғрисидаги маълумотлар (масофаси, мураккаблиги, асосий мўлжаллар, юриш вақти, мавсумийлиги);
- бу ердаги флора ва фауна, шу жумладан, давлат муҳофазасидагиларнинг рўйхати;
- юриш-туриш (ўзини тутиш) қоидалари;

- объектларни бориб кўриш нархи;
- гид (мутахассис) нинг ҳамроҳлиги шартлиги ёки шарт эмаслиги;
- энг қизиқарли жойларнинг сурати ёки расми;
- ушбу кўриқланадиган ҳудуднинг тарихий маълумоти, географик чегаралари, мулоқат телефонлари, ходимларнинг рўйхати.

Таянч иборалар: Экологик туризм, хорижий экотуризм бозори, туристлик ресурслар, туристлик жозибадорлик, табиий бойликлар, алоҳида кўриқланувчи табиий ҳудудларининг тавсифи, давлат кўриқхоналари, миллий парклар, махсус ташкилотлар, буюртмахоналар, табиат ёдгорликлари, ўрмон ва овчилик хўжаликлари.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Экологик туризм тушунчаси нимани англатади?
2. Хорижий экотуризм бозори нимадан иборат?
3. Ўзбекистонда экологик туризм қандай ривожланмоқда?
4. Ўзбекистонда туристлик ресурсларга бўлган талаб ва ундан фойдаланиш қандай аҳволда?
5. Ўзбекистон географиясининг туристлик жозибадорлиги нимадан иборат?
6. Ўзбекистоннинг туристлар эътиборига молик асосий табиий бойликлари нималардан иборат?
7. Ўзбекистон Республикасининг алоҳида кўриқланувчи табиий ҳудудларининг тавсифини ифодаланг.
8. Ўзбекистоннинг экотуристлик районлари харитаси бўйича қандай зоналарни биласиз?
9. Экологик маршрут йўналишлари ва унинг вазифалари қандай гуруҳларга бўлинади?
10. Кўриқланадиган табиий ҳудудлардаги экологик маршрутларни сертификатдан ўтказишда туристлик ташкилотлар қандай ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим?

13. ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ.

Режа:

- 13.1. Туризмни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш босқичлари
- 13.2. Туризмни ривожлантириш режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш
- 13.3. Туризм индустриясининг ривожланишини режалаштириш механизмлари
- 13.4. Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва хусусиятлари

13.1. Туризмни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш босқичлари

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасидаги қонунлар Олий Мажлис томонидан белгилаб берилади. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Туризм тўғрисида»ги қонунига мувофиқ мамлакатимизда туризмни бошқариш ва режалаштириш органлари тизими яратилган ва фаолият кўрсатиб келмоқда.

Туризм соҳасида марказий давлат ижроия ҳоқимияти органи «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ҳисобланади.

«Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг кадрлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Туристлик фаолиятнинг давлат реестри ушбу фаолият билан шуғулланувчиларнинг ҳисоб-китобини олиб боради.


Туристлик хизматларга бўлган талабни ўрганиш ва башорат қилиш, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни сақлаш, туризмни унинг барча босқичларида ривожлантириш учун компания қошида Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот консалтинг маркази тузилган.

Миллий, минтақавий ва маҳаллий даражаларда туризмни режалаштириш жараёни қўйидаги босқичларни ўз ичига олади (13.1-чизма)⁶. Кўрсатилган босқичларнинг ҳар бирини тавсифлаймиз:

1. Режалаштиришнинг мақсадлари, йўналишлари ва вазифаларини белгилаб олиш. Турли ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга мос равишда ва туризмга етиши мумкин бўлган минимал салбий таъсирларни ҳисобга олган ҳолда туризмни ривожлантириш зарурияти, имконияти ва йўллари баҳоланади.

2. Тадқиқотни тайёрлаш. Туризмни ривожлантириш соҳасидаги истиқболлар очиб берилади ва мўлжаллар белгилаб олинади, иқтисодий, экологик ва ижтимоий муаммолар, шунингдек, энг муҳим институционал элементлар (ташkil қилиш ва бошқариш, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, инвестицияларни жалб этиш ва ҳ.к.) кўриб чиқилади. Режани бажарувчиларини танлаб олиш, маҳаллий ҳоқимият органлари ва жамоатчиликни жалб қилиш, тадқиқотни ўтказишни ташkil қилиш амалга оширилади.

⁶Планирование туризма. Учебное пособие. Юреев А.П. Донецк 2003 г.



Расм 13.1. Туризмни режалаштиришнинг босқичлари

3. Режалаштиришнинг барча элементларини тадқиқ этиш. Бунда туризмнинг барча жиҳатлари (география, рақобатлашувчи туристлик фирмалар, туристларнинг келишидаги тенденциялар, мавжуд ва потенциал диққатга сазовор жойлар, жойлаштириш, транспорт, овқатланиш воситалари ва ҳ.к.) бўйича миқдорий ва сифат омиллари ва кўрсаткичлари аниқланади, бевосита жойнинг ўзида объектлар тадқиқ этилади, ҳужжатлар ўрганилади, маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик вакиллари билан мунозарали кенгашлар ўтказилади.

4. Анализ ва синтез. Туризмнинг режалаштирилаётган турининг барча ташкил этувчиларини тадқиқ қилиш натижасида олинган ахборотни сифат ва сон жиҳатидан қайта ишлаш амалга оширилади, шунингдек, ишларнинг ҳолатини янада тўлиқроқ тушуниш учун таҳлилнинг турли компонентлари бирлаштирилади ва интеграция қилинади. Туризм бозорининг конъюнктураси ва уни иқтисодий таъсирлар, туризмнинг институционал элементлари ва ҳ.к.лар таҳлил қилинади.

Туризмни ривожлантиришнинг асосий имкониятлари, унда муаммолар ва тўсқинлик қилувчи омиллар аниқланади, туристлик бизнес сифатини пасайтирувчи тўсиқларни бартараф этиш бўйича зарур тавсиялар ишлаб чиқилади. Ўхшаш туристлик маҳсулотлар ва бозорларга эга мавжуд ва эҳтимол қилинган потенциал рақобатчиларнинг фаолияти ҳисобга олинади.

5. Сиёсат ва режани ишлаб чиқиш. Туризмни ривожлантириш сиёсати ва тегишли тизимий режа ишлаб чиқилади. Биринчи навбатда ривожлантиришнинг сарф-ҳаражатлар ва фойда мувозанатда бўладиган муқобил вариантлари кўриб чиқилади. Бунда қуйидаги мезонлар қўлланилади: ривожлантириш масалаларини ҳал қилишнинг эҳтимол тутилган мураккаблиги, иқтисодий фойдаларни оптималлаштириш, ижобий экологик ва ижтимоий-маданий омилларни кучайтириш, салбийларининг таъсирини энг кам даражага етказиш, бошқа туристлик корхоналар билан самарали рақобат қилиш. Кўп вариантли баҳолаш асосида сиёсатнинг сўнгги йўналишлари ва режа тузилиши аниқлаб олинади.

Режалаштиришнинг ушбу босқичида туризмни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг энг мақсадга мувофиқ моделларини қабул қилиш учун

маҳаллий ҳоқимият органлари ва бошқа манфаатдор томонлар билан мустаҳкам алоқа боғлаш зарур.

6. Бошқа тавсиялар. Кўп вариантли моделлар тузилади ва улардан энг мақсадга мувофиқлари танлаб олинади.

7. Режани бажариш ва назорат қилиш. Режанинг сўнгги варианты ҳаққоний ва бажариш мумкин бўлиши учун зарур бўлган режани амалга ошириш моделлари ишлаб чиқилади.

Режани амалга ошириш бўйича ишлар давомида уни бажариш муддатлари ва бўлимлари бўйича назорат қилинади. Бу йўл қўйилган чекинишларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича тезкор чоралар қабул қилишга имкон беради.

13.2. Туризмни ривожлантириш режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш.

Режалар ва дастурларни ишлаб чиқишда биринчи навбатда рационал режалаштириш тамойилларини қўллаш зарур. Улар бирор-бир экологик ёки ижтимоий муаммоларсиз катта иқтисодий фойда олишга имкон беради. Бунда комплекс ёндашувга алоҳида эътибор қаратиш зарур. У иқтисодий, экологик, ижтимоий ва маданий жиҳатларнинг мутаносиблигини назарда тутди ва барча босқичларда туризмнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Комплекс режалар ва тавсиялар кўплаб ўзаро боғланган, ҳар хил элементларни ўз ичига олиши зарур. Улардан асосийлари қуйидагилардир:

- туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий, экологик, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлари ҳамда йўналишлари;
- умумий базавий таҳлил – мамлакат, минтақа ҳақида тарихий маълумотлар олиш, уларнинг қисқача географик тавсифи, табиий ҳалокатларга мойиллиги (вулқонлар, zilzilalar, бўронлар ва ҳ.к.) иқлимий шароитлар, атроф-муҳитнинг сифати, минтақани умумий ривожлантириш режалари ва дастурлари ҳамда уларнинг туризмга таъсири, демографик, маданий моделлар, иқтисодиётдаги мавжуд секторларнинг моделларини ривожлантириш тенденциялари (аҳолининг даромадлари, унинг бандлиги ва б.);
- инфраструктура жиҳатидан таҳлил ва тавсиялар – минтақа ёки мамлакатга турли транспорт воситалари билан кириш, ўтказиш потенциали ва туристлар учун қулайликлар; туристлик зоналардаги канализация, телекоммуникация; инфраструктурани такомиллаштириш бўйича мавжуд ва амалга оширилаётган режалар ва дастурлар; туризмнинг ривожланишини тўхтатиб қўядиган инфраструктура омиллари, инфраструктурани такомиллаштириш бўйича тавсиялар;
- туристлик диққатга сазовор жойлар, уларни яхшилаш бўйича фаолият турлари – мавжуд потенциал диққатга сазовор жойларни тадқиқ этиш ва уларни тоифаларга бўлган ҳолда (табиий, маданий ва бошқ.) рўйхатини тайёрлаш; диққатга сазовор жойлардан фойдаланиш нуқтаи назаридан уларни баҳолаш; уларни сақлаб қолиш бўйича тавсиялар ва чора-тадбирлар;

сезиларли ижобий ва салбий омиллар (сиёсий бекарорлик, табиий ҳалоқатлар, жинойтчилик ва бошқа.);

- мавжуд ва режалаштирилаётган туристлик объектлар ва хизматларни баҳолаш ва уларни яхшилаш – турлар ва саёҳатлар ташкил қилиш, жойлаштириш воситалари, ресторанлар, банклар, валюта алмаштириш пунктлари, магазинлар бўйича тавсиялар;
- туризмнинг тавсия қилинадиган ҳажмлари ва шакллари – мамлакат ёки минтақа (туман) доирасида туристлик ўтказиш потенциалларини туристларнинг қониққанлигини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш, туризмнинг энг мақсадга мувофиқ шакллари, ҳажмлари ва кўламини асослаб бериш;
- бозорни таҳлил қилиш ва башорат қилиш – умумжаҳон, халқаро, минтақавий ва маҳаллий моделлар; туристлик келишларнинг модели ва тенденциялари; мазкур мамлакат ёки минтақага келаётган туристларнинг умумий характеристикаси; рақобатлашаётган туристлик объектларнинг таъсири; туристлик диққатга сазовор жойлардан, объектлардан ва хизматлардан маҳаллий аҳолининг фойдаланиши; бозор мақсадларига эришиш учун жойлаштириш воситаларини башорат қилиш;
- тавсия қилинадиган туризмни ривожлантириш ва структуравий режа – иқтисодий, экологик ва ижтимоий-маданий омилларни қамраб оладиган стратегик кўрсатма; туристлик диққатга сазовор жойларнинг типлари ва жойлашиши; туризмни ривожлантириш туманлари (туристлик зоналар) ва транспорт алоқалари; муддатлар бўйича қурилиш босқичлари; туристлик-экскурсия маршрутларини кўрсатган ҳолда турларнинг моделлари ва дастурлари;
- иқтисодий таҳлил ва тавсиялар – туристлик ҳаражатларнинг мавжуд ва башорат қилинаётган ҳажми ва турлари; туризмнинг мамлакат (минтақа) иқтисодиётига башорат қилинаётган таъсири, хорижий валютадаги даромадлар; тушган даромадлар; аҳолининг бандлиги; давлат даромадларига қўшилган улуш; туризмнинг маҳаллий, минтақавий ва миллий даражадаги иқтисодий фойдасини кучайтириш бўйича тавсиялар;
- экологик жиҳатлар ва тавсиялар – туризм билан боғлиқ мавжуд экологик муаммолар ва уларни юмшатиш бўйича тавсиялар; келгусида экологик салбий оқибатларни бартараф этиш ва ижобий таъсирларни кучайтириш, туристлик туманларнинг умумий экологик сифатини кучайтириш, атроф-муҳитни сақлаш, экологик меросни асраш соҳасидаги сиёсат ва дастурларнинг зарур йўналишларини танлаб олиш бўйича чора-тадбирлар; аниқ туристлик лойиҳаларнинг экологик таъсирини баҳолаш;
- ижтимоий-маданий жиҳатлар ва тавсиялар – туризм келтириб чиқарган ижобий ва салбий ижтимоий-маданий таъсирлар; салбий таъсирларни енгиллаштириш ва ижобийларини кучайтириш; туризмга нисбатан маърифат дастурлари, туристларга маҳаллий маданий анъаналар ва хулқ-атвор қоидаларини тушунтириш тўғрисидаги ахборот берувчи материаллар; маҳаллий аҳолининг туризмнинг барча жиҳатларида иштирок этиши;
- институционал жиҳатлар ва тавсиялар – давлат, тижорат ва хусусий тузилмаларнинг туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини баҳолаш, туризмни

самарали бошқариш ва давлат идоралари, давлат сектори ва хусусий сектор ўртасида фаолиятни мувофиқлаштириш учун мавжуд тузилмаларга ўзгартириш киритиш ёки янгиларини тузиш; туризм соҳасида амалдаги қонун-қондаларга баҳо бериш, амалдаги тавсияларга ўзгартиришлар киритиш ёки янгиларини қабул қилиш; туризм секторига инвестициялар келтириш учун молиявий ва инсон ресурсларини баҳолаш; таълим ва касбий тайёргарлик дастурлари ва бошқалар.

Режалаштириш жараёнининг муҳим қирраси стратегия ва режа тавсияларини амалга ошириш услубларини аниқлаш ҳисобланади. Бунинг учун аввалдан уни бажариш йўллари ва усуллари ишлаб чиқиш зарур. Кейинги пайтларда махсус тушунтирувчи ҳужжатлар тобора кенг тарқалмоқда. У режани амалга оширишдаги изчиллик бўйича раҳбарий кўрсатма ҳисобланади.

Лойиҳани тегишли даражада (ҳукумат, минтақавий ва маҳаллий ҳоқимият органлари, фирма) ҳар томонлама кўриб чиққач ва келишиб олингач, режанинг сўнгги варианты қабул қилинади ва унинг молиявий асоси ташкил қилинади. У бажарилиши давомида ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Режани амалга оширишнинг узвий таркибий қисми унинг қуйидаги йўналишлар бўйича бажарилишини назорат қилиб бориш ҳисобланади: туристлик келишувлар сони ва хусусияти; туристларнинг қоникқанлик даражаси; туризмнинг ҳам умумий, ҳам алоҳида аниқ лойиҳаларга нисбатан иқтисодий, экологик ва ижтимоий-маданий таъсири.

Режадаги тадбирларни бажариш муддатларига қатъий амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда математик услублар ва компьютар техникасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Узлуксиз бошқариш ҳақида ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак. У қуйидагиларни қамраб олади:

- бозорлардаги ўзгараётган тенденцияларга ва маҳсулотларнинг эволюциясига мослашиш;
- объектлар ва хизматларнинг сифатини қўллаб-қувватлаш ва ошириш;
- ижтимоий ва географик жиҳатдан туризмнинг фойдасини доимий равишда ошириб бориш;
- муаммолар юзага келиши билан уларни ҳал қилиб бориш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, туризмнинг барқарор ривожланиши учун режаларда ишлаб чиқилган тадбирларни аниқ бажариш ва ушбу жараёни самарали бошқариш талаб этилади.

13.3.Туризм индустриясининг ривожланишини режалаштириш механизми

Туризм соҳаси энг мураккаб комплекс тизимдан иборат бўлиб, у ўз таъсир кучи остига иқтисодиёнинг турли тармоқларини жалб қилади. Шу билан бирга 1990-йилга қадар кўпгина давлатлар туризмни бирор бир режасиз ривожлантириб келдилар ва унга жамиятнинг умумий иқтисодий ривожланиши деб қаралди. Тажриба шуни кўрсатдики, туризмни назоратсиз, тасодифий ривожланиши кўпгина экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни вужудга келтирди, бу ўз навбатида атроф-муҳитнинг таназзулига ва миллий

ўзликнинг йўқолишига ва туристлар оқимининг камайишига, оқибатда иқтисодий йўқотишга олиб келди.

Ҳозирги пайтда жаҳон бозорида кўпгина давлатлар иқтисодиётининг рақобатсизлиги шароитида кўпгина ҳукуматлар туризмни хаттоки ўзларининг ягона иқтисодий ривожланиш имконияти деб қарашади. Туризмга жамиятни ва иқтисодиёни ривожлантирувчи усул сифатида ёндашиш, унинг аҳоли бандлигини таъминловчи мукамал манба сифатида қаралмоқда. Шунингдек, даромадни кўпайтириш ва турли сабабларга кўра табиий ва маданий йўқотишларни тиклашга ёрдам беради деб қаралмоқда. Бу бевосита Ўзбекистон Республикасига ҳам тааллуқлидир.

Шу сабабли, айтилиши мумкинки туризм индустрияси ривожига эга ҳамма давлатлар шундай қарорга келишдики, туризмни режалаштириш улар тараққиёти ривожланишининг асосини ташкил этади

Аммо, туризмни режалаштиришни ўрганишни ва таҳлил қилишни бошлашдан олдин туризмни режалаштириш нима эканлигини ва у нима учун керакли эканлигини ўзлаштириш лозим.

Туризмни режалаштириш соҳасидаги машҳур америкалик мутахассис ва халқаро маслаҳатчи *Эдвард Инскип* бу тушунчани бир қатор мақсад ва вазифаларни амалга оширишдаги келажакни ташкил этиш деб тавсифлайди.

Туризмни режалаштиришнинг зарурлиги ва муҳимлиги ҳақида биринчи марта 1989-йилда Гаагада Нидерланд халқаро парламент томонидан унинг Халқаро Парламент Иттифоқи (ХПИ) ва Бутунжаҳон туристлик ташкилотлари таклифи билан ўтказилган Халқаро парламент конференциясида қабул қилинган машҳур Гаага декларациясида баёнот қилинди.

Гаага декларацияси биринчи навбатда туризм кишлоқ хўжалиги, , соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, таълим ва шу каби биринчи даражали тармоқлар қаторида давлатнинг мураккаб ривожланиш режаларини ташкил этиши тўғрисида чора-тадбир қабул қилиниши зарурлигини маълум қилди. Шундай қилиб, туризм давлат томонидан эътибор қаратилиши зарур бўлган бошқа ижтимоий-иқтисодий фаолиятлар сингари расмий тармоқ сифатида қаралиши керак.

Бу декларацияда қуйидагилар учун самарали тадбирлар қабул қилиниши зарурлиги маълум қилинади «барқарор ривожланиш концепциясига асосланган туризмни ривожлантиришнинг мураккаб режалаштиришига ёрдамлашиш, шунингдек туризм давлат ҳокимияти томонидан туризм индустрияси иштирокида босқичма-босқич режалаштирилиши кераклиги».

Ҳозирги вақтда халқаро даражада туризм ривожланишини режалаштириш ва назорат қилиш унинг ривожланиш муваффақияти учун лозимлиги қабул қилинди. Туризмни режалаштириш яна шу далил билан тасдиқланадики, расман биринчи даражали ва туризм бўйича дунёда энг машҳур халқаро, давлатлараро ташкилот ҳисобланган Бутунжаҳон туристлик ташкилоти (БТТ) давлатларга туризмни ривожлантириш минтақавий стратегияларида, туризм сиёсатида, ўзига хос минтақаларни ҳисобга олган ҳолда туризмни ривожлантиришда, туристлик фаолиятининг миллий иқтисодиёт ва туризмни режалаштиришнинг истикболини баҳолашда амалий ёрдам кўрсатади.

Шу билан бирга туризмни режалаштиришда салбий таъсирларнинг олдини олишга ва жамиятнинг мақсад ва вазифаларини бажаришга қаратилган ҳолда айтиб ўтилганидек барқарор ривожланиш принципларига мос ҳолда олиб борилади.

Туризм миллий, минтақавий, маҳаллий даражаларда, шу билан бирга «дестинация» режасига ёки «туризмни ривожлантириш минтақаларига» мувофиқ режалаштирилади.

Миллий ва минтақавий даражалар (узоқ муддатли, ва туризм режалаштириш стратегик даражаси), туризм ривожланиш сиёсатининг умумдавлат, минтақавий ва республика даражасида шаклланишини кўзда тутди, мазкур ривожланишнинг қонунчилик асослари, туристлик фаолиятни мувофиқлаштириш ҳам миллий, ҳам халқаро даражада, туризм ривожланишининг бошқа зарурий элементларининг кўриб чиқилишини талаб қилади.

Стратегик туристлик режалаштиришнинг биринчи галдаги функцияси, миллий туристлик сиёсат яратишдан иборат. Бунда ушбу сиёсат, туристлик ривожланишда ва мамлакат аҳолиси ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Туризм сиёсатининг бошқариш тизимини яратиш миллий даражада туризмни режалаштирилишининг муҳим омили ҳисобланади.

Миллий даражада хорижий ва маҳаллий амалиётдан келиб чиққан ҳолда бошқа муҳим вазифалар қўйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

- моддий базанинг стратегик режалаштирилишида, туристлик кўрсатув асосий объектлари аниқланиб, туристлик ривожланиш минтақалари ва асосий транспорт артериялари (йўналишлари) кўрсатилади,
- хавфсизлик, кадрлар тайёрлаш ва кўп давлатларда соғлиқни сақлаш каби йўналишларнинг миллий стандартларини яратиш.

Шу билан бирга туризмни режалаштиришга раҳбарлик қилувчи давлат ижроия ҳукуматининг турли даражалари орасидаги ўзаро боғлиқликни ҳам эслатиб ўтиш лозим. Туризмни ривожлантиришнинг миллий ва минтақавий дастурлари қанчалик муваффақиятли амалга оширилса, маҳаллий шаҳар ва туман ҳокимиятлари шунчалик кўпроқ жалб қилинади.

Туризмни режалаштиришнинг маҳаллий даражаси ўз ичига туристлик кўрсатадиган объекти маҳаллий дастурларни тузишни ва ривожлантиришнинг тафсилотларини, диққатга сазовор жойларни, хордиқ чиқариш минтақаларини, турли хилдаги шаҳар туризми, маданият, фан ва бошқаларни қамраб олади.

Узоқ муддатли ва стратегик режалардан фарқли ўлароқ, туризмни режалаштиришнинг маҳаллий даражаси аниқ минтақалар, объектлар, хизматлар ёки муассасавий элементлар билан боғлиқ тезкор саволларга жавоб бериш ва ечишга қаратилган.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, туризм ривожининг маҳаллий даражаси минтақавий ва миллий ривожланишга асосан олиб борилиб ва ўз мазмуни жиҳатидан уларга зид бўлмаслиги керак.

Одатда маҳаллий даражадаги туризмни ривожлантириш билан боғлиқ фаолиятга қуйидагилар мисол бўлади:

- рекреацион минтақаларни функциявий зоналаштириш, уларни режалаштириш ечимини аниқлаш, манзараларни лойиҳалаштириш, алоҳида объектларни архитектура-режалаштириш ташкилотларини жойлаштириш ва уларнинг принциплари;
- маҳаллий норматив-ҳуқуқий актларни тузиш ва уларга риоя қилиш;
- туризм ривожига қизиқувчи барча одамлар ва ташкилотларнинг бу жараёнга қатнашишига ёрдамлашиш;
- жойлардаги туристлик инфраструктурасини режалаштириш, жумладан сув, иссиқлик ва электроэнергияларидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда;
- маҳаллий аҳоли учун барча туристлик объектларига кириш мумкинлигини таъминлаш;
- рекреацион ва маиший хизматлар билан туристларга қандай бўлса маҳаллий аҳоли учун ҳам шундай таъминлаш;
- касбий таълим, маҳаллий туризм индустрияси учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ хизмат кўрсатишга ва бошқа хизматларга ёрдамлашиш;
- туризм ривожини молиялаштириш;
- маҳаллий диққатга сазовор жойларнинг маркетинги ва туристлик дастурларини олдинга силжитиш;
- солиқ солиш муаммолари.

Қатор давлатлар тажрибасида маҳаллий маъмуриятнинг туризмни режалаштириш жараёнида қатнашиши туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш билан белгиланади. Масалан, маҳаллий маъмурият туризмни ривожлантириш минтақасини белгилашда, унинг бошлангич иштироки катта бўлади: маҳаллий ҳокимият архитекторларни, муҳандисларни, иқтисодчиларни, социологларни, экологларни ва бошқа мутахассисларни ишга йўллайди. Дастурни амалга ошириш тадбирлари жараёнларида маъмурият аста-секинлик билан фаолиятини камайтиради ва молияни ташкиллаштиришда, мутахассисларни ва маслаҳатчиларни йўллашда, қурилишда, туризм инфраструктурасини ва хизматни бошқаришда етакчилик фаолиятини хусусий сектордаги компанияларга беради.

Туризмни режалаштириш ғоят меҳнатталаб ва мураккаб иш ҳисобланади, шунинг учун туризмдаги ҳар қандай фаолиятни режалаштиришда ва амалга оширишда туризм фаолиятининг йўналишига ва натижасига ҳақиқий таъсир кўрсата олишга қодир бўлган шахслар ва ташкилотлар қатнашишади. Одатда уларга қуйидагилар киради:

- маҳаллий аҳоли;
- бизнес соҳаси (хатто баъзан туризмга боғлиқ бўлмаганлари ҳам);
- сиёсий ва бошқа расмий шахслар;
- малакавий бирлашмалар ва туризм соҳасидаги ишчиларининг жамоавий ташкилотлари;
- туризм қонунини ишлаб чиқаруви ва ривожланиши билан боғлиқ расмий ҳукумат вакиллари ва ҳар қандай даражадаги маъмуриятлар.

Ушбу санаб ўтилган вакиллар ўзига хос улуш билан келиб, умумий қарор қабул қилиш столига ўз билимларини ва таклифларини қўядилар. Яна бир бор

таъкидлаб ўтиш лозимки, уларнинг иштироки асосан режалаштириш жараёнининг бошланғич поғонасида умумий қўллаб-қувватлаш учун муҳим ва бу жараённинг барқарорлигини таъминлайди, шунингдек келажакда турли сабабларга кўра туризмни режалаштиришнинг биринчи поғонасида қатнаша олмаган шахслар ва ташкилотлар томонидан пайдо бўладиган муаммолар эҳтимолини камайтиради.

Туризмни режалаштириш мураккаб жараён бўлиб, ўз таъсири остига турли фаолият соҳаларидан кўп шахсларни ва ташкилотларни жалб қилади. Бирок, халқаро тажриба кўрсатишича, мураккаб туризмни режалаштириш дастлаб амалга оширилмаса, туристлик марказларида вақти-вақти билан муаммолар (асосан экологик ва ижтимоий хусусиятли) юз беради, бу биринчи навбатда туристларга аён бўлади ва рақобатнинг қаттиқ босими остидаги замонавий туризм бозорида туристлар дарҳол ўзларига бошқа жойни танлашади.

Шу билан бирга туризмни режалаштириш, худди бошқа турдаги ишни режалаштириш каби муваффақиятга эришиш мақсадини, муаммога йўл қўймасликни ва уни бартараф қилишни талаб қилади. Маълумки, мураккаб режалаштириш вақт ва узоқ давом этадиган муҳокама ва баҳсларни талаб қилиши мумкин, чунки турли сиёсий партиялар, ҳокимият ва маъмурият структуралари ҳамда маҳаллий аҳоли ўзларининг шахсий мақсад ва қизиқишлари билан қатнашадилар.

Аммо режалаштиришнинг умумий мазмуни шундаки, уни ривожланишнинг асосий йўналиши ва тури қилиб белгилаш, устунлигини баҳолаш таклиф қилинган ривожланиш концепциясидаги етишмовчиликларни аниқлаш лозим, агар шундай қилинмаса йўл қуйилган хатолар жуда қимматга тушади ёки улар ҳеч қачон тузалмайдиган ҳолга келади.

Шундай қилиб, туризм пухта ва мукамал режалаштирилганда кўплаб бевосита ва билвосита иқтисодий фойдалар келтириши мумкин.

13.4. Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши республика ҳукуматида ушбу соҳага катта эътибор қаратаётганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йилдаги «Туризм инфраструктурасини ва туристлик бўйича жаҳон бозорига киришни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 июндаги «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини яратиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори 2003 йил 12 ноябр, «2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳаси ва сервисни жадал ривожлантириш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилдаги қарорлари фикримизнинг яққол далилидир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ва қонун ости ҳужжатлари дастурий ҳужжатлар бўлиб улар иқтисодиётнинг юқори рентабелли соҳаси бўлмиш туризмнинг ривожланиши учун ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва моддий-техник чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган.

Туризм билиш, рекреацион, спорт-соғломлаштириш, кўнгилочар ва бошқа функцияларни бажаради. Ҳозирги вақтда у Ўзбекистон иқтисодиётида ривожланган туристлик мамлакатларга қараганда унчалик катта ўрин тутмаяпти. Туристлик фаолиятдан тушган тушумлар ички ялпи маҳсулотнинг 1-2 фоизини ташкил қилади, холос.

Туризм соҳасидаги баъзи салбий омилларни енгиш узоқ вақт ва биринчи навбатда давлат томонидан режалаштиришни талаб этади.

Соҳанинг ҳозирги ҳолати Ўзбекистоннинг потенциал имкониятларига жавоб бермайди. Республикамиз туристлик индустрияни янада ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитларга эга: табиий шароитлар, тарихий-маданий, моддий ва инсон ресурслари. Туризм мамлакатнинг бозор муносабатларини рағбатлантиришнинг, миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ижобий таъсир кўрсатишнинг, аҳолини иш билан таъминлашнинг, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича ишлар яхшиланишининг, аҳолининг маданий ва соғлиқ даражасини кўтаришнинг энг самарали усулардан бири бўлиши мумкин ва шундай бўлиши ҳам керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатлари комплекс ва узоқ муддатли хусусиятга эга. Уларнинг биринчи галдаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

- туризмни давлат тамонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш, уни ривожланишини режалаштиришда давлат ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналарни, шунингдек, алоҳида фуқароларни жалб этиш;
- тегишли моддий-техника базасининг иқтисодий асосларини ва ривожланган инфраструктурасини яратиш;
- туристлик соҳани бошқаришни марказлаштиришдан ҳоли қилиш, давлат тасарруфидан чиқариш, бозор ҳўжалик юритиши асосида замонавий тузилмаларни яратиш;
- туристлик ресурслардан, ўзбек халқининг миллий тарихи ва маданияти ютуқларидан фойдаланиш асосида мамлакат ва хорижий (кириб келувчи) туризмнинг устуворлигини таъминлаш;
- туристлик хизмат кўрсатиш асосий шакллариининг давлат стандартларини ишлаб чиқиш;
- аҳолининг маънавий ривожланишига, унинг соғлиги мустаҳкамланишига, фуқароларда умуминсоний қадриятлар, экологик маданият шаклланишига кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантиришнинг истиқболдаги мақсади–республиканинг миллий-маданий тикланиши, миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларидан бири сифатида туризмни ривожлантириш борасидаги ижтимоий-иқтисодий ва ҳўжалик масалаларини ҳал қилишдир (бу тармоқ БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган Туризм партияси талабларига жавоб берадиган бўлиши керак).

Туризм соҳаси олдида турган асосий вазифа – Ўзбекистоннинг табиий иқлимий, рекреацион, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий маданий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ички ва халқаро туризм эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган юқори рентабелли туристлик тармоқни яратишдан иборат.

Ўзбекистон халқаро туризм бозоридан мустаҳкам ўрин олиши учун туристлар учун юқори даражадаги қулайлик яратилиши, уларга хизмат кўрсатишнинг барча турлари бўйича стандартлар тизими, хавфсизлигини таъминлаш кафолатлари юзага келтирилиши шарт.

«Туризм тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда туризмнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат⁷:

- давлат манфаатлари ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари, халқаро туристлик амалиёт меъёрларини ҳисобга олган ҳолда туристлик тармоқнинг устувор ривожланишини таъминлаш;
- келгусида туризмнинг янада ривожланишига кўмаклашадиган қонун ҳужжатлари ва бошқа меърий ҳужжатларни тайёрлаш;
- тармоқнинг ташкилий тузилишини, уни бошқариш ва фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш;
- туризмнинг ривожланган инфраструктурасини яратиш;
- туристлик-рекреацион зоналар, ҳудудлар ва туристлик марказларни ўзлаштириш;
- ахборот-реклама фаолияти йўналишларини белгилаш, маркетинг ва экскурсия-услубий хизматларни ташкил қилиш;
- имтиёзли равишда маблағ билан таъминлаш ва кредит бериш йўли билан туристлик фаолиятни рағбатлантириш;
- тармоқнинг малакали кадрлар ва илмий потенциалини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш;
- табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни сақлаш самарасини таъминлаш заруратини ҳисобга олган ҳолда туристлик фаолият олиб боришнинг шакллари ва механизмни ишлаб чиқиш.

Туризмни ривожлантиришни тезлаштириш жараёни бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Халқаро тажриба шундан далолат берадики, айнан бозор туристлик ҳўжалик фаолият кўрсатиши учун энг мақбул иқтисодий муҳити ҳисобланади. Ўз навбатида, туристлик тармоқ корхоналари, бевосита истеъмолчига мўлжал ола туриб, бозор муҳити шаклланишига фаол кўмаклашиши керак.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни бажариш туристлик фаолиятнинг самарадорлигини ошириш, туризм инфраструктурасининг мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ва маданий ривожлантиришнинг бошқа устувор соҳалари билан ўзаро алоқасини мустаҳкамлашга имкон беради.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида» ги Қонуни. Халқ сўзи газетаси 14.09.1999.

Ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда туристлик хўжалик айни пайтда турдош тармоқларга юқори талаблар қўяр экан, фақат технологияларни такомиллаштириш ва меҳнатни ташкил қилишни яхшилашгагина эмас, балки хўжалик юритишнинг энг самарали шакллари жорий қилишга, янги иш жойларини яратишга ҳам кўмаклашади.

Жамоа ва хусусий мулкчиликдаги кичик ва хусусий корхоналар сонининг кўпайиши катта марказлашган маблағларни жалб қилмаган ҳолда туризмни ривожлантиришга имкон беради. Айнан шундай ёндашув хорижий сармояларнинг кириб келишига, хорижий фирмалар томонидан 1-2 йил ичида туристлик объектлар ва марказлар қурилишига, шунингдек уларнинг тез муддат ичида (2-4 йил) ўзини қоплаб кетишига кўмаклашади.

Туристлик тармоқни ривожлантириш суръатлари 2010 йилга бориб хорижий туристларни қабул қилишни икки мартага оширишни назарда тутди. Мамлакатимиз туристлари, шунингдек экскурсантлар сони уч мартага кўпайиши керак.

Ўзгарувчан давлат солиқ сиёсатини ўтказиш, туризм инфраструктурасини ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш мамлакат бюджетига тушумларнинг икки баробар кўпайишига имкон беради.

Ўзбекистон Республикасида туризмни барқарор ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга, бақувват туристлик тармоқ яратишга, туризм инфраструктурасига давлат таъсирининг бошқарувини кучайтиришга, аҳолининг турмуш даражасини оширишга, экологик хавфсизликни таъминлашга, тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаб қолишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг даражасини оширишга, жамиятнинг маънавий салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда туристлик хўжалик айни пайтда турдош тармоқларга юқори талаблар қўяр экан, фақат технологияларни такомиллаштириш ва меҳнатни ташкил қилишни яхшилашгагина эмас, балки хўжалик юритишнинг энг самарали шакллари жорий қилишга, янги иш жойларини яратишга ҳам кўмаклашади.

Таянч иборалар: Туризмни бошқариш ва режалаштириш тизими, режаларини ишлаб чиқиш босқичлари, режалар ва дастурларни ишлаб чиқиш, режалаштириш механизмлари, маҳаллий даражада, минтақавий ва миллий даражаларда, узоқ муддатли ва стратегик режалар, рекреацион, институционал.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасида туризмни бошқариш ва режалаштириш тизими ким томонидан амалга оширилади?
2. Туризмни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш босқичлари нималардан иборат?
3. Туризмни ривожлантириш режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш қандай амалга оширилади?
4. Комплекс режалар элементлари ўз ичига нималарни олади?
5. Туризм индустриясининг ривожланишини режалаштириш механизмлари

нималардан иборат?

6. Маҳаллий даражадаги туризмни ривожлантириш фаолиятига нималар киради?
7. Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва хусусиятлари нималардан иборат?

14. ТУРИЗМ ХИЗМАТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИШ

Режа:

- 14.1. Лицензия олиш учун давлат томонидан ўрнатилган талаблар.
- 14.2. Туристлик фаолиятга лицензия бериш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаш.
- 14.3. Туризм фаолиятига лицензия олиш расмийликларининг босқичлари ва хусусиятлари
- 14.4. «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг лицензияларни текшириш жараёнидаги ҳуқуқлари

14.1. Лицензия олиш учун Давлат томонидан ўрнатилган талаблар

Ўзбекистонда туризм фаолияти лицензияланади, ҳамда бу жараёни ўтказиш механизми тегишли қонун билан белгиланган. Туризм бизнесини ташкил этиш учун расмийликни ўзига хос хусусиятларини билиш зарур, жумладан, лицензиялаш соҳасини ва бошқа рухсатнома ҳилидаги ҳужжатларни мукамал билиш талаб этилади. Қонунга кўра лицензия бериш ва уни бекор қилиш ёки унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш, каби ҳаракатлар Вазирлар Маҳкамасининг Комиссияси томонидан қарор қабул қилинади, унинг бу борадаги ишчи органи функциясини «Ўзбектуризм» МК бажаради. Энг асосий талаб – лицензия тадқиқотчилари фақатгина юридик шахс бўлиши шарт.

Туризм фаолиятини амалага ошириш ҳуқуқи 5 йил давомида ҳақиқий ҳисобланувчи намунавий лицензиялар берилади, шунга қарамасдан буюртмачи талабига кўра камроқ муддатга ҳам лицензиялар берилиши мумкин.

Лицензия олиш учун Давлат томонидан ўрнатилган талаблар қўйилган бўлиб, улар қаторига қўйидагилар киради:

- туризм тўғрисидаги қонунга, туризм соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси стандартлари ва халқаро стандартларга мажбурий равишда риоя қилиш;
- ҳуқуқий шахс штатида туризм соҳасида махсус таълим олган ёки туризм соҳасида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган, камида битта ходимнинг бўлиши. Шу тарзда туризм корхонаси тегишли билим, малака, кўникмага эга бўлган соҳа мутахассислари билан акс эттирилиши зарур;
- янги технологияни ва бошқарув тажрибасини жорий этиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли сайёҳатларни, экскурсияларни ташкил этиш ва улар билан боғлиқ хизматлар билан бевосита банд бўлган ҳуқуқий шахс ходимлари ҳар 3 йилда камида 1 марта малакасини ошириш зарур;
- шакилланган низом жамғармаси камида минимал иш ҳақининг 400 таси миқдорида бўлиши керак, чунки у тегишли моддий ва иқтисодий ресурсга эга бўлиши лозим;
- мижозлар билан ишлаш ва турмаҳсулотни ишлаб чиқиш мос равишдаги ишчанлик муҳитини талаб этиши сабабли хусусий ёки ижарага олинган хизмат биносида тегишли жиҳозларнинг мавжудлиги;

- тақдим этиладиган туризм хизматларига мувофиқлик сертификатларининг мавжудлиги, чунки бу ҳар қандай турга қонуний тус бериш ва хавфсизлик талаблари билан боғлиқдир;
- туризм хизматларини фақатгина миждоз билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига мос равишда шартнома тузилгандан кейингина кўрсатиш. Бошқа ҳолатларда шартнома ҳуқуқий кучга эга бўлмайди ва суд орқали бекор қилиниши мумкин;
- чет эл давлатларига ташриф буюриш, чиқиш, киришни ўзига хос хусусиятлари тўғрисида, туристлик ташриф вақтида ва ҳар бир аниқ давлатга ташриф буюришни бошқа қоидаларини ўзига хос хусусиятлари тўғрисида мукаммал маълумотларни белгиланган тартибда ҳар бир туристга етказиш;
- миждозга иш тартиби тўғрисида, унинг ҳуқуқий манзили, лицензияни мавжудлиги, мажбурий сертификатлашга тортиладиган хизматлар учун сертификатларни мавжудлиги, туризм фаолиятини аниқ йўналишларини юритиш учун жавобгор бўлган лавозимли шахсларнинг фамилияси, исми, шарифи ҳақида тўла маълумот бериш;
- туристлар хавфсизлигини таъминлаш, жароҳатланганда, бетоб бўлганда ва бошқа ҳолатларда тиббий ҳамда бошқа биринчи ёрдам кўрсатиш тизимини мавжудлиги;

Расм 14.1. Туризм фаолиятига лицензия бериш ва аризалар билан ишлаш жараёнлари



14.2. Туристлик фаолиятга лицензия бериш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаш

Лицензия олиш учун тегишли зарурий ҳужжатларни тайёрлашга тўғри келади уларга қўйидагилар киради:

Ҳуқуқий шахсни ташкилий – ҳуқуқий шакллари ҳамда номи унинг жойлашган манзили (почта манзили), ҳуқуқий шахснинг амалга оширишни мўлжаллаган фаолият турини лицензияладиган банк муассасасининг ҳисоб – китоб рақами ва банк муассасасининг номи, кўрсатилган фаолият турини амалга ошириш муддатлари кўрсатилган лицензия бериш тўғрисида **аризаси**;

Ҳуқуқий шахсни давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нотариусдан тасдиқланган нусхаси;

Лицензия тадқиқотчиси томонидан лицензия тадқиқотчисининг аризасини кўриб чиқиш учун 5 карра минимал иш ҳақи миқдорида лицензия йиғимларини ўтказганлигини тасдиқловчи **ҳужжат**. Агар тадқиқотчи томонидан берилган ариза рад қилинган ҳолатларда тўланган сумма қайтарилмайди;

Лицензия тадқиқотчисининг бинодан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда «Ўзбектуризм» МК вакиллари томонидан тузилган комиссиянинг бинони, моддий – техникавий жиҳозлангани фаолият турини лицензиялаш талабларига жавоб беришини тасдиқловчи ва уни кўздан кечирганлиги ҳақидаги **ҳужжати**;

Шакиллантирилган низом жамғармаси миқдори тўғрисида **банк маълумотномаси**;

Мутахассисларга туризм соҳасидаги иш стажини ёки махсус таълимнинг мавжудлигини тасдиқловчи **ҳужжат** (диплом ёки меҳнат дафтарчасининг нусхаси, ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ);

Раҳбарни исми, шарифи, фамилияси, туғилган йили, паспорт маълумотлари, уй манзили, маълумоти, телефон рақамлари тўғрисидаги **маълумотлар**.

«Ўзбектуризм» МК томонидан қарорларни қабул қилиш жараёни қатъий аниқ белгиланган вақтда амалга оширилади, лекин амалиётда баъзан айрим кечикишлар ҳам кузатилади. Шунга қарамайдан лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарори лицензия тадқиқотчиси томонидан барча зарурий ҳужжатларни ариза билан биргаликда тақдим этгандан сўнг 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади. Экспертларни фикрига қараганда, бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, молиявий ва солиқ хизматлари ўз соҳалари бўйича зарурий текширишлар билан боғлиқдир. Масалан, туризм соҳасидаги фаолият учун лицензия фирма – эгалари (хўжайинлари) тўғрисида маълумотлар жўнатиладиган муассасалар рўйхатига Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар Вазирлиги (ИИБ), Ташқи ишлар Вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигилари киради.


Ҳар қандай ҳолатда «Ўзбектуризм» МК 15 кун муддат ичида, тақдим этилган ҳужжатлар бўйича эксперт хулосаларини тайёрлайди, ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда лицензияни бериш ёки (бермаслик) уни рад этиш


тўғрисидаги таклифларини комиссияга тасдиқлаш учун тегишли қарор қилинганлиги ҳақида қарор баённомасини тасдиқлайди.


Ундан сўнг натижалар тўғрисида Миллий компания уч кун муддат ичида тадқиқотчини хабардор қилади, яъни унга банк реквизитлари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда бевосита тақдим этади ёки жўнатади (унда давлат пошлиналарини тўлаш муддати ва ҳисоб рақамлари акс этиши керак). Бир вақтнинг ўзида тадқиқотчига лицензион келишувни имзолаш учун жўнатади. Шунини қайд қилиш керакки, агар 3 ойлик муддат ичида юқорида қайд қилинган лицензиат келишуви тузилмаса ва давлат пошлинаси тўланмаган ҳолатларда ҳукумат комиссияси лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Қўйида Ўзбекистонда «Ўзбектуризм» МК нинг ишчи органи орқали туризм лицензиясини расмийлаштириш жараёни ва босқичлари кўрсатилган.

14.3. Туризм фаолиятига лицензия олиш расмийлаштирилишининг босқичлари ва хусусиятлари







Расм 14.2. Туризм фаолятига лицензия олиш расмийтчиликларининг босқичлари

14.4. «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг лицензияларни текшириш жараёнидаги ҳуқуқлари

Лицензиат тамонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишни назорат қилиш қонунда белгиланган тартибда «Ўзбектуризм» МК томонидан амалга оширилади. Бунда МК қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- лицензиатни лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши режали текшируви ва лицензиат томонидан ушбу ҳолатларда бузилиш фактлари мавжуд бўлганда режадан ташқари текширувларни ўтказди;
- лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишни текширишни ўтказишда туғилувчи масалалар бўйича зарурий маълумотларни сўраш ҳамда олишга;
- текшириш натижалари асосида лицензиатни лицензия талаблари ва шартларини аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда акт ёки маълумотнома тузади.
- аниқланган камчиликларни лицензиатга бартараф этиш мажбуриятини юқловчи бундай бузулишларни бартараф этиш муддатларини белгиловчи қарорни чиқаришга;
- лицензия ҳаракатини тўхтатиб қўйиш, таъқиқлаш ёки бекор қилиш тўғрисида масалани Комиссияда кўриб чиқиш учун тақдим этади.

МК туризм фаолиятига лицензия реестрини юритади, унинг маълумотлари жисмоний ва ҳуқуқий шахслар учун очик ҳисобланади (14.1.жадвалга қаранг).

«Ўзбектуризм» МК ва лицензиатнинг айрим расмийликларининг мазмуни ва мақоми

Жадвал 14.1.

Мақом	Мазмуни
Лицензия келишуви	– келишувни имзолаган мансабдор шахснинг фамилияси, исми ва шарифи; – томонларнинг реквизитлари; – лицензия бериладиган фаолият тўрининг номи; – лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартларини бўзганлик учун томонлар жавобгарлиги; – лицензия келишуви талаблари ва шартларини лицензиатни бажарилиши устидан ишчи органи томонидан назорат тартиби.
Лицензиялар реестри	– ҳуқуқий шахс номи, унинг ташкилий ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефон ва факс номери; – раҳбарнинг фамилияси, исми ва шарифи; – лицензия номери ва берилган вақти;

	– лицензияни амал қилиш муддати; – лицензияни қайта расмийлаштириш вақти ва асос, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишни тўхтатиб қўйиш ва амал қилишни бошқатадан йўлга қўйиш; – лицензияни таъқиқлаш учун асос ва вақти (сана); – лицензияни бекор қилиш учун асос ва вақти (сана); – дубликатни бериш санаси ва асос.
--	--

Бериладиган лицензияларда туристларга хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини ҳисобга олган ҳолда икки тўрнинг индексацияси амалга оширилади:


- **Ч– чет эл туризми;**
- **М– миллий туризм;**

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасида 2008 йилда туризм фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг йиғилишида жами 44 ташкилотнинг ишлари кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган ҳужжатлар асосида 37 та ташкилотга туризм соҳасида фаолият олиб боришга рухсат берувчи лицензиялар берилди. 5 ташкилотга лицензия беришга рад жавоби берилди, 2 ташкилотнинг лицензияси бекор қилинди.

Минтақалар бўйича лицензия олган ташкилотларнинг таркиби қўйидагича: Тошкент бўйича – 24 та, Бухоро бўйича – 1 та, Самарқанд бўйича – 7 та, Чирчиқ бўйича – 1 та, Урганч бўйича – 1 та, Наманган бўйича – 3 тани ташкил этади. (14.1.диаграммага қаранг.)

Диаграмма 14.1.



Таянч иборалар: Туристлик фаолиятни лицензиялаштириш, лицензия, лицензия реестринининг таркиби, расмийлаштиришнинг босқичлари, ҳужжатларни тақдим этиш, лицензиат, минтақавий бўлимга узатиш, лицензия тадқиқотчиси, дубликатни бериш санаси, лицензияни таъқиқлаш учун асос.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Туристлик фаолиятни лицензиялаштириш расмийчилиги нимадан иборат?
2. Лицензия олиш учун Давлат томонидан ўрнатилган талаблар нималардан иборат?
3. Туризм фаолиятига лицензия бериш ва аризалар билан ишлаш жараёнлари нималардан иборат?
4. Лицензия олиш учун қандай ҳужжатларни тақдим этиш керак?
5. Туризм фаолиятига лицензия олиш расмийчиликларининг босқичлари ва хусусиятлари нималардан иборат?
6. Лицензиятни текширишни амалга оширишда «Ўзбектуризм»МК нимани амалга ошириш ҳуқуқига эга?
7. «Ўзбектуризм»МК туризм фаолияти бўйича лицензия реестринининг таркиби нимадан иборат?

15. ТУРИСТЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ

Режа:

15.1. Суғурталаш туризм фаолиятидаги зарурий элемент сифатида

15.2. Туризмда суғурталашнинг турлари

15.3. Туризмда суғурталашни расмийлаштириш

15.1. Суғурталаш туризм фаолиятидаги зарурий элемент сифатида

Сўнгги йилларда суғурталанадиган ходисалар сони сезиларли даражада ортди, айниқса, ўлим ҳолатлари кузатилдики, жасадни унинг доимий яшаш жойига ватанига элтиб қўйиш вазиятларига дуч келишди. Қатор давлатларда одат тусига кирган суғурталаш ҳолатлари ёмонлашди. Суғурталаш ҳолатини ёмонлашувининг сабабларидан бири чет элда туристларни юриш-туриш қоидалари маданиятининг етарли эмаслигидир.

Бахтга қарши, кўпгина бизнинг фуқароларимиз, «яхши бўладига» ишониб, туристлик ташрифлар олдидан кўнгилли суғурталаш хизматидан фойдаланишга шошилмайдилар. Бизнинг фуқоралар ҳар қандай суғурта турига ҳам ишончсиз муносабатда бўладилар, гуёки пул тўлаб ҳеч қандай натижа бўлмаганидек, ишончсизлик билан салбий муносабатда бўладилар. Шунга қарамасдан агар бошқа мамлакатга туризм мақсадларида ташриф буюришга отланиб турган немис, француз ёки америкалик туристдан сўралса, у энг аввало суғурта полисини ҳарид қилишини айтади.

Чет элга чиқувчи турист ҳар қандай ҳолатда фавқулодда вазиятларга дуч келади: иқлим ўзгариши, сувнинг кимёвий таркиби, овқатланишни бошқача тартиби ва кўпинча бошқа ўзгаришлар ўз салбий оқибатларини олиб келиши мумкин.

Сўнгги йилларда яна бир нечта салбий тенденциялар юзага келди: биринчидан, дунё бўйича қатор сурункали касалликларга эга бўлган ёши ўтиб қолган кишилар фаол тарзда ҳаракатлана бошлади. Улар қоидага кўра, айнан улар учун тўғри келмайдиган иқлимли давлатларга сафар қилишга интиломокдалар. Кўпгина қариялар дунёни нариги чеккасида, масалан, АҚШ ва Исроилдаги ўз фарзандлариникига ташриф буюришда узоқ муддатли парвоз, иқлим ҳамда овқатланишни ўзгариши ёши ўтган қариялар учун ўзининг салбий натижасини кўрсатмасдан қолмайди.

Яна бир муаммо – дам олишда кичик ёшдаги болаларни олиб юриш урф-одат тусига кирмоқда. Туристлар ҳанузгача дам олишда ўзлари билан 2-3 ёшли фарзандларини, баъзи ғайратли ота-оналар ҳатто эмизакли гўдаклари (чақалоқлари) ни эмламасдан саёҳатга олиб чиқмоқдалар. Мазкур ҳолат чақалоқлар учун мақбул яшаш шароитлари ҳамда озуклантириш имкониятлари мавжуд бўлган беш юлдузли меҳмонхоналарга йўлланмалар ҳарид қилинган бўлса, ижобий натижага эришиш мумкин. Аммо икки-уч юлдузли пансионлардаги шароитларда гўдаклар учун имкониятлар мавжуд эмас. Суғуртачилар билан тўқнаш келадиган муаммолардан яна бири гуруҳ кузатувчиларини тажрибасизлиги ҳисобланади.

Таасуфлар бўлсинки, ханузгача суғуртани қўшимча юклама деб ҳисобловчи туристлик агентликлар билан дуч келинмоқда. Бундай агентликларнинг ходимлари суғурта хизматларини тўғри сотиш қобилиятини етарли даражада баҳоламаслик туфайли мижозлар олдида кўп нарса йўқотмоқдалар.

Бунинг устига, ўз мижозларига номақбул суғурта компаниясининг полисини сота туриб, фирма ўз молиявий ҳолатини бўлажак ходисаларга боғлиқ қилиб қўйиши мумкин. Аксинча суғуртага ва суғурталовчини танлашга онгли муносабат, сўзсиз туристлик фирмага бал қўшади ва унинг бюджетидаги пул маблағларини сақлаб қолади.

15.2. Туризмда суғурталашнинг турлари

Туристлик фирмалар худди юридик шахслар каби суғурта компанияларини хизматларидан фойдаланилади. Аммо туризм бизнесида мажбурий ва кўнгилли суғурталашнинг қўшимча турлари амал қилади.

Туризм тизимида суғурталаш қўйидаги турларга таснифланади:

- туристни ва унинг мулкни суғурталаш;
- туристлик фирмалар таваккалчилигини суғурталаш;
- туристларни чет эл ташрифларини суғурталаш;
- чет эл туристларини суғурталаш;
- фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш;
- автотранспорт воситаларининг эгаларини фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш;
- тиббий ҳаражатларни қоплаб, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш.

Суғурталаш ихтиёрий ва мажбурий суғурталарга бўлинади.

Суғурталашни мажбурий турига фаолиятдаги ҳужжатларга мос равишда қўйидагилар киради.

- автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш;
- транспорт саёҳатларини суғурталаш.

Туристларни суғурталашни қолган турлари ихтиёрий ҳисобланади. Туристни ва унинг мулкни суғурталаш туристлар мулкни йўқолиши ёки зарар етиши учун жавобгарликни ўз ичига олади. Бундай шартноманинг ҳаракати суғурталанувчини доимий яшаш жойидан чиқиб кетиш вақтидан бошлаб, унинг қайтиш даврида тугалланади. Бундай шартнома бўйича туристлар ўзлари билан бирга олган шахсий ва туризмга оид тегишли мулкларини суғурталаш мумкин. Юк деганда туристни қайд қилинган ва қайд қилинмаган нарса-буюмлари тушунилади. Бундан ташқари унинг устидаги мавжуд кийими ҳамда чет эл ташрифи давомида ҳарид қилинган нарса-буюмлари суғурта қилинади.

Суғурта жавобгарлигининг турлари: авария, ёнғинлар, портлаш, табиатнинг бахтсиз ҳодисалари, ўғирлик, зарар етказиш ва бошқа атайлаб ҳамда онгли тарзда ҳаракатлар, ҳарбий ҳаракатлар ва ҳоказолар.

Туристлик фирмалар таваккалини суғурталаш ўз ичига молиявий таваккални, туристларни уларни қариндош уруғларини учинчи шахс олдидаги даъволари бўйича жавобгарликни ўз ичига олади.

Молиявий таваккаллар қаторига қўйидагилар киради:

- тижорат таваккали (тўловни амалга оширмаслик ёки кечиктириш, форс-мажор ҳолатларидаги шартномани бузилиш вазиятларини тан олинмаганда контрагентнинг жарима санкциялари;
- фирманинг банкротга учраши;
- божхона қонунларини, валютани тартибга солиш, паспорт назорати ва бошқа божхона расмиячилигининг ўзгариши;
- форс-мажор ҳарактерига эга бўлган ҳаракатларни юзага келиши;
- сиёсий таваккалчилик ва бошқалар.

Қоидага кўра, чет эл туристлик таширфларида туристларни суғурталаш ўз ичига қўйидагиларни олади:

- чет эл таширфи даврида тўсатдан касал бўлганда ёки бахтсиз ҳолатларда туристга биринчи тиббий тез ёрдам кўрсатиш;
- тегишли тиббий назорат остида уни сифатли даволашга қодир бўлган яқин атрофдаги шифохонага элтиб қўйиш;
- ишончли тиббий назорат остида туристни доимий истиқомат қиладиган давлатга қайтариш;
- шифохонадаги назорат ва унинг оиласини бу тўғрида огоҳлантириш;
- агар тиббий препаратларни шу жойда топиш имконияти бўлмаса унга етказиш;
- шифокор – мутахассиснинг маслаҳат хизматлари (зарурат бўлганда);
- бетоб бўлиб қолган туристни ёки унинг жасадини у доимий истиқомат қиладиган мамлакатга элтиш бўйича транспорт харажатлари тўлови;
- турист мулкани ватанига қайтариш;
- чет элдаги фуқаролик ва жиноий ишларни тергов қилишда туристга ҳукукий ёрдам кўрсатиш.

15.3. Туризмда суғурталашни расмийлаштириш

Суғурталаш шартномасини тузишда суғурта суммаси белгиланган мамлакатга мос равишда танланади ва минимал қоплаш заруриятига боғлиқ равишда гуруҳланади.

Ҳозирги кунда туристлик суғурталаш хизматини икки шакли амал қилади: **компенсацияли ва сервисли.**

Биринчи шакли Ватанига қайтгандан кейин компенсациялаш шарти билан барча тиббий харажатларнинг тўлови турист томонидан копланadi. Бу жуда ноқулай вазият ҳисобланади, чунки бетоб бўлиб қолганда ва бахтсиз ҳолатларда асқотадиган маълум миқдордаги суммани турист ўзи билан доимо бирга олиб юришни тақозо этади.

Сервисли туризмни суғурталашда суғурта компанияси билан тузилган шартнома ёки битим тузиб, кўрсатилган диспечерлик хизматларидан бирига телефон қилиш ҳамда ўз полис номерини ва фамилиясини хабар қилиш

етарлидир, ҳалокатга учраганларга компания шу тарзда зарурий ёрдам кўрсатади.

Фуқаролик жавобгарлигини суғурталашда юқори ҳавфли манба бўлиб ҳисобланган шахсий автомобиллар, мотоцикллар ёки бошқа транспорт воситаларида саёҳат қилувчи туристлар фойдаланилади. Суғурталашни бу тури суғурта объекти бўлиб учинчи шахс олдида суғурталанувчини жавобгарлиги ҳисобланган ҳолатларда қўлланилади.

Чет элда турист билан бахтсиз ҳодисаларга қарши суғурталаш одатда суғурта суммаси шартномасида келишилган чегара асосида олиб борилади. Уни қоплаш қўйидагича амалга оширилади:

3 гуруҳ ногиронларига – суғурта суммасининг 50 % миқдорида

2 гуруҳ ногиронларига – суғурта суммасининг 75 % миқдорида

Ҳалок бўлганда – суғурта суммасининг 100 % миқдорида тўланади

Ташриф амалга оширилмаганда турист харажатларини суғурталаш қўйидаги сабаблар бўйича ташрифни амалга ошириш имконияти бўлмаган бўлса суғурта суммаси шартномасида келишилган асосда тўлиқ ёки қисман тўланади:

- турист тўсатдан соғлиғи ёмонлашса ёки унинг оиласидан яқин қариндошларидан бири ёхуд ўзи вафот этса;
- турист мулкига атроф муҳит ёки учинчи шахс таъсири натижасида зарар етказилса;
- ташриф буюришга мўлжалланган даврда туристни суд ажримларида иштироки;
- ҳарбий мажбуриятни бажариш учун чақирилса;
- ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича талабларни бажаришда ташриф рухсатномасини (виза) олмаса;
- шартномада кўрсатилган бошқа сабаблар бўлса.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, тажрибага эга бўлган турист суғурта компанияси билан суғурта шартномасини тузишдан олдин қўйидаги масалалар билан танишиб, қизиқиб кўриш мақсадга мувофиқдир:

- мазкур суғурта ташкилоти чет эл компаниялари билан ҳамкорликда ишлаш тўғрисидаги шартномага эгами?
- чет эл шериклари томонидан ўзбек туристларига қандай хизматлар, қанақа шартномаларда кўрсатилади?

Шахсий автомобилида чет элга ташриф буюрганда «яшил карта» деб номланувчи суғуртанинг ўзига хос тури расмийлаштирилади (Шарқий Европа давлатларида «кўк карта»). Бу суғурта «яшил карта» тўғрисидаги шартномага аъзо (давлатлар ҳудудида кучга эга ҳисобланади. Бу давлатлар барча Европа ва қатор Шарқ давлатларидир, мазкур давлатларга «яшил карта» сиз туристлар қўйилмайди.

«Яшил карта» – агар турист йўл транспорт ҳодисасида айбдор бўлиб ҳисобланса, учинчи шахс ҳаёти ва мулкига етказилган зарарни суғурталашдир. Тиббий полисга ва қўшимча тарзда турист «автомобил аттестацияси» ҳайдовчига ёрдам суғуртасини расмийлаштириши мумкин, унда машина бузилгандаги ҳаракатлар, йўл транспорт ҳодисасида, касаллик туфайли

машинани бошқара олмаслик (суғурта компанияси ҳайдовчи тақдим этади) ремонт (таъмирлаш) шатакка тортиш ва ҳ.к.лар қайд этилади. Саёҳатларни суғурталашни асосий турларини туристларга турли имкониятлар берувчи суғурта бадаллари таърифини уч вазиятига эга бўлган «Travel Guard Gold ® Int» Америка суғурта компанияси мисолида кўриб чиқамиз.

1- вариант. Суғурталавчилар фикрига кўра тур нархи 200 долларигача давомийлиги 8 кунгача бўлган турлар учун идеал ҳисобланади. Суғурта бадалларини энг кам нархлари мавжуд: 1 киши учун – 19 долл., 2 киши – 38 долл., 3 киши – 57 доллар. Бу таърифлар тур давомийлиги 8 кунгача бўлган саёҳатларга жорий этилади. 8 кундан ортиқ бўлса – саёҳатни қўшимча ҳар бир куни учун яна 3 доллар қўшилади. Мазкур вариант қўйидаги ҳолатларда суғуртавий қоплашни кафолатлайди: саёҳатдан воз кечилса, ижарага олинган машина таъмирланса, оилада ўлим ҳолати кузатилса ва бошқа саёҳат туристни айби бўлмасдан кечиктирилса ва юкини олиш кечиктирилса – энг паст таърифлар бўйича амалга оширилади.

2- вариант. Тур қиймати 400 долларгача, давомийлиги 13 кунгача бўлган саёҳатлар учун тўғри келади. Суғурта бадалининг нархи: 1 киши учун 39 доллар, 2 икки кишига 78 доллар, 3 кишига 117 долларни ташкил этади. Агар саёҳат 15 кундан ортиб кетса қўшимча ҳар бир куни учун яна 3 доллар тўланади. Бу вариант янада юқори суғурта тўловларини кафолатлайди.

3- вариант. Туризм круизлари ва саёҳатларининг баҳоси 400 доллардан ортиқ турлар киради. Бадал суммаси саёҳатнинг умумий нархидан 8% сифатида ҳисобланади. Шу сабабли бу вариантга 1 ва 2 вариантларда кўрсатилган барча суғурта тўловларини энг юқори таърифлари берилган полис асосида қайтарилади: туристлик компания ва авиалиниялар, бажарилмаган ташрифларни, банкротлик ҳаражатларидан; саёҳатда тиббий ёрдам ва шифохонага ётқизиш; ҳужжатлар, юклар йўқолганда, авиацияда фавқулодда тиббий ёрдам кўрсатилган ҳолларда.

Кредит карточкалари ўз молиявий фаолият доирасини кенгайтира бориб, саёҳатлар суғуртасини ҳам ўз ичига олади. Бундай суғурталаш «Америкен эспресс», «Виза», «Дайперс» ва «Еврокард/Мастеркард карточкаларини тақдим этади.

«Америкен эспресс» икки хил карточкаларни тақдим этади: яшил ва олтин.

Яшил карточка, агар ташриф буюриш чиптаси карточка бўйича ҳарид қилинган бўлса ногиронлик ёки вафот этиш ҳолати кузатилса 1 млн. доллари миқдорида суғурта товон пули тўланади. Тиббий ёрдам кўрсатишга қўшимча суғурталаниш мумкин, бундай суғурта баҳоси 450 доллар.

Олтин карточка суммаси 2 млн. доллар миқдорида суғурталашни баҳолайди, фуқаролик жавобгарлиги, саёҳат ҳаражатларини самолётларни кечикиши, рейсларни бекор қилиниши, алоқаларни мавжуд бўлмаслиги мазкур ҳолатларда етказилган маънавий зарар учун компенсация тўланади, юклар (карточка бўйича амалга ошириладиган ҳаридлар шаклида компенсация тўланади), тиббий ва техник ёрдам (Ватанга жўнатиш таклиф этилади, чет элдаги барча тиббий ҳаражатлар 25 минг доллар миқдорида қоплаш), ҳуқуқий ёрдам, жинойт гаров кафолати.

Суғурта компанияси билан шартнома тузишдан олдин мижозга қўйидаги ҳаракатларни бажариш тавсия этилади:

- 1) Таъсис ҳужжатлари билан танишиш: устав, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома билан, лицензия (рухсатнома) билан (компания бундан ташқари «чет элга чиқувчи фуқароларни суғурталаш каби суғурталаш тури билан ҳам шуғулланадими»), ўтган йил ва сўнгги чорак учун баланс билан ҳамда аудитор текшируви натижалари билан ҳам таништирилади.
- 2) Таъсисчилар рўйхати ва низом жамғармасини таҳлил қилиб чиқиш талаб этилади.
- 3) Балансни ўрганиш, аммо компанияни ҳақиқий молиявий ҳолати тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун суғурта компанияси балансининг таҳлилини ўтказиш учун етарли билим, тажриба ва кўникмага эга бўлиш керак.
- 4) Телефон бўйича (Молия вазирлигининг суғурта назорати Департаменти билан алоқа қилиш ва олинган барча маълумотларни қайта текшириб кўриш керак).
- 5) Суғурта дастури билан танишиш. Минимум – дастур бахтсиз ҳодисалардан ҳаётни, тиббий ҳаражатларни суғурталашни ўз ичига олади. Ташкилотларда мижозлар учун қўйидаги оптимал тўплами қўлланилади: тиббий + бахтсиз ҳодисалар + юкларни суғурталаш + ташрифни амалга ошириш имконияти бўлмаслиги («ташриф буюрмаслик» дан суғурталаш).

Таянч иборалар: Суғурта, суғурталовчи, суғурталанувчи, мажбурий ва кўнгилли суғурталаш, суғурта жавобгарлигининг турлари, туристларни суғурталаш, суғурта шартномаси, суғурта дастури, агентликлар, мижозлар, суғурта тўлови.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Нима учун туристлар туристлик ташриф олдида ихтиёрий суғурталаш хизматларидан фойдаланишни истамайдилар?
2. Сўнгги йилларда туристларни суғурталашда қандай салбий тенденциялар юзага келди?
3. Туризм тизимида суғурталашни қандай турлари гуруҳланади (таснифланади)?
4. Мажбурий ва ихтиёрий суғурталашни қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?
5. Туристлик фирмалар молиявий таваккалчиликлари сафига нималарни киритиш мумкин?
6. Чет эл туристлик ташрифларида туристларни суғурталаш нималарни ўз ичига олади?
7. Ҳозирги вақтда туристлик суғурталаш хизматини қандай шакллари амал қилади?
8. Суғурта компанияси билан суғурта шартномасини тузишдан олдин турист қандай масалалар билан қизиқиши зарур бўлади?

16. ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

Режа:

- 16.1. Туризм инфратузилмаси ҳақида тушунча.
- 16.2. Туризм инфратузилмасида транспорт тузилмасининг ҳиссаси
- 16.3. Туризм инфратузилмасидаги меҳмонхоналар таснифи
- 16.4. Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари.

16.1. Туризм инфратузилмаси ҳақида тушунча

Туризм инфратузилмаси тушунчаси- туристларнинг туристлик захираларидан бемалол фойдаланишини таъминловчи бинолар тизими, муҳандислик ва коммуникация тармоқлари, шу жумладан йўллар, туризмнинг турли хизмат кўрсатиши корхоналари ва уларни керакли даражада ишлатиши ва таъминлаш тушунилади.

Бу автомобил ва темир йўллар, йўл ҳаракатини, ҳаво йўлларини, денгиз ва дарё йўлари ҳаракатини тартибга солувчи, иссиқлик, электр ва телефон алоқалари билан таъминлаш ва бошқа коммуникация тизимлардир. Маълумки, туризм соҳасида туристлик ресурслари, яни табиий-иқлим, тарихий-маданий, маърифий, ижтимоий-маиший туризм объектлари бўлган ҳудудларда керакли инфратузилмани яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Йўл қурилиши соҳасини олиб кўрайлик. Албатта сайёҳлар оддий йўловчилар эмас. Йўлларнинг равонлигига қараб ҳам сайёҳлар оқимининг ошиши ёки камайиши мумкин. Йўллар, бозорлар мамлакатнинг иқтисодий ва маданий аҳволи қай даражада ривожланганидан далолат беради.

Турист-аввало дам олувчи бўлиб, унга кўрсатиладиган хизматлар истеъмолчиси эканлигини унутмаслигимиз лозим. Булар нафақат автомобил йўллари, шунингдек, темир йўлларга ҳам таълуқлидир. Вокзал ва поезд релсларидан тортиб, унинг ичидаги коммуникация ва муҳандислик тармоқларининг барчаси - туризм инфратузилмасининг таркибий бир қисми ҳолос. Нафақат автомобил ёки темир йўллар, хатто туристлар учун махсус ажратилган йўллар ҳам талаб даражасида бўлмоғи керак.

Меҳмонхона ва шунга тенглаштирилган жойлардаги коммуникация ва муҳандислик тармоқларида ҳам муаммолар бўлмаслиги туризм соҳасининг янги поғоналарга кўтарилишида ўзига хос ўринни эгаллайди. Бир тасаввур қилиб кўрайлик: иссиқлик тармоғи ишламайдиган, электр тармоғи паст, канализация тармоғи бўлмаган ёки ичимлик суви талаб даражада бўлмаган меҳмонхоналарда туристнинг бўлиши, булар ва бошқалар туризм соҳасининг ривожланишидаги кечиктириб булмас ва тезда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолардир. Айниқса, олис, тоғли жойлар, йўл трассалари каби ҳудудларда бу муаммоларни ҳал этиш катта капитал маблағ талаб қилади. Ҳозир республикамизнинг автомобиллар қатнайдиган трассаларида шох бекатларнинг аҳволи хорижий туристларга хизмат кўрсатадиган даражада эмас. Турист тезда ҳожатини чиқариб оладиган ёки зарур тиббий ёрдам бериладиган объектларнинг йўқлиги,

аччиқ бўлса ҳам айтиш керак: туристлар хожатхоналари-ю бошқа карвонсаройлар қурилиши замон талаби даражасида эмас.

Бир вақтлар Буюк ипак йўли ўтган жойлардаги муҳим масканларда карвонсаройлар бўлган. Карвонсаройлар савдо карвонлари учун ҳозирги вақтлардаги меҳмонхоналар хўжалиги вазифасини ўтаган. Унда карвонлар ва савдогарлар тунайдиган хоналардан тортиб, ичимлик суви, овқатланиш хизмати ва бошқа хизматлар (табиблар, машшоқлар, қўриқчилар) ўз жойига қўйилган. Юртимиз кўхна тарих ва маданиятга эга. Ҳозирда канализация деб аталувчи тармоқ бундан уч минг йил аввал хизмат кўрсатганлигини исботловчи далилларни археология соҳаси олимларимиз тадқиқот ишларида кўрсатиб беришган. Бу эса коммуникация тармоқлари, ичимлик суви (сардобалар) махсус қувурлар қулолчилик маҳсулотлари сопол қувурлар орқали олиб келинганлигидан далолдатдир. Мана шундай тарихий, анъанавий меросимизни яна тиклаш, замонавий ҳолатга келтириш ҳам бугунги кунинг долзарб масаласидир.

Ҳозирги пайтда туризм инфратузилмасида банк ва молиявий ташкилотлар - хизматларнинг ўрни алоҳида. Туристлар саёҳатда ва дам олишда хилма-хил хизмат турларидан фойдаланишни хоҳлайдилар. Яъни, ўз хоҳиши бўйича бирор нарса сотиб олишни исташади. Бунда улар кўнгил очиш учун ҳар куни кўп миқдорда пул сарфлашади. Пулни айниқса, катта миқдордаги пулни кўтариб юриш, туристларга ноқулайлик ва қийинчиликлар туғдиради. Туристларнинг катта миқдорда пулни олиб юриши ўғриларни, қароқчи ва товламачиларни ва ҳар-хил турдаги жиноятчиларни жиноий ҳаракат қилишларига олиб келади. Туризм соҳаси ташкил топиши биланоқ, тўғриланиши ва тартибга олиниши мумкин бўлган хавфсиз пул билан таъминлаш муаммоси пайдо бўлди.

Дастлаб Томас Кук туризмни ташкил этишдаги ушбу муаммони ҳал этиш билан шуғулланган ва туристлик фаолиятни ташкил этишнинг ҳамма томонларини ўрганиб чиққан. Натижада, у йўл чекларини ихтиро қилган. Бу хавфсиз пул тизими туризм мақсадида яратилган бўлиб, уни бутун дунё банкларида бемалол маҳаллий валютага алмаштириш мумкин бўлган. Бир қанча вақт ўтиб, бу ташаббусни Американ Экспресс фирмаси ўзига қабул қилди. Туризм соҳасидаги бу икки гигант суғурта молиявий хизматлар бўйича етакчи корхоналарга айланди. Кейинроқ, пластик карталар ихтиро қилинди. Виза, Амех, Динер Клуб каби дунё миқёсидаги тўлов тизимлари яратилди. Ушбу тўлов усулларининг қўлланилиши билан туристларнинг ўзлари билан катта миқдорда пул олиб юришлари чекланди. Барча дўконлар, ресторанлар ва бошқа туристлик марказларнинг корхоналари карталар бўйича нақд пулсиз тўловлар қабул қила бошладилар.

Ахборот хизмати ҳам туризм инфратузилмасида туристларга ҳам ва унинг ташкилотчиларига ҳам жуда зарурдир. Турист саёҳатга тайёрланаётганда ҳамда саёҳат вақтида ўзи борадиган жой ҳақида ўша мамлакат ёки борадиган ҳудуднинг қонун-қоидалари, одатлари, меҳмондўстлиги ҳақидаги қўшимча маълумотларга, шунингдек, ўша жойнинг харитасига, транспорт магистраллари схемасига муҳтож бўлади. Саёҳат ва туристларнинг саргузаштлари ҳақидаги маълумотлар оммабоп ва махсус адабиётлар кўринишида чоп этилади ва бу ҳолат туристларни саёҳат қилишга чорлайди. Замонавий туризмда бўлажак

туристларга бепул тарқатиладиган ахборотларни ранг-баранг кўринишида чоп этишга эътибор қаратилади. Туризм соҳаси бошқа соҳаларга қараганда 3-5 марта кўп реклама қилади. Ҳамма йирик туристлик марказлар туристлар ва туризм хизматлари учун ахборот CD ROM дискларини чоп этади.

Туризм инфратузилмасини замонавий компьютер хизматисиз тасаввур этиш қийин. Тезкор ахборот ва сўзлашув, янгиликлардан хабардорлик туризмнинг яна бир жиҳатидир. Ҳозирги турист интернет, факс ва бошқа замонавий техника воситаларидан фойдаланиши туризм инфратузилмасини қай даражада эканлигидан яна бир нишондир. Замонавий электрон воситалари, шу жумладан, туристлик хизматлар туристлик марказлар ҳақидаги маълумотлар жойлашган миллионлаб сайтларга эга бўлган интернет тармоқлари нафақат саёҳат ва туристлик агентликларни танлаш, хаттоки, тур саёҳатнинг чипталари, хизматлар учун тўловларни ҳам олдиндан тайинлаб қўйиш мумкин. Туризм ташкилотчилари ахборот хизматида кенг кўламда фойдаланадилар. Улар ҳам туристлик маҳсулотни ташкил этаётганида махсус йўл кўрсаткичларини ўрганадилар. Колумбс Пресс нашриётида ҳар икки йилда қайта чоп этиладиган дунёга машҳур йўл кўрсаткич Ворлд Травел Гуиде да 200 мамлакатнинг схемаларини туристлик марказларнинг ва агентликларнинг ҳар хил каталоглари мамлакат ва бутун дунё бўйича транспортнинг ҳаракат жадвали чоп этилади.

16.2. Туризм инфратузилмасида транспорт тузилмасининг ҳиссаси

Ўзбекистонда туризмнинг ривожланишига Мустақилликка эришилгандан сўнг ташкил этилган «Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» миллий авиакомпаниясининг ҳам ҳиссаси қўшилмоқда. Ҳозирга кунда миллий авиакомпаниямиз тасарруфида 12 та аэропорт мавжуд бўлиб, улардан бештаси - Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч ва Термиз аэропортлари халқаро мақомга эга.

Тошкент аэропорти 2001 йилда қайта таъмирдан чиқарилган бўлиб, унда соатига 1000 йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлди. Ҳар йили Тошкент аэропорти хизматларидан 2 миллион киши фойдаланади. Тошкентдан дунёнинг аксарият йирик шаҳарларига, жумладан, Амрицар, Амстердам, Андижон, Анталия, Анкара, Ар-Риёд, Афина, Ашхабод, Баку, Бангкок, Бахрейн, Белград, Бирмингем, Бишкек, Бодрум, Бухоро, Ганое, Дакка, Деҳли, Доха, Душанбе, Екатеринбург, Ереван, Жидда, Зарафшон, Иркутск, Исломобод, Истамбул, Карачи, Киев, Краснодар, Красноярск, Куала-Лумпур, Лондон, Минск, Москва, Навоий, Наманган, Нижнекаменск, Нижний Новгород, Новосибирск, Нукус, Нью-Йорк, Олма-Ота, Омск, Осака, Париж, Пекин, Перм, Сайгон, Самара, Самарқанд, Санкт-Петербург, Сеул, Симферопол, Рига, Рим, Ростов, Тбилиси, Тел-Авив, Термиз, Техрон, Токио, Тюмен, Урганч, Урумчи, Уфа, Фарғона, Франкфурт, Хабаровск, Челябинск, Чулпон-ота, Шаржа, Қарағанда, Қарши, Қозон шаҳарларига самолётларда етиб бориш мумкин. Тошкент аэропортида йўловчилар қулайлиги учун кенг ва қулай мебеллар билан жиҳозланган кутиш майдонлари, куни бўйи ишловчи паспорт, божхона, чегара нозорати хизматлари, маълумотхона, юкларни конвеерда ташиш

хизматлари, халқаро телефон, чипталарни сотиб олиш ва бандлаш кассалари, duty-free дўконлари, ресторанлар, барлар, тамаддихоналар, валюта айирбошлаш пунктлари, ўта нуфузли меҳмонларга хизмат кўрсатиш VIP майдони, қулайлиги оширилган СІР майдони кабилар ташкил этилган.

Тошкент аэропортида «Ўзбекистон Ҳаво йўллари», «Бритиш Медитеррениен Эйруэйс», «Азиана Эйрлайнз, ИНК», «Авиализинг», «Эрон Эйр», «Люфтганза», «Турк Ҳаво Йўллари», «Тбиливиамшени», «Уралские Авиалинии», «Стримлайн», «Ейр Казахстан», «Авиалинии Украини», «Тоҷикистон», «Армянские авиалинии», «Белавиа», «Пулково», «Пермские авиалинии», «Кавминводавиа», «Татарстан», Компания -ЦС (Авиатион) Лимитед, «Аэрофлот — Российские авиалинии», «Аэрофлот — Дон», «Сибирь», «Красноярские авиалинии», «Самара», «Трансаэро», «Домодедовские авиалинии», «Русаэро», «Имейр», «Тапо-Авиа» каби авиакомпанияларга хизмат кўрсатилади.

Франция, Исроил, Скандинавия мамлакатлари, Англия, Жанубий Корея ўзларининг юк самолётлари учун транзит аэропорт сифатида Тошкент аэропортидан фойдаланишади. Тошкент аэропортида дунёда ишлаб чиқарилаётган барча самолёт турларини қабул қилиш мумкин.

Самарқанд аэропорти соатига 400 йўловчига хизмат кўрсата олади. Самарқанддан Тошкент, Москва, Санкт-Петербург, Симферопол, Қозон шаҳарларига, шунингдек, Япония ва Европа мамлакатларига етиб бориш мумкин. Аэропортда VIP — ва СІР — майдонлари, кутиш майдонлари, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, авиакассалар, почта хизмати хонаси, халқаро ва шаҳарларо телефон хизмати, барлар, ресторан, валюта айирбошлаш шохобчаси бор, янги «Duty-free» дўкони очилиши устида иш олиб борилмоқда. 2004 йилда Самарқанд аэропорти МДХ мамлакатларидаги йилига 100 мингтагача йўловчига хизмат кўрсатувчи аэропортлари орасидаги «Йилнинг энг яхши аэропорти» конкурсида ғолиб бўлган.

Янги Бухоро аэропорти 1997 йилда ишга туширилиб, халқаро мақомга 1999 йилда эришган, соатига 150 йўловчига хизмат кўрсатади. Унда кенг кўтиш майдони, буфетлар, дуконлар, медпункт, юкларни сақлаш хонаси, миллий анъаналарда безатилган VIP ва СІР-майдонлари мавжуд. Бухоро аэропортидан Тошкент, Москва, Санкт-Петербург шаҳарларига, шунинг МДХ мамлакатлари ва бошқа давлатларга учиб бориш мумкин.

Янги Урганч аэропорти соатига 300 йўловчига хизмат кўрсатади. Унда кутиш майдони, тиббиёт пункти, барлар, кафе, валюта айирбошлаш шохобчаси, сувенирлар дўкони мавжуд, аэропортдан Тошкент, Москва шаҳарларига ва дунёнинг бошқа мамлакатларига учиб бориш мумкин.

Ўзбекистон туризмининг ривожланишига «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссдорлик темирйўл компанияси ҳам ўзининг ҳиссасини қўшмоқда. Бу ташкилот 1994 йилнинг 7 ноябрида ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб 4000 километрга яқин узунликдаги темир йўлларга эга. Ташкилот томонидан Тошкент-Самарқанд орасида шинам тезюрар поезд қатнашининг ташкил этилиши туристлар учун катта қулайликлар яратиб берди. Ташкилот томонидан Самарқанддан Сурхондарё вилоятига ўтувчи темир йўл

тизими такомиллаштирилмоқдаки, бу ҳам Ўзбекистон туризмнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиздир. Шунингдек, мустақил Ўзбекистон асосий тармоғи бўлиб ҳисобланган халқаро Трасека лойиҳаси асосида Тошкентдан Фарғона водийси орқали қўшни мамлакатларга чиқиб кетувчи темир йўлнинг қурилиши ҳам Ўзбекистонга келувчи халқаро туристлик оқимини орттириши мумкин.

Тошкентдан Тошкент-Самарқанд, Тошкент-Москва, Тошкент-Қўнғирот, Тошкент-Шовот, Тошкент-Саратов, Тошкент-Термиз, Тошкент-Уфа, Тошкент-Ҳарков, Тошкент-Андижон, Тошкент-Бухоро, Тошкент-Китоб йўналишларида қатновчи поездлар жўнатилади ва қабул қилинади, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида Андижон - Бухоро, Қўнғирот - Бейнов, Душанбе-Астрахан, Кўлоб – Астрахан, Ленинобод-Саратов, Душанбе – Конибодом, Конибодом-Қўргонтепа поездлари ҳам ҳаракатланади.

Айни пайтда юртимизда транспорт коммуникация тизимини ривожлантириш масаласига республикамизни жадал таррақий топтиришнинг асосий шarti ва мезони сифатида катта аҳамият берилмоқда.

Сўнгги йилларда барпо этилган, умумий узунлиги 633 километрни ташкил қиладиган Навоий – Нукус, 233 километрлик Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўл магистраллари, Қамчиқ довони орқали ўтадиган тезкор автомобил йўлининг бу борадаги ўрни ва аҳамияти қанчалик беқиёс эканини ҳаммамиз яхши англаймиз. Бу йўллар мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ягона транспорт тармоғига ишончли тарзда бирлаштириб, минтақамизда мавжуд бўлган бой минерал – хом-ашё ва табиий ресурсларни ўзлаштириш учун кенг имкониятлар яратди ва туризм инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

16.3.Туризм инфратузилмасидаги меҳмонхоналар таснифи

Меҳмонхона хизматларининг сифатини бошқариш масалаларини ҳал қилишда меҳмонхона корхоналарини шинамлик даражасига қараб таснифлаш катта рол ўйнайди. **Шинамлик даражаси** - комплекс мезон бўлиб, у қуйидагилардан таркиб топади:

- номерлар фондининг ҳолати: номерлар майдони (m^2), бир ўринли (бир хонали), кўп хонали номерлар, апартамент номерларнинг улуши, коммунал қулайликларнинг мавжудлиги ва ҳоказо;
- мебел, инвентар, санитария-гигиена ашёлари ва ҳ.к.нинг ҳолати;
- овқатланиш корхоналари: ресторанлар, қаҳвахоналар, барлар ва ҳ.к.нинг мавжудлиги ва ҳолати;
- бинонинг, унга келадиган йўлларнинг ҳолати, меҳмонхонага ёндош ҳудуднинг ободонлаштирилганлиги;
- ахборот билан таъминлаш ва техник жиҳозлаш, шу жумладан телефон, йўлдош алоқаси, телевизорлар, музлаткичлар, мини-барлар, мини-сейфлар ва ҳ.к.нинг мавжудлиги;

- айрим қўшимча бепул ва пуллик хизматлар кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги.

Санаб ўтилган мезонлар ҳозирги кунда дунёда мавжуд бўлган барча меҳмонхоналарни таснифлаш тизимларида қўлланилади. Бундан ташқари, ходимларга ва уларнинг тайёргарлиги: маълумоти, малакаси, ёши, соғлиги, чет тилларни билиши, ташқи кўринишига ҳам бир қанча талаблар қўйилади.

Ҳозирда жаҳонда маълум 30 дан ортиқ, таснифлаш тизимлари замирида шинамлик даражаси ётади. Улар орасида қуйидаги таснифлаш тизимлари айниқса кенг тарқалган:

- * Европа таснифлаш тизими ёки **«юлдузлар» тизими** Франция миллий таснифлаш тизими асосида тузилган. Унинг замирида меҳмонхоналарни 1 дан 5 юлдузгача бўлган тоифаларга ажратиш ётади, Бундай тизим Франция, Австралия, Венгрия, Миср, Россияда, Ўзбекистонда ва бошқа бир қанча мамлакатларда қўлланади;
- * ҳарфлар тизими (A, B, C, D). Грецияда қўлланади;
- * «тожлар» тизими. Буюк Британияда амал қилади;
- * ҳинд тизими.

Ривожланаётган мамлакатларда меҳмонхоналарни таснифлашнинг **ҳинд тизими** айниқса кенг тарқалган. Бу тизим ҳам меҳмонхоналарни беш тоифага: «бир юлдузли», «икки юлдузли», «уч юлдузли», «тўрт юлдузли», «беш юлдузли» тоифаларга ажратишни назарда тутди. Бу тоифаларни махсус комиссия баллар бўйича баҳолаш асосида белгилайди. Маълум тоифа меҳмонхоналарига тизим томонидан қўйилган талаблар балларда баҳоланади. Бунда ҳар бир банд бўйича мумкин бўлган максимал баҳо белгиланади. Комиссия ўз ихтиёрига кўра таснифлаш талабларида назарда тутилмаган ҳар қандай қўшимча хизматлар учун 15 баллгача баҳо қўйиши мумкин. Муайян тоифани олиш учун меҳмонхона айна тоифа учун белгиланган балларнинг минимал миқдорини тўплаши лозим. Бунда ҳар бир банд бўйича тўпланган баллар миқдори максимал баҳонинг 50% дан кам бўлмаслиги керак. Аммо охири шарт алоҳида ҳолларда комиссия томонидан бир ёки икки банд учун мажбурий эмас деб топилиши мумкин, башарти меҳмонхона бунгача балларнинг зарур минимал миқдорини тўплаган бўлса. Меҳмонхоналарни таснифлашнинг ҳинд тизими умумий овқатланиш корхонасини «ресторан» тоифасига киритиш учун зарур талабларнинг алоҳида рўйхатини ўз ичига олади. Бу тоифага мансуб деб топишлари учун умумий овқатланиш корхонаси ҳам балларнинг минимал миқдорини ҳамда ҳар бир банд бўйича баллар максимал миқдорининг камида 50% ни тўплаши лозим.

Мисол. «1 юлдуз» тоифаси: бу тоифага мансуб меҳмонхона яхши ҳудудда, меҳмонхона учун яроқли бинода жойлашган бўлиши керак (максимал баҳо 15 балл); миждозлар билан алоқа қилувчи ходимлар инглиз тилини иш учун зарур ҳажмда билиши керак (максимал баҳо 5 балл) ва ҳ.к. «2 юлдуз» тоифасини олиш учун 150 балл, «3 юлдуз» учун - 210 балл, «4 юлдуз» учун - 250 балл, «5 юлдуз» учун - 290 балл тўплаш керак. Ҳар бир давлатда меҳмонхоналарни таснифлаш мезони - шинамлик даражаси ҳар хил тушунилади. Мана шу ҳолат,

шунингдек, давлатларнинг маданий-тарихий ва миллий анъаналари билан белгиланган бир қанча омиллар жаҳонда меҳмонхоналарнинг ягона таснифини жорий этишга монелик қилади.

Бутунжаҳон туристлик ташкилоти (БТТ), Европа ҳамжамияти Меҳмонхона ва ресторан и кўмитаси, Халқаро меҳмонхоналар уюшмасининг бу йўналишдаги фаолияти ҳозирча самара бермаяпти. БТТ фақат жойлаштириш воситаларининг стандарт таснифини таклиф этган. Бу таснифда меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш корхоналар тўрт катта гуруҳдан бирига киритилади. Европа меҳмонхоналар бозорида Европа ҳамжамияти Вазирлар Кенгаши томонидан 1986 йил 23 декабрда қабул қилинган стандартлаштирилган ахборотнинг ягона тизими амал қилади.

Бу тизим кўп сонли пиктограммалар – шартли расмлардан иборат. Стандартлаштирилган ахборот тизимининг мақсади туристлар Европа бўйлаб саёҳат қилишларини, жойлаштириш корхоналари билан боғлиқ йўл кўрсаткичлар, каталоглар, проспектларни ўқишлари ва тушунишларини енгилаштиришдан иборат. Бу тизим жуда қулай бўлиб, бир қанча устунликларга эга.

16.4. Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари

Кейинги йилларда республикамізда туризм инфратузилмасини замон талабига мослаштириш мақсадида кўпгина ишлар қилинмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995-йил 2-июндаги «Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони бу ишни юксак даражага кўтариш муаммоларини ҳал қилишда ўз ўрнига эга бўлди. Фармон ғоят муҳим халқаро туризм йўналиши «Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклаш, бунга хорижий сармоядорларни кенг жалб этиш, шунингдек, замонавий туризм сиёсатини вужудга келтиришга асосий мақсадини қаратди. Бунинг учун эса қуйидаги ўта муҳим ва долзарб масалалар ўз ечимини топиши лозим. Масалан, «Буюк Ипак йўли» даги шаҳарлар - Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризм бўйича махсус очик иқтисодий минтақалар ташкил этиш, мазкур шаҳарларнинг аэропортлари ва темир йўл вокзалларида туристлар учун божхона расм-русумларини халқаро меъёрларга мос соддалаштирилган тартиби, шунингдек, транзит туристлар учун махсус божхона зоналари жорий қилиш кузда тутилди. Ушбу шаҳарларда янги ташкил этиладиган туристлик ташкилотлар ва корхоналар барпо этилган пайтдан бошлаб, дастлабки фойдани олгунга қадар ўтадиган даврда, лекин рўйхатга олинган санадан кейин узоғи билан уч йил мобайнида барча турдаги солиқлардан озод қилиш имконияти туғилди. Шу мақсадда мазкур ташкилотлар ва корхоналар фойда (даромад) олган биринчи йили (даромад) солиғининг 50% ини, иккинчи йили 75 % ини, учинчи йилдан бошлаб 100 % ини тўлашлари белгилаб қўйилди.

Шунингдек, туризм соҳасида қўшма корхоналар барпо этувчи хорижий

сармоядорлар, илгари берилган имтиёзларга қўшимча равишда, олиб кетадиган фойдадан 5 йил муддатга солиқ тўлашдан озод қилиниши бу борадаги имкониятларни янада кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, тижорат банкларига тадбиркорлар хусусий меҳмонхоналарини ва меҳмонхона инфратузилмаси иншоотларини барпо этишлари чоғида уларга камида беш йил муддат ичида тўлаш шarti билан кредитлар берилиши ҳамда «Ўзбектуризм» МК Ташқи Иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда инвестиция банки - «Ўзсаёҳатинвестбанк» ни ташкил этишларининг белгилиб қўйилиши соҳа ривожини учун олиб борилаётган давлат сиёсатининг нечоғли тўғри эканлигини яна бир бор исбот қилди.

Шунингдек, халқаро туризмни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларнинг ўз вақтида ҳал этиш учун жавобгарлик «Ўзбектуризм» МК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» компанияларининг, Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликларининг, чегара ва божхона хизматларининг раҳбарлари зиммасига юклатилди.

Мазкур фармонни амалга ошириш юзасидан республика Вазирлар Маҳкамаси 1995-йил 3-июнда «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда Президент фармонини тўлдириб, яна қуйидаги муҳим масалалар амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди: тегишли ташкилотлар билан биргаликда туристларни авиа ва темир йўл транспорти орқали ташишда имтиёзлар бериш тартибини ишлаб чиқиш, махсус божхона ҳудудларини ташкил этиш, уларни замонавий назорат техникаси билан жиҳозлаш вазифаси юклатилди. Қарорда туризм тизимидаги хусусийлаштирилаётган объектлардан тушган маблағлар «Ўзбектуризм» МК бўлинмаларини қайта қуриш ва техника билан жиҳозлаш мақсадида «Ўзсаёҳатинвестбанк»ка ўтказиш белгилаб қўйилди.

Валюта операцияларида имтиёзлар, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч-Хива йўналишларида йўлларни ободонлаштириш, сервис хизматларини ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш, шаҳардан ташқарида жойлашган туристлик объектлар учун коммуникация тармоқлари тўлови бўйича имтиёзлар бериш, туристлик иншоотлар қурилиши бўйича тендерлар ўтказиш, туристлар бўладиган жойларда амалий ва тасвирий санъат, халқ ижодкорлиги буюмлари, реклама маҳсулотларини тайёрлаш-сотишда шаҳобчалар ташкил этиш, хорижда туристлик ваколатхоналар очиш ҳам мазкур қарорда белгилаб қўйилган вазифалар эди.

Таянч иборалар: Туризм инфратузилмаси, туризм иншоотлари, темир йўллари тизими, коммуникация тармоқлари, автомобил йўлларининг туризм инфратузилмасидаги ўрни, муҳандислик тармоқлари, меҳмонхоналарни таснифлашнинг ҳинд тизими, «юлдузлар» тизими».

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Туризм инфратузилмаси деганда нимани тушунасиш?

2. Туризм иншоотларининг инфратузилма тизимидаги ўрни нимадан иборат?
3. Мухандислик тармоқлари деганда нима тушунилади?
4. Коммуникация тармоқлари деганда нимани тушунаси?
5. Автомобил йўлларининг туризм инфратузилмасидаги ўрни нимадан иборат?
6. Темир йўллари тизимининг туризм инфратузилмасидаги ўрни нималардан иборат?
7. Алоқа тармоғининг туризм инфратузилмасидаги ўрни нимадан иборат?
8. Меҳмонхона хўжалигининг туризм инфратузилмасидаги ўрни нимадан иборат?

17. ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА СТАНДАРТЛАШТИРИШ

Режа:

- 17.1. Туризмда сертификатлаштиришнинг турлари.
- 17.2. Туризм ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаш бўйича ишларнинг калкуляцияси
- 17.3. Сертификатлаштиришда Давлат стандартларидан фойдаланиш
- 17.4. Туризмда стандартлаштириш жараёнининг мазмуни ва моҳияти
- 17.5. Туризмни стандартлаштириш жараёнидаги расмийчиликлар

17.1. Туризмда сертификатлаштиришнинг турлари.

Сертификатлаш – бу аҳоли саломатлигини ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тайёрланган корхона маҳсулотлари ёки хизматлари сифатини тартибга солиш жараёнидир. Шунинг қайд қилиш керакки, сертификатлаш нафақатгина четдан келатган импорт товар ва хизматларга, балки маҳаллий ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларга ҳам тегишлидир. Эксперт маълумотлари бўйича Ўзбекистонда 2.5 мингдан ортиқ товар ва хизматлар сертификатланади.

Туризм ва меҳмонхона хизматлари сертификатлашда мажбурий ҳисобланади. Туризм соҳасида товар ва хизматларни сертификатлаш қўйидаги мақсадлар учун амалга оширилади:

- инсон ҳаёти, атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотларни, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар мулкани сотишни назорат қилиш;
- жаҳон бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш;
- истеъмолчини инсофсиз ишлаб чиқарувчидан ҳимоя қилиш;
- маҳсулотни яратилган (келиб чиққан, ишлаб чиқарилган) манзилани тасдиқлаш;
- ишлаб чиқарувчи тақдим этадиган маҳсулотларнинг/хизматларнинг сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш.

Туризмда сертификатлаш «маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида»ги қонуни ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Унинг объектлари бўлиб, маҳсулотлар, хизматлар ҳамда сифат тизимлари киради. Шунинг қайд қилиш керакки, сертификатлашни икки тури қўлланилади – **мажбурий** ва **ихтиёрий** сертификатлаш.

Ихтиёрий сертификатлаш қўйидаги ҳолатларда қўлланилади, учинчи шахслар ёки қўшма корхонадаги чет эл шериклари ишлаб чиқариладиган товарлар ва тақдим этиладиган хизматлар учун қўшимча сертификатни талаб этган вазиятларда фойдаланилади.

Сертификатлаш жараёни давлат органи бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги стандартлаш, сертификатлаштириш ва метрология агентлиги (Ўздавстандарт) ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳоли бўлган сертификатлаштириш марказлари, тадқиқот лабораториялари, сертификатни назорат қилиш органлари ҳамда Ўздавстандарт томонидан тан олинган ёки

аккредитлашга мос равишдаги турли сертификатлаштириш функцияларини бажарувчи сифат эксперт-аудиторлари ҳам фаолият кўрсатади.

Сертификатлаш давомийлиги сертификацияланадиган маҳсулотлар хизматнинг категориясига боғлиқ равишда 1 кундан то 1 ойгача бўлиши мумкин. Мана шу омил сертификатлаштириш органига бериладиган ҳужжатлар сонига ҳам таъсир кўрсатади. Туризм корхоналарида бу олтита ҳужжатдан иборатдир. Турмаҳсулот маршрут (йўналиш) ни сертификатлаштириш учун тўлов миқдори «Ўзбектуризм» Миллий компанияси томонидан белгиланади ҳамда мутахассисни бир кун давомида сарфланган вақтига нисбатан ҳисобланади.

Қўйидаги 17.1.расмда туризм хизматларини сертификатлаш жараёни кўрсатилган.

Расм 17.1. Ўзбекистонда туризмни сертификатлаш жараёнининг босқичлари



17.1. Расмга изоҳ:

10. Буюртмачи «Ўзбектуризм» МК га сертификатлашни ўтказиш учун ариза беради. Сертификатлаш бўйича ташкилот уни қабул қилади ва қайд қилади;
11. «Ўзбектуризм» МК дастлабки таҳлил ўтказиш мақсадда мазкур ҳужжатни (корхона тўғрисида маълумотлар – корхона номи, устав фонди, раҳбарни малакавий даражасини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси) фақатгина бир қисмини тўлдириш таклифи билан буюртмачига анкета-саволномаларни жўнатади (у ариза билан бир вақтнинг ўзида ҳам тақдим этилиши мумкин). Тўлдирилган анкетани олгандан сўнг «Ўзбектуризм» МК ариза бўйича, сертификатлаш схемасини танлаш бўйича қарор қабул қилади, хизматларни текшириш натижалари жараёнини аниқлайди, буюртмачи ва «Ўзбектуризм» МК ўртасида сертификатлаш бўйича ишларни бажаришга шартномани

тайёрлайди. Агар салбий қарор қабул қилинса бу ҳолатда унинг сабабларини буюртмачига ёзма равишда хабар қилинади. Ариза бўйича қарор қабул қилиш муддати ариза қабул қилинган кундан бошлаб – 1 ой;

12.Туристлик хизматларни сертификатлаш бўйича ишларга ҳақ тўлаш ва имзоланган шартномани буюртмачидан олгандан сўнг «Ўзбектуризм» МК сертификация назоратини ўтказиш бўйича комиссияни тузади (комиссия компания ходимларидан ва штатдан ташқари мутахассислардан ташкил қилинади) ва ишларни амалга оширишга киришади;

13.Комиссия сертификатлаш назоратини буюртмачи анкета-саволномани иккинчи қисмини тўлдириш таклифи билан бошлайди (асосан, корхонани фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлган) ҳамда қатор тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни сурайдди. Турагентликни сертификатлашда идора (офис, иш тартиби, алоқа воситалари ва ҳ.к.) лицензия, туроператорлар билан шартнома, ишчи ходимлар малака-тажрибасини ҳ.к. текширади;

14.Сертификация текшируви тугагандан сўнг барча материаллар асосида буюртмачини сертификатлашни ўтказиш акти тузилади;

15.Актни олгандан сўнг «Ўзбектуризм» МК барча материаллар экспертизасини ўтказди (актни, эксперт хулосаларини, анкета натижаларини ва ҳ.к. ни) ҳамда имзолангандан сўнг 10 кун муддат ичида қарор қабул қилади:

а) махсус ресстрда қайд қилинган сертификатни бериш тўғрисида;

б) ҳужжатни беришни рад этиш тўғрисида.

Агар буюртмачи «Ўзбектуризм» МК қароридан норози бўлса, у Ўздавстандарт қошидаги махсус комиссияга апелляция (қайта кўриш) учун даъво қўзғатиш ҳуқуқига эгадир.

17.2. Туризм ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаш бўйича ишларнинг калкуляцияси

Сертификатлашни ўтказиш учун нархлар ишнинг мураккаблигига боғлиқ равишда ўзгаради жадвалда «Ўзбектуризм» МК сертификатлаш бўйича хизматлар учун нархларнинг калкуляцияси тасвирланган.

Туризм ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаш бўйича ишлар таннархларининг калкуляцияси (сўмларда)

Жадвал 17.1.

№	Номи	Ишнинг нархи	ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда
1	Кирувчи туризм	110340	132408
2	Чикувчи туризм	85525	102630
3	Ички туризм	77125	92550
4	Турзимни актив турлари	107950	129540
5	Кируви/чикувчи, кирувчи/ички, чикувчи/ички,	160825	192990

	кирувчи/чиқувчи/ички		
6	Кирувчи, туризмни актив турлалари	142725	171270
7	10 та ўринга мўлжалланган меҳмонхоналар	54925	65910
8	25 та ўринга мўлжалланган меҳмонхоналар	89790	107748
9	50 та ўринга мўлжалланган меҳмонхоналар	162495	194994
10	Сигими 100 та ўринга мўлжалланган меҳмонхоналар	210120	252144
11	Сигими 200 та ўринга мўлжалланган меҳмонхоналар	336270	403524
12	Сигими 350 та ўринга мўлжалланган меҳмонхоналар	444565	533478
13	Сигими 500 та ўринга мўлжалланган меҳмонхоналар	710925	853110
14	Мавсумий сигими 100 ўрингача бўлган турбаза	78795	94554
15	Сигими 200 ўрингача бўлган мавсумий турбаза	126100	151320

Туризмга доир сертификатлаш. Туризм тўғрисидаги қонуннинг 10 моддасида қайд қилинадики, «туризм хизматлари мажбурий сертификатлашга тортилади». Туризм хизматларини сертификатлаш ва сертификат бериш белгиланган қонун доирасида амалга оширилади.

Туризм фаолияти субъектининг туристлик хизматларни мажбурий сертификатлаштиришни рад этиши; туризм хизматларини сертификатлашда салбий натижаси ҳамда сертификат ҳаракатини тўхтатиб қўйиш туризм фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома ўз кучини йўқотади рухсатномадан маҳрум бўлади ёки умуман ҳаракати тўхтатиб қўйилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш бўйича Ўзгагентлик томонидан тасдиқланган «**Туризм хизматларини сертификатлаш тартиби**» билан амалга оширилади.

Бу тартиб умумий қоидалар, туризм фаолияти субъектларига кўрсатиладиган туризм хизматларини мажбурий сертификатлашни ўтказиш тартиб-қоидалардан иборат. Булардан ихтиёрий сертификатлашни ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

17.3. Сертификатлаштиришда Давлат стандартларидан фойдаланиш

Сертификатлашни ўтказишда мос равишдаги Давлат стандартларидан фойдаланилади, жумладан туризм соҳаси бўйича булар қуйидагилардан иборат:

- ГОСТ 30385-95. Аҳолига кўрсатиладиган хизматлар. Терминлар ва асосий тушунчалар;
- ГОСТ 28681.1-95. Туризм-экскурсияга доир хизматлар. Туризм хизматларини лойиҳалаш;
- ГОСТ 28681.2-95. Туризм-экскурсияга доир хизматлар. Туризмга хос хизматлар. Умумий талаблар.
- ГОСТ Уз 918-98. Туризм -экскурсияга доир хизматлар. Меҳмонхоналар классификацияси;
- ГОСТ 28681.3-95. Туризм-экскурсияга доир хизматлар. Туристлар ва саёҳатчилар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар;
- ГОСТ 28681.4-95. Туризм-экскурсияга доир хизматлар. Меҳмонхоналар классификацияси;
- ИСО/МЕК 2 1996. Йўриқнома. «Стандартлаштириш ва турли у билан боғлиқ фаолият соҳаларида умумий терминлар ва тушунчалар».
- РД Ўз 51-026-94. Ўзбекистон Республикасида сертификатлашнинг Миллий тизими. Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби;
- РД Ўз 51-053 -96. Ўзбекистон Республикасида сертификатлашнинг Миллий тизими. Хизматларни сертификатлаш. Асосий қоидалар;
- РД Ўз 51-061-97. Ўзбекистон Республикасида сертификатлашнинг Миллий тизими. Хизматларни сертификатлашнинг миллий тизими. Ўтказиш тартиби.

Шуни қайд қилиш керакки, юқорида кўрсатилган «Тартиб» кўрсатилган хизматларни сертификатлаш бўйича улар томонидан аккредитланган органларга ҳамда туризм фаолияти субъектларига Ўздавстандартга жорий қилинади.

Мажбурий сертификатлашга туризм хизматларини тақдим этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятни амалга оширишга лицензияси мавжуд бўлган туризм фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари тўрилади.

Сертификатлашни амалга оширишда кўрсатиладиган хизматлар тавсифи текшириб кўрилади ҳамда қуйидагиларга имкон берувчи текшириш усулларида фойдаланилади:

- хизматларни идентификациялаш (тенглаштириш, айнан ўхшатиш) ни ўтказиш, жумладан, классификация гуруҳланишига (ОКУН) тегишли эканини текшириш;
- сертификатладиган туризм хизматларини меъёрий ҳужжатларда белгиланган мажбурий талабларга мослигини тасдиқлаш.

Бошқа текшириладиган кўрсаткичлар таркиби туризм хизматларини сертификатлаш мақсадларидан келиб чиқиб, сертификация текширувида аниқланади. Бунинг учун бир неча схемадан фойдаланилади.

№ 1 схема хизматларни ижро этувчи маҳоратини, технологик ва меъёрий ҳужжатлардаги билимини текшириш билан боғлиқдир. Хизмат натижаларини танлаб текшириш билан бир қаторда ижро этувчини хизмат сифатини навбатдаги инспексия текширувида эксперт баҳолашдан фойдаланилади. Пулли экскурсиялар, дам олиш кундаги саёҳат, тур бюролар учун тавсия этилади.

№ 2 схема. Йўлланмани сотишдан ва сифат тизими элементларини ўз ичига олиб тўрнинг тугашига қадар гуруҳларни шакллантиришдаги хизматларни кўрсатиш жараёнларини баҳолашни кўзда тутди:

- туризм хизматларини кўрсатувчи корхона имкониятлари ва истеъмолчи талаблари ўртасида фарқларни тартибга солиш мақсадларида (йўлланмани харид қилиб олгунга қадар) тақдим этилаётган туризм хизматлари тўғрисида туристга маълумотлар бериш жараёни;
- субпурдатчилар билан шартномалар тузиш бўйича жараёнлар (туризм хизматларини реализация қилишда ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилувчи ташкилотлар билан шартномалар тузишдаги талабларни аниқлаш: меҳмонхоналар, транспорт корхоналари, суғурта компаниялари, умумий овқатланиш корхоналари ва ҳ.к.);
- мос равишдаги ходимни танлашда, хизматларни тақдим этишда иштирок этувчи ходимларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш бўйича жараёнлар;
- хизматларни белгиланган талабларга мослигини тасдиқлаш учун тақдим этиш жараёнида керакли ёзувларни юритиш бўйича жараён;
- кўрсатиладиган хизматлар сифатини белгиланган талабларга мослигини тасдиқлаш мақсадида раҳбарият томонидан таҳлил ўтказиш, аниқланган номувофиқлик бўйича ва ишларни янада яхшилаш бўйича таклифлар ҳамда қарорлар қабул қилиш. Турагентлик маршрутлари бўйича туризм саёҳатлари учун тавсия этилади.

№ 3 схема. Навбатдаги инспексия назорати билан хизмат натижаларини танлаб текшириш билан туризм корхоналарини аттестациядан ўтказишни кўзда тутди. Мазкур схема бўйича сертификатлашда корхонага ГОСТ 28681. -95 га мос равишда маълум категория (юлдуз) берилади (тақдим этилади). У меҳмонхоналар, мотеллар ва кемпинглар учун тавсия этилади.

Меҳмонхоналар тақдим этадиган туризм хизматларини сертификатлашни мажбурий шарти бўлиб, ўз ваколатлари доирасида хавфсизлик учун назоратни амалга оширувчи мос равишдаги давлат хизматлари (ёнғинни ўчириш хизмати, санитар-таббӣй хизматлар, техник ва бошқа назорат органлари) ҳужжатли тасдиғи бўлиб ҳисобланади (улар хулосаларнинг мавжудлиги). Бундан ташқари, меҳмонхоналардаги овқатланиш корхоналари мувофиқлик сертификатига эга бўлишлари керак.

№ 4 схема. Уни фаолият кўрсатишини барқарорлиги устидан навбатдаги назорат билан сифат тизимини сертификатлаштиришга йўналтирилган. Бу схема барча турдаги туризм корхоналари ва меҳмонхоналари учун зарур ҳисобланади, аммо, туризм бюролари учун янада афзалроқдир. Шунга қарамадан ихтиёрий сертификатлаш схемаси сертификатлаштириш бўйича органлар билан келишув бўйича буюртмачини аниқлайди. Хизматлар сифатини

текшириш учун технологик жараёнлар назорати, хизмат кўрсатиш жараёнини баҳолаш, ижро этувчилар маҳорати (малакаси, уддабуронлиги, усталиги) тадқиқот ва ижтимоий (социологик) сўров натижалари усулларидадан фойдаланилади.

17.4. Туризмда стандартлаштириш жараёнининг мазмуни ва моҳияти

Стандарт ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган нормалар мажмуасини, маҳсулот ва хизматларга бўлган қоида ва талабларни белгиловчи норматив техник ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Шуни такидлаш керакки, стандартлар нафақат моддий объект (товарлар, маҳсулотлар, хизматлар, буюм намуналар) балки, нормалар, қоидалар, ташкилий-методик ва умумтехник характердаги объектлар учун ҳам ишлаб чиқарилади.

Стандартлаштириш бўйича ваколатли органлар ва Ўзбекистондаги стандартлар тоифаси.

Стандартлаштириш органлари		Стандартлаштиришда қўлланиладиган стандартлар тоифаси ва норматив ҳужжатлар
Номи	Функциялари	
Стандартлаштириш, метралогиya ва сертификация бўйича Ўзбекистон агентлиги	Стандартлаштириш бўйича умуммаъмурий ва юридик ваколатлар	– халқаро (давлатлар ва минтақалар бўйича) стандартлар; – ушбу тури стандартлари; – техник стандартлар, шартлар; – корхона стандартлари; – бошқа Давлатларнинг давлат стандартлари; – маъмурий-худудий стандартлар; – Ўзбекистонда қўлланувчи таълим стандартлари.
«Ўзбектуризм» Миллий компанияси	Туристлик аҳамиятдаги объектлар стандартизацияси	
Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича Давлат қумитаси	Атроф-муҳит ҳимояси ва табиий ресурслардан фойдаланиш стандартлари	
Соғлиқни сақлаш Вазирлиги	Дори воситаларини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш бўйича корхоналар ва тиббий мақсаддаги товарлар стандарти	
Бошқа соҳадаги Вазирликлар ва идоралар	Тегишли иқтисодий соҳалар стандартлари	

Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлишига интилиши муносабати билан, стандартлаштириш жараёни соҳалар, корхоналар, ва ҳудудларга янада кўпроқ даҳлдор бўлмоқда. Янги прогрессив стандартларга ўтиш туристлик фирмаларга қийинчилик туғдириши мумкин, чунки уларнинг баъзилари ҳалигача эски технологик воситалардан фойдаланишмоқда, бироқ жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиш учун унга риоя қилиш керак.

17.5. Туризмни стандартлаштириш жараёнидаги расмиятчиликлар

Расм 17.2. Стандартлаштиришдаги расмиятчиликлар жараёни



1-а ГОСТга мувофиқлик сертификат олиш учун, Ўзстандартга ариза ва зарурий ҳужжатлар пакетини бериш.

2-а Ўздавстандарт ариза тушган вақтдан бошлаб 15 иш куни давомида уни кўриб чиқиб қарор чиқаради: (а) корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга оширишидаги ГОСТни тасдиқлаш; (б) рад этиш ҳақида асос. Аризани кўриб чиқишга тадбиркор бож тўлаши шарт.

1-б Корхона Ўздавстандарт инструкциясига мувофиқ ўзининг техник шартларини (ТШ) ишлаб чиқаради. ТШ лар ўз ичига қўйидагиларни олиши керак: (а) техник талаблар, (б) ҳавфсизлик талаблари, (в) атроф-муҳит муҳофазаси талаблари, (г) қабул қилиш қоидалари, (д) сифат назоратининг усуллари, (е) ташиш ва сақлаш, (ж) ишлаб чиқарувчи кафолатлари, (з) эксплуатация бўйича кўрсатмалар.

2-б Цехни ишлаб чиққандан сўнг ушбу ҳужжат ариза билан бирга 3 нусхада ўзбек ва рус тилларида Ўздавстандартга топширилади.

3-б Ариза ва ҳужжатлар пакети норматив ҳужжатлар экспертизаси бўлимига келиб тушади ва 15 иш куни ичида материаллар таҳлили амалга оширилади.

4-б Барча ҳужжатларни кўриб чиққандан сўнг Ўздавстандарт қарор қилади (а) корхона ишлаб чиқаришни амалга оширишига мувофиқ Цехнинг тасдиғи ҳақида; (б) асосли рад этиш ҳақида. Экспертизани ўтказганлиги учун корхона бож тўлайди.

Туристлик стандарт. Ўзбекистонда ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъий назар барча туристлик корхоналар томонидан туристлик хизматлар сифатига мажбурий ва тавсия этилувчи талабларни белгиловчи стандарт мавжуд. Амалиётда бу система туристнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкнинг ҳавфсизлигини ҳамда атроф-муҳитни қўриқлашни таъминлайдиган туристлик хизматлар сифатига бўлган мажбурий талабларини ўз ичига олади

Шуни айтиш керакки, туристлик хизматларга (экскурсия, поход, саёҳат) ва хизмат кўрсатиши шартларига бўлган талаблар мажбурий ва тавсияланувчиларга бўлинади. Барча туристлик хизматларга мажбурий бўлган талаблар қуйидагилар:

- ҳаёт ва соғлиқ ҳавфсизлиги.
- турист ва экскурсантлар мулкнинг сақланиши.
- атроф-муҳит муҳофазаси

Турист ва экскурсантлар ҳаёти ва соғлиғи ҳавфсизлиги.

Барча туристлик хизмат турлари истеъмолчилар соғлиғи, ҳаёти ва мулки учун ҳавфсиз бўлиши керак. Туристлик хизматлар ҳавфсизлиги нормал шароитда бўлганидек, фавқулодда ҳолатлар (табiiй офат ва бошқалар) да ҳам таъминланиши керак. Туристлик трассалар экологик қулай ва санитар-эпидемиологик шароитлари яхши бўлган ҳудудларда жойлаштирилиши керак.

Туристлик хизматларга ва хизмат кўрсатиш шароитларга талаблар.

Кўрсатилаётган туристлик хизматлар истеъмолчилар учун қўшимча қулайликларни ўз ичига олувчи талабларга мос келиши керак. Туристлик хизматлар ва хизмат кўрсатиш соҳасига тавсия қилинувчи талаблар қуйидагилар:

- туристлик хизматлар хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар хоҳиши ва жисмоний имкониятларига жавоб бериш керак;
- ижронинг аниқ ва ўз вақтида бўлиши истеъмолчиларга кўрсатилаётган туристлик хизматлар ҳажми, муддати ва хизмат кўрсатиш шартларига кўра, йўлланма, чипта, қвитанцияда кўрсатилган талабларга мос келиши керак;
- мажмуийлик (комплекслилик) кўрсатиладиган туристлик хизматлар нафақат асосий хизматларда балки, қўшимча хизматлардан (маиший, алоқа, савдо) фойдаланиш имконини яратиш керак;
- хизмат кўрсатувчи ходимларнинг одоб-ахлоқчилиги, хизмат кўрсатувчи ходимлар ахлоқ нормаларига риоя этиши керак, ходимлар истеъмолчиларга нисбатан мулоим хушмуомила бўлишлари керак;
- қулайлик - туристлик хизматлар истеъмолчилар учун яратилган қулай шароитларда кўрсатилиши керак, бино лойиҳалари қулай, рационал жиҳозланган бўлиши керак;
- эстетиклик - биноларнинг бадиий масалалари, туристлик корхонанинг ҳудуди, ташкилот маршрути, бино интерьерлари жиҳозланиши мос келиши керак, ходимлар ташқи кўриниши ва нутқ маданияти эстетик талабларига тўла мос келиши керак;

- давомийлилик яъни хизмат кўрсатиш давомийлиги, туристлик ва экскурсион маршрутлар давомийлиги ва мураккаблиги, ишлатилаётган транспорт воситалари ва бошқа хизмат кўрсатиш воситалари туристлар жисмоний ва руҳий имкониятларига мос келиши керак.

Ўзбекистонда туристлик хизматларни лойиҳалаштиришда ҳужжатларни кўриб чиқиш тартиби мавжуд. Шунингдек, туристлик-экскурсион хизмат кўрсатиш соҳасида стандартлаштириш объектлари, стандартлар комплексининг структураси ва бошқа стандартларштириш бўйича ҳужжатларнинг мақсади ва вазифасини белгиловчи стандарт бор. Менежерлар туристлик хизматлар учун ишлаб чиқилувчи лойиҳа материаллари, корхона ва туристлик хизмат кўрсатиш объектлари (меҳмонхоналар, турбаза, маршрутлар ва бошқалар) давлат экологик экспертизасидан ўтиши шарт. Хизматлар эса амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатлардаги талабларга мос келиши керак. Туристлик хизматларни лойиҳалаштириш туристлик корхоналар томонидан амалга оширилиши мумкин ёки бошқа ташкилот томонидан ҳам бажарилиши мумкин. Бу ҳолда манфаати бўлган корхона ёки ташкилот ташаббуси билан шартнома тузилади.

Хизмат кўрсатишни лойиҳалаштиришни асоси бу туристлик хизматларнинг қисқа баёнидир, яъни бозорни тадқиқ этиш натижасида аниқланган, буюртмачи билан келишилган ва ижро этувчи имкониятларини эътиборга олган талаблар мажмуасидир. Шу асосда, у қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- хизматлар тавсифи нормаларини белгиланиши;
- туристларга хизмат кўрсатиш жараёни технологиясини белгилаш;
- технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш;
- сифат назорати усуллари аниқлаш;
- лойиҳа таҳлили;
- лойиҳани тасдиққа тақдим этиш.

Туристларга хизмат кўрсатиш жараёнидаги талабларни лойиҳалаштириш.

Туристларга хизмат кўрсатиш жараёнидаги талабларни батафсил кўрсатувчи ҳужжатларга қуйидаги элементлар киритилиши лозим:

- туристларга хизмат кўрсатиш жараёни, шакли ва усуллари баён этиш;
- туристларга хизмат кўрсатиш жараёни тавсифининг аҳамияти;
- фойдаланиладиган воситалар тури, миқдори ва хизмат қилиш имкониятларига эга бўлган талаблар;
- зарур ходимлар миқдори ва уларнинг профессионал тайёргарлик даражаси;
- хизмат ва маҳсулотлар етказишнинг келишилган таъминоти;
- кафолатлар;
- зарур келушувлар (рекреацион ресурс эгалари, санитар эпидемиологик органлар ва ёнғин назорати, давлат автоинспекцияси ва ҳ.к.).

Алоҳида турдаги туристлик хизматлар лойиҳалаштирилиши қандай кечишини мисол орқали кўриб чиқамиз. ***Масалан: «Чимён тоғлари»***

туристлик фирмасига Чимён – Билдирсой рекреацион ҳудуди бўйлаб туристлик саёҳат хизматини лойиҳалаштиришга киришилди. Бу икки босқичда амалга оширилади.

1. Туристларга хизмат кўрсатиш дастурига мувофиқ ҳар битта турдаги хизматларни лойиҳалаштириш;
2. Хизматларни тўлалигича лойиҳалаштириш.

Фирма томонидан амалга ошириладиган турни лойиҳалаштириш корхона имкониятларининг туристлар талабига мос келишини кўзда тутди.

Бу ерда аҳолининг эҳтиёжлари ва тўловга қодир талабларини ўрганиш асосида тузилган хизматларнинг қисқа баёнини киритиш қабул қилинган. Масалан, Тошкент аҳолисининг Тошкент вилояти Чимён - Билдирсой рекреацион ҳудудидаги туристлик саёҳатлар тури, шакллари ва имкониятлари.

Хизмат кўрсатиш дастурини ишлаб чиқиш қуйидагиларни аниқлашни ўз ичига олади:

- маршрутни аниқлаш, яъни километрдаги масофа (5, 10, 20 км ва ҳақозо) ва қандай жойдалигини (паст – баланд, тоғли, сувли, ўрмонли ва х.к.);
- туристлик корхоналар рўйхатини - хизматлар ижро этувчи (меҳмонхоналар, транспорт ташкилоти, ресторан, экскурсия бюроси, ижара пункти);
- ҳар бир хизмат кўрсатувчи томонидан турни тақдим этиш вақти (иш вақти, мавсум);
- экскурсия таркиби ва диққатга сазовор объектлар (яъни гуруҳнинг ихтисослашуви ва орнитологик, тарихий, экологик, йўлда учрайдиган табиий ва тарихий жойлар);
- туристлик сафар ва саёҳатлар рўйхати (муҳитга тўғри келадиган юкламани ҳисобга олган ҳолда мавсумда қанча саёҳат уюштириш мумкинлиги);
- бўш вақтда ўтказиладиган тадбирлар мажмуаси (дискотека, ўйин заллари ва бошқалар);
- ҳар бир маршрут пунктида туриш давомийлиги (яъни, туристлар неча соат/ кун дам олиш жойларида тўхтайдилар);
- саёҳатда қатнашаётган туристлар сони (аниқланган гуруҳлар ҳажми);
- маршрут ичидаги ташишлар учун транспорт турлари (машина, верталёт, отлар, велосипед);
- туризм бўйича инструктор-методист экскурсавотлар, гид- таржимонлар, бошқа хизмат кўрсатувчи ходимларга ва уларни қўшимча тайёрлашга бўлган талаб;
- зарур миқдордаги транспорт воситалари миқдори;
- реклама, информацион ва кардографик материаллар шакллари ва тайёрланиши, туристлик путёвкадаги информацион варақалар учун саёҳат баёни.

Бунинг натижасида «Чимён тоғларининг» қуйидаги технологик хужжатлари тузилади:

- туристлик саёҳатнинг технологик харитаси;

- туристлик корхонанинг график юкламаси;
- истеъмолчига тақдим этилувчи туристлик путёвкага ахборот varaқа;
- «туристлик сафар» хизмат лойиҳаси;
- туристлик сафар жойи ва маршрутининг экспедицион текширувини ўтказиш;
- туристлик манзиллар ва туристлик сафар трассасидаги туар жойларни жойлаштириш ва жиҳозлаш лойиҳасини тайёрлаш;
- зарурий миқдордаги туристлик инвентар асбоблар ва транспорт воситаларининг ҳисоби;
- туризм бўйича инструктор-метадиствлар, бошқа хизмат кўрсатувчи ходимлар ва уларни тайёрлашни ташкиллаштиришга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;
- реклама-ахборот материалларини сафар трассаси баёни билан тайёрлаш;
- ҳавфсизлик бўйича хизмат чораларини аниқлаш;

Сафарлар трассасини ишлаб чиқиш, қулай табиий шароитли худудлар бўйича амалга оширилиши керак. Бу худудлар амалдаги норматив ҳужжатларда белгиланган экологик ва санитар – гигиеник талабларга мос келиши зарур, шунингдек аниқ турдаги туризм ривожланишининг реал имкониятлари ҳисобга олинади. Туристлик маршрутини экспедицион текширишини ўтказиш ҳақидаги ҳисоботи ва трассадаги хизмат кўрсатиш бўйича берилган туристлар истакларини ижтимоий ўрганиш бўйича материаллар лойиҳалаштиришнинг ҳужжатли асоси ҳисобланади.

Натижалар бўйича туристлик сафар трассаси паспорти ишлаб чиқилади ва улар қуйидагиларга мувофиқ келиши керак:

- санитар – эпидемиологик хизмат органларига, транспорт воситалари ҳаракатини назорат этувчи бошқа ташкилотлар (автоинспекция, сув инспекцияси ва ҳ.к.);
- туристлик сафар трассаси ўтадиган ер-сув мулклари бошқармаси органлари;

«Экскурсия» хизмати лойиҳалаштирилиши қуйидаги белгиларни назарда тутлади:

- тематик йўналтирилиш;
- кўриб чиқиш объектлари;
- экскурсиялар давомийлилиги;
- ахборот ҳажми;
- экскурсияни ижтимоий ўрганиш натижалари.

Туристлик-экскурсион соҳада хизмат кўрсатишни стандартлаштиришнинг асосий мақсади сифат даражасини кўтаришда норматив техник таъминлашдир. Шунингдек туристлик самарадорлик, экскурсион хизмат кўрсатиш ва хизматлардан фойдаланувчи истеъмолчилар манфаатини ҳимоялаш.

Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари:

- хизматлар ва туристларга хизмат кўрсатиш сифат кўрсаткичлари номенклатурасини белгилаш;

- хизматлар туристларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг назорат усули сифатига ўсиб бораётган талабларни белгилаш;
- хизматлар хавфсизлиги, аҳоли соғлигини кўриқлаш, атроф-муҳит ҳимояси, ижронинг аниқ ва ўз вақтида бўлиши, хизмат кўрсатишнинг эстетиклигини таъминловчи талабларини ўрнатиш;
- туристлик хизматлар сертификациясига бўлган талабларни белгилаш;
- туристлик корхоналар фаолияти бошқа туристлик экскурсион хизмат кўрсатишда қатнашувчи корхоналар боғлиқлигини таъминлаш;
- стандартлаштириш соҳасида терминлар ва асосий тушунчаларни аниқлашни ва аҳолига туристлик-экскурсион хизмат кўрсатиш сифатини бошқаришни белгилаш.

Аҳолига туристлик-экскурсион хизмат кўрсатишни стандартлаштириш объектларига қуйидагилар киради:

- туристлик хизматлар;
- туристлик-экскурсион хизмат кўрсатиш жараёни;

17.2-жадвалда туристлик хизмат кўрсатиш соҳасида турлар ва стандартлар берилган.

Жадвал 17.2.

Туристлик-экскурсион хизмат кўрсатиш соҳасида бир турдаги хизматлар тури ва стандартлари.

Бир турдаги хизматлар	Умумий талабларга доир стандартлар
- Туристлик ва экскурсион хизматларни амалга ошириш; - Экскурсия; - Туристлик сафарлар; - Реклама - ахборот хизматлари; - Маиший хизматлар; - Озиқ-овқат хизматлари; - Маданий-оммавий хизматлар; - Жисмоний-маданий соғломлаштириш хизматлари	- белгилаш - хавфсизлик - ижронинг аниқ ва ўз вақтида бўлиши - эргономлилик - эстетиклик - экологик - қулайлик - кафолатлар ва бошқалар

Туристлик-экскурсион хизмат кўрсатиш жараёнлари қуйидагиларга бўлинади:

- ташкил этиш ва бошқариш жараёни;
- хизмат кўрсатишнинг технологик жараёни;
- таъминловчи жараёнлар.

Ўздавлатстандарт «Ўзбектуризм» МК билан ҳамкорликда ҳавфсизликни, аҳоли соғлиғи ва ҳаётини, атроф-муҳит ҳимоясини мажмуийликни ижронинг аниқ ва ўз вақтида бўлишини, мажбурий-умумий талабларни шунингдек, хизмат кўрсатиш турларига тавсия этувчи талабларни ўрганади.

Уларнинг расмий қарашлилигидан қатъий назар барча туристлик-экскурсион хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари томонидан амал

қилиниши керак. Шунингдек, аҳолига туристлик-экскурсион хизмат кўсатиш фаолияти билан шуғулланувчи кооператив, қўшма корхоналар ва фуқароларга ҳам тегишлидир.

Аҳолига туристлик-экскурсион хизмат кўсатиш соҳасидаги стандартларнинг асосий кўринишлари қуйидагилар:

- асосий стандартлар;
- умумий техник стандартлар;
- ишлаб чиқариш жараёнлари (технологик, бошқаришни ташкил этишни таъминловчи) стандартлари;
- хизматлар стандарти.

Таянч иборалар: Сертификатлаштириш, стандартлаштириш, Давлат стандартлари, Ўздавстандарт ёки Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий туризмида аккредитланган туризм хизматларини сертификатлаш, мажбурий сертификатлаштириш, асосий стандартлар, хизматлар стандарти, ГОСТ 28681.2-95, РД Уз 51-053 -96, Ўзбекистон Республикасида сертификатлашни Миллий тизими, хизматларни сертификатлаш.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Туризмда сертификатлаштиришнинг мазмуни ва турлари нимадан иборат?
2. Туризм ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаш бўйича ишларнинг калкуляцияси нимани ифодалайди?
3. Сертификатлаштиришда Давлат стандартларидан фойдаланиш қандай амалга оширилади?
4. Ўзбекистонда туризмни сертификатлаш жараёнинг босқичлари нималардан иборат?
5. Хизматларни стандартлаштириш деганда нима тушунилади?
6. Туристлик – экскурсион хизмат кўсатиш соҳасида қандай стандартлар кўринишларини биласиз?
7. Туристлик – экскурсион хизмат кўсатишнинг қандай жараёнлари мавжуд?

18. ТУРИСТЛИК ХИЗМАТ БОЗОРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

18.1. Туристлик хизмат бозорининг функциялари ва таркиби

18.2. Туристлик хизмат бозорини сегментациялаш

18.3. Туризм хизмат бозорига таъсир қилувчи асосий омиллар

18.1. Туристлик хизмат бозорининг функциялари ва таркиби

Туристлик хизмат бозори туристлик маҳсулотни сотиш ва сотиб олиш жараёнини таъминловчи талаб ва таклифларни бирлаштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва туристлик маҳсулот истеъмолчиси ўртасида жамоа иқтисодий муносабатларини юзага келтирувчи жабҳадир. Натижада туристлик хизматнинг пулга айланиши (сотиш-сотиб олиш) жараёни вужудга келади.

Ҳар бир турмаҳсулот ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида бир-бирига мос тушмайдиган иқтисодий манфаатлар бўлади. Уларнинг бир-бирига мос келиши оқибатида эса турмаҳсулотни сотиш ва сотиб олиш жараёни вужудга келади. Бозорда ўзига хос хусусият содир бўлади, бунда хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчи қизиқишларининг келишувидир. Бозорда марказий ҳолатни истеъмолчи яратади. Яхши сотувчининг вазифаси эса ўз миқдорлари талабларини қондириш ҳисобланади

Туристлик хизмат бозори мураккаб ҳисобланиб, бунда унинг маҳсулоти тўғридан-тўғри эмас, балки ўртадаги даллол орқали (хўжалик субъекти-туроператор-турагент) сотилади.

Ушбу омиллардан ташқари яна бир ҳолатни эътиборга олиш керак, яъни кўрсатиб ўтилган битим ҳар доим бир жойда амалга оширилмайди (масалан, меҳмонхона, туристларни қабул қилиш жойи ёки туроператорларда). Туристлик хизмат бозори маълум бир ўзига хос жой ёки географик ҳудуд билан чегараланмаган. Шунинг учун туристлик маҳсулотнинг олди-сотди ишлари сотувчи ва ҳаридорларни жалб қилмаган ҳолда телекс, телеграмма, факс, телефон, аниқ ҳисоб-китоб орқали амалга оширилиши мумкин.

Қуйидаги аниқ шарт-шароитларга амал қилгандагина бозор самарали фаолият юритади:

- Эркин рақобат, бунда бозорнинг барча иштирокчилари ўз мақсадлари (максимал фойда билан маҳсулотни сотиш ёки минимал ҳаражат билан маҳсулотни сотиб олиш) га интиладилар;
- Кўрсатилаётган хизмат ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлиги бўйича асосий қоидаларнинг борлиги;
- Истеъмолчининг эркин ҳолатда танлай олиш имкони.

Замонавий туристлик хизмат бозори қуйидаги ўзига хос бўлган функцияларни бажаради:

1.Туристлик маҳсулотдаги истеъмолчилик қиймати ва сотув қиймати функцияси. Бу туристлик маҳсулот ва ўзаро пул алмашувида аён бўлувчи қиймат ҳаракатини билдиради. Бунинг натижасида жамият такрор ишлаб

чиқаришнинг нормал йўналиши таъминланади, туризмни ривожлантириш учун пул маблағи пайдо бўлади ва йиғилади.

2.Истеъмолчи (турист)га туристлик маҳсулотни етказиб бериш жараёнини ташиқлаштириш функцияси. Турист ўз маблағини туристлик маҳсулотга сарф қилган ҳолда ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондиради. Бундан шундай ҳулоса келиб чиқадики, туристлик хизмат бозори ишчи кучининг ҳаражатини қоплаган ҳолда жамоанинг асосий ишлаб чиқариш кучини қайта тиклайди.

3.Меҳнатга моддий манфаатни иқтисодий томондан таъминлаб бериш функцияси. Тақсимлаш бозоридаги ўзаро пул ва туристлик маҳсулотни тақсимлаш жараёнининг тугалланган шаклидан иборат.

Туристлик хизмат бозори ўзига хос хусусиятларига эга:

- *Туристлик маҳсулотни амалга оширишда маҳсулотни сотиб олиш ва уни истеъмоли орасида вақт узилиши бўлади,* шунинг учун турмаҳсулотни таклиф қилиш каналларининг (маҳсулотни сотувчи) аниқлиги ва ишонарли бўлиши ўта муҳимдир.
- *Туристлик талабга мавсумий алмашувлар ва туристлик оқимнинг шакли таъсир қилади.* Ушбу салбий ҳодисаларнинг олдини олиш учун нарх-навони дифференсациялаш (хизмат кўрсатув элементлари бўйича мавсумга қараб) шунингдек туристларни етказиб бериш ҳажмини мувозанатлаш орқали эришиш мумкин.
- *Маҳсулот сифати кўп ҳолларда аниқ ижрочиларга боғлиқ,* шунинг учун туристлик корхоналар ичидаги менежмент доимо ривожланиши лозим.
- *Туристлик хизмат бозорида истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида ҳудудий тарқоқлик мавжуд,* шунинг учун узоқлашган ҳамкорлар билан тезкор алоқалар ўрнатиш муҳим ҳисобланади.

Туристлик талаб деганда-тўлаш имкониятига эга бўлган аҳолининг турмаҳсулотга бўлган талаби тушунилади. Туристлик талаб амалдаги нарх-наволарда аҳоли томонидан аниқ бир туристлик-экскурсия хизматларини сотиб олиши билан белгиланади.

Бозордаги талабга мувофиқ **туризмда таклифлар** вужудга келади, яъни турист учун унинг дам олиши ва саёҳати жараёнида лозим бўлган турли хилдаги хизматлар шулар жумласига киради. Таклифлар-бу маҳсулот ишлаб чиқарувчининг бозорга талаб қилинадиган аниқ маҳсулотни етказиб бериш учун идеал тайёргарлик ва аниқ имкониятга эга бўлиши тушунилади. Бу ҳолатда таклифлар ишлаб чиқариш билан бир хил бўлмаган ҳолда ундан сони жиҳатидан фарқ қилади. Аниқ бир туристлик маҳсулот (маршрут) нинг таклиф қилинадиган сони бозордагидан юқори бўлиши мумкин. Туристлик маҳсулотга бўлган таклиф - ишлаб чиқарилган маҳсулот сони, туристлик индустриянинг ривожланиш даражасига ва туристлик ресурслар ҳажмига боғлиқ бўлади.

Талаб ва таклиф ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлади: талаб фақатгина таклифни юзага келтирмайди, бундан ташқари таклиф аниқ бир тарзда талабга таъсир кўрсатади. Масалан: туристлик хизматга боғлиқ бўлган талаб ҳажми унга бўлган нарх кўтарилганда ортиб боради, нарх тушса таклифлар сони ҳам камаёди.

Туристлик хизмат бозорида туристнинг хизматга бўлган талаби учун пул воситасининг алмашинуви содир бўлади. Мувофиқлаштирилган ҳолатдаги алмашинувда бир томондан туристлик маҳсулот иккинчи томондан эса туристлик индустриянинг кириб келиши учун шароит яратилади.



Расм 18.1. Туристлик хизмат бозоридаги талаб ва таклифлар

Туристлик хизмат бозори ўзининг қабул қила олиш чегараси (сиғимдорлиги) билан тавсифланади, яъни аниқ бир белгиланган даврда (мавсум бир ойда) белгиланган туристлик маҳсулотни амалдаги нархлар ва таклифларга мувофиқ сота олишидир. Бозорнинг сиғимдорлиги аҳолининг талаб доирасида тўлов қобилиятига эгаллиги, нарх даражаси ва туристлик таклифларнинг тавсифига боғлиқ бўлади. Туристлик маҳсулотга бўлган талаб ва нарх даражасига қараб қисқариши ёки бўлмаса, аксинча ошиб бориши мумкин. Бозорнинг сиғими ва унинг ўзгариш тенденциясини биладиган корхона ушбу бозордан равнақи даражаси учун фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Туристлик хизмат бозорида: бир-бирига карама-қарши ҳаракатланадиган ҳамда туристлик айланма ҳаракатни яратувчи пул оқими йўналиши ва туристлик маҳсулотнинг мунтазам ҳаракатланишини яратиб берувчи омил вужудга келади

Туристлик айланма ҳаракат-иқтисодий алоқалар таркибига кирувчи хизматни пулга ёки бўлмаса пулни хизматга алмаштирувчи жараён киради. Ушбу жараён туристлик маҳсулот оқимининг ҳаракатланиш йўналиши, инвестицияларнинг туризм соҳасини ривожлантириш ва туристлик фаолиятдан келадиган даромаднинг бюджетга келиб тушишини кўрсатиб беради.

Туристлик айланма ҳаракат қуйидаги схема бўйича амалга оширилади:

1. Турист йўлланмани сотиб олади ва туристлик компанияга пул тўлайди.
2. Оқибатда турист ўзининг истак-талабини қондиради.

3. Туристлик корхона сотилган туристлик маҳсулот учун пулни олади, Туристлик индустриянинг ривожини учун инвестиция ўтказиши ёки бўлмаси янги турдаги туристлик маҳсулотни сотиб олади.
4. Туристлик корхона сотилган туристлик маҳсулот учун бож тўлайди, турли шаклдаги тўловларни бажаради, ўз ишчи ходимларига ойлик тўлайди.

Туристлик корхона доимий ўзгариб турувчи рақобатчилик муҳитида барқарор тарзда қаттиқ тартиб вазиятида иш олиб бориши лозим. Ушбу муҳит элементлари бўлиб бир нечта бозорлар ҳисобланади. Улар туристлик маҳсулот конъюктурасини аниқлаб берувчи ва туристлик корхонанинг иқтисодийётига таъсир ўтказувчи ҳисобланади:

1. Меҳнат бозори;
2. Молиявий бозор;
3. Инвестициялар бозори;
4. Туристлик маҳсулотлар бозори.

Меҳнат бозори-ушбу бозор туристлик фаолиятини ривожлантириш учун зарур бўлган интеллект ва ишчи кучи жалб қилинувчи жабҳа ҳисобланади.

Молиявий бозор-ушбу бозор давлат-кредит сиёсати томонидан бошқарилувчи бўлиб шахсий жамғармага таъсир ўтказиши, йиғилган маблағларни истеъмол ва инвестицияга бўлинишини белгилайди.

Инвестициялар бозори-бу корхоналар томонидан “Ўзоқ муддатли моддий фойда” (асосан уй-жой қурилиш) ҳисобланувчи нарсалар учун сотиб олинувчи нарсасидир. Инвестициялар бозори кредитлар бўйича қилинадиган талаб ва фойиз ставкаларига боғлиқ ҳолда ривожланади. Ишлаб чиқариш учун инвестиция ажратиш иш бандлигига сабаб бўлиб, янги асбоб-ускуналарни ишлатиш ва янги иш ўринларини яратиш беради.

Маълумки бозор-бу турли механизмлардан иборат бўлиб, турли маҳсулот турлари ва хизматлар учун туғилажак талаб ва таклифларни мувофиқлаштириб туради. Унда катта ҳажмдаги бир-бири билан боғлиқ бўлмаган аниқ бир маҳсулот -яъни, туристлик маҳсулотни сотиб олишга хоҳиши ва иложи бор потенциал ҳаридорлар ҳаракат қилишади. Бу ерда товарни сотувчи ҳамда бозор ҳаракатланиши шароитини ўзгартирувчи ҳаридорлар, даллоллар шунингдек аниқ ва фаол рақобатчиларни аниқлаб олиш мумкин.

Туризм хизмат бозорида сотиш ва сотиб олишнинг асосий манбаи хизмат ҳисобланади. Ҳаридор ва сотувчидан ташқари туристлик хизмат бозори механизмига сезирарли даражада даллоллик буғинлари ҳам киради.

Туристлик хизматга бўлган талаблар бир неча хил хусусиятларга эга: моддий имкониятли иштирокчиларнинг турли - туман қатнови, ёшлари, мақсад ва сабаблар: эгилувчанлиги, алоҳида характерли ва дифференцияланганликнинг юқори даражаси: туристлик таклифлардан вақт ва масофа бўйича узоқлиги.

Туристлик хизмат бозорининг муҳим хусусиятларидан яна бири унинг **комплементарлигидир** (жамланмадорлик) бу хусусият туристлик маҳсулот ва хизматнинг бир-бирини тўлдира олишидир. Бу хусусият шундай тушинилади, яъни истеъмолчи томонидан сотиб олинувчи товар кўпинча бутун бир бошқа

товар ва хизматлар сотиб олишга олиб келади. Масалан, транспорт хизмати автоматик равишда бошқа турдаги хизматлар (овқатланиш, кўнгил очар дастурлар) сотиб олинишига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида туристлик товар ва хизматларни кенгайтириш учун ҳаражатга олиб келади, шунингдек турли ҳолдаги туристлик маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида даромаднинг тақсимланишига олиб келади.

Туристлик маҳсулот истеъмолчиларининг санокбай тавсифига кўра уч хил турдаги туризм бозорлари ажратилади: оммавий, машҳур ва индивидуал.

Оммавий туристлик хизмат бозори-катта гуруҳлардан иборат саёҳат қилувчи асосий туристлар массасини ўз ичига қамраб олади. Бундай турларнинг ҳаридорлари илгари келишилган дастурлар, хизмат ва кўнгил-очар тадбирлар, ҳамда олдиндан тўлаб қўйилган хизматларнинг стандарт жамланмасига рози бўлган кишилардир.

Машҳур туристлик хизмат бозори-бир мунча камчиликлардан иборат туристлардан ташкил топган бўлиб, қимматроқ, инклюзив турлар, яъни юқори даражадаги сервис ва қимматбаҳо меҳмонхоналардан иборат, шунингдек саёҳат даврида истакларига қараб қўшимча хизматлар учун ҳақ тўланади.

Индивидуал туристлик хизмат бозори-ушбу ҳолатда туристлар якка тартибда ўз маршрутларини мустақил белгилайдилар, зарурий ҳолларда транспорт хизмати ва меҳмонхонада жойлашиш учун буюртмалар берадилар. Бу турлар бадавлат кишилар учун анча қизиқарли бўлиб, уларни ўзига жалб қилади. Бундан ташқари ўз дам олишларини бизнес ёки бошқа бир машғулоти билан биргаликда давом эттирадилар, бу эса ўз навбатида олдиндан дам олишни тугаллаш ёки қайтиш муддатини белгилашлари кераклигига йўл қўймайдилар.

Саёҳатни ташкил қилишнинг тавсифланиши билан боғлиқ бўлган ташкиллаштирилган ва ташкиллаштирилмаган туризм хизмат бозорларига ажратилади.

Ҳаракатланиш услубига кўра: пиёда, темир йўл, авиация, денгиз ва дарё, ҳамда автомобил туризм хизмат бозорларига ажратилади.

Ҳар бир қайт этиб ўтилган туристлик хизмат бозорлари хилма-хил бўлиб: иш билан боғлиқ туризм ўз ичига делегациялар ёки алоҳида шахсларнинг келишувларда, мажлисларда, кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш мақсадини ўз ичига олади. Бошқа турдаги иш билан боғлиқ туризм махсуслашган гуруҳлар (касб, ихтисослик) бўйича тузилган, аммо уларнинг йўналтирилган мақсадли ҳолдаги аниқ бир дастур орқали саёҳатлари уларни иш билан туризмнинг алоҳида бир гуруҳига ажратиш лозимлигини билдиради.

Маркетинг фаолиятининг алоҳида хусусияти ва таркибига кўра қуйидаги бозорлар ажратилади:

- * **Мақсадли**, бунда корхона ўз мақсадини амалга оширади ёки оширмоқчи бўлади.
- * **Асосий**, корхонанинг асосий хизмати амалга оширилади (сотилади).
- * **Қўшимча**, бунда бир қанча ҳажмга эга бўлган хизматларнинг сотилиши таъминланади.
- * **Ўсиб бораётган**, сотиш ҳажмининг реал ошиш имконияти.

18.2. Туристлик хизмат бозорини сегментациялаш

Ўзбекистон бозорларида туристлик хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида рақобатчилик бир қадар кескин равишда кечади, чунки корхоналар сони тобора ортиб бормоқда. Кўпгина корхоналарнинг молиявий, меҳнат ва бошқа ресурслари чекланган бўлиб, улар барча мижозлар истакларини тўлиқ амалга ошира олмайдилар. Туристлик корхонанинг иш фаолиятини унумли ва даромад келтира оладиган қилиб ташкиллаштириш учун улар бозор сегментациясидан фойдаланадилар.

Бозор сегментацияси - истеъмолчиларнинг талабларини бирлаштирувчи ҳарактерга эга бўлган бозор қисмларини тушунамиз. Ушбу сегмент (қисм) ларнинг ҳар бири мақсадли бозор сифатида танланиши мумкин. Истеъмолчиларнинг талабини ҳар бир маҳсулот қондира олмаслиги боис, сегментациянинг асосий мақсади-туристлик маҳсулотни аниқ (манзилий) таъминлашга қаратилади. Туристлик хизмат бозорининг сегментацияси вужудга келувчи саволларга, яъни: хусусияти, қизиқиши, фикрлаши, қабул қилиши, маънавий қадриятлар ва ҳар бир сегмент вакилининг заруриятига қараб жавоб беради. В.Сапрунова томонидан таклиф қилинган туристлик фаолият саволларига жавоб берувчи меъзонлар сегментациясининг асосий ғуруҳи 18.1. жадвалда келтирилган.

Жадвал 18.1.

Туристлик маҳсулотга талаб сегментацияси

Мезонлар	Талаб сегментлари
Географик мезонлар	
1.Турист ташриф буюрадиган мамлакат	Чиқувчи Кирувчи Ички
2.Туристлик саёҳатдан географик мақсад	Дунё давлатлари бўйлаб туризм Дунёнинг алохида ҳудудлари бўйлаб туризм Турист яшайдиган давлатнинг алохида ҳудудлари бўйлаб туризм
Ижтимоий мезонлар	
1. Ёши	Ёшлар туризми (30 ёшгача) “Сениорлар” туризми (30 дан -45 ёшгача ва 45 дан 55 ёшгача) Болалар туризми
2. Жинси	Аёллар туризми Аралаш туризми
3. Туристнинг касби	Касбий белгилар бўйича сегментлар кўплиги махсус турлар Иқтисод, сиёсат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида ишлайдиган ходимлар учун махсус турлар

4. Оила бошлиғининг касби	Жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари бўйича сегментлар(юқори менежмент, хизмачилар ва ҳ.к.)
5. Доимий яшаш жойидаги аҳоли пунктининг катталиги.	Катта, ўрта ва кичик шаҳарлардан туристлар Қишлоқ жойлардан туристлар
6. Оилавий туризм	Ёлғизлар туризми Боласи йўқ оилалар туризми Боласи бор оилалар туризми Кўп оилавий туризм
7. Миллати	Этник туризм
8. Диний йўналишлар	Диний туризм
9. Оила даромади	Ижтимоий туризм Люкс туризм Унча қиммат бўлмаган –эконом туризм Эксклюзив турлар
Психологик мезонлар	
1. Саёҳатлар	Рекреацион туризм Ишга боғлиқ туризм Спорт туризми Ўрганиладиган туризм Коммуникацион туризм
2. Туристнинг тоифаси	Турли хилдаги классификациялар (масалан, S-, F-, V-, A-, B-тоифадаги туристлар ва ҳоказо)
3. Мавсумийлик	Асосий мавсум Оралиқ Мавсумлараро Йилнинг ойлари бўйича
4. Саёҳатнинг ташкиллаштирилиши	Мустақил Воситачи орқали
5. Саёҳат тури	Гуруҳ билан Индивидуал
6. Фойдаланилувчи транспорт тури	Автотуризм Авиатуризм Велотуризм Автобус туризми Денгиз круизли туризми Дарё круизли туризми Шахсий транспорт Бошқа турдаги транспорт воситалари
7. Турар жой билан таъминланиш	Меҳмонхона Мотел Кемпинглар

	Шахсий уйлар ва хоналар Бошқа турдаги бинолар
8.Туристлик мақсаднинг узоқлиги	Сегментациялашнинг турли меъзонлари
9.Саёҳат муддати	Узоқ муддатли (21 кундан ошиқ) Ўрта муддатли (7-14 кун) Қисқа муддатли (2-4 кун)
10.Молияланиш шаҳобчалари	Ижтимоий туризм (кам таъминланган аҳоли учун ижтимоий суғурта томонидан маблағ ажратилади Интенсив турлар (фирма ходимлари ва уларнинг оиласи учун фирма томонидан тўланадиган рағбатлантирувчи турлар) Оилавий бюджет
11.Туристлик саёҳатни амалга оширишда қарор қабул қилишга ёрдам берувчи консултантлар, даллоллар)	Туроператорлар Турагентлар Танишлар Оммавий ахборот воситалари

Энг кўп тарқалгани бу-**географик меъзондир**. Бу ерда меъзон сифатида давлат ёки бир гуруҳ мамлакатларда тарихий, этник урф-одатлар ва бошқа умумийликлар кўрилади. Бу меъзоннинг асосий сегментлари -курортда дам олиш мақсадида узоқ масофани босиб ўтувчи туристлар: худудий келувчилар (тур марказдан ташкарида яшовчилар ва у ерга 4 соат давомида етиб борадиганлар) ва маҳаллий туристлар. Қонун каби туристлик йўналишнинг яқинлиги муҳим омил ҳисобланади. Агар тур марказ ўзининг мақсади йўналтирилган бозорга қанчалик яқин бўлса, шунчалик ташриф буюрувчилар сонининг ошиш эҳтимоли катта бўлади. Қандайдир тур марказнинг фаолиятини ривожлантириш учун турфирма ўзларининг рекламалари билан, кўп аҳоли яшайдиган пунктларга ва тур марказга яқинроқда истиқомат қиладиган аҳолига мурожаат қилади.

Ижтимоий меъзонлар-бу туристларнинг ёши, жинси, касби-туристлар доимий яшайдиган аҳоли пунктининг катталиги, оила аъзоларининг сони, туристларга хизмат кўрсатувчилар, оиласининг таркиби, миллати, диний ақидалари, оиласининг умумий ва ҳар бирига тўғри келадиган даромади, оилада транспорт воситасининг бор ёки йўқлиги. Ҳозирда аёллар ўртасида махсус касбийлашган туризм катта аҳамият касб этмоқда. (Масалан, банк ходимлари, қишлоқ хўжалигидаги ишчилар ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида ишловчилар) шунингдек ёшлар ва болалар туризми ҳам.

Психологик ўзини идора қилиш сегментацияси (йўналиш тартибини ўзи белгилайди) -бунда истеъмолчилар яшаш тарзи ва мақсадли йўналишлари, яъни уларнинг бўш вақтини белгилаш тартиблари, шахсий тавсифлари бўйича гуруҳларга бўлинади. Бундай туристлик ҳаракат меъзонларига саёҳат мақсади, туристнинг психологик суръати, мавсумийлик, саёҳат тури ва уни ташкил қилиш, фойдаланиладиган транспорт воситалари, саёҳат даврида турар-жой,

молиявий маблағи, консультантлар ва ўртадаги даллолларнинг ҳаракати тур саёҳатда қарор қабул қилишга сабаб бўлади.

Туризм хизмат бозоридаги кўплаб сегментлар яна кичик сегментларга бўлинади. Масалан, рекреацион туризмда - бу даъволаниш мақсадидаги ва таътил туризми ҳисобланади. Кўпинча мотивациянинг алоҳида сегментлари бўйича аниқ чегаралар ўтказиш осон эмас. Ишга боғлиқ туризм вазиятни ўрганиш билан боғлиқ туризмга ва спорт туризми эса рекреацион туризмга боғланиб кетади. Масалан, туризм хизмат бозорининг сегментацияси ҳаёт тарзининг меъзони бўйича қуйидаги истеъмолчилар гуруҳларини ажратади:

- Ҳаётдан лаззат изловчи шахс
- Аниқ бир мақсад сари интилувчи фаол шахс
- Ишбилармонлар даврасининг аъзоси
- “Кўк ёқаликлар”
- Анъанавий уй эгаси

Ҳаётдан лаззат изловчи шахс- бир хил ишни бажарувчи ва тоза ҳавода ҳақиқий фаолият турларидан қониқиш ҳосил қилишни истовчи шахс. Балиқ овлашга, овчиликка, спорт билан шуғулланишга ва қимматбаҳо спорт автомобилларига қизиқади. Унинг даромади яхши, лекин харид бўйича қарорлар у томонидан қўл учига ҳал қилинади. Ҳаётини узоқни кўзлаб режалаштирмайди. Спорт, саргузашт ва бошқа дастурларнинг доимий мухлиси.

Аниқ бир мақсад сари интилувчан фаол шахс-ўзида барча маҳоратини ва энергиясини касби бўйича кўтарилиш учун ишга солади ва ўз ишига катта қизақиш билан қарайди. Ўзига ишонган, ҳаётнинг либерал бўлишини хоҳлайди ва замонавий ҳисобланади. Доимо фаол фаолият, янги таассуротлар олишга ҳаракат қилади. Масалан, яхтада сузиш, четга саёҳат қилиш, чанғида учиш ва ҳоказо. Замонавий маданиятнинг охириги йўналишларидан, ҳамда воқеа ва ҳодисалардан доимо хабардор бўлиши учун турли журналлар ўқийди. Хабарлар, кўнгилочар ва спорт дастурларини кўради.

Ишбилармонлар давраси аъзоси – аниқ бир мақсад сари интилувчан фаол шахсдан фарқли ўлароқ қимматли таътил учун ўзида кўпроқ маблағга эга. Доимий турар жойи ва ўзининг оиласи бўлганлиги учун узоқ масофага кетишни хоҳламайди. У ишбилармонлар журнали, газеталар ўқийди ва қисқа саёҳат, табиат ва ахборотлар тўғрисидаги кўрсатувлар мухлиси.

Кўк ёқаликлар – унча катта бўлмаган шаҳарларда ёки катта шаҳарларнинг атрофида, четларида турадилар, халқнинг бойлиги тўғрисида қайғурадилар (ватанпарварлик ҳисси). Оиласи билан палаткаларда дам олишни ажойиб деб билади. Балиқ овлашни яхши кўради.

Анъанавий уй эгаси – унинг асосий муаммоси бўлиб, тез ўзгараётган замон билан бирга бораолмаётганлигидир. Эски урф-одатларга молик ва бошқа одамлардан ҳам шуни кутади. Ҳар бир ишлатилган пулидан максимал даромад олишга ҳаракат қилади. Ҳеч қачон кредитга харид қилмайди. Таваккалчилик билан боғлиқ барча ишлардан узоқроқ юришга ҳаракат қилади. Комедияларни яхши кўради. Дунёдаги сўнгги янгиликлар ҳақида фақат телевизор орқали хабардор бўлишни афзал кўради.

Юқорида қайд этилган сегментлар истеъмолчилар ҳақида юзаки тавсиф беради. Туристлик хизмат бозорини умумлаштирилган сегментлар ҳарактеристикаси бўйича бўлинганди турли талаб ва истакли истеъмолчилар гуруҳи намоён бўлади. Ҳар бир сегмент асосий бозорни ташкил қилиб, ушбу бозорда махсус тур маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ижтимоий демографик маълумотлар ҳар бир сегментнинг физик ва молиявий хусусиятлари ва чекланмаларини намоён қилади. Турмуш тарзини намоён қилиш ҳар бир сегментнинг талаб ва сўровномаси ҳақида маълумот беради. Ҳар бир сегментдан фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар қайси восита ёрдамида мазкур сегментни реклама қилиш мақсадида реклама компанияси ўтказиш кераклигини кўрсатади

Шундай қилиб сегментлашни амалга ошира бориб туристлик фирмалар бирон бир аломатлари ўхшаш бўлган мижозлар гуруҳини аниқлайди. Ҳар бир бозор сегментлари ўзига хос туристлик таклифларга мувофиқ келиши керак. Бундай ёндашиш амалда бор бўлган талабни фақатгина қониқтирибгина қолмай, балки унга ўзгартиришлар киритади.

Бутун жаҳон туристлик ташкилот даромадлар даражасини белгилаш комбинацияси асосида ва таълим даражаси бўйича тўртта туристлик хизмат бозори сегментини ажратади.

Биринчи сегментга – ўртача ёки қисман паст даромадли шахслар киради. Уларнинг саёҳатдан асосий мақсади денгизда дам олиш, бунда уларнинг саёҳат жойи ва мақсади нарх – навога боғлиқ бўлади. Бундай туристлик хизмат бозори сегменти учун кучли таассуротларга эга бўлиш шарт эмас. Бу тоифадаги туристлар хизмат нархи юқори бўлган сервис хизматларга тайёр бўлмаган ҳолда, уларнинг сифати учун жуда талабчан бўлишади. Бундай туристларнинг асосий тамойили – ҳамма нарсани охиригача олиш, қабул қилиш. Улар даражаси юқори меҳмонхоналарни танламайдилар, аммо кўнгил очар дастурлар ва тунги экскурсияларга катта қизиқиш билан қарайдилар. Бутун дунё туристлар алоқасида бундай турдаги туристлик сегмент энг кўп ҳисобланиб, туристлик оммавий ёндашувчи массани ҳосил қилади, одатда бундай турист яқин масофани, яъни биринчи дуч келган денгизни танлайди.

Иккинчи сегментга – даромадлари ўртачадан юқори бўлган шахслар киради. Ушбу туристлар кўп ҳолларда юқори малакага эга бўлган, айрим ҳолларда ўрта – махсус билимли шахслардир. Уларнинг асосий мақсади дам олишни, теварак-атрофни ўрганиш билан ҳамоҳанг ўтказиш бўлиб, уларда ўрганиш, кўриш истаги юқори бўлади. Улар агар қизиқтирувчи объектни кўриш иложи бўлса ўзларининг комфорт қулайликлардан ҳам воз кечишлари мумкин.

Учинчи сегментга – юқори даромадли шахслар киради. Улар юқори малакали бўлганлари учун теварак-атрофни кўриш, билиш ва ўрганишга ҳаракат қилишади. Бу ерда иккита ёш тоифаси бўлиб, улар: ўртача ва “учинчи” ёшдир. Учинчи даража ёшдаги шахслар гуруҳлар таркибида сайр қилишади, ўрта ёшдагилар эса танишлари ва дўстлари билан саёҳат қилишни ёқтирадилар. Ушбу сегмент узоқ 2–3 ҳафта давом этувчи саёҳатларни маъқул кўради. Бундан ташқари уларни қимматбаҳо сувенир – совғалар қизиқтиради.

Тўртинчи сегмент – булар юқори малакали кишилар бўлиб, табиатни, маъданият, яшаш тарзи, халқларнинг дини, удумлари билан қизиқувчи шахслардир. Ушбу тоифада турлича даромадга эга кишилар бўлиб, саёҳат учун улар каттагина маблағ ажратишлари мумкин. Кўпинча улар йиғилган омонатларини ушбу йўлда сарфлашади. Ушбу бозор сегменти кўпчиликни ташкил қилмайди, аммо кейинги пайтларда уларнинг сони ошиб бормоқда.

Жадвал 18.2.

Даромадлар даражаси бўйича гуруҳлар	Туристлар гуруҳи	Фоиз
1-гуруҳ (100 долларгача)	Тошкент ва Тошкент атрофи бўйича экскурсиялар, спорт турлари, пенсионерлар учун санаториялар	7%
2-гуруҳ (300 долларгача)	Санатория ва соғломлаштириш комплексларида дам олиш (3-5кун)	13%
3-гуруҳ (500 долларгача)	Автобус турлари (Чехия, Полша, Венгрия), шоп турлар (Италия), дам олиш (Туркия, Кипр, Венгрия)	20%
4-гуруҳ (1000 долларгача)	Сувдаги маршрутлар, комбинациялашган ва соғломлаштириш турлари	50%
5-гуруҳ (1000 доллардан юқори)	Денгиз круизлари, иш билан боғлиқ, тоғ-чанги ва экзотик турлар	10 %

18.2. жадвалда даромадлари бўйича истеъомол даражасига эга бўлган туристлик хизмат талабдорлари гуруҳи келтириб ўтилган.

Биринчи гуруҳ истеъомолчилари қисман кам ҳажмга эгадирлар. Бундан келиб чиқадиган фикр ижтимоий туризмнинг таклиф қилинадиган соҳалари кам бўлар экан.

Иккинчи гуруҳ истеъомолчилари эгаллаган мавқеда туради. Бу ерда ҳам таклиф килинувчи хизматлар спектрини кўпайтириш керак деган фикр келиб чиқади.

Учинчи гуруҳ бир мунча ўзгармас бўлиб, улар истеъомолчилар даромади даражасидан келиб чиқилган ҳолда гуруҳда ҳажми юқори.

Тўртинчи гуруҳ га тавсиф бера бориб шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, туристлик соҳанинг ривожланиб бориши, ички ва ижтимоий турларга талабнинг кенгайиши ушбу гуруҳнинг камайиб боришига сабаб бўлади.

Бешинчи гуруҳ истеъомол хизмат даражаси бўйича ўзгармас мавқеъни эгаллаган. Унинг динамикасида турли ижтимоий – иқтисодий факторлар тебраниши юзага келади.

18.3. Туризм хизмат бозорига таъсир қилувчи асосий омиллар

Туризм хизмат бозорига ва туризм талабига бир қанча омиллар таъсир қилади. Туризм талабига бошқа товар ва хизматлар каби аҳолининг олдиган даромади ва уларнинг саёҳат учун ишлатилиши таъсир қилади.

Туризм иқтисодиётнинг бир тармоғи сифатида икки ҳолатда барқарор бўлади, яъни фуқароларнинг бўш вақтлари ва етарли даромадларининг борлиги билан белгиланади. Шу сабабли туризмда юқори даражада туризмга бўлган талабни шакллантириш учун, аҳолининг бўш вақтини ва даромадини ошириш йўллари амалга ошириш керак. Туризмга бўлган талабни оширувчи асосий объектив омил бўлиб, аҳолининг бўш вақти тенденцияси ҳисобланади.

Аҳолининг баъзи эҳтиёжлари қондирилмагунча, туризм оммавий аҳамият касб этмайди. Туризм хизмат бозорини таҳлил қилишда туризм хизмат бозорига таъсир қилувчи асосий омиллар, яъни сўнгги йилларда Ўзбекистонда ўз ўринга эга бўлган истеъмолчиларнинг ижтимоий –демографик ва психологик хатти-ҳаракатларини кўриб чиқамиз.

Бу ерда асосий омил бўлиб, аҳолининг жойлашиш структураси, аҳолининг даромадлар даражаси, таълим, машғулотлар тури, аниқ бир ирқга мансублиги, жинси, вақти, ҳаёт тарзи ва ҳ.к. ҳисобланади.

Аҳолининг структураси – Ўзбекистон кўп миллатли республика бўлиб, бу ерда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Аҳолининг асосий қисми ўзбеклардан иборат бўлиб, уларнинг салмоғи муттасил ортиб бормоқда. Европалик аҳолининг салмоғи камаймоқда, бунинг сабаби туб аҳоли билан европалик аҳолининг туғилиш даражасидаги катта тафоввутдир. Республика аҳолисининг юқори суръатлар билан ўсиши истикболда ҳам кутилади. 2015 йилларга аҳоли 36333 минг кишини ташкил қилиши ҳисоблаб чиқилган.

Ҳозирда туризм ривожланишининг келажагини аҳоли структурасининг ўзгариши белгилайди. Шу туфайли Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга барча асослар мавжудлиги кўриниб турибди.

Ёш. Аҳоли структурасида ёшнинг ўзгариши бизнеснинг барча соҳаларига таъсир қилади. Туризм ривожланишини башорат қилишда, мамлакат аҳолисининг ёш бўйича таркибини ўрганиш ва туризм хизмат бозорига таъсирини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ғарб кузатувчилари туризм хизмат бозорига таъсир қилувчи қуйидаги ёш бўйича сегментларни ажратадилар.

Болалар. Болалар туғилишининг ортиши туризм учун унча яхши эмас. Сабаби ёш болалари ва чақалоқлари бор оилалар саёҳатдан кўра уйда ўтиришни афзал кўрадилар. Бундан ташқари бундай оилаларда саёҳат учун ишлатилиши мумкин бўлган даромаднинг бир қисми ёш болалар ва чақалоқларга ишлатишади. Аммо ёш болаларнинг ўсиш тенденцияси туризмнинг келажакдаги ривожланиши учун яхши омил ҳисобланади. Сабаби келажакда бу ёш болалар туристлик хизматларнинг салоҳиятли истеъмолчилари ҳисобланадилар.

Ўсмирлар бозорнинг асосий сегментини ташкил этадилар. Сабаби улар ўзларининг индивидуал ҳарид қобилятига эга. Қаерда дам олиш кераклигига

оила аъзоларига ўзларининг таъсирини ўтказадилар. Улар мустақил туристлар ҳамдир. Саёҳат қилишига шахсий транспорт воситаларининг борлиги асосий омил ҳисобланади.

Туризм хизмат бозорида ёшлар икки ёш категориялари бўйича бўлинадилар, яъни 18 дан 24 ёшгача ва 25 дан 34 ёшгача. Ўзларининг кўп сонлилиги ва кўпроқ ҳаракатланиш қобилияти билан, бу категориядагилар туризм хизмат бозорининг ҳолатига таъсир қилади. Одатда бу гуруҳдаги ёшлар кўпчиликини ташкил қилганлиги сабабли, бу сегментнинг комплекс тенденциясини аниқлаш мумкин: кечроқ турмуш қуриш, оилада фақат бир боланинг туғилиши, кичик уй хўжалиги, оиладаги ҳар иккала аъзоси учун ҳам карьеранинг муҳимлиги. Туризм хизмат бозорида ёшларнинг кўпроқ икки гуруҳи учрайди: турмуш қурмаган ва боласи йўқ ёш оилалар.

Аҳолининг харид қобилиятига 35 ёшдан 44 ёшгача бўлганлар асосий таъсир кўрсатадилар. Бу сегментнинг ҳаёт тарзи бутун мамлакат ҳаёт тарзи бўла бошлайди, бу ҳоҳ саёҳат бўлсин, ёки дам олиш масканлари бўлсин, айнан шу гуруҳдаги аҳоли самолётлардаги саёҳатларга ва курортларда дам олишга ишқибоз. Саёҳатга ва кўчиш воситаларига улар кўп пул сарфлайдилар. Буларнинг кўпчилиги яхши таълим олган. Улар учун ўз билимларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Янги ахборотларни олишни улар ўзлари учун фикрлаш доирасини кенгайтирувчи восита деб билади. Бу гуруҳдаги кишиларнинг эҳтиёжларини қондириш, туризм бизнесининг келажакдаги ривожланишига таъсир қилувчи асосий омил ҳисобланади.

45 ёшдан 54 ёшгача бўлганлар. Ўзларининг яшаш жойларидан узоқроқда, курортларда дам олишга, самолётларда саёҳат қилишга молиқдир.

Бу гуруҳ асосини ижтимоий фаол кишилар ташкил қилади. Бу ёшдагилар барча қулайликлар бўлишини ва экскурсия дастурларига ўзларининг касбига боғлиқ объектлар билан танишишни киритилишини хоҳлайдилар.

Асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган тенденция – бу кекса ёшдаги аҳолининг ўсиб боришидир. (60-65 ёш ва 65 ёшдан юқори). Бу бозор доимо ўсиб боровчи ва бошқа ёшдаги сегментларга нисбатан асосийсидир. Бу туризмнинг ажралиб турувчи жихати шундаки, бу ёшдагилар ходимлар хизматига, тиббий ёрдамга ва ҳ.к.ларга талаби юқори. Шу жумладан бу туристларнинг дам олиш вақтлари чегараланмаганлиги сабабли, айнан туризмнинг мавсум ойлари (июл, август) ни четлаб ўтишга ҳаракат қилади ва илиқ куз мавсумини яхши кўришлари билан, кишини ўзига жалб қилади. Бу ёшдаги гуруҳларнинг туризм ва саёҳатга бўлган муносабати нуқтаи назаридан уч асосий гуруҳларга ажратилади: 55 ёшдан 64 ёшгача: 65 ёшдан 74 ёшгача ва 75 ёшдан юқори. 55 ёшдан 64 ёшгача бўлганлар, қўлларида нақд пул борлиги ва болаларининг ўқиши, тарбияси ва таъминотидан озодлиги билан ҳарактерланади. 65 ёшдан 74 ёшгача бўлганлар фаол пенсионерлар ҳисобланиб, саёҳатчиларнинг асосийларини ташкил қиладилар. 75 ёшдан юқори аҳоли унчалик фаол эмас ва шу сабабли узоқ давом этувчи ва олис саёҳатларга молиқ эмаслар.

Даромад. Аҳолининг харид қобилияти туризм ривожланишининг асосий омилдир. Даромадларнинг ўсиши билан туризмга сарф-ҳаражатлар ҳам

ошади. У ёки бу оиланинг даромади қанчалик юқори бўлса, шунчалик турсаёҳатга имконияти юқори бўлади. Ўзларига тўқ одамлар даромадларининг бир қисмини айнан туризмга сарфлашни маъқул қиладилар. Вақт тежаш воситаси сифатида уларни кўпроқ авиатранспортлар орқали учишлар жалб қилади.

Ўзига тўқ мижозларнинг дам олиш учун қиладиган ҳаражатларининг кўп қисми, тур маҳсулотни харид қилишга, жойлашишга, кўнгил очар дастурларга ва овқатланишга сарф қиладилар. Транспортга қилинадиган ҳаражатлар жами ҳаражатларнинг катта қисмини ташкил қилади. Сабаби, транспорт хизматларида тежамкорлик қилиш, жойлаштириш ва овқатланишга кўра анча қийин. Туризмга бўлган талаб тўғридан-тўғри истеъмолчиларнинг даромадларига боғлиқ. Шу сабабли доимо аҳоли даромадлари таркибидаги ўзгаришлар тенденциясини кузатиб бориш керак. Агар иқтисодий кўрсаткич камайса, туристлик корхоналар ўз маҳсулотлари нархларини туширишлари керак.

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар туфайли, инфляция аҳоли асосий қисмининг жамғарилган пул маблағларининг камайиши оқибатида, аҳолининг аниқ даромадлари кескин тушиб кетди. Бундай ҳолатда туристлик фирмаларда ички туризмни ривожлантириш истиқболлари вужудга келади, яъни четга анча қиммат саёҳат урнига унча узоқ бўлмаган ва арзонроқ мамлакат ичидаги саёҳатга талабни шакллантириш керак.

Таълим. Аҳолининг туристлик фаоллиги тўғридан-тўғри салоҳиятли истеъмолчиларнинг таълим даражаси билан боғлиқ. Таълим одамларни қизиқишини кенгайтиради ва шу сабабли туризмга таъсир қилади. Ўрта маълумотли одамлар кўнгилочар саёҳатларни афзал кўрадилар. Олий маълумотли одамлар эса кўпроқ саёҳат қилишга моликдирлар. Бу тоифадаги аҳолида юқори даражада даромад манбаи бўлиб, саёҳат чоғида асосий ҳаракатланиш воситаси сифатида авиатранспортни афзал кўрадилар.

Касб. Туризм маҳсулоти ва хизматларининг харидига туристнинг қандай касб билан шуғулланиши маълум маънода таъсир кўрсатади. Идораларда ишловчилар, хизматчиларга нисбатан кўпроқ саёҳат қиладилар. Лекин йил мобайнида кўпроқ саёҳатни менеджерлар, банк ходимлари ва бошқарув аппарати ходимлари амалга оширадилар. Туристлик фирмалар машғул турлари бўйича гуруҳларни аниқлаб олишга ҳаракат қиладилар. Баъзи бир туристлик фирмалар аниқ бир касб гуруҳлари учун махсус турмаҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади. Лекин ҳар доим ҳам истеъмолчиларни аниқ бир кўрсаткичлар, яъни даромади, маълумоти, ёши ва машғул турлари бўйича ажратиб бўлмайди. Айрим ишчи хизматчилар етарлича юқори даромадларга эга бўлишлари мумкин, лекин уларнинг харид қобилияти бошқарув аппарати ходимлари харид қобилиятидан кескин фарқ қилади. Одатда юқори маош оладиган ишчилар туризмга камроқ пул ишлатадилар. Бу гуруҳдагилар фаол саёҳат қилувчилар бўлмасаларда, салоҳияти бўйича бозорда туризм менеджерларининг эътиборини жалб қиладилар.

Ирки. Маълум бир миллат ва ирқнинг сон жихатдан камлиги ҳам туризм хизматларининг салоҳиятли истеъмолчилари бўлиши мумкин. Аҳолининг бу қисми ўзларининг миллий анъаналари, маданияти ва урф-одатларига эга. Бу гуруҳ одамларида маҳаллий аҳолидан фарқли равишда харид қобилияти ўзига хос бўлади. Бу гуруҳдаги салоҳиятли истеъмолчилар ўзларига алоҳида махсус ёндашишни ва махсуслашган маркетинг дастурини бўлишини талаб қилади.

Жинси. Ўзбекистон аҳолиси таркибида аёллар 51 % ни ташкил қилади, сабаби аёлларнинг ўртача умри эркакларникига нисбатан ўсиб бормоқда. Бундан ташқари доимо ўсувчи ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жабҳаларда аёлларнинг роли ошиб бормоқда. Бу омиллар аёлларни туризм хизмат бозоридаги асосий сегментга айлантирмоқда.

Ўзбекистонда ишловчи аёллардан кўра уй бекалари кўп. Ишловчи аёллар кўп ҳолларда юқори даромадларга эга ва шу сабабли оилада қўшимча даромад бўлиши туфайли саёҳатларга етарли пул маблағлари бўлади.

Ишлаётган аёллар орасида карьерага қизиқувчи аёллар турфирма учун анча истиқболлидир. Шу сабабли жинсларнинг ижтимоий ролида ўзгаришлар содир бўлмоқда ва бу истеъмолчилар ҳаракатидаги ўзгаришларга олиб келмоқда.

Бўш вақтнинг мавжудлиги. Одамлар саёҳатга нафақат пулларини балки вақтларини ҳам сарфлайдилар. Хатто энг юқори даромадга эга бўлган шахс ҳам агар вақти бўлмаса тур саёҳатини амалга ошира олмайди. Ривожланган жамиятда вақтнинг етишмаслиги (худди даромади етишмаслиги каби) туризмни чегараловчи асосий омилдир.

Сўнгги вақларда аҳолининг бўш вақти ҳажми ошди бунга иш кунларини ҳафтасининг қисқартирилиши, узоқроқ таътил байрам кунлари, мактаб таътиллари, тўлиқ иш кунининг бўлмаслиги, нафақага чиқиш, нодавлат ишларда банд бўлишлиги ва маълумот даражасидаги ўзгаришлар асосий таъсир этувчи омиллар бўлиб хизмат қилади.

Урбанизация оқибатида кишлоқ хўжалигида банд бўлган ва кичик аҳоли яшайдиган пунктлардаги аҳоли сони қисқармоқда. Аввал “**саёҳат қилмаганлар**”нинг бир қисмини ташкил этган айнан шу ижтимоий аҳоли туризм хизмат бозорига янги сегмент сифатида кириб келмоқда.

Охирги йиллардаги ҳар хил сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга қарамай, мамлакатимиздаги туризм соҳаси йилдан-йилга барқарор равишда маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни кўпайтириб бораётган халқ хўжалиги тармоғи бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиздаги туристлик хизматлар бозорида ҳозирги вақтда асосан анъанавий шакллар фаолият кўрсатмоқда. Агар йўлланмаларнинг нархи доимий ошиб борадиган бўлса, дам олувчилар сони ҳам тегишлича камайиб боради. Юқорида айтилганлардан шу нарса келиб чиқадики, ҳозирги шароитда Ўзбекистонда энг долзарб муаммолардан бири туристлик соҳани қайта ташкил қилиш, унинг рентабеллигини, биринчи навбатда, юқори технологияли комплекслар ва тегишли инфраструктурага эга туристлик марказларни ташкил қилиш эвазига ошириш ҳисобланади.

Таянч иборалар: Туристлик хизмат бозори, туристлик хизмат бозорини режалаштириш, туризмнинг иқтисодий кўрсаткичлари, сегментация, туристлик хизмат бозори конъюнктураси, туристлик маҳсулотлар ва хизматлар бозори, туристлик хизмат бозоридаги маркетинг стратегияси, инфраструктура, Ўзбекистондаги туристлик хизмат бозори.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Туристлик хизмат бозорини режалаштиришнинг хусусияти нимадан иборат?
2. Туристлик хизмат бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий кўрсаткичларини башорат қилиш нималарда намоён бўлади?
3. Туристлик хизмат бозори конъюнктурасини таҳлил қилиш нимани назарда тутди?
4. Туристлик хизмат бозорини сегментациялаш қандай амалга оширилади?
5. Туристлик маҳсулотга талаб сегментацияси нималардан иборат?
6. Туризм хизмат бозорига таъсир қилувчи асосий омиллар нималардан иборат?
7. Туристлик маҳсулотлар ва хизматлар бозорининг бир қисми сифатида таклиф ва талабга тавсиф беринг.

19. ТУРИСТЛИК ТАШКИЛОТЛАРДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ АНИҚЛАШ

Режа:

- 19.1. Маркетинг стратегияси режасининг босқичлари.
- 19.2. Вазият таҳлили, корхона мақсадини режалаштириш.
- 19.3. Муқобил стратегияларни танлаб олиш.
- 19.4. Стратегияларни баҳолаш ва назорат қилиш.
- 19.5. Маркетинг дастурини ишлаб чиқиш.

19.1. Маркетинг стратегияси режасининг босқичлари

Маркетинг стратегиясини шакллантиришда корхонаннинг асосий вазифаси шундан иборатки, ноаниқлик ва таваккаллик даражасини камайтириш, ҳамда танлаб олинган устувор тараққиёт йўналишларида ресурслар концентрациясини таъминлашдан иборат. Бу мақсадга эришиш эса фақатгина пухта ўйланган кенг қамровли режалаштиришдагина амалга ошиши мумкин.

Стратегик маркетингни режалаштириш — мавжуд имкониятлар ва маркетинг соҳасидаги имкониятлар ўртасидаги стратегик мувофиқликни қўллаб-қувватлаш асосида фирманинг мақсадларига эришишга имкон берувчи ўзига хос стратегияларни ишлаб чиқиш жараёнидир.

Стратегик маркетингни режалаштиришда қўйидаги кетма-кетлик босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Вазият таҳлили;
- Корхона мақсадларини режалаштириш;
- Муқобил стратегияларини ишлаб чиқиш;
- Стратегияларни танлаш ва баҳолаш;
- Маркетинг дастурини ишлаб чиқиш.

19.2. Вазият таҳлили, корхона мақсадини режалаштириш

Корхона маркетинг стратегиясини аниқлаш, мазкур корхонадаги аниқ вазиятга боғлиқдир. Шунинг учун стратегик маркетингни режалаштиришни биринчи босқичи — бу корхонанинг жорий фаолиятини таҳлилидир. У маркетинг тадқиқотлари натижаларига асосланади, ҳамда унинг ёрдамида корхонанинг бозор имкониятлари аниқланади.

Вазият таҳлили аввало, SWOT — таҳлилни аниқлашга йўналтирилади:

- ташқи маркетинг муҳитида юзага келиши мумкин бўлган имкониятлар ва хавф-хатарлар;
- корхонанинг ички маркетинг муҳтини ички ҳисобларини белгиловчи кучли ва кучсиз томонлар.

Шу тарзда, вазият таҳлили корхонанинг ички имкониятлари ва ресурсларини баҳолашга, бу ўзгаришларга корхонанинг мослашув даражаси ва ташқи муҳит ўзгаришлар тенденциясини аниқлашга имкон беради.

19.3. Муқобил стратегияларни танлаб олиш

Муқобил стратегияларни ишлаб чиқишда маркетинг моделларини турли синалган назария ва амалиётдан фойдаланилади. Унинг доирасида корхона ўз имкониятларини, маҳсулотларини, бозорларини, рақобатчилар ҳолатини, истеъмолчиларни ва ҳ.к. ларни баҳолаши мумкин. Олинган баҳолар асосида корхона ресурслари ва вазифалари тақсимланади ҳамда мос равишдаги маркетинг стратегиялари ишлаб чиқилади.

Кенг тарқалган муқобил стратегияларни танлаш моделлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

«Маҳсулот бозор» матрицаси

Мазкур матрица тўртта маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга имкон беради.

Бозорни чуқурроқ ўзлаштириш стратегияси, агар фирма амалдаги бозорда етарли даражада машҳур бўлган товар билан олдиндан фаолият кўрсатаётган вазиятда тавсия этилади.

Агар бозор ўсаётган бўлса ёки тўйинмаган бўлса, бу усул яхши самара беради. Мазкур стратегия сотишни рағбатлантиришни турли-туман шакллари, интенсив реклама қилиш йўли билан сотиш ҳажмини оширишга йўналтирилган бўлади.

Янги маҳсулот ишлаб чиқиш стратегияси амалдаги бозорга фирма ўзининг янги хизматларини таклиф этиш тавсия этилади. Фирма янги маҳсулотларини корхонага нисбатан аниқ бўлган яхши таниқли бўлган миқдорларга тақдим этсагина мазкур стратегия самара беради. Сотининг одатдаги усулларида фойдаланилади. Бироқ, қўллаб-қувватловчи маркетинг тадбирлари зарурдир, чунки янги маҳсулот бўлгани учун фаол реклама, бозорга маҳсулотни силжитиш, сотишни рағбатлантиришни тақоза қилади.

Бозор чегараларининг кенгайиш стратегияси бозорни янги сегментларини аниқлаш ҳисобидан, яъни амалдаги маҳсулотларни сотиш учун ва режалаштирилган фойдани олиш учун етарли бўлган талаб мавжуд ҳолатда самара беради.

Диверсификациялаш стратегияси фаолият кўламини кенгайтириш зарурияти учун фойдаланилади. Бу эса янги бозорлар учун янги маҳсулотлар таклифида акс этади.

Тўрткатакли «маҳсулот-бозор» матрицаси.

Маҳсулот Бозор	Анъанавий маҳсулот	Янги маҳсулотлар
Ўзлаштирилган бозорлар	1. Бозорнинг чуқурроқ ўзлаштирилиши.	3. Янги маҳсулот ишлаб чиқиш.
Янги бозорлар.	2. Бозор чегараларининг кенгайиши	4. Диверсификация.

Бостон консалтинг гуруҳи (БКГ) матрицаси

БКГ матрицаси корхонага унинг ҳар бир маҳсулотларини асосий рақобатчиларга нисбатан бозордаги унинг улуши ва сотишнинг ўсиш суръати бўйича гуруҳлашга имкон беради. Матрицада бошланғич стратегик ҳолати ўхшаш бўлган маҳсулотлар бир хил тўпламга бириктирилади. “Сотиш ҳажмини ўсиши – бозорнинг нисбий улуши” координаталар тизимида маҳсулотнинг ўрни аниқлангандан сўнг уларнинг ҳар бири учун маркетинг стратегиясини танлаш зурур. Маркетинг амалиётида учта асосий стратегия тури мавжуд.

Хужумга ўтиш стратегияси бозорда фирманинг фаол, агрессив позициясини кўзда тутди ва ўз олдида бозордаги улушини қозониш ҳамда кенгайтиришни мақсад қилиб қўяди. Мазкур стратегиядан фойдаланиш қуйидаги ҳолатларда мақсадга мувофиқдир:

- Агар бозор улуши зарур бўлган минимумдан паст бўлса ёки рақобатчиларнинг кескин ҳаракатлари натижасида бозор улуши тубдан қисқартирилса ва етарли бўлган даражани таъминламаса;
- Бозорга янги маҳсулот жорий қилинса;
- Рақиб-фирмалар ўз позициясини йўқотса ва камгина ҳаражатлар билан бозор улушини сақлаб қолишни ва бозордаги ўз ўрнини сақлаб қолишни кўзда тутса.
- Фирма ўзининг тутган позициясидан қониқмаса;
- Хужумга ўтиш стратегиясини амалга ошириш учун маблағлар етишмаса;
- Агар рақиб томоннинг кучли жавоб тадбирлари сабабли хужумга ўтиш имкони бўлмаса.

Кўп ҳолларда бундай стратегия йирик фирмалардан улар учун нотаниш бўлган бозорларда қўлланилади. Бироқ, бу уни амалга оширувчи томонни рақиб-фирмалар ҳаракатига диққат эътиборни қаратишни талаб этади.

Чекиниш стратегияси қоидага кўра, танлов асосида эмас, балки мажбурий ҳисобланиб, бозордан кетишни англатади.

19.4. Стратегияларни баҳолаш ва назорат қилиш

Стратегияни танлаш корхона раҳбари томонидан амалга оширилади. Стратегияни танлашда биринчи навбатда ҳисобга олиниши керак бўлган факторлар қуйидагилардир:

- фирманинг рақобат афзаллиги, кучли ёки кучсиз томонларга эга бўлиш нуқтаи-назаридан рақобатчиларга муносабати бўйича фирма ҳолатини баҳолаш;
- фирманинг мақсадлари, ҳар бир аниқ корхона учун мўлжалланган (хос бўлган) стратегияларни танлашнинг ноёб ҳамда оригиналлиги. Мақсадларда фирма нимага интилиши, унинг умумий стратегияси нимага йўналтирилганлиги акс этади;
- раҳбариятнинг манфаатлари ва муносабати. Раҳбарлар тавакалчиликка мойил бўлиши ёки аксинча исталган баҳоналар билан ундан қочишга интилиши мумкин;

- молиявий ресурслар;
- ходимларнинг малакаси;
- корхона мажбуриятлари.

Янги стратегияга ўтиш муносабати билан барча аввалги мажбуриятлардан тўлиқ воз кечиш мумкин эмас. Шунинг учун уларни танлашда шундай фактни ҳисобга олиш керакки, янги стратегияни амалга ошириш имкониятларини тузатиш учун мос келадиган аввалги мажбуриятлар бир қанча муддат амал қилиши мумкин.

Вақт омили. Режалаштириладиган ўзгаришлар ҳар доим вақт тўсиғига эга. Корхона танлаган стратегияни исталган вақтда ва исталган муддатда амалга ошира олмайди, фақатгина бунинг учун имкониятлар туғилсагина амалга ошира олиши мумкин.

19.5. Маркетинг дастурини ишлаб чиқиш

Стратегия ўз ичига корхона фаолиятини глобал йўналишларини қамраб олади, ҳамда маркетинг дастурини режалаштириш орқали аниқлаштиришни талаб этади. Мазкур босқичда сўз маркетинг элементлари шакли, уларни танлаш ва унинг аҳамияти тўғрисида, қўйилган мақсадлар комплекси нуқтаи-назаридан янада оптимал вариантга бирлаштириш, ҳамда маркетинг бюджети доирасида молиявий маблағларни тақсимлаш тўғрисида боради. Бу муаммоларни ечиш ҳам назарий жиҳатдан ҳам амалиётда қўллаш мураккаб вазифадир.

Фирмалар турли маркетинг дастурларини ишлаб чиқишлари мумкин. Улар манзилига боғлиқ равишда олий раҳбарият ёки қўйи бўғинлар учун бўлиши мумкин. Қоидага кўра, раҳбарият учун дастурлар қисқа ва равшан бўлиб, навбатдаги ишларнинг фақатгина янада муҳим йўналишларини ажратиб кўрсатади.

Қўйи бўғинлар учун дастурлар деталлаштирилган, батафсил бўлиб, ўз ичига маркетинг тадбирларини конкрет тизимларини олади.

Муддатлари бўйича маркетинг дастурлари қисқа муддатли (бир, икки йил), ўрта муддатли (2-5 йил) ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Қамраб оладиган вазифаларининг доирасига боғлиқ равишда дастурлар оддий ва мақсадли бўлиши мумкин. Одатда корхона маркетинг фаолиятларининг барча йўналишлари бўйича масалаларни ечишни кўзда тутади. Мақсадли дастурлар эса алоҳида ажратиб олинган ўзига хос муҳим вазифани амалга оширишга йўналтирилган (масалан, бозорни янги сегментини ўзлаштиришга қаратилган). Маркетинг амалиётида маркетинг бюджетини шакллантиришни турли методларидан фойдаланилади. Бироқ, улардан биронтаси ҳам универсал ва такомиллашган бўла олмайди.

Таянч иборалар: Стратегик маркетинг, муқобил стратегия, SWOT – таҳлили, вазият таҳлили, «Маҳсулот бозор» матрицаси, диверсификациялаш стратегияси, Бостон консалтинг гуруҳи, ҳужумга ўтиш стратегияси, чекиниш стратегияси, дастурларни ишлаб чиқиш.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Маркетинг стратегияси режасининг босқичлари нималардан иборат?
2. Вазият таҳлили ва корхона мақсадини режалаштириш қандай амалга оширилади?
3. Муқобил стратегияларни танлаб олиш қандай амалга оширилади?
4. Стратегияларни баҳолаш ва назорат қилиш қандай амалга оширилади?
5. Маркетинг дастурини ишлаб чиқиш тартиби нималардан иборат?
6. «Маҳсулот бозор» матрицаси нимани ифодалайди?
7. Бостон консалтинг гуруҳи (БКГ) матрицаси туризм соҳасида нимани аниқлайди?

20. ТУРИЗМГА ОИД РАСМИЯТЧИЛИК ВА ҲУЖЖАТЛАР

Режа:

20.1. Туризмга оид расмиятчилик тушунчаси ва унинг мазмуни.

20.2. Божхонага оид туризм расмиятчиликлари.

20.3. Ўзбекистондаги божхона қоидалари.

20.4. Туризмга оид ҳужжатлар.

20.5. Турист учун тиббий расмиятчиликлар тартиби.

20.1. Туризмга оид расмиятчилик тушунчаси ва унинг мазмуни.

«Форма» лотин тилидан таржима қилинганда ўрнатилган тартиб маъносини беради. «Формалний» ўрнатилган намуна бўйича бажарилган демакдир. «Формалности» - «Расмиятчилик» - бирор бир муҳим ва маъсулиятли ишни бажаришда талаб қилинадиган, қонунчилик томонидан ўрнатилган шартлар ёки ҳаракатлардир.

Хорижий мамлакатга биринчи марта турист сифатида ташриф буюрмакчи бўлган шахслар одатда фақат чегарага оид ва божхона расмиятчиликлари мавжуд деб ўйлашади. Бироқ, турист ўз давлатига олиб кириши мумкин бўлган бир талай ҳаёт учун ўта хавфли касалликлар мавжуд, тропик мамлакатларга киришни тартибга солиб турадиган санитар – эпидемиологик қоидалар ҳам жуда муҳим эканлигига эътирозлар бўлмаса керак. Тиббий санитар қоидаларини билиш ва уларга қатъий амал қилиш туристни саёҳат чоғидаги кўплаб кўнгилсизликлардан сақлайди.

Чегарадан ҳайвонот ва ўсимликлар намуналарини ўтказишнинг қатъий белгиланган тартиби ҳам; хорижга сафар чоғида суғурта қилиш масаласи ҳам турист учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, бир қатор бошқа, қонунчилик томонидан давлат манфаатлари ва жамоат хавфсизлиги ҳамда саёҳат қилаётган шахслар ва атроф-муҳит муҳофазаси назарда тутилган халқаро туризмнинг кенг оммага деярли номаълум шартлари ва қоидалари ҳам мавжуд.

Яна шуни унутмаслик лозимки, халқаро туризм фаолиятини умумқабул қилинган жаҳон амалиётига мувофиқ йўлга қўйиш зарур, бунга қуйидагилар мисол бўлади: халқаро туризм фаолиятини лицензиялаш, туризмни унинг таркибидаги хизматлар хавфсизлигига оид сертификатлаш, экологик муҳофазаланмаган алоҳида ҳудудларга ташрифни чеклаш, мамлакатга хорижий фуқаролар кириб келиши ва истиқомат қилишнинг тартиби.

Шундай қилиб, туризм расмиятчиликлари – бу турист, туристлик фирмаси (кейинчалик турфирма) ва бошқа давлатга ташкил қилинаётган саёҳатни тайёрлаш ва ўтказишга алоқадор бошқа барча ташкилотлар амал қилиши лозим бўлган, у ёки бу давлат ёхуд бир гуруҳ давлатлар қонунчилигини бир вақтнинг ўзида қабул қилган қатъий шартлардан иборат.

Туризм расмиятчилигига амал қилиш – гўё бу иш аҳамиятли бўлмаган ёки маъносиз, қандайдир ортикча ва керакмас расмий қоқоқ маросимларни бажариш деб ўйлаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунингдек бу ерда,

ўрнатилган тартибга унинг ички моҳияти эмас, фақат ташқи томонига эътибор бериб, кўр-кўрона амал қилишни англатадиган «қуруқ расмийчилик - формализм» атамасини эслаш ҳам ноўрин. Баъзи туризм расмийчиликлари бевосита туристга тегишлидир, масалан, хорижий паспорт олиш зарур, чегарадаги назорат ва божхона текширувидан ўтиш тартибига амал қилиш, бир қатор тропик мамлакатларга сафар қилишда «сарик безгак»га қарши эмлаш ва ҳоказолар.

Бошқа расмийчиликлар турфирмага тегишли – бу халқаро туризм соҳасида фаолият кўрсатиш учун ўрнатилган тартибда бажарилиши талаб қилинадиган барча шартлар. Масалан, туризм фаолиятига лицензия олиш ва ташкил қилинаётган саёҳатга мувофиқлик сертификати олишдир. Турфирма ва турист ўртасида тузилган шартнома шартлари бўйича талабларга риоя қилиш. «Тур-1» сафар қоғози ва унга иловаларни (маршрут йўналишдаги хизматлар дастури, хизматларга ваучерлар, хавф хатар ҳолатлари ва саёҳат давомида тавсия қилинган юриш – туриш қоидалари ҳақида маълумотнома) ҳамда бошқа кўп нарсаларни тўғри расмийлаштириш.

Айтилганлардан келиб чиқиб, туризмга оид расмийчиликлар – саёҳатни ташкиллаштириш, расмийлаштириш ва амалга ошириш жараёнида қонунчилик ва мамлакатда ўрнатилган тартиб бўйича риоя қилиш мажбурий бўлган қоидалар, шартлар ва ҳаракатлар демакдир.

Туризм расмийчиликларининг муҳимлигини тасдиқлаш ва уларни тартибга солиш ҳамда осонлаштириш учун бир қатор энг муҳим халқаро ҳужжатлардан кўчирмалар келтирамиз.

- Европадаги ҳамкорлик ва хавфсизлик бўйича кенгашнинг якуновчи далолатномаси (Хелсинки, 1975 й.): «Кенгашнинг иштирокчи давлатлари хорижий давлатларга саёҳат учун талаб этиладиган расмийчиликлар билан боғлиқ масалаларни ижобий руҳда қараб чиқиш орқали туризм ривожини рағбатлантириш мақсадида эканликларини билдирадилар»;
- Жаҳон туризми бўйича Манила декларацияси (Манила, 1980 й.): «Бутун жаҳон туристлик ташкилоти ўзининг ривожланиш дастурига жаҳонда туризм расмийчиликлари аҳволини ўрганиш, мазкур соҳадаги жорий амалиёт ва мавжуд меъёрларни тадқиқ этиш, саёҳатларни йўлга қўйиш ва осонлаштириш учун умумий тавсияномалар ишлаб чиқиш масалаларини киритган»;
- Туризм бўйича Гаага декларацияси (Нидерландлар. 1989 й.): «Саёҳатлар тез ўсиши билан бир вақтда туризм расмийчиликларининг тушунчаси аниқланмоқда ва кенгаймоқда. Улардан бири бевосита туристларга, бошқалари эса туризм бизнесига оид. Туризм расмийчиликларининг осонлашуви ўзининг дастлабки тор чегаравий расмийчилик ва божхона текширувлари рамкасида четга чиқа олди. Бугунги кунда гап туризмни рағбатлантириш ва ижобий қўллаб-қувватлаш ҳақида бориши лозим, хусусан ҳар бир шахсга ички ва халқаро туризмда иштирок этишга шароит яратиш, ёшлар, кексалар ва ногиронлар орасида туризмга алоҳида эътибор ажратишга ҳаракат қилиш шарт»;

- Барқарор ривожланиш бўйича БМТ комиссияси ўзининг 1999 йил апрелдаги Нью-Йорк сессиясида Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) ташаббусига кўра, глобал туризм этик кодексини маъқуллади ва БТТга хусусий секторлар, ноҳукумат ва меҳнат ташкилотларидан тушган таклифлар билан тўлдиришни таклиф этишди.

БТТ мутахассисларининг хулосасига кўра, туризм Глобал этик кодекси жорий ҳужжат бўлиб, жумладан туризм расмитчиликларини тартибга солишда ҳам дастуриламал бўлмоғи лозим. Хусусан унинг 8-моддасида «Туризм саёҳатлари эркинлиги»да давлатлар томонидан киритилган ёки халқаро келишувлардан келиб чиқадиган, масалан визалар, санитар ва божхона расмиятчилигини имкон қадар шундай мослаштириш лозимки, эркин туризм ва халқаро туризмга йўл очиш зарур.

Ушбу расмиятчиликларни осонлаштиришга қаратилган мамлакатлараро битимларни рағбатлантириш лозим; туризм ига оғир тушадиган ва унинг рақобат бардошлигига зарар етказадиган махсус солиқ ва тўловларни бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш каби чоралар курсатилган.

Халқаро туризм ривожини долзарб мавзуга айланиб бормоқда. БТТнинг маълумотига кўра, 2010 йилда хорижий туристлар сони икки баравар кўпаяди ва бир мамлакатдан иккинчисига 1млрдан ортиқроқ киши саёҳат қилади. Бундай шароитда чегарадан ўтиш ва туристлар томонидан чегаравий ва бошқа туризм расмиятчиликларига амал қилиш билан боғлиқ муаммо ва тадбирлар юзага келиши табиий. Мазкур шароитда туризмга алоҳида олинган давлат ёки унга кўшни мамлакат доирасида эмас, балки умумжаҳон жамоатчилиги миқёсида тартибга солиш муаммоси юзага келади. Туризм соҳасида ҳукуматлараро етакчи ташкилот сифатида бу ишнинг катта қисмини БТТ ҳақиқий аъзолари бўлган 150 та давлат, ассоциацияли аъзолар – худуд, шунингдек 400 дан ортиқ қўшилаётган аъзолар (БТТ Иш кенгаши аъзолари) нинг манфаатларини ифода қилади.

БТТ нинг асосий мақсади – халқаро тинчлик ва ўзаро тушиниш, жаҳон савдоси ва давлатлараро хўжалик алоқаларининг асосий таъминловчи фактори сифатида туризм ривожини рағбатлантириш.

БТТ фаолиятининг муҳим йўналишлари қуйидагилардир: «туризм алмашинуви ва расмиятчиликларнинг соддалаштируви; туризм назорати тартибининг қонуний аниқлаштириш ва мувофиқлаштириш, жумладан фавқулодда ҳолатлар юз берса (эпидемиялар, табиий офатлар ва ҳокозолар). Сайёҳликда иштирок этаётган томонлар ўзаро ҳамкорлигида рационал муносабатлар ўрнатишда ҳукумат сиёсатини ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш».

БТТ фаолиятининг асосий йўналишлари:

- Туризмни ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик. Туризмга оид кўплаб масалалар бўйича ҳукуматларга ёрдам ва тавсияномалар, жумладан генерал режалар ва техник-иқтисодий асослаш, технологиялар инвестицияси сиёсатини ўтказишдаги эҳтиёжларни аниқлаш, шунингдек, туризм маркетинги ва тараққиётини белгилаш.

- Инсоний захиралар тараққиёти. Туризм соҳасида маориф тизими ва малакавий тайёргарликни амалга оширадиган, «ўқитувчиларни ўқитиш»

курслари, қисқа муддатли ва сиртқи курслар, шунингдек БТТнинг кенгаювчи таълим марказлари ва малакавий тайёргарлик базалари.

- Атроф муҳит. БТТ туризмнинг барқарор ривож ва экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича чораларни қўллаб-қувватлайди.

- Туризм ривожининг сифати. БТТ туризм йўлидаги тўсиқларни йўқотиш устида иш олиб бормоқда ва туризм хизматлари савдосининг либерализациясини рағбатлантиради ва хатто туристлар саломатлиги ва хавфсизлиги бўйича чоралар қабул қилади.

- Статистика, туризм бозорининг тадқиқи ва иқтисодий таҳлили. БТТ 180дан ортиқ давлат ва ҳудудлар бўйича туризм ҳақида маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш маркази ҳисобланади. БТТ жаҳонда туризмнинг ривожланишини таҳлил қилади ва доимий назоратда ушлайди. БТТ аъзолари ва туризм и вакиллари учун бир туркум мақолалар чоп этилади;

- Алоқа ва ҳужжатлаштириш. БТТнинг матбуот ва алоқалар бўйича бўлими нашриёт бўлинмаси сифатида фаолият кўрсатади. БТТ ҳужжатлаштириш марказида туризмнинг мазкур соҳалари бўйича маълум миқдорда манбалар жамланган.

20.2. Божхонага оид туризм расмийчилиги.

Халқоро туризм ривожига турли давлатлар божхона тизимлари сезиларли таъсир қилади. Божхона қонунчилиги халқоро туризм фаолияти ривожини қўллаб-қувватлаши ҳам, турли туризмга оид расмийчиликларни мураккаб-лаштириш йўли билан тусқинлик қилиши ҳам мумкин.

Туризм расмийчиликлари деганда – мамлакатнинг давлат органлари кириш ва истекомат қилишга оид ўрнатган қоида ва талаблар, маълум шартларга давлат чегарасидан ўтаётган шахслар, туристлар риоя қиладиган жараён тушунилади.

Туризм бўйича Гаага декларацияси 1989 йил давлатлар ва туристлик паспортлари, визалар, тиббий ва валюта назорати, саёҳат, сафар ва истекомат қилиш билан боғлиқ туризм расмийчиликлари ва божхона тартибларини осонлаштириш бўйича қатъий чоралар кўриш лозимлигини белгилади. Туризм расмийчиликлари саёҳат қилишдаги мураккабликларни йўқотиш, туристлар томонидан бошқа мамлакат ва минтақаларга ташрифни енгиллаштиришга қаратилган бўлиши лозим.

Туризм расмийчиликлари бир неча катта бўлимларга бўлинади, жумладан:

- чет эл паспортлари;
- визалар;
- божхона қоидалари;
- валюта назорати ва валюта алмаштириш тартиби;
- санитар қоидалар;
- кириш-чиқиш тартиби;
- хорижий туристларнинг мамлакатда яшаши ва ҳаракатланишининг ўзига хослиги;
- иммиграция қоидалари;

– баъзи бошқа тартиблар.

Халқаро туризмда полиция ва санитар расмийатчиликларни фарқлаш мавжуд. Бу ўринда полиция расмийатчиликлари деганда давлат чегарасидан ўтаётган шахсларнинг ўрнатилган паспорт-виза тартибига амал қилиши билан боғлиқ тадбирлар тушунилади. Назоратнинг бу турини амалга ошириш аэропортлар, темир ва шоссе йўлларида, денгиз ва дарё бекатларидаги махсус хизматлар зиммасига юклатилган (Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлигига).

Санитар (тиббий) расмийатчиликлар деб, давлат чегарасидан ўтаётган шахслар ва уларнинг жониворлари (агар бўлса) ўрнатилган эмлаш талабига риоя қилишнинг назоратига айтилади. Расмийатчиликларга риоя қилишнинг назорати мамлакатга кириш ва чиқиш учун фойдаланиладиган чегаравий пунктларда махсус санитар хизматлар томонидан амалга оширилади ва одатда туристларда эмлаш ҳақидаги халқаро сертификат мавжудлигини текширишдан иборат бўлади. Зарур ҳолатларда санитар расмийатчиликлар томонидан туристларни ва саёҳатчиларни жойида эмлаш ва хавф туғилса уларни вақтинча изоляция қилиш ҳам кўзда тутилган. Туристлар ва саёҳатчилар олиб ўтадиган ҳайвонлар учун мувофиқ ветеринар сертификатлар талаб қилинади.

Божхона миллий қонунчиликка мувофиқ ҳолда давлат чегараси орқали ўтаётган юк, йўловчилар, почта жўнатмалари, пул ва қимматбаҳо буюмларни назорат қиладиган, ўрнатилган божхона божлари ва бошқа тўловларни олиш, шунингдек қонунчилик томонидан белгиланган тартибга жавоб бермайдиган юкларни тўхтатишни амалга оширувчи давлат органидир.

Божхона расмийатчиликлари давлат чегарасидан ўтаётган шахсларнинг буюмлар, товар ва валютани олиб кириш ва олиб чиқиш қоидаларига риоя қилишни текшириш тадбирларидан иборат бўлади. Божхона расмийатчиликларининг амалиёти мамлакатга кириш ва чиқиш учун фойдаланиладиган чегара пунктларидаги божхона хизмати зиммасига юклатилган (Аэропортлар, темирйўл, денгиз ва дарё бекатлари, автойўллардаги чегарадан ўтиладиган жойларда).

Туристлар ва саёҳатчилар учун божхона расмийатчиликлари одатда олиб ўтишга рўхсат берилган нарсалар, товарлар ва пул (валюта) нинг рўйхати ва миқдорини ёзма ёки оғзаки декларация қилишдан иборатдир. Бунда Т-6 шаклидаги божхона декларацияси тўлдирилади.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг валюта операциялари хусусидаги тавсиялари қуйидагилар:

- 1) Валютанинг миқдори божхона декларациясига киритилган тақдирда уни олиб киришга рухсат бериш.
- 2) Чегарадан ўтишда молявий қийинчиликлар ва ноқулайликларга барҳам бериш учун ташрифчилар ва туристларга тўлиқ маълумотни тақдим этиш.
- 3) Чиқишда туристларга валютани қайта алмаштириш имкониятини яратиш.
- 4) Олиб кириладиган валютани миллий пулга алмаштириш турист истагига биноан амалга оширилади.
- 5) Назорат пунктида валюта алмаштиришни тартибга солувчи қоидалар ва алмаштиришнинг жорий курси осиб қўйилиши лозим.

- 6) Ўз давлатидан чиқишда мамлакатдан қайтиб кетишга етадиган миқдорда пулга эга бўлишга рухсат бериш.

Паспорт ва визага оид расмийликлар қуйидагилардан иборат:

Паспорт фуқаро шахсини тасдиқловчи расмий ҳужжатдир. Унда жинси, ёши, туғилган ва яшайдиган жойи, фуқаролиги ҳақидаги маълумотлар берилади. Хорижий паспортдан ташқари алоҳида вазиятларда дипломатик, хизмат, консуллик паспортларидан фойдаланиш мумкин;

- Хорижлик паспорти (шахсини тасдиқлаш) ёки мамлакатда доимий истиқомат қилаётган хорижий фуқарога бериладиган фуқаролиги йўқ шахслар ҳужжати;
- Эр ва хотинга (фарзандли ёки фарзандсиз) бериладиган оилавий паспортлар;
- Бола паспорти, денгизчи паспорти ва бошқалар;
- 1995 йил 26 мартдан етита Европа давлатида Шенген битими кучга кирди ва унга мувофиқ Белгия, Нидерланд, Люксембург, Германия, Франция, Испания ва Португалия ички чегараларида чегара текшируви осонлашди. Кейинчалик Шенген битимига Юнонистон ҳам қўшилди. Икки хил визалар жорий этилди:
- Ягона Шенген визаси, уч ойгача муддатга берилади ва Шенген битимини тузган мамлакатлар ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини беради.
- Уч ойдан ортиқ муддатда бериладиган миллий кириш визаси, уни бериш Шенген битимига кирган давлатнинг алоҳида ҳуқуқидир. Европа иттифоқига кирмаган давлатлар, жумладан Россиялик туристлар учун киришнинг визали тартиби сақланган. Киришнинг имтиёзли тартиби Венгрия, Полша, Чехия, Словакия, Латвия ва Эстония фуқаролигига тегишли.

Ўз миқозлари учун виза расмийлаштиришда турфирмалар шартли уч гуруҳга бўлинадиган талай муаммоларга дуч келишади.

- Биринчиси – хорижий элчихоналар ва уларнинг ходимлари ишини ташкиллаштириш билан боғлиқ.
- Иккинчиси – элчихоналар учун меъёрий бўлган, тегишли мамлакатлар Ички ва Ташқи ишлар Вазирликлари белгилайдиган визаларни расмийлаштириш тартиби билан боғлиқ:
 - зарурий ҳужжатлар рўйхати,
 - уларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби,
 - визаларни расмийлаштириш муддатлари,
 - турфирмаларни аккредитация қилиш тартиби,
 - бериладиган визалар турлари ва ҳокозолар.
- Муаммоларнинг учинчи гуруҳи – Ўзбекистон томонидан кириш визаларини олиш билан боғлиқ масалаларни давлат томонидан йўлга қўйилиши, маълум чеклашлар ит, мушук каби майда уй жониворларини олиб кириш ва олиб чиқиш учун мавжуд. Бу айниқса элита уй ҳайвонларига тааллуқли. Қоида бўйича, уй ҳайвонларини олиб кириш-олиб чиқиш эмланганини тасдиқлайдиган ветеринар сертификати ва қутиришга

қарши эмланганлик ҳақида маълумотнома кўринишдаги ҳужжатлар талаб қилинади.

20.3. Ўзбекистондаги божхона қоидалари.

Хорижий валюта олиб кириш ва олиб чиқиш чекланмаган, декларация шартномасида 2000\$ дан ортиқ миқдорда хорижий валютани олиб чиқишга мамлакатга мувофиқ миқдорда пул олиб кирилганини тасдиқловчи божхона декларацияси бўлса, рухсат берилади. Миллий валютани нақд кўринишида олиб чиқиш ва олиб кириш 272000 сум қилиб чекланган (274\$ атрофида). Йирик миқдордаги миллий валютани олиб кириш ва олиб чиқиш Марказий банк рухсати билан мумкин (кўплаб назорат пунктларида олиб чиқиладиган пуллар текшируви амалга оширилмайди).

16 ёшдан катта шахсларга 1000 тагача сигарет ёки 1000 гр. тамаки маҳсулотлари; 1,5 литргача алкоголь ичимликлар ва 2 литргача вино; шахсан фойдаланиш учун маълум миқдорда пардоз воситалари, шунингдек умумий миқдори 10.000 \$ дан кўп бўлмаган шахсан фойдаланиш учун маҳсулотлар божсиз олиб киришга рухсат берилган.

Гиёҳванд моддалар ва кучли таъсир қилувчи дори-дармон (уларни қўллаш заруратини тасдиқловчи рецептсиз), қурол ва ўқ-дори, Ўзбекистон давлат сиёсати ва ислом ақидаларига қарши йўналтирилган фотосуръатлар, босма ва видеоматериалларни, ҳайвонларни (уларни олиб кириш учун махсус рухсат зарур), мева ва сабзавотларни олиб кириш таъқиқланган. Барча қимматбаҳо буюмлар (тақинчоклар, фото ва видео камералар, компьютерлар ва ҳоказо) божхона декларациясида қайд этилган бўлиши шарт.

Қимматбаҳо материаллар ва тошлар, муйна, қурол ва ўқ-дори, бадиий ва тарихий қимматга эга буюмлар (бунга тайёрланганига 100 йилдан кўпроқ бўлган ҳар қандай буюм киради) ни олиб чиқиш учун давлат Маданият Вазирлигининг махсус рухсати зарурдир.

Ўзбекистонга визалар расмийлаштириш

Меҳмонхонада истеъқомат қилсангиз, сизни меҳмонхона расмийлаштиради. Қўлингизга рўйхатга олинганлигингиз ҳақида ҳужжат берилади. Мамлакатдан чиқишда чегара хизмати Ўзбекистонда бўлганликнинг барча кунларига қайднома мавжудлигини текширади.

Вақтинчалик рўйхатга кириш (прописка)дан парламент ва ҳукумат делегация раҳбарлари, уларнинг оила аъзолари, шунингдек мазкур делегация техник ходимлари, Ўзбекистонга БМТ паспорти билан келган шахслар, Ўзбекистонга 15 кунгача бўлган муддатга келган хорижий фуқаролар, 18 ёшга етмаган шахслар озод этилади.

Ўзбекистон Республикасига визалар учун консуллик йиғини қуйидаги миқдорда белгиланган:

А) Бир маротабалик визалар учун:

- 7 кунгача – 40 \$
- 15 кунгача – 50 \$

- 30 кунгача – 60 \$
- 1 ойгача – 80 \$
- 6 ойгача – 120 \$
- 1 йилгача – 160 \$

Изоҳ: Визанинг ҳар маротабалиги учун тариф ставкаси 10 \$ га ошади.

Б) Кўп маротабалик визалар учун:

- 6 ойгача – 150 \$
- 1 йилгача – 250 \$

В) Транзит визалар учун:

- 24 соатгача – 20 \$
- 48 соатгача – 25 \$
- 72 соатгача - 30\$

Г) Гуруҳли визалар учун (гуруҳлалда 10 кишидан кам бўлмаслиги, 16 ёшгача болалардан ташқари)

- 15 кунгача – 15 \$ - ҳар бир кишидан
- 30 кунгача – 25 \$ - ҳар бир кишидан

Бундан ташқари, кўрсатилган тўловлардан ташқари бўладиган ҳаражатлар учун ҳам тўлов олинади. Бундай тўловлар ҳажми виза расмийлаштирилаётган жойга боғлиқ. (ариза берувчининг фуқаролигидан қатъий назар).

Изоҳ: Икки томонлама келишувлар мавжуд давлатлар фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига кириш визаларини расмийлаштириш бошқа тартибларда амалга оширилиши мумкин.⁸

20.4. Туризмга оид ҳужжатлар

Турфирмада услубий таъминот.

Туроператор ташкил қилган туризм маҳсулотининг фирмадаги услубий таъминланишини кўзда тутати. Услубий таъминот деганда саёҳатни, унинг амалга оширилиши ва туристларга тақдим этиладиган хизматларни батафсил тавсиялайдиган махсус технологик ҳужжатларни тайёрлаш тушунилади. Бу – фирма ходимларининг аниқ, тезкор ва уддабурон фаолияти ва шунингдек, саёҳат мазмуни, унинг амалга оширилиши ҳамда такомиллаш ишларини доимий назорат қилиш учун зарурдир.

Саёҳатлар технологик ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган саёҳатлар ва уларнинг ҳужжатлари истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий талабларга жавоб бериши лозим. Улар туризм маҳсулотининг сертификатлаш жараёнида назорат қилинади. Технологик ҳужжатлар саёҳатлар (ёки йўналишлар) тегишли папкаларига жойланади.

Ҳар бир саёҳат учун технологик ҳужжатлар мажмуи қуйидагича:

- йўналиш бўйича туристлик саёҳатнинг технологик харитаси;
- туризм ташкилотининг туристлар гуруҳлари билан маълум вақтга юкланганлик графиги;

⁸ Манбаа: www.e-samarkand.narod.ru

- туризм саёҳати йўлланмасига маълумот varaқаси;
- Тур-1 «Туризм йўлланмаси» намунавий шаклидаги йўлланма бланкалари;
- брон қилиш varaқаси;
- мижоз-турагентлар билан шартномалар бланкалари;
- ҳамкор–хизмат тақдим қилувчилар (меҳмонхоналар, транспорт компаниялари, саёҳат бюrolари ва ҳоказолар) билан шартномалар;
- саёҳат ҳаражатларини ҳисоблаш;
- йўналиш тавсилотлари;
- йўналиш бўйича ҳаракатланиш графиги; йўналиш харита-схемаси;
- йўл маълумотлари матни (автобусли саёҳатлар учун);
- саёҳат техник ўзига хосликларининг тасвири (транспортга буюртмалар, чипталар, экскурсиялар ва меҳмонхоналарда хона ажратиш, овқатланиш тадбирларига буюртма бериш муддати ҳақида эслатма);
- аризалар бланкалари;
- йўналиш бўйича транспорт ҳаракати графиги;
- эҳтимолли транспорт алмаштириш, кўтиш ҳақидаги эслатмалар);
- туристлар учун эслатмалар матни (алоҳида вазиятларда, масалан: карантинли мамлакатларга сафар учун, махсус спорт ёки саргузашт саёҳатлар учун ва ҳоказолар);
- йўналиш бўйича маълумот материаллар;
- реклама воситаларининг вариантлари;
- прайс - varaқалар (каталоглар).

Автобусдаги турларда «автобус йўналиши паспорти» тўлдирилади (хорижий вариантда «Сафар varaқаси»). Бу ҳужжат Ўзбекистон Транспорт Вазирлиги томонидан тасдиқланиб, нафақат йўналиш схемаси ва хизматлар технологиясини, балки автобуснинг техник жиҳатлари, автойўллар хусусиятлари ва километражи, автойўл ҳаракати таъқиқлари ва чеклашлар, ҳордиқ ва овқатланиш, йўлбўйи жойлари, санитар хизмат манзилларини акс эттиради.

Асосий Туризм ҳужжатларини аниқлаштириш.

Туристлик саёҳатининг технологик харитаси – мазкур саёҳат бўйича барча зарурий маълумотлар ва хабарларни яққол ҳамда лўнда кўринишда берадиган ҳужжат. Бир қатор вазиятларда (йўналиш ўзига хослиги ва хизмат хусусиятларига боғлиқ) баъзи бандлар қолдирилиши мумкин. Йўналиш бўйича туристлик ташкилотларининг юкланганлик жадвали йўналиши бўйича туристлик ташкилотлари юкланганлигининг аниқ манзарсини акс эттиради ва уни кузатиш ҳамда назорат қилиш имконини беради.

Туристлик саёҳати йўлланмасига маълумот varaқасида туристлар учун йўналиш бўйича зарурий ва қўшимча маълумотлар мавжуд бўлиб, у йўлланма ёки ваучернинг ажратилмас иловасидир.

Маълумот varaқаси ўзида қуйидагиларни акс эттиради:

- туристлик саёҳатининг тури ва кўриниши, саёҳатдаги хизмат дастурининг асосий мазмунини, бутун йўналиш узунлиги ва давомийлиги, сафарлар тоифлари ва бошқа хусусиятлар кўрсатилади;

- саёҳат йўлининг баёни - истекомат манзиллари, истекомат вақти ва ҳар бир хизмат кўрсатиш манзилида жойлаштириш шартлари (бино типи, хонадаги ўринлар сони, унинг санитар-техник хизматлари);
- саёҳат ҳудудининг қисқа баёни (эътиборли жойлар, табиатнинг ўзига хослиги), саёҳатнинг ҳар бир манзилида хизмат кўрсатиш дастури;
- қўшимча тўлов учун тақдим этиладиган хизматлар рўйхати;
- спорт иншоотлари ва майдончалари, машина тўхташ жойлари, йўловчи арқон йўллари, томошагоҳлар, болалар ўйин майдонча (хона) лари, кутубхоналар, кинозалларнинг қисқа тавсифи ва мавжудлиги ҳақида маълумот;
- туризм саёҳати бошланадиган туризм манзили ва унга бориш йўллари.
Қўшимча маълумот рўйхатига саёҳат ўзига хослиги билан боғлиқ маълумотлар киради:
- ёшга оид чекловлар, фарзандли кишилар, оилавий жуфтликларни қабул қилиш ҳақида;
- сафарли туристлик саёҳатлари учун махсус маълумот;
- аниқ бирор саёҳат ёки йўналиш ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган бошқа маълумот ва тавсиялар.

Туризм йўлланмасининг Тур-1 шакли қатъий ҳисоб-китоб бланки бўлиб, миқдорга режалаштирилган саёҳат ҳақида имкон қадар тўлиқ маълумот берувчи реквизитлар мажмуидан иборат. Йўлланманинг бу шакли намунавий ҳисобланади ва Тур ташкилотлар йўлланмаларни кўпайтирганда уларни бошқа зарурий маълумотлари билан тўлдиришлари мумкин.

Мазкур йўлланма шаклидан назорат-касса машиналаридан фойдаланилмай нақд пул орқали аҳоли билан ҳисоблашишда қатъий ҳисоб-китоб бланки сифатида фойдаланилади. Йўлланма ёзилган сана ва уни қўллаш санаси бухгалтер ҳисобида акс эттирилади. Йўлланма берилганда йиртма талон туризм маҳсулотини амалга ошириш санаси ва далилини тасдиқлайдиган ҳужжат сифатида қолади ва ҚҚС бўйича имтиёзни қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Нақд ҳисоб-китобда йўлланма қарешоклари бошқа касса ҳужжатлари билан бирга сақланади. Нақдсиз ҳисоб-китобда ташкилот ҳисобни таъминлаши ва берилган йўлланмалар қарешокларини сақлаши лозим.

Йўлланмаларни солиқ инспекциясида қайд этиш ва уларни рақамлаш тартиби қонунчилик томонидан белгиланмаган.

Бронлаш варақаси – бу бир гуруҳ туристларнинг вакили бўлган шахс ёки турист туризм маҳсулотини ташкил қилиш учун туроператорга берган аниқ буюртмасидир. Ёзма шаклда олдиндан келишув хусусиятига эга шартномадек расмийлаштирилади.

Шартноманинг муҳим шартлари қуйидагилар:

- туроператор (сотувчи) ҳақида маълумот, жумладан туризм фаолиятини юритиш ҳуқуқига лицензия, ташкилотнинг юридик манзили ва банк реквизитлари ҳақидаги маълумотлар;
- туризм тадбирини амалга ошириш учун зарурий ҳамда турист (харидор) ҳақида маълумот;

- қабулдаги туроператор (сотувчининг шериги) ҳақида, лицензияси, юридик манзили, банк реквизитлари ва алоқа телефонлари ҳақида маълумотлар;
- туризм маҳсулотининг истеъмол хусусиятлари, истекомат дастури ва саёҳат йўналиши, саёҳатлар хавфсизлиги шартлари ва туризм маҳсулот сертификатланганлиги ҳақида маълумотлар;
- саёҳат боши ва охирининг санаси ва вақти, унинг давомийлиги;
- туристларни кутиб олиш, кузатиш ва ҳамроҳ бўлиш тартиби;
- томонлар ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулиятлари;
- туризм маҳсулотининг чакана нархи ва уни тўлаш тартиби;
- туристларнинг гуруҳдаги минимал сони;
- гуруҳ тўлмаганлиги сабаби саёҳат бўлмаслиги ҳақида туристни огоҳлантириш муддати;
- шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш шартлари, бу билан боғлиқ тортишувларни ҳал қилиш ва томонлар зарарини қоплаш тартиби;
- турист томонидан эътироз билдириш муддати ва тартиби (туризм маҳсулоти сифатига эътироз турист томонидан туроператор ёки турагентга шартнома вақти тугаган пайтдан 20 кун давомида ёзма шаклда билдирилиши мумкин ва эътироз олингач 10 кун давомида қониқтириш зарур).

Шартноманинг бошқа шартлари томонлар келишувига биноан белгиланади. Ҳамкор-хизмат кўрсатувчилар (меҳмонхоналар, авиакомпаниялар, автотранспорт ташкилотлари ва бошқалар билан) шартномалар тегишли хизматлар кўрсатиш имкониятларини тасдиқлайди.

Калькуляция ёки саёҳат нархининг ҳисоби бронлаш варақасида кўрсатилган усулда амалга оширилиши мумкин. Бунда саёҳат нархи ҳар бир хизмат таннархини жамлаш ва даромаднинг меъёрий белгиланган фоизини қўшиш (у одатда туроператор учун саёҳат таннархининг 15-20 фоизини ташкил қилади) билан амалга оширилади.

Йўналиш баёни менежерлар ёки маршрут (йўналиш) бўйича супервайзерлар, гидлар ишининг қулайлиги, шунингдек турагент билан шартномага илова қилиниш ва йўлланма маълумот варақаси матнига киритиш учун эркин шаклда тузилади.

Йўналиш бўйича ҳаракат жадвали йўналишнинг ҳар бир жадвали бўйича келиш ва жўнаш санаси ва вақти кўрсатилган жадвал шаклида тузилади.

Саёҳат технологик хусусиятларининг тавсифи – бу транспорт, чипта, музейларга экскурсиялар, меҳмонхоналарда жой банд қилиш, овқатланиш кабиларга буюртма бериш муддатлари ҳақида эслатма ҳамда виза ва суғурталарни расмийлаштириш қоидалари ва муддатлари, транспорт алмаштириш, кутиш, қабулдаги гидлар ёки хорижий вакиллар, ҳамроҳ гидлар ҳақидаги эслатиб қолувчи ҳужжат. Ишни қулайлаштириш учун санаб ўтилган хизматларга ариза бланкалари махсус тайёрланади. Буларнинг барчаси мазкур саёҳат ўтказилишини назорат қилаётган ходимларнинг тезкор ишлаши учун зарурдир.

Туристлар учун эслатмалар матни алоҳида, зарурий вазиятларда тузилади. Масалан, махсус саёҳатлар ташкил қилинишида (саргузашт, спорт-анжомлар

бўйича, саёҳат вақтида соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик кабилар) ёки туристларининг эпидемик (жайдари) мамлакатларга сафар қилиш ҳолатларда. Ҳавфли инфекциялар (вабо, ўлат, сарик безгак, ОИТС, безгак) мавжудлиги боис ёмон аҳволдаги давлатларга кирадиган ҳар бир туристга тураператор имзоси ва фирма муҳри билан тасдиқланган индивидуал эслатма бериш зарур. Бундай эслатмалар мавжудлиги «Шереметева», «Внуково» аэропортларидаги божхона текширувида албатта талаб қилинади.

Йўналиш бўйича маълумот материаллари – бу ҳар хил маълумотномалар, буклетлар транспорт ҳаракати жадвали, музейлар иш вақти, меҳмонхоналар манзили ва улардаги етиб бориш йўллари ҳамда саёҳат ўзига хослигини эслатадиган бошқа материаллар.

Реклама проспектлари ва буклетлар саёҳатлар бўйича туроператор имкониятларининг рекламаси ва туристларни улар билан таништириш учун зарур (саёҳат йўналишлари бўйича мувофиқ реквизитлар билан тизимли реклама маълумотлари).

Прайс-варақа (саҳифа). Ҳар бир туроператор фирма учун прайс-саҳифа энг муҳим ишчи ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Турагентлар билан ҳамкорликнинг омадли кечиши кўп жиҳатдан Прайс-саҳифада маълумот нечоғли лунда ва саводли баён қилинганига боғлиқ. Прайс-саҳифалар варақа, буклет ва каталог (кенгайтирилган нарх таклифлари) шаклида бўлиши мумкин. Ҳар қалай бу турли туризм хизматларига нархлар ҳақида маълумотдир.

Варақаларда маълумот тўла берилган, турпакетлар нархлари ҳам қисқа муддатга кўрсатилган. Алоҳида ҳолатларда – бу турфирмаларнинг бир ёки бир неча сафарларга махсус иловасидир.

Муфассал нархлар таклифи катта ҳажимли нашрлар (каталог, буклет) бўлиб нафақат таклиф қилинаётган саёҳатларнинг мавсумий нархлари, балки тавсиявий ва тавсифий тарздаги қўшимча маълумотларни ҳам ўз ичига олади: саёҳатни расмийлаштириш учун зарурий ҳужжатлар рўйхати, виза ва бронларни расмийлаштириш қоидалари (бронлаштириш шеваси билан), авиа парвозлар жадвали, нархлар ҳақида, автомобиллар ижараси ва меҳмонхоналар ҳақида маълумот.

20.5. Турист учун тиббий расмиятчиликлар

Ҳозирги кунда халқаро ва ички туризм мамлакатга молявий кйрим ва хорижий валюта, қувватлари ва аҳоли бандлигини ошириш, инвестициялар ва юқори технологиялар таъминоти кўринишидаги ижобий ҳолатларини келтиради. Бироқ, афсуски салбий таъсири ҳам мавжуд. Гап ижтимоий-маданий ёки сиёсий характердаги (турмуш-тарзини, менталитетини, бошқарув шаклини қабул килмаслик) таъсир ҳақида эмас, саёҳат жараёнининг назоратсиз ва кўпроқ тасодикий таъсир қиладиган биологик тизим бузилиши ҳақида бораяпди. Хавфлар:

- санитар биологик
- таббий хусусиятга эга.

Санитар биологик хавф деганда табиий ва қишлоқ хўжалиги муҳитига мазкур жойда қарши иммунитет пайдо бўлмаган бегона биологик тажавузкорларни олиб кириш хатари тушунилади. Бу экологик муҳит (баъзан барқарор) тизимлар емирилишининг кучли манбаи ва унга қарши муқобил восита ҳозирча мавжуд эмас.

Тиббий ҳавф – вирусли эпидемиялар тарқалиши, аммо инсоният кўп ҳолларда уларга қарши профилактик ва муолажавий чоралар яратган. Бирок, бу жараён яққол ифодаланаган тезкор ва кескин жиҳатга эга ҳолда жаҳоннинг турли минтақаларидаги экологик тизим янги табиий тажавузкорлар пайдо бўлиши туфайли тазйиқ сеза бошляпти. Деярли юз йиллик фаол инсоний кўчишлар натижасида авваллари бир-бири билан ҳеч тўқнаш келмаган ва алоқаси бўлмаган биологик турлар табиий тарқалишида бузилиш юз берди. Айтайлик, инсон қишлоқ ва ўрмон хўжалиги учун олиб кўриб, бутун дунёга ўсимликлар, бот-безакларини тарқатади, бу эса 10-30 эмас, балки ўн минглаб турлар демакдир.

Назорат тизими: Бунга кўра, ҳукуматлар туристлардан маълум тиббий расмийтчиликларини талаб қилишади. Масалан: Ички Ишлар, Мудофа, Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, Миллий Хавфсизлик Хизмати, Давлат чегараларини кўриқлаш қўмиталари, Божхона хизмати, «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзавтотранс» хизматлари томонидан «Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ўтказиш пунктларида тиббий (санитар) назорат ҳақида» қонун қабул қилинган. Бу қонун давлат чегараси орқали ўтиш пунктларида мамлакат ҳудудига СанПиН № 0080-98 томонидан белгиланган касалликлар, хусусан, ўлат, вабо, сарик безгак, вирусли геморагик безгаклар, малярия ва инсон ҳаёти учун ҳавфли бошқа зооантропоэ ҳамда контагиоз касалликлар кириб келишининг, тарқалишининг олдини олишга қаратилган. У хориждан келадиган транспорт воситалари (ҳаво, дарё кемалари, поезд, автотранспорт воситалари), юклар, экипаж, йўловчиларга қайси давлатга мансублигидан қатъий назар ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетаётган шахсларга нисбатан қўлланади. Ҳудуднинг санитар муҳофазаси бўйича тадбирларни барча вазирликлар ва муассасалар, ташкилотлар, корхоналар, амалдор шахслар, алоҳида фуқаролар, шунингдек чет эл фуқаролари ва халқаро ҳамда хорижий ташкилот ва корхоналар бажариши шарт.

Таянч иборалар: Туризмга оид расмийтчилик, божхонага оид туризм расмийтчиликлари, туристлик саёҳатининг технологик харитаси, паспорт ва визага оид расмийтчиликлар, чет эл паспортлар, санитар қоидалар, кириш-чиқиш тартиби, тиббий расмийтчиликлар, прайс-варака, реклама проспектилари.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Туризмга оид расмийтчилик тушунчаси ва унинг мазмуни нимадан иборат?
2. Туризм расмийтчилиги қандай бўлимлардан иборат?
3. Божхонага оид туризм расмийтчиликлари деганда нимани тушунасиэ?
4. Ўзбекистон божхонаси қоидалари нималардан иборат?

5. Туризмга оид ҳужжатлар тўпламига нималар киради?
6. Турист учун таббӣй расмӣятчиликлар тартиби нималарни талаб қилади?
7. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) фаолиятининг йўналишлари нималардан иборат?
8. Паспорт ва визага оид расмӣятчиликлар нималардан иборат?
9. Туристлик саёҳатининг технологик харитаси нимадан иборат?

21. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ХАВФСИЗЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

Туризмда хавфсизлик тушунчаси

Халқаро туризмда туристларининг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари

Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қарорларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигининг таъминланганлиги

Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигига таъсир қилувчи омиллар ва туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари

21.1. Туризмда хавфсизлик тушунчаси

«Туризм хавфсизлиги» кенг маъноли тушунча бўлиб, туризмда хавфсизлик турист ва унинг юқларининг хавфсизлиги, туристлик муҳит қатнашчиларининг муҳим ҳаётий қизиқишларини ички ва ташқи хавфлардан, ҳамда туризм ривожланишида атроф-муҳитни салбий омиллардан ҳимояланганлиги тушунилади.

Туризмдаги хавфсизлик – бу турист ҳаёти ва соғлиғини сақлаш мақсадида, ҳамда унга ва атроф-муҳитга (жамоага, жамиятга, давлатга, табиатга) етказилган зарарларни минималлаштиришга қаратилган мажмуали тадбирлардир. Дунёда бўлиб ўтаётган воқеа ҳодисалар хавфсизлик масаласи қанчалик муҳимлигини кўрсатмоқда ва бу ерда нафақат мамлакат ички тартиби, балки халқаро даражада мувофиқлаштириш талаб этилади. Туризмда хавфсизликни таъминлаш борасидаги қарорлар туристлик фаолият соҳасидаги қонунларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Хавфсизликни таъминлаш соҳасида уни тор ва кенг маънода кўриб чиқиш мумкин.

Тор маънода у бир неча Ўзбекистон Республикаси миқёсидаги ҳуқуқий актлардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни – 20 август 1999 йил № 830 – 1,
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбектуризм» МКни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори 27 июл 1992 й. № УП-447,
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектуризм МК фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори 28 июл 2004 йил № 360,
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туризм фаолиятини лицензиялаштириш тўғрисида»ги қарори 11 ноябр 2003 йил.

Кенг маънода бу ерда умумий тушунчага эга ҳуқуқий меъёрлар (актлар) киритилади, уларда туризм хавфсизлиги тўғрисида ҳам алоҳида меъёрлар кўрсатилган. М: «Суғурталаш тўғрисида», «Прократура тўғрисида», «Судлар тўғрисида» «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Чегара тўғрисида», «Паспорт тўғрисида», «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги

бўлмаганлар тўғрисида», вазирликлар, ҳукумат ва ҳокимият қарорлари, корхоналар қарорлари ва бошқалар.

Туризмда хавфсизлик 5 тамойиллар асосида таъминланади:

1. Миллий конунлар, халқаро ҳуқуқлар асосида туристларни жўнатувчи ёки қабул қилувчи давлат уларни ҳимоя қилиши, паноҳига олиши шарт. Мамлакатда хорижий туристлар келишини назорат қилувчи, шахсий мулкани шахсиятини ҳимоя қилувчи, жорий-қидирув ишларини олиб бориш, суғурта тўловларини тўлаш, валюта айрибошлаш, маданий қийматга эга буюмларни олиб чиқиш, ахборот олишга имконият, дипломатик ва адвокат кўмаги ва бошқа масалаларга тегишли ҳуқуқий – меъёрий актлар қабул қилинади. Туристлик фирмалар лицензия оладилар ва маҳсулотларини сертификатлайдилар. Халқаро меъёрлар авиаташучилар, сув транспорти компаниялари, автокорхоналардан авария ва фавқулодда ҳодисаларни олдини олиш мақсадида ягона ва универсал стандартни бажаришни талаб қилади.

2. **Макродаражадаги ташкилий механизмлар асосида.** Бевосита ва билвосита туристлар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ давлат ва жамоа таркиблари ёрдамида. Булар ҳуқуқий, тартибни сақлаш кучлари (милиция, разведка хизматлари) жиноятчилик ривожини олдини олади; божхона таркиби – булар, экспорт – импорт, контрабанда билан курашадилар; **қутқарув хизматлари** (тоғ ҳудудларида, ўрмонларда, ёнғиндан, тиббий, ФХВ ва бошқалар.) – одамларни табиий офатлар ва техноген хавфлари мавжуд жойлардан қутқарадилар. Ташқи ишлар вазирлиги – вақтинчалик келган мамлакатда ҳар хил ҳолатларга тушиб қолган фуқароларга консуллик ҳимояси хизматини тақдим этадилар. **Солиқ қўмитаси** – иқтисодий жиноятчиликка қарши курашади, **стандартлаштириш хизмати** – истеъмолчиларга таклиф этиладиган товар ва хизматлар сони ва сифатини назорат қилади, **прокуратура** – давлат ва шахсга қарши ҳаракатларни олдини олади, **ветеринария ва санэпидемиалогия** хизмати – санитария талабларини текширади ва б.

3. **Микродаражадаги ташкилий механизм асосида.** Бу саёҳатчиларга бевосита хизматлар таклиф этувчи туристлик корхоналардир. Масалан: турфирма маршрутни сертификатлайди, суғурта компанияси – саёҳатчини суғурталайди, меҳмонхона-ёнғин ва эпидемиологик хавфсизликни таъминлайди, авторанспорт корхоналари машиналарнинг техник аҳволини текширади.

Маҳаллий жамоа ҳам ташриф буюрувчиларга хавфсизликни таъминлашлари шарт. Бунинг учун гидлар махсус тайёргарликдан ўтадилар, маршрутлар хавфсизлиги (йўллар тошлоқ, заҳарли ўсимликлар, ёввойи ҳайвонлар) текширилади, туристларга махсус мосламалар (палатка, қутқарув жилети, дори-дармон) билан таъминланади, қутқарувчилар ва ўрмон хизматлари гуруҳ келгани ва уларнинг бу ерда бўлиш муддати ҳақида огоҳлантирилади ва бошқалар.

Туристнинг ўзи ҳам хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши шарт. Яъни, унинг ҳаёти ва соғлиғига нимлар хавф солишини англаши, қабул қилинган талабларга риоя қилиши, ҳушёр бўлиши шарт.

4. Иқтисодий механизмлар асосида. Хавфсизлик таъминланишининг иқтисодий механизмлари турист ҳаёти ва мулкига зарар етказилганда уни қоплашни назарда тутди. Масалан: суғурта компаниясининг суғурта фонди зарурий суммани тўлашга қурби етадиган бўлиши керак. Давлат муҳим органлар фаолиятини керакли даражада молиялаштириши зарурким, улар ўз вазифаларини яъни, йўқолган туристларни излаш, жиноятчилардан ҳимоялаш, касалликлардан даволашларни бажаришсин.

5. Ижтимоий – маданий ва сиёсий даражада хавфсизлик деганда жамиятни бошқа ижтимоий қарашлардан – диний, ғоявий, удумларнинг бузулиши ва бошқалар назарда тутилади. Афсуски туризм алкоголизм, наркомания ва бошқа салбий оқибатларга ҳам сабаб бўлмоқда. Бу ерда халқаро терроризмга қарши кураш, диний экстремизмга қарши давлатлараро коалицияларни тузиш ҳам эътиборга олинмоқда.

Жадвал 21.1.

Даражалар	Жалб қилинган структуралар	Фаолияти
Биринчи: <i>Давлат /хизмати таркиблари</i>	Ички ишлар Вазирлиги	Жамоа тартибини сақлаш, жиноятчилик билан курашиш, криминал ҳолатларни назорат қилиш Туристлик полиция. Хорижий туристларни олиш мамлакат бўйлаб ҳаракатланиш
	Миллий хавфсизлик хизмати	Террористлар, экстремистларга қарши кураш, гаровга олишнинг олдини олиш
	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Эпидемияга қарши кураш, касалликларни олдини олиш, аҳоли саломатлигини назорат қилиш
	Фавқулодда ҳодисалар вазирлиги	Техноген ва табиий офатларни огоҳлантириш ва олдини олиш, оператив – қутқарув тадбирларини ўтказиш
	Божхона қўмитаси	Кантрабандаги қарши кураш, экспорт-импорт операциялари жараёнида уюшган жиноятчиликни олдини олиш, маданий бойликларни ноқонуний чиқиб кетишга йўл қўймаслик
	Ташқи ишлар вазирлиги	Хориждаги фуқароларга консуллик ҳимоясини таъминлаш
	Маҳаллий маъмурият	Маълум ҳудудий ҳодисани назорат қилиш
	Гидрометеорология хизматлари /	Табиий офатларни башорат қилиш, табиий офатлар оқибатини баҳолаш

Иккинчи: Давлат / жамоа хизмати таркиблари	сейсмик станциялар	
	Мудофаа вазирлиги	Аҳоли ва шу жумладан туристларни ташқи агрессиялардан ҳимоялаш
	Стандартлаш, сертификатлаш ва метрология хизмати	Товар ва хизматларни стандартлаш, уларни истеъмоллаш учун хавфсиз эканини текшириш, турмахсулотни сертификатлаш
	Антимонополия кўмитаси	Монополияга йўл қўймаслик, сифатсиз хизматлардан ҳимоялаш, фирром рақобатнинг олдини олиш
	Миллий туризм маъмурияти	Туризм соҳаси фаолияти, хизмат сифатини текшириш, объектларда хавфсизлик даражаси
	Туристлик ташкилотлар ассоциацияси	Туризмнинг хусусий секторида хизматлар сифатини назорат қилиш
	Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти	Истеъмол ҳуқуқини ҳимоя қилиш, фирром рақобат олдини олиш
	Табиатни асраш кўмитаси	Табиат бағрида одамларнинг ўзларини тутишлари, хавфли флора ва фауна ҳақида огоҳлантириш
Учинчи: Давлат / жамоа хизмати таркиблари / ОАВ	Йўл қурилиш хизмати – қурилиш вазирлиги	Шоссе, магистраллар, ҳаракат хавфсизлиги. Бино, иншоотлар қурилиши ва уларнинг хавфсизлиги
	Транспорт фаолияти устидан назорат	Пассажирларни ташишга мўлжалланган транспорт хавфсизлиги
	Ёнғинга қарши кураш хизмати	Ёнғинга қарши тадбирлар
	Энергия назорати ва коммунал хизматлар, телекоммуникация	Электр тармоқлар хавфсизлиги, чиқиндиларни олиб чиқиш, хавф туғулганда оператив алоқани таъминлаш
	ОАВ	Хавфлар ҳақида ахборот бериш
	Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари	Ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, ҳудудда хавфсизликни таъминлаш
Тўртинчи: Хусусий/ хизматлар таркиблари	Туристлик ташкилотлар	Гидлар-маршрутда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, менежер – туристлик фаолият қатнашчиларини бошқариш, турлидер – гуруҳда ҳолатни назорат қилиш, муаммони бошқариш, корхоналарда хавфсизлик – меҳмонхоналарда, объектларда

	Жисмоний шахслар	Муаммонинг олдини олиш учун туристлар шахсий хавфсизликка риоя қиладилар
--	------------------	--

21.2. Халқаро туризмда туристларининг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари

Инсоннинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш ҳамма вақтда ҳам аввало инсоннинг ўз ҳаётини муҳофаза қилиш, соғлиғини сақлаш, яшаш истаги ҳиссиётларидан келиб чиқади.

Ўз ҳаёти хавфсизлигининг эртасини ўйламайдиган, ҳозирги замонамиздан жуда кўп йиллар илгари хавфли шароитларда таваккалига саёҳатга чиққан жасур кишилар (Кук, Скотт, Магеллан, Маклай, Ливингстон, Диксон, Никитин, Беринг, Дежнёв, Пржевальский, Поло, Батута, Лазерев, Крузнштерн, Колумб, Вамбери ва бошқалар) буюк географик тадқиқотчи сайёҳлар бўлишган. Лекин, вақт ўтиши билан инсоннинг яшашга бўлган ҳиссиётлари ҳам ўзгарди. Бундай ҳиссиётлар замирида албатта кўрқиш ҳисси ҳукумронроқ, иккиланиш ҳисси кучлироқ бўлганлиги ҳисобланади.

Бир мамлакатдан ўзга мамлакатларга саёҳат қилмоқчи бўлган турист албатта, бу мамлакатдаги сиёсий-иҷтимоий вазият билан қизиқади, ахборотларни тўплайди ва кўнгли тинчлиги, хавотир йўқлигидан аниқ бир қарорга келади.

Туризмнинг халқаро миқёсида ривожланиб бораётганлигининг сабабларидан бири халқаро низоларнинг пасайиши, куруланишнинг сусайганлиги натижасида жаҳон халқларининг бири-бирига қизиқиши, кўришишга, мулоқот қилишга, халқларнинг тарихий-маънавий маданиятига, халқлар яшаётган давлатлар табиатида қизиқиши, интилиши ҳисобланади.

Туризмдаги халқаро ҳуқуқ-меъёрларини қабул қилган мамлакатларда туристлар ана шу ҳуқуқ-меъёрларга ишониб, суяниб эркин ҳаракат қилишади. Шу билан бирга, туризм ривожланишида туристлик оқимларнинг муайян давлатда ёки давлатларда кўпайиши туризмдаги халқаро ташкилотларнинг фаолиятига ҳам боғлиқ бўлади. Ҳар бир давлатда, шунингдек халқаро миқёсда туризмни ташкил этишнинг энг муҳим элементларидан бири – туристларнинг соғлиғи ва ҳаёти хавфсизлигининг таъминланиши ҳисобланади.

Туристларнинг ҳаёти хавфсизлиги ва буюмларининг сақланиш кафолати халқаро миқёсда ва давлатлар ҳудудларида ҳаракатланиш хавфсизлигидаги жуда кўп мажмуали тадбирларнинг қонун ҳимоясида таъминланишни талаб қилади.

Туризмнинг халқаро хавфсизлигидаги халқаро тажрибаларни Бутунужаҳон туристлик ташкилоти (БТТ) тадқиқ қилади ва тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсияларни туризм тўғрисидаги қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилган давлатларга кўрсатма – йўлланма сифатида тақдим қилиб келмоқда.

Саёҳатларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги Хартия 1985 йил БТТ даги Бош Ассамблеянинг VI – сессиясида қабул қилинган. Хартия таркиби 9 та модда ва турист кодекси, турист кодекси ҳам яна 9 та моддадан иборат.

Хартиянинг IV моддасида туристларнинг соғлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда, уларнинг буюмларининг сақланиши, ҳар бир давлат ҳудудларида эркин ҳаракат қилишида қуйидаги талаблар бажарилиши дунёдаги барча давлатларга тавсия қилинган:

- давлатларнинг маъсуллиги;
- туристларга имкониятларнинг яратилиши – ўз давлатида ва чет эллик туристлар учун саёҳатлар даврида БМТ, БТТ, Халқаро фуқаролар авиацияси ташкилоти, Халқаро денгиз ташкилоти, Халқаро божхона ҳамкорлиги Кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотларининг туризм тўғрисидаги, халқаро туризм тўғрисидаги “Ҳолатлар”, “Дастурлар”, “Ҳуқуқий-меъёрлар” билан таниши, ўрганиш, фойдаланиш шароитларини яратишлари;
- туристларнинг билими ва маданияти ўсишига ҳамкорлик қилиши ва етиб келган давлатларнинг маҳаллий аҳолиси билан бўлган мулоқатларда, алоқаларда ўзаро тушуниш, ўзаро дўстона муҳитларининг яратилиши;
- туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш ва буюмларининг сақланиш чора-тадбирларини халқаро қонунларга мос ҳолда ишлаб чиқиши;
- гигиена ва соғлиқни сақлаш хизматларига мурожаат қилиш, ёрдам олишнинг барча шарт-шароитларини яратиши, юқумли касалликлар ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳақида огоҳлантириш;
- туризмда бузғунчилик мақсадларидаги қилинган ҳар қандай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;
- туристлар ва маҳаллий аҳолини гиёҳвандлик моддаларидан ноқонуний фойдаланиш манбаларидан ҳимоя қилиш тизимларини ишлаб чиқиши каби халқаро туризм ҳуқуқий-меъёрлари ишлаб чиқилган.

БТТ нинг давлатлар ўртасида обрўсини кўтарган ва конференциялар ишлаб чиқилган тавсиялар, кўрсатмалар, йўлланмаларнинг аниқлиги, жорий этишга қулайлиги ва тушунарли эканлиги бўйича БТТ нинг “Жаҳон туризми бўйича Манила декларацияси” ни қабул қилган Туризм бўйича бутунжаҳон конференцияси қарорлари муҳим аҳамиятга эга.

Конференция 1980 йил 27 сентябрдан 20 октябргача Филиппин давлатининг пойтахти Манила шаҳрида бўлиб ўтди. Конференцияга 107 давлатнинг делегациялари ва 91 делегация кузатувчи сифатида қатнашди.

- Манила конференциясидаги энг муҳим қарор ва тавсиялар халқаро миқёсида ва давлатларда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини, соғлиғини таъминлаш ва уларнинг буюмларини сақлаш, давлатларда туристларнинг эркин ҳаракатларига барча шарт-шароитларни яратиш натижасида халқлар, элатлар ва миллатларнинг дўстона алоқаларига асослар яратилади, миллатлар ўртасидаги урф-одатларни ўрганиш, қизиқиш натижасида бири-бирига яқинлик қилувчи давлатлараро маданият марказлари келиб чиқади.

Конференциянинг тинчлик шиори – “Дунёда тинчликни, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни сақлаш, халқларнинг маданий меросини ривожлан-тиришда

туризмнинг ҳиссаси” мавзуси қабул қилинди. Манила конференциясида 27-сентябр “Бутунжаҳон туризм куни” деб белгиланди.

Халқаро туризмда ва давлатлар туризмида хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ ва жиддий тавсияларни ишлаб чиққан халқаро конференцияларнинг энг обрўлиси, тан олингани БТТ нинг “Туризм бўйича “Гаага декларацияси” қабул қилиниши бўлди.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (БТТ) дунё давлатларининг Парламентлариаро туризм бўйича халқаро конференцияси Нидерландиянинг Гаага шаҳрида 1989 йилнинг 30 мартдан 14 апрелигача бўлиб ўтди. Конференция ишида Парламентлараро иттифоқ (МГТС) вакиллари ҳам қатнашди. Бу халқаро ташкилотни Нидерландия давлатининг парламенти таклиф қилган эди.

Конференция биринчи навбатда БМТ нинг жаҳон давлатларида туризмни ривожлантиришда БТТ нинг меҳнатлари ва муҳим мавқеъга эkanлигини эътироф этди.

Иккинчидан, жаҳон туризмнинг ривожланаётганлигида халқаро ташкилотлар: халқаро меҳнат ташкилоти (МОТ), Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ), БМТ нинг фан ва маданият, маъориф ташкилоти (ЮНЕСКО), Халқаро фуқаро авиацияси (МКАО), атроф-муҳит бўйича БМТ дастури (ЮНЕП), халқаро жиноий қидирув полицияси (ИНТЕРПОЛ) ва халқаро иқтисодиёт ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилотлари БТТ билан мустаҳкам алоқада бўлдилар, ёрдам бердилар.

Туризм бўйича Гаага декларацияси 10 та тамойилни қабул қилди ва дунё мамалакатларига тарқатди. Декларация жаҳонда туризмнинг ривожланишида туризм хавфсизлиги халқаро миқёсда ва миллий давлатлар миқёсида таъминланиши шартлигини таъкидлади. Бунга эришиш учун қуйидагиларни амалга оширишни тавсия қилади:

- туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш меъёрларини ишлаб чиқиш ва туризмда жорий қилиш;
- жамоатчиликка аниқ ахборотларни етказиш ва тарқатиш;
- туристларнинг хавфсизлигини ўрганувчи ва таъминловчи, айниқса экстремал вазиятларда хавфсизликни таъминлашни тадқиқ қилувчи институтчионал марказлар ташкил қилиш;
- туристларнинг хавфсизлигини таъминлашда халқаро, қитъалараро ҳамкорликни ташкил қилиш ва ҳаракатлантириш.

Гаага декларациясининг туристларнинг соғлиғи ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш бўйича тавсиялари (7-тамойил):

- туристларни ҳурмат қилиш, қадр-қимматини, ҳуқуқини ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш туризм ривожланишининг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам:
 - а. туристларнинг қадр-қиммати, ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш чоратadbирлари улар ҳаракатланадиган барча туристлик объектларда, сафарда, саёҳатда, меҳмонхоналарда ишлаб чиқилган ва бартараф этилган бўлиши;

- б. туристлик объектларга ва туристлар ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва омиллар ҳақидаги барча ахборотлар, маълумотларни туристларга ўз вақтида етказишини таъминлаш;
- в. ҳар бир давлатда туристларнинг эркин ҳаракат қилиш, хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқиши ва қабул қилишига эришиш, ҳар бир давлатда туристларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига ўз вақтида мурожаат қилиши, ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларининг яратилишига эришиш;
- г. туристларни ҳимоя қилиш, ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш, хавфга қарши чора-тадбирлар тизимини яратишда ҳар бир давлатларнинг БТТ билан ўзаро ҳамкорлик қилишни таъминлаш.

Гаага декларациясида қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат шундан иборат бўлдики, терроризм туризм ва туристлик ҳаракатланишнинг ривожига реал хавф деб тан олинди. Жаҳондаги давлатларга террористларга ҳар хил сиёсий сабабларни рўкач қилиб бошпана бериш ҳоллари жаҳон миқёсида қораланиши эътироф этилди.

Халқаро туризм хавфсизлиги ва туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда БТТ нинг 2001 йил 30 сентябр – 1 октябрда Японияда (Минг йилликнинг Осака декларацияси) ўтказилган конференцияси, МДХ давлатларининг “Туризм соҳасида ҳамкорлик” – Ашгабат 23 декабр 1993 йил, 29 октябр 1994 йил, 4 ноябр 1994 йил Осака декларацияси, Туристлик фаолиятни ташкил қилиш Европа Кенгаши, 2 ноябр 1981 йил Непалдаги Халқаро меҳмонхона қоидалари ассоциацияси муҳим қарорлар қабул қилди, тавсиялар ишлаб чиқиб дунё мамалакатларига тарқатди.

Шунингдек, “Афина конвенцияси” туристларнинг юкларини ташишдаги халқаро ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқди. Турагентликлар ассоциациясининг Бутунжаҳон федерацияси (УФТАА) ва Бутунжаҳон меҳмонхоналар ассоциацияси (МГА) меҳмонхоналарда туристларни жойлаштириш, уларнинг фаол ҳаракатларини ташкил қилиш, соғлиғи ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий мезонларини ишлаб чиқдилар ва бу ҳақда БТТ га аъзо бўлган давлатлар ўз миллий туризм сиёсатида мос бўлган ҳуқуқий меъёрларни қабул қилишини тавсия қилди. Қайд қилиш лозимки, БТТ 1994 йилда ўз бошқаруви таркибида “Туристлик хизматлар сифати” бўйича комитет ташкил қилди. Бу комитет халқаро туризмда сайёҳларнинг хавфсизлиги масалаларига ҳам жавоб беради. Худди шу йили БТТ дунёнинг 73 мамлакатларида “Сайёҳларни (туристларни), туристлик объектларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлиги” мавзусида халқаро тадқиқотларни амалга оширишнинг ташаббуси билан 1995 йилнинг ёзида Швеция давлатининг Эстерунд шаҳрида “Саёҳат даврида хавфларни камайтириш ва туризм хавфсизлигини таъминлаш” мавзусида II халқаро конференцияси ўтказилди.

Туризм мамалакатларининг 21% ида махсус туризм полицияси ташкил қилинган бўлиб, бу полиция фақат туризм фаолияти билан шуғулланади. Туризм полицияси зиммасига туризм ресурсларини ва атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш, гиёҳвандликга қарши курашиш, маҳаллий этник гуруҳларни ҳимоя қилиш вазифалари ҳам юклатилган.

Халқаро туризм амалиётидан маълум бўладики, кўпгина давлатларнинг туризм бошқаруви туристларининг дунё давлатларига, минтақаларига бориши ёки бормасликлари, хавфсизликнинг ҳолати, даражалари, ушбу давлатларда туризм сиёсати ва ҳимоя туризми ҳақида аниқ тавсиялар ишлаб чиқади ва ўз оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда тавсиялар бериб боради.

21.3. Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қарорларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигининг таъминланганлиги

Туризм таълимидаги барча мутахассислар ушбу қонун моддаларини яхши ўзлаштириши, мукаммал билиши нуқтаи назаридан қайд қилинган моддаларни келтириш ўринли бўлади. «Туризм тўғрисида» ги қонуннинг:

18 – моддаси: «Туристларнинг хавфсизлиги кафолати».

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади. Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини ташкил этади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида барча туристлик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини ташкил этадилар.

Туристлик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича улар жароҳатланганда, касалланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

19–моддаси: Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари. Туристлик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

- туристларнинг сафарда хавф – хатардан холи бўлишлари учун шарт-шароитни, сафар, сайр, экскурсия йўллари, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг таъминланишлари;
- туристларга жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатишлари, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл-йўриқ беришлари, шунингдек, белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг ҳатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилишлари;
- туристларнинг саёҳатлар, сафарлар, мусобақалар, бошқа туристлик тадбирларга тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширишлари;
- фалокатга учраган туристларга тезкор ёрдам кўрсатишлари;
- автомобил, тоғ-чанғи, велосипед, сув, мотоцикл, пиёда сафар, гор туризми ва туризмнинг бошқа махсус турларини ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари шарт;

20–моддаси: «Туристларни суғурта қилиш».

Туристларни суғурта қилиш мажбурийдир ва у туристлик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳукуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузиладиган битимлар асосида амалга оширилади.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ВТО) талаблари бўйича ҳар бир давлатда туристларнинг ушбу давлатга келиб –кеетиши бўйича давлат низоми бўлиши лозим. Бизнинг Республикамизда ҳам ҳудди шундай низом ҳукуматимизнинг махсус вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» ги қарорига мувофиқ қуйидаги моддалар туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган:

- хавф-хатар манбалари бўлган ҳудудларга чет эллик сайёҳларни олиб чиқишларидан олдин, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли бошқармаларидан бахтсиз ҳодисалар ёки хавф-хатарлар келиб чиқиши мумкин бўлиши ёки бўлмаслиги юзасидан тегишли маълумотлар олиш;
- рухсат этилган хавфсиз йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда белгиланган хавфсиз йўналиш бўйича сайёҳат қилишни таъминлаш;
- белгиланган йўналишнинг хусусияти ва сайёҳларнинг ҳатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш;
- қабул қилувчи туристлик ташкилот чет эл сайёҳлари билан хавфсизлик чораларига риоя этишлари, Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартиби, экологик хавфсизлик талаблари, миллий урф-одатларга ҳамда санитария-гигиена қоидаларига амал қилишлари тўғрисида тегишли тушунтириш ишларини ўтказди.

Туризм маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда кутиладиган ва кутилмайдиган хавфларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Экологик туризм маршрутларини ишлаб чиқиш мавзусида – «Экологик туризм маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш» юзасидан маршрут раҳбари амалга ошириладиган ишлар рўйхати келтирилди. Туристлик маршрутларнинг барчасида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш чора тадбирлари ишлаб чиқилиши ва маршрутни ўтказадиган туристлик ташкилот раҳбарининг имзоси ва гербли муҳри билан расмийлаштирилиши лозим.

21.4. Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигига таъсир қилувчи омиллар ва туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари

Туризмда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим, давлат аҳамиятига молик масала ҳисобланади. Ҳозиргача туризмнинг

ривожланишига қуйидаги омиллар асосий таъсирларни ҳосил қилади. Мазкур асосий омилларни 2 гуруҳга бўлишимиз мумкин.

I – гуруҳ – «Статистик омиллар» - бу омиллар вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини йўқотмайди, сақлаб туради. Бу гуруҳга табиий иқлим омиллари, географик омиллар, маданий – тарихий омиллар киради.

II – гуруҳ – «Динамик омиллар» - Бу гуруҳга қуйидаги омиллар киритилган.

1. Сиёсий омиллар
2. Ижтимоий – демографик омиллар
3. Иқтисодий – молиявий омиллар
4. Моддий техник омиллар

Савол келиб чиқади: Туризм ривожланишидаги қайд қилинган II– гуруҳ омилларнинг мавзуга нима алоқадорлиги бор?

Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистонда туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш соҳасидаги дастлабки қонунларда алоҳида модда билан белгиланган. Ана шундай дастлабки қонун – Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади. Бу қонун 20-август 1999 йилда қабул қилинган бўлиб қонундаги 18.19.20 моддалар туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги чора – тадбирлар тизимини яратишга асос бўлади.

Маршрутдаги транспорт хизматларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш. Туризм маршрутдаги энг маъсулиятли хизматлар бу – транспорт воситаларининг хизматлари ҳисобланади. Туристлик маршрутга транспорт хиллари маршрут йўллари, экскурсияларни, йўлнинг ҳолати (автомагистрал, тош йўл, шоссе, маҳаллий йўл ва ҳакозо) бўйича танланади.

Шаҳарлараро ўтказиладиган туристлик маршрутларда транспорт хилларини танлаш муаммо эмас. Бундай маршрутда транспорт турлари туристларнинг сонига қараб (енгил автомобил, микроавтобус, автобус ва бошқалар) танланади. Турмаршрутга олинган автотранспорт тури албатта ДАН ташкилотидан техник кўрикдан ўтган бўлиши, тозаллиги, соғлиги, шунингдек, ҳайдовчи ҳақида тавсифнома, унинг ҳужжатлари, иш тажрибаси билан танишилади ва йўлдаги тезлик ва тўхташ жойлари, ҳаракатланиш фақат туристлик маршрут раҳбари рухсати билан амалга оширилиши ҳақида келишилиб олинади.

Туристлик маршрут давомида туристларнинг транспортни ўзбошимчалик билан тўхтатишларига рухсат берилмайди. Қайд қилганимиздек, транспортни йўлда тўхтатиш турмаршрут раҳбари рухсати билан амалга оширилади. Маршрут давомида туристларнинг транспорт ичида, саломида озодликни, тартиб – интизомни сақлаш, транспорт деразаларидан ҳар хил нарсаларни ташламаслик, қўлни, бошни, гавдани деразалардан чиқармаслик ва ҳакозолар бўйича маршрут раҳбари ўта хушмуомилалик билан туристларга мурожаат қилиши ҳам зарурий ахборотлардан ҳисобланади.

Шунингдек, маршрут давомида транспорт саломида газ ва бошқа ёқимсиз ҳидларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликда ҳам ҳайдовчи маршрут

бошланишидан олдин огоҳлантирилади. Туристлик маршрутга транспортни ажратган ташкилотнинг адреси, телефонлари, раҳбарлари ҳақидаги маълумотлар маршрут раҳбарида бўлиши шарт.

Туристлик маршрутдаги жойлаштириш хизматларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш. Маршрут шаҳарларда, туманлар марказларидаги туристлик ресурсларга уюштирилса туристларни жойлаштириш муаммо эмас чунки, улар маршрутгача меҳмонхоналарда жойлашган бўлишади.

Маршрут шаҳарлардан узоқ бўлганда ёки маршрут режаси бўйича тунашга тўғри келганида хавфсизлик тадбирлари кўрилади. Айниқса, маҳаллий аҳоли уйларида бир кунлик тунаш шароитлари туристларга тўлиқ таништирилиши, тушунтирилиши лозим.

Агар туристлар туристлик лагер биноларида жойлаштирилганда хавфсизлик ҳолатларини батафсил тушунтиришга ҳожат йўқ. Чунки, янги жойлаштирилган туристлар улардан олдин келиб жойлашган туристлар билан бирга яшайверишади. Агар туристлар палаткаларда тунайдиган бўлса, албатда йиғма кароватлар, йиғма стол-стуллар, тоза чойшаблар тайёрланиши лозим бўлади.

Дала шаротида қурилган палаткали тунаш шароитларида палаткалар ичи, атроф майдон тўлиқ туристлар етиб келгунча тозаланиб, тартибга келтирилиши зарур. Палаткаларни жойлаштиришда иложи борича очиқ сайхонлик, ёки ўтлоқзорлар танланиши мақсадга мувофиқ. Қалин ўсувчи ўтзор, пичанзорларда ҳашоротлар кўп бўлганлигидан бундай жойларда илон, чаён, қорақурт, фаланга, ари каби чақувчи ҳашоротлар туристларнинг ҳаётга хавф солиши мумкин.

Туристлик маршрутда ёз ойлари далада тунашни ҳоҳловчи туристларга ҳавода-ухлаш учун махсус кўрпачалар берилиши лозим. Бу усулда тунаш экспедиция усули ҳам дейилади. Бундай шароитда махсус кўрпачаларда машиналар бортида, баландликларда бемалол тунаш мумкин.

Маршрутдаги овқатлантириш хизматларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш. Маршрут шаҳар ичида ёки бир-бирига яқин туманларда, шаҳарлардан ўтганидан туристларни овқатлантириш муаммо эмас. Туристларни туристлик маршрут давомида овқатлантириш хиллари «Туристлик маршрутдаги хизматлар» мавзусида келтирилди.

Маршрутдаги овқатлантириш хизматларида турист ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, ҳолатлар аксарият ҳолларда экологик маршрутларда ёки шаҳарлар ташқарисидаги маршрутларда юз бериши мумкин. Лекин эътибор берилса, туристларни овқатлантиришда турист овқатланадиган барча мавсумларда ва барча ҳаракатланишнинг географик маконларида ҳаётга хавф солувчи вазиятлар юз бериши мумкин.

Биринчидан, мавсумларда туристларни овқатлантиришда жиддий эҳтиёт чораларини кўриш талаб қилинади. Мавсумларда туристларни овқатлантиришда дастлаб май-июн ойларида пишиб етиладиган мевалар (кулупнай, гилос, олма, анжир, тут) ни турист дастурхонига тортишда меъёрдан оширмаслик зарур (ҳатто турист талаб қилганда ҳам).

Кузатувлардан маълумки, тропик минтакалардан, Европа давлатларидан келадиган туристлар бизнинг ватанимизда пишиб етиладиган меваларнинг витаминлигининг юқорилиги (калориялигидан) сабабли кўпроқ хуш кўриб истеъмол қилишади. Бундай ҳолатларда қайд қилинган мамлакатлардан келган туристларда қон босими бирданига кўтарилиб кетиши кўплаб кузатилган.

Иккинчидан, ёз мавсумининг баланд ҳароратлилигидан туристларни сув билан таъминлашда ҳам кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши ҳоллари ҳам кузатилган (сув кранларидан олиб бериш, музлатгичлардан олиб бериш ва ҳакозо).

Учинчидан, туристларни миллий таомларимиз билан овқатлантиришда ҳам эҳтиётлик чораларини кўриш лозим бўлади (2-3 хил овқат бериш, ёғли овқатлар бериш ва ҳако..).

Тўртинчидан, туристлар маршрут давомида маҳаллий аҳоли ҳаётини ўрганишда, қизиқишларида халқимизнинг ўта меҳмондўстлиги туфайли туристларни уйларига, бир пиёла чойга таклиф қилишади. Ана шундай учрашувлар айниқса, экологик туризм маршрутларини ўтказишда кўп учрайди. Бундай учрашувларда баъзида спиртли ичимликлар, сифатсиз сувлар (булоқлардан, дарёлардан, ариқлардан олинган) ҳам туристларда ошқозон ичак фаолиятларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Туристлик маршрут раҳбари ва овқатлантиришни бажарувчилар туристларни овқатлантиришда уларнинг соғлигига зарар етказувчи маҳаллий манбаларни жуда яхши билишлари лозим бўлади. Туристларни овқатлантиришда озиқ-овқат маҳсулотларининг, идиш-товоқларнинг ва овқатланадиган жойларнинг экологик жиҳатлардан тоза бўлишига жиддий эътибор беришлари талаб қилинади.

Экскурсия хизматларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш. Туризм маршрутларидаги экскурсияларда туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар транспорт хизматларида, дам олиш хизматларида, сайрларда ва овқатланиш хизматларида ҳам юз бериши мумкин. Чунки, маршрутлардаги экскурсияларда ҳам туристлик маршрутлардаги барча хизматлар кўрсатилади. Айниқса экотуризм маршрутларидаги (тоғларда, сув ҳавзаларида, даралардаги сўқмоқларда ва ҳакозо...) экскурсияларда ҳаракатланишдаги хавфсизлик олдиндан таъминланиши зарур.

Туристларни тоғ сўқмоқларида табиат билан таништириш экскурсияларида эҳтиётлик чораларига, тартиб-интизомга риоя қилиш керак. Чунки, бундай шароитда туристлар суришиб, пастликларга тушиб кетиши ёки олдинда кетаётган туристларнинг нотўғри ҳаракатларидан пастда келаётганлар устига тошлар юмалаб кетиши ҳоллари юз бериши мумкин.

Экскурсиялар ўтказиш даврида (экотуризм экскурсияларида) табиатнинг сўлим жойларида дам олиш истаги пайдо бўлган ҳолларда, туристларни қисқа муддатли овқатлантиришда тушонка, колбаса, бринза ёки олдиндан пиширилган овқатларнинг тоза сақланганлиги, сифати текширилгандан кейин фойдаланиши лозим. Ичимликлар албатда термосда чой, газланган сув ўз идишларида сақланиши керак.

Туристлик маршрутни ўтказишда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда энг ишончли воситалар бўлиши тиббиёт марказлари ва уларнинг бўлимлари билан доимий телефон алоқаларнинг мавжуд бўлишлиги маршрут раҳбари учун маъсулиятли, мажбурий вазифа бўлишлиги талаб қилинади. Иккинчидан, маршрут раҳбари маршрутга яқин бўлган ва атрофлардаги тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари жойлашган манзилларни жуда яхши билишлари керак. Учинчидан, маршрут давомида тиббиёт дорилар қутичалари (аптечкалар) бўлишлиги ҳам маршрут ҳужжатларида расмийлаштирилиши талаб қилинади.

Туристлик маршрутларда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги биринчи чора-тадбирлар бу- маршрут бошланишида туристларга маршрутда тартиб-интизомнинг сақланиши, хавфли вазиятлар юзага келишидан эҳтиёт бўлиш ҳақида қисқача тушунтириш ишлари ўтказилиши ва бу ҳақда маршрут ахборотномасида алоҳида қайдлар бўлишини амалга оширишдир.

Туристлик маршрутларда туристларнинг бирортаси билан кўнгилсиз, ҳаётига хавф солувчи воқеалар юз берганда тезкор усулларда бундай воқеаларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилади. Агар бундай воқеаларга маршрут ташкилотчилари айбдор бўлишса узр сўрашни туристлик ташкилот раҳбари бажаради. Маршрут тугагандан кейин юз берган воқеа туристлик фирма жамоаси иштирокида муҳокама қилиниб тегишли қарорлар қабул қилиниши керак.

Туристларнинг ҳаётига хавф солувчи омиллар, вазиятлар, объектлар, ҳолатлар ҳақида сўз юритганда эътибор бериш лозимки, турист меҳмонхонага келиб жойлашгандан кейин ўзига хос хусусиятларга эга бўлган маршрутда бўлади. У ёки улар (туристлар) хоҳиши бўйича меҳмонхона яқинида жойлашган объектларга (паркларга, кўчаларга, биноларга, марказларга ва ҳако...) қисқа муддатли сайрларга чиқиши ҳам маршрут схемасида бўлади ва бу юришлар, танишишларда ҳам туристларни албатда маршрут раҳбари (туроператор бошлаб юради). Шунинг учун ҳам туристларнинг ҳаётига хавф солувчи ҳолатлар, омилларни маршрут раҳбари (турфирма ходимлари) жуда яхши билиб олишлари зарур бўлади.

Туристларнинг ҳаётига хавф солувчи омиллар қуйидагича таърифланади:

1. Зарарли омиллар.

- жароҳат олиш хавфи;
- ёнғинда қолиб кетиш хавфи;
- биологик таъсир қилиш хавфи (атроф - муҳит);
- руҳий-жисмоний юклама олиш;
- нурланиш хавфи;
- кимёвий зарарланиш хавфи;
- тутундан ва газдан заҳарланиш хавфи;
- туристнинг таваккалчасига ҳаракатланишидан келиб чиқадиган хавфлар.

2. Биологик омиллар.

- микроорганизмлар (микроблар)дан зарарланиш хавфи (ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши);
- захарли ўсимликлардан захарланиш хавфи;
- захарли судралиб юрувчилар (илонлар, ҳашоротлар), ҳашоротлар (чаён, қорақурт, ари) дан захарланиш хавфи;
- юқумли касалликлар ташувчи ёввойи ва хонаки ҳайвонлар, паррандалардан ҳар хил касалликларни юқтириш хавфли;
- аллергия ва бошқа касалликларни чақирувчи ўсимликзор, ўтлоқзор ва ўрмонзорларда ушбу касалликларни юқтириш хавфи;
- мевалар, сабзавотлардан захарланиш хавфи.

3. Кутилмаган омиллар.

- туристлар жойлаштирилган жойларда табиатнинг фавқулоддаги ҳодисалари (сув тошқини, қор кўчиши, об-ҳавонинг кескин ўзгариши ва ҳоказолар)дан келиб чиқадиган хавфлар;
- туристлар жойлашган жойлардаги аҳоли, жамоатчиликдаги тартиб-интизомнинг бўшлигидан келиб чиқадиган хавфлар;

туристлар фойдаланаётган меҳмонхона, лагер биноларининг техник ҳолати, канатли сим йўллар, чанғи йўллари, автомагистраллар, сўқмоқлар ва бошқа моддий объектларнинг техник ҳолатидан келиб чиқадиган хавфлар.

Таянч иборалар: Туризмда хавфсизлик, турист, атроф–муҳит, МК «Ўзбектуризм», ташкилий механизмлар, қутқарув хизматлари, Солиқ қўмитаси, стандартлаштириш хизмати, прокуратура, ветеринария ва санэпидемиалогия, Гаага декларацияси, Бутунжаҳон туризм кунини, Жаҳон туризми бўйича Манила декларацияси, Афина конвенцияси, статистик омиллар, динамик омиллар, маршрут, биологик омиллар, зарарли омиллар, кутилмаган омиллар.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар:

1. Туризмда хавфсизлик тушунчаси нималардан иборат?
2. Халқаро туризмда туристларининг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигининг таъминланганлиги ҳақида қандай қонун ва қарорлар мавжуд?
4. Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигига таъсир қилувчи омиллар нималардан иборат?
5. Маршрутдаги овқатлантириш хизматларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш қандай амалга оширилади?
6. Туристлик маршрутдаги жойлаштириш хизматларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш қандай амалга оширилади?
7. Маршрутдаги транспорт хизматларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш қандай амалга оширилади?
8. Экскурсия хизматларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш қандай амалга оширилади?

ИЛОВАЛАР

6-илова

Туристлик корхонаси томонидан 2008 йил _____ ойда туристлар
гуруҳларининг

ЮКЛАНИШ ГРАФИГИ

Гуруҳ №	Туристлик маршрути рақами	Хизмат кўрсатиш санаси		
		1	2...30	31

7-илова

Туристлик йўлланмасига АХБОРОТ ВАРАҚАСИ

Саёҳат номи

Зарурий маълумотнома

1. Туристлик сафарнинг тури ва хили, саёҳат давомида ва унинг сафар қисмида кўрсатиладиган хизматларнинг асосий мазмуни кўрсатилади.
2. Саёҳат йўлининг баёни – тўхташ жойлари, муддати ва жойлашиш шарт-шароитлари ва хизматлар тури (бино хили, номердаги ўринлар миқдори, унинг санитар-гигиеник жихозлар) кўрсатилади.
3. Саёҳат ҳудудининг қисқача баёни (ёдгорликлар, рельефининг ўзига хосликлари), сафарнинг ҳар бир пунктдаги хизматлар дастури (Туристлик сафарининг технологик харитасига мос равишда) берилади.
4. Қўшимча тўловлар эвазига кўрсатиладиган хизматлар рўйхати.
5. Спорт иншоатлари, майдончалари, автомобил турар жойи, йўловчилар учун осма кўприклар, болалар ўйин майдончаси (хоналари) кутубхона, кинозал ва бошқалар мавжудлиги ва қисқача тавсифи.
6. Туристлик сафари бошланадиган туристлик корхонаси манзили ва унга бориш йўли.

Қўшимча маълумотлар тахминий рўйхати

1. Ёш чеклови, болали сайёҳлар, оилалилар қабули тўғрисида маълумот.
2. Походли туристлик сафар учун махсус маълумот.
3. Бошқа маълумот ва тавсиялар

ИЗОҲ: Доимий тиббий назоратда бўлиши лозим бўлган шахсларга сайёҳатнинг маршрутлари тавсия этилмаслигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Туристлик сафар маршрутининг экспедицион текширув ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши ва мавзуси

1. Маршрутнинг экспедицион текширув ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисобот сафарларнинг назарда тутган янги туристлик саёҳатини лойиҳалаштириш учун асосий маълумотнома ҳисобланади.

2. Ҳисобот матни қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

Сафар ҳудуди тўғрисида маълумотлар: сафарга тайёргарлик ва уни ўтказиш пайтида ҳудуднинг тактик ва техник масалаларга таъсири.

Сафар тўғрисида маълумот: сафар маршрут тўғрисида батафсил маълумотлар, унинг узунлиги ва давомийлиги, турли воситалар ёрдамида печадиган босқичлари.

Сафарни ташкил этиш, жумладан айнан шу маршрут танланишининг асосланиши.

Сафар ҳаракатининг графиги ва техник тавсифи.

Ҳавфсизлик, экстремал вазиятлар, кўриш чекланган шароитларда мўлжалларга алоҳида эътибор берилади.

2.5 Сафар ҳулосаси, натижа ва тавсиялар.

Ҳудуднинг энг ўзига хос жиҳатлари, ўтишни енгиллаштириш йўллари, ҳавфсизлик ва қизиқарли ўтказиш таклифлари.

2.6. Сафарга тайёргарлик ва ҳисобот тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар рўйхати, Туристлик ҳисоботлари ва бошқа манбалар.

2.7. Илова:

- шахсий ва гуруҳ жиҳозлари, жиҳоз ва инвентар комплекцияси бўйича тавсиялар;
- сафарда овқатланиш рационали, йўлда маҳсулотлар олиш имконияти мавжудлиги;
- гуруҳ ва ҳар бир кишига тегишли маҳсулот ва ускуналар ҳажми; сафар ҳаражатлари сметаси;
- транспорт, алоқа, тиббиёт пунктларининг иш тартиби;
- ҳисоботга илова қилинадиган суратлар (чизмалар)
- сафар йўлининг мураккаб нуқталарини, ёдгорликларни, табиатини акс эттириши лозим. Фотосуратлар ва чизмалар рақамланиши, номланиши ва имзоланиши керак.
- сафар ҳудудининг маршрут кўрсатилган, захира йўл қайд этилган, йўналишлар белгиланган, тунаш жойлари таъкидланган, тўсиқ ва мўлжаллар акс этган, асосий нуқталар фотосуратлар воситасида тасвирланган харитаси. Харита сафарнинг оғир участкалари ва уларни ўтиш йўллари акс эттиради.

3. Ҳисоботни тайёрлаш.

Ҳисобот машинка ёки компьютерда (1,5 интервалда) теририлиши, иловалари билан рақамланиши ва муқоваланиши шарт. Ҳисоботнинг умумий ҳажми одатда 100 саҳифагача бўлади, жумладан матн – 50 саҳифагача. Ҳисобот сарлавҳали титул varaғига, бўлимлар, фотосуратлар, харита (схема)лар

кўрсатилган мундарижасига эга бўлиши шарт. Муқованинг ички томонига харита ва ҳужжатлар учун конверт елимланади.

ТУР- 1 шаклидаги Туристлик йўлланмасининг юза томони

ТУР -1 намунавий шакл ЎР Молия вазирлиги 2008 й.тасдиқлаган № 16-00-30-19 ТУРИСТЛИК ЙЎЛЛАНМАСИ № _____ Сотувчи-ташкилот МЧЖ « Шердор», 700000, Самарқанд, Ҳамза кучаси, 32 , тел/факс (095) 963-45-30, Лицензия № 011264 ТУР: _____ _____ Тур номи, ОКУН, квалификатор бўйича коди, сертификат рақами Ҳаридор: _____ Юридик шахс _____ _____ Номи, раҳбар исми-фамилияси, ҳуқуқий _____ Банк реквизитлари, тел/факс, офис манзили Жисмоний шахс _____ _____ Исми-шарифи, ОП, ОЗП маълумотлари, манзили, тел. (хизмат, уй) Туристлар рўйхати _____ _____ Исми-шарифи, ОП, ОЗП маълумотлари, манзили, тел. (хизмат, уй) Гуруҳ раҳбари мавжудлиги _____ Сафар муддати: «____» _____дан «____» _____гача Сафар маршрути ва мамлакати (жойи): _____ Маршрут бошланиши (ЎРшаҳри, а/п, т/т, авт, сув йўли, денгиз, жўнаш бекати) _____ _____ Тўхташ манзиллари _____ Маршрут якуни (ЎР шаҳри, а/п, т/т, авт, сув йўли, денгиз, қайтиш бекати) _____ Хизматлар жамламаси: катег. йўл, чипта _____, меҳмонхона _____, номер _____, овқатл. _____ виза _____, суғурта _____, трансфер _____ Экскурсия дастури _____ _____ Микдори, транспорт воситаси Қўшимча тўланган хизматлар _____сўм _____ Номи Йўлланма нархи _____ _____ Сумма сўз билан	МЧЖ « Шердор», № _____ Туристлик йўлланмасининг ЙИРТИЛАДИГАН ТАЛОНИ ТУР _____ _____ Тур номи Ҳаридор _____ _____ Номи, юридик шахслар _____ _____ Учун раҳбар исми-шарифи, жисмоний шахслар учун ОП маълумоти, манзили, телефони _____ Сафар муддати _____ «____» _____дан «____» _____гача Туристлар рўйхати _____ _____ Исми-шарифи _____ Ҳақи тўланган хизматлар _____ _____ Тўлик санаб чиқилади _____ Йўлланма нархи _____ _____ Сумма сўз билан ёзилади _____сўм Сотувчи _____ Мухр ўрни. Туристлик хизматлари шарти билан танишдим ва розиман. Ҳаридор _____ Мухр ўрни (ташкilotучун) Сотиш санаси «____» 200 ____ йил
--	---

ТУР – 1 шаклидаги Туристлик йўлланмасининг орқа томони

Йиртиладиган талонга сайёҳларнинг тўлиқ рўйхати (шу йўлланма бўйича сафарга чиқадиган 5 ва ундан ортиқ кишилар учун) илова қилинади. «Хақи тўланган хизматлар» бандида амалда ҳаридор тўловини амалга оширган хизматларнинг тўлиқ рўйхати қўшимча хизматлар билан кўрсатилади. «Йўлланма нархи» бандида пул мажбурияти сумда тўланиши, хорижий валюта қимматига мос ривишдаги шартли бирликда тўланиши назарда тутилиши мумкин. Мазкур йиртиладиган талон «Тўланган» муҳри билан ҳаридор Туристлик йўлланмасини нахд пул тўлови билан ҳарид қилганлигининг далилини тасдиқлайди. Ушбу Туристлик йўлланмаси Нахд пулсиз ҳарид қилинганда «Йўлланма нархи» бандида кўчирма тўлов варақасининг рақами ва санаси кайд этилади.	Мазкур Туристлик йўлланмаси томонлар 200 ____ « ____ » узаро тузишган № ____ шартнома талаблари асосида тузилмоқда. Ушбу Туристлик йўлланмасининг ажралмас қисми сифатида қуйидагилар илова қилинади: - сайёҳларнинг тўлиқ рўйхати (5 ва ундан ортиқ кишилар учун) ҳар бири учун «Сайёҳлар рўйхати» бандидаги маълумотлар тўлдирилади; -маршрутда хизмат кўрсатиш дастури; -хизмат кўрсатиш дастурига мувофиқ хизматлар ваучери; -хавф-хатар омиллари тўғрисида маълумотнома ва сафар қоидалари тавсияномаси (маълумот варақаси) Босмахона усули билан тайёрланганда Туристлик йўлланмаси номерланади. Йўлланма бланклари қўлда номерланиши мумкин. Туристлик йўлланмаси тўлдирилганда қуйдаги қисқарма ва шартли белгилар ишлатилади: УП – умумий фуқаролик паспорти, ОДН (SGL) –бир ўринли номерда жойлашиш УЧЭП – умумий чет эл паспорти; ДВМ (DBL) – икки ўринли номерда жойлашиш - ТП – тўлиқ пансион (нонуста, тушлик, ТРМ (TRP) –уч ўринли номерда жойлашиш кечки овқат) ЯП – ярим пансион (2 марта овқатланиш) Бошқа қисқартмалар ишлатилмайди. «Проездной билет категорияси» бандини тўлдиришда транспорт хизмати қўллайдиган қисқартмалардан фойдаланилади. «Меҳмонхона» бандини тўлдиришда сайёҳларни жойлаштириш бўйича тегишли мамлакат (жой) классификация тизимлари, воситалари кўрсатилади. «Гуруҳ раҳбари борлиги», «Виза», «Суғурта», «Трансфер» бандларини тўлдиришда «Ха», «Йўк» белгилари қўлланилади. Маршрутдаги тўхташ жойларида хизмат кўрсатилиши ваучерларини ____ дона қўлимга фойдаланиш учун олдим, Туристлик хизмати шартлари, мамлакат (жой)даги тартиб-қоидалар, ўзига хосликлар билан, ушбу йўлланмани сотиб олмасдан туриб, танишиб чиқдим ва рози бўлди. Ҳаридор ____ / ____ И, Ш, О. ____ / Муҳр ўрни (ташкilotлар учун)
---	--

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Т.:Ўзбекистон.1999.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.Ўзбекистон, 1997 .
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон.1993.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк Ипак Йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони. // «Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 3 июнь.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори. // «Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 4 июнь
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» ги Қарори. // «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 9 август
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида» ги Фармони. // «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 1 август.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонун // «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 14 сентябр.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги Қарори. // «Халқ сўзи» газетаси, 2003 й 12 ноябр
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори. // «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 18 апрел
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори. // «Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил 22 май
- 14.Александрова А.Ю. Международный туризм. Учебное пособие для ВУЗов.- М: Аспект Пресс, 2001г.
- 15.Агзамов.С, Т.Тошмуродов. Менежмент международного туризма. –Т.: ТГЭУ, 1996, 198 с.
- 16.Алиева М.Т., Умаржонов А. Туристлик мамлакатлар иқтисодиёти.-Т.: Молия 2005, -339 бет.

17. Балабанов И.Т., Балабанов.А.И. «Экономика туризма»- М.: Финансы и статистика, 2004 – 176 ст.
18. Богданов Е.И. Планирование на предприятии туризма /Учебное пособие СПб.: Изд.д. «Бизнес- пресс» 2005
19. Ефремова М.В. «Основы технологии туристского бизнеса», Учебное пособие. – М.: Издательство «Ось-89», 2001.
20. Кабушкин.Н.Н. Менеджмент туризма. -М.: Новое знание 2005 год.
21. Камилова Ф.К. – «Халқаро туризм бозори»// Т.: ТДИУ-2001
22. Квартальнов В.А Менеджмент туризма: Экономика туризма. М.: Финансы и статистика 2004 г.
23. Квартальнов В.А. Туризм. – М., Финансы и статистика 2004.
24. Қудратов Ғ.Х., Тухлиев И.С. «Туризм иқтисодиёти». Услубий қўлланма. СамИСИ, С.: 2007 й.
25. Мирзаев М.А. «Туризм асослари». Маърузалар матни Т.: 2005
26. Пардаев М.Қ. «Турзим асослари» (Маърузалар матни) Самарқанд 2006 й.
27. Тухлиев И.С. «Туризм асослари». Услубий қўлланма. СамИСИ, С.: 2008 й.
28. Тухлиев И.С. «Туризм асослари» иккинчи нашри. Услубий қўлланма. СамИСИ, С.: 2009 й.
29. Тухлиев И.С. «Туризмда стратегик маркетинг» Ўқуқ қўлланма СамИСИ, С.: 2010.
30. Тухлиев Н., Абдуллаева .Т. «Формальности в системе туризма Республики Узбекистан» - Т: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2007 .
31. Тухлиев Н., др. «Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана» Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 г.
32. Тухлиев Н., др. «Национальные модели развития туризма» Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 г.
33. Ҳамидов О.Х. «Транспорт сервисини ташкил қилиш» Услубий қўлланма Т.: 2007. ТДИУ
34. Хасанова Л.Г. «Основы туризма». Учебно-методический комплекс по дисциплине . – Т.: 2006
35. Ходиев ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти мустақиллик йилларида. Илмий оммабоп рисола- Т: Иқтисодиёт, 2007 й
36. Чудновский А.Д. Туризм и гостиничное хозяйство М.: ЮРКИНГА. 2005
37. Яковлев.Г.А Экономика и статистика туризма. Учебное пособие. М.: Изд. 2005 - 368 ст.

Қўшимча адабиётлар:

38. Биржаков М.Б. Введение в туризм. С.Пб.: Издательский Торговый Дом «Герда», 2006.
39. Назарова. Г.Г. ва бошқалар Туризм ҳуқуқи. –Тошкент. Талқин, 2003.
40. Интернет сайтлари:
 - www.interunion.ru – туристские ассоциации
 - www.world-tourism.org – Всемирная туристская организация
 - www.wttc.org – Всемирный Совет по путешествиям и туризму
 - <http://www.wto-marketing.ru> – сайт ВТО

- <http://www.tourism.uz/>
- <http://www.tour.uz/>
- <http://www.advantour.com/rus/>
- <http://www.tours.ru/country/uz/>
- <http://www.tours.ru/films/db/default.asp>
- <http://uza.uz/ru/business/3405/>
- <http://uza.uz/ru/documents/3403/>
- www.ftk.cc.uz
- <http://lex.uz/uz/doc/act2008-07.html>
- <http://ftk.cc.uz/index.phtml>

Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти
Институт босмахонаси,
Шохрух кўчаси, 60

Буюртма № ____
Ҳажми 17 б.т.
Адади ____ нусха

